# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

*2010 йилдан нашр этила бошлаган*

*Йилда тўрт марта чиқади*

**2021 йил, 1(48)-сон**

**Бош муҳаррир**

**Хатамов Рустам Абдуганиевич,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи.

**Масъул муҳаррир**

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич,** ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

**Масъул котиб**

**Эргашев Бахтиёр Қосимович,** ИИВ Академияси Таҳририят-ноширлик бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

**Таҳрир ҳайъат аъзолари**

**Турсунов Ахтам Саломович,** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Исмаилов Исамиддин,** жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

**Абдурасулова Қумриниса Раимкуловна**, криминология кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна,** жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Камалов Ойбек Ахматович,** сиртқи таълим факультети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

**Хамдамов Абдували Ахмедович,** тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Пулатов Бахтиёр Халилович,** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

**Кабилов Шариф Рахимович**, криминология кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди, профессор;

**Бердиқулов Сирожжон Насипқулович**, жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Нигматов Руфтулло Олимджонович,** Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент;

**Қодиров Умиджон Абдимуратович**, Илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

**Ушбу сон муҳаррирлари**

И. В. Солохина, М. Э. Султонова,
И. И. Ҳувайтов, А. М. Курганов

**Дизайнер ва саҳифаловчи** М. Р. Ўринов

**Таъсисчи**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили**:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.
http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii
e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Муаллиф мақолада келтирилган далил ва маълумотлар учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бичими 60×84 1/8. Нашр табағи 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй.

Баҳоси келишилган нархда.
Босишга рухсат этилди 14.07.2021.

Буюртма № ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.

# ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*Издается с 2010 года*

*Выходит четыре раза в год*

**2021 год, №1(48)**

**Главный редактор**

**Хатамов Рустам Абдуганиевич,** начальник Академии МВД Республики Узбекистан

**Ответственный редактор**

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич,** первый заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

**Ответственный секретарь**

**Эргашев Бахтиёр Косимович,** исполняющий обязанности начальника Редакционно-издательского отдела Академии МВД

**Редакционная коллегия**

**Турсунов Ахтам Саломович,** профессор кафедры профилактики правонарушений Академии МВД, доктор юридических наук;

**Исмаилов Исамиддин,** начальник кафедры обеспечения общественного порядка и безопасности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна,** профессор кафедры криминологии Академии МВД, доктор юридических наук;

**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна,** профессор кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД, доктор юридических наук;

**Камалов Ойбек Ахматович,** начальник факультета заочного обучения Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Хамдамов Абдували Ахмедович,** профессор кафедры оперативно-розыской деятельности Академии МВД, доктор юридических наук;

**Пулатов Бахтиёр Халилович,** профессор Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук;

**Кабилов Шариф Рахимович,** профессор кафедры криминологии Академии МВД, кандидат экономических наук;

**Бердикулов Сирожжон Насипкулович,** профессор кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД, доктор философских наук;

**Нигматов Руфтулло Олимджонович,** проректор по учебной и воспитательной работе Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана, доктор философских наук, доцент;

**Кодиров Умиджон Абдимуратович,** начальник отдела координации научно-исследовательской работы Академии МВД, кандидат юридических наук, доцент.

**Редакторы номера**

И. В. Солохина, М. Э. Султонова,
И. И. Хувайтов, А. М. Курганов

**Дизайн и верстка** М. Р. Уринов

**Учредитель**

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

**Адрес редакции**

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.
http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii
e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет подготовлен в Редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Автор несет личную ответственность за факты и сведения, приведенные в статье.

Формат 60×84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print», г.Ташкент, ул. Уста Ширин, проезд 1, д. 254.

Цена договорная.
Подписано в печать 14.07.2021.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2021.

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

### ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

### ДЕМОКРАТИЧЕСКОЕ ГОСУДАРСТВО И ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО

***Азизов Н. П., Қодиров У. А.*** Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш – тараққиёт омили.....5
***Джавакова К. В***. Государственная политика Узбекистана в области межнациональных отношений.....11

### МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

### АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО, ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

***Селиманова С. М., Курбанова Э. А.*** Совершенствование административной ответственности за реализацию алкогольной и табачной продукции лицам, не достигшим определенного возраста.....18
***Файзиев О.Р.*** Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари: зарурати ва аҳамияти.....24
***Саиткулов Қ. А.*** Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси модели.....33
***Жумаев Ф. П.*** Причины и условия совершения преступлений в бытовой сфере.....39
***Исамутдинов Р. Р.*** «Хавфсиз маҳалла» концепциясини жорий қилишда «хавфсиз хонадон» мезонининг ўрни ва роли.....43
***Шарипов С. С.*** Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятини бошқаришнинг моҳияти.....48

### ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

### УГОЛОВНОЕ И УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

***Шодиев А. А.*** Ўзбекистонда ислоҳотлар даврида маҳкумлар ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши.....56
***Расулев А. К., Саъдуллаев Г. А.*** Кибер жиноятчилик ва ахборот хавфсизлиги: кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари.....61
***Усмонов Д. М.*** Шартли ҳукмни қўллашда маҳкумга юклатиладиган мажбуриятларнинг ўрни.....67
***Мухиддинов А. Ҳ.*** Ўзини ўзи ўлдириш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш тушунчаси, тарихи ва бугунги ҳолати.....72
***Шамшиев Ж. А.*** Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг ривожланиш тарихи ва такомиллаштириш масалалари.....78

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ВА КРИМИНАЛИСТИКА

### УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС И КРИМИНАЛИСТИКА

***Хўжақулов С. Б.*** Жиноят процессида исботлаш предметини аниқлаштириш билан боғлиқ муаммолар.....84

***Қўлдошев М. Ў.*** Терговчилар тайёрлашда мутахассислик ҳамда ҳуқуқшунослик фанларининг роли ва аҳамияти.....89
***Кадиров Ф. Ф.*** Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда процессуал ҳаракатлар тизимининг аҳамияти.....94
***Есимбетова Б. Е.*** Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар.....101
***Цурлуй О. Ю., Мещеряков В.А.*** Современное состояние и перспективы развития габитоскопии и портретной экспертизы в России.....105
***Кудрявцев Ю. С.*** Компетентность эксперта: вопросы теории и практики.....110
***Пошвин А. Л.*** Проблемы определения пригодности электрофотографических копий рукописных текстов и подписей при производстве почерковедческой экспертизы .....115
***Нурумбетова С. А.*** Суд-экспертлик фаолиятини ахборотлаштириш зарурати.....120

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

## ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО

***Юлдашев Дж. Х.*** Натурализация асосида фуқаролик олган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги дифференциал ёндашувлар таҳлили.....125
***Камалов О. А., Қулдашев Н. А.*** Ички ишлар органларининг деликт мажбурият муносабатларидаги иштирокини такомиллаштириш.....130
***Топилдиев В. Р.*** Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида таъсис шартномаларининг тутган ўрни.....139

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

## МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

***Тураева Д. Р.*** Одил судловни амалга оширишда муқобил усуллардан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси.....145
***Расулев У. Э., Баратов К. К.*** Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим вазифаси: хориж тажрибаси ҳамда ҳамкорлик.....150
***Алиев Ш. Х.*** Жиноятлар профилактикасининг хориж тажрибаси…….....156

## ЁШ ОЛИМЛАР МИНБАРИ

## ТРИБУНА МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ

***Ўринкулов О. Н., Худойбердиев Р. Ф.*** Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари.....161
***Алимов М. М.*** Тингловчи ва курсантларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муаммо ва ечимлар.....168
***Бурханов Б. Б.*** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсант (тингловчи) ларининг мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда китобхонликнинг аҳамияти.....174

***Н. П. Азизов****
***У. А. Қодиров*****

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** давлат, жамият, ҳокимият, тараққиёт, бошқарув, такомиллаштириш, ислоҳ қилиш.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОСТРОЕНИЯ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА – ФАКТОР ПРОГРЕССА

**Аннотация.** В статье речь идёт о реформах, осуществляемых в сфере совершенствования построения в Узбекистане государства и общества, коренного реформирования системы государственного управления.

**Ключевые слова:** государство, общество, власть, прогресс, управление, совершенствование, реформирование.

## IMPROVEMENT OF BUILDING STATE AND SOCIETY IS A FACTOR OF DEVELOPMENT

**Annotation.** The article deals with the reforms being carried out in the sphere of improvement of building state and society in Uzbekistan, radically reformation of the system of public administration.

**Keywords:** state, society, government, development, administration, improvement, reformation.

Бундан беш йил муқаддам эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган қоидалар ва вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ўз самарасини бермоқда. Шунинг натижасида Ўзбекистон қатор халқаро индексларда юқори кўрсаткичларни намоён эта олди. Жумладан, **Ўзбекистон «Очиқ маълумотларни кузатиш» халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошкор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани ўта муҳимдир[1].**

Жамият ва давлат бошқарувида ўтказилаётган беқиёс даражадаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган ***«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»,*** – деган ғоя ташкил этди.

****Азизов Ниғмон Пардаевич,** *юридик фанлари доктори, профессор.*

*****Қодиров Умиджон Абдимуратович,** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент.*

Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари»га бағишланган биринчи бўлими бир-бири билан узвий боғлиқ кенг қамровли учта катта гуруҳдан иборат вазифалардан иборат. Булар – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳозирги демократик жамият халқ ҳокимиятчилиги принципларини изчил жорий этиш, жамият сиёсий ҳаётида фуқаролар, халқ оммасининг кенг иштирокини таъминлаш, сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш орқали ривожланиши мумкинлигини илғор давлатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Маълумки, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш самарали қонунчилик тизимининг яратилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, мамлакат парламенти – Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш масаласи Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим йўналиши этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида парламент ва сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилди. Олий Мажлис депутат ва сенаторлари эндиликда киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш билан чекланиб қолмайдилар. Аксинча, улар бевосита жойларга бориб, халқнинг турмуш даражасидан хабар оладилар, уларни қийнаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этишда иштирок этадилар. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасида «Ҳукумат соати» амалиёти йўлга қўйилиб, ҳар икки палатада Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар вужудга келди. Қолаверса, халқнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини аниқлаш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Парламент фақат қонунларни қабул қилиш билан чекланмайди. Шу билан бирга, у мазкур қонунларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилади. Жумладан, 2020 йил 27 февраль куни Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди ва унинг регламенти тасдиқланди.

Парламент комиссияси Барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш, мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш, ҳукумат ҳузурида ташкил этилган тегишли Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва масъул тузилмаларнинг даврий ҳисоботларини эшитиш, ушбу мақсадларнинг амалга оширилишини миллий ҳамда ҳудудий даражада ўрганиб бориш, ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликни янада такомиллаштириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланади.

2020 йил давомида Комиссия томонидан 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларидан 8 тасининг амалга оширилишини ўрганиш назарда тутилмоқда. Бунда 6600 дан ортиқ маҳаллий Кенгашлар депутатларининг салоҳиятидан фойдаланилади[2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. 2020 йилнинг 12 март куни Ўзбекистоннинг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Латвия, Польша, Туркия, Франция, Грециядаги элчиларининг ҳисоботлари эшитилди.

Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларга масъул этиб бириктирилиб, маҳаллий Кенгашларда «сенаторлар хоналари» ташкил этилди.

Ҳозирги давр жамиятнинг ҳар бир аъзоси, гуруҳ ва табақаларининг эҳтиёжлари, талаб ва истакларини қонунчилик органи томонидан ўз вақтида англаниши ҳамда қонун ижодкорлигида самарали қўлланишини талаб қилмоқда. Шу сабабли, қонун ижодкорлиги фаолиятида ижтимоий фикрни ўрганиш натижаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган (.2017 йил 23 декабрь) Мурожаатномасида фуқаролар давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрини билдириши учун Интернет тармоғида «Mening fikrim» махсус веб-порталини ташкил этиш, демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ этиш, бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган ташаббусларни Олий Мажлис ёки халқ депутатлари Кенгашларида, албатта, кўриб чиқиш тартибини жорий этиш таклиф этилди[3].

Натижада, «Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар портали ишга туширилди. Фуқароларга Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Электрон жамоавий мурожаат бериш имконияти яратилди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. «Mening fikrim» жамоавий мурожаатлар портали ишга тушганидан буён ўтган даврда 440 та жамоавий мурожаатлар эълон қилинган[4].

Давлат органлари томонидан илгари сурилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлиги тасарруфидаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур порталга 8000 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан 557 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 242 та фармон, 681 та қарори лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2380 та қарори лойиҳалари муҳокамага қўйилган бўлса, уларга 35 000 га яқин таклифлар билдирилган[5].

Бугунги кунда Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг тахминан 40 %ни, 30 ёшгача бўлганлар эса – 64 %ни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, ёшларни жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида кенг миқёсда жалб этилишини тақозо этади. Ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ёшлар парламенти» тузилди ҳамда 2020 йилнинг 29 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўртасида «Ёшлар парламенти» фаолиятига кўмаклашиш тўғрисидаги Ҳамкорлик битими имзоланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, жамиятда ёшларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини амалда бойитиш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини ошириш «Ёшлар парламенти»нинг мақсади этиб белгиланди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ***давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш*** масаласи устувор аҳамият касб этади. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, ўз навбатида: давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш; давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва

давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш; мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш; «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш; давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фойдаланиш имкониятини оширишни тақозо этади[6].

Ҳаракатлар стратегияси ва унинг доирасидаги Давлат дастурлари асосида ўтган давр мобайнида Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, Парламент ва маҳаллий ҳокимият органларининг давлат бошқарувини ташкил этишдаги роли сезиларли равишда кучайиб, ижро ҳокимиятини трансформация қилиш жараёнлари жадал амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида халқ билан мулоқот қилишнинг «қайта алоқа» воситаларини кенг жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур дастурга мувофиқ Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этишда кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиётини йўлга қўйиш, ижтимоий тармоқларда Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича аҳоли фикрини ўрганиш учун махсус саҳифалар очиш, ҳокимларнинг тадбиркорликка оид қарорларини Ҳукумат томонидан мониторинг қилиб бориш ва унинг натижалари юзасидан тегишли чоралар кўриш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 14 апрель 219-сон қарори қабул қилиниб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий дастурларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишиш тартиби жорий этилди.

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонаси ахборот тизими – «business.gov.uz» Ягона интерактив порталини моддий-техник жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрель 214-ф-сон фармойиши қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ портални модернизация қилиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш, тизим ва мобиль илованинг талабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўтказилган ўрганишлар асосида талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, давлат хизматлари кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва самарали тизим жорий этилди. Яъни Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, 2018 йилда 37 турдаги давлат хизматларини кўрсатган бўлса, 2019 йилга келиб улар сони 130 тага етди. 2020 йилдан бошлаб Марказлар орқали 150 та давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Давлат бошқарувини бюрократиядан ҳоли қилиш ва унинг сарф-харажатларини камайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш мақсадида, номарказлаштириш жараёни асосида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 та алоҳида функция ва ваколатлари тегишли

давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 28 турдаги маълумотнома – ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиш амалиёти бекор қилинди[7].

Давлат бошқаруви тизимининг изчил ислоҳ этилиши халқимизнинг давлат бошқаруви органларига бўлган ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Ўзбекистонда давлат ва жамоатчилик бошқаруви уйғунликда амалга оширилиши натижасида жамият олдида турган вазифалар самарали ҳал этилади, мамлакатимизнинг жаҳонҳамжамиятигаинтеграциясиюксалади.Ҳаракатларстратегиясидаўзининг мужассам ифодасини топган, ***жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш – қуйидаги устувор йўналишларда олиб борилади:*** халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш; оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш[8].

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омили бўлиб, бугунги кунда унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 йил) қонуни, фуқароларга давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори», деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда». Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мутлақо янги бўлган мазкур ғояни амалда рўёбга чиқариш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан қуйидагилар белгиланди:

• Жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 50 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади;

• Жамоатчилик палатаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тақдим этади;

• Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзолари ҳар бир давлат органининг очиқ ҳайъат мажлисида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида, «Ҳукумат соати»да, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари мажлисларида иштирок этишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати тамойилининг босқичма-босқич изчиллик билан жорий этилиши натижасида давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқароларга ўз фаолиятлари юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ҳисобот бериш тизими яратилди. Давлат хизматчиларининг энг чекка ҳудудларгача бориб, уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганаётгани, «электрон ҳукумат» шаклланаётгани, жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш бўйича қонунчиликнинг такомиллаштирилиши мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳаракатланувчи куч сифатида хизмат қилади.

Давлат раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан жорий этилган Ўзбекистонни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш, дунёнинг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши асосий мақсад этиб белгиланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» мамлакатнинг яқин истиқболдаги тараққиёт йўлининг бош устувор ҳужжати сифатида халқаро жамоатчилик, нуфузли эксперт-мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар томонидан юқори баҳоланди[9].

Жумладан, ***Германия Федератив Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гюнтер Оверфельд Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида шундай фикр билдирди:*** Ўйлашимча, 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси 2017 йилдан буён Ўзбекистон тараққиётига, жумладан иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ тизими, давлат бошқаруви, шунингдек, фуқаролик жамияти каби мамлакат ривожи учун муҳим бўлган соҳаларга чуқур таъсир кўрсатиб келмоқда.

***ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори Жон Макгрегор*** эса: Ўзбекистон Президенти кўп бора таъкидлаб ўтганидек, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак. Ҳаракатлар стратегияси эса инсонларга ёрдам бериш, янги иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутади. Давлат раҳбари мазкур ҳужжат қабул қилиниши ҳақида эълон қилганида, бу, ўз навбатида, нафақат аҳоли фаровонлиги, балки иқтисодий ўсишга ҳам олиб келишини айтиб ўтган эди. Ва, биз қисқа вақт ичида бу гаплар исботини амалда кўрдик, дейди.

***Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Андреа Бертоцси шундай деб таъкидлайди:*** 2016 йил охирида Ўзбекистонга келганимдан буён мамлакатда содир бўлаётган барча ўзгаришларга гувоҳ бўлиб келмоқдаман. Уларнинг аксарияти Ҳаракатлар стратегияси билан боғлиқ. Мен бешта устувор йўналиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолайман. Кузатувларимиз натижасида биз шундай тўхтамга келдикки, давлат халқ фаровонлиги йўлида тўғри йўналишда ҳаракатланмоқда.

Шундай қилиб, давлат ва жамият қурилишини мунтазам равишда, изчиллик билан босқичма-босқич такомиллаштириш, Ўзбекистонимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ривожланишига, халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳоли талаб ва истакларини рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.https: //uza. uz., 30.12.2020.
2. https://strategy.uz/index.php?news=1071
3. http://portal.akd/files/ Prezident/2017-12-23_ Poslaniye%20 Sh.M.%20Mirziyoyeva%20 Oliy% 20 Majlisu_uzb.pdf
4. https://strategy.uz/index.php?news=1194
5. https://strategy.uz/index.php?news=1194
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони// https://lex.uz/ docs/ 3107036
7. https://strategy.uz/index.php?news=1229
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони// https://lex.uz/ docs/ 3107036
9. https://strategy.uz/index.php?news=943

*К. В. Джавакова**

# ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация.** В статье раскрывается сущность и значимость государственной политики Узбекистана в области межнациональных отношений, сформированной законодательной базы, а также анализируются новые задачи, требующие своего решения в сфере межнациональных отношений и дальнейшего развития дружественных связей с зарубежными странами.

**Ключевые слова:** демократия, нация, Конституция, толерантность, гуманизм, государственная политика в сфере межнациональных отношений.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти, шаклланган қонунчилик базаси очиб берилган, шунингдек миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни янада ривожлантириш соҳасида ҳал этилиши талаб қилинадиган янги вазифалар таҳлил қилинган.

**Таянч сузлар:** демократия, миллат, Конституция, бағрикенглик, инсонпарварлик, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати.

## GOVERNMENTAL POLICY OF UZBEKISTAN IN THE SPHERE OF INTERNATIONAL RELATIONS

**Annotation.** The article reveals the essence and significance of the state policy of Uzbekistan in the field of interethnic relations, the formed legislative base, and also analyzes new tasks that require their solution in the field of interethnic relations and the further development of friendly relations with foreign countries.

**Key words**: democracy, nation, Constitution, tolerance, humanism, state policy in the field of interethnic relations.

Сегодня на фоне глубоких социально-экономических и политических изменений во всем мире, возрастания противоборства в информационном и киберпространстве обостряются противоречия культурно-гуманитарного характера, в некоторых странах растет количество проявлений устойчивой неприязни и нетерпимости к другой культуре, образу жизни, языку, верованиям – вплоть до неприкрытой вражды, военных конфликтов и даже актов терроризма. По официальным научным данным, на нашей планете проживает от 2 до 4 тысяч народностей и народов. Усиление же негативных тенденций повышает значимость проводимой государственной политики нашей страны в области межнациональных отношений.

Годы независимости открыли новый этап в межнациональных отношениях в нашей стране. Развитие культуры толерантности и гуманизма, укрепление межнационального и межконфессионального взаимопонимания и согласия, воспитание на этой основе молодого поколения является в Узбекистане одним из важнейших приоритетов государственной политики.

***Джавакова Каринэ Владимировна,** *начальник кафедры «Теория и практика прав человека» Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философских наук, профессор.*

В качестве одного из ключевых направлений Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах обозначено обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики[2].

Важно отметить, что это не просто приоритеты, а реальные действия по созданию и воспитанию толерантного общества, основанного на принципах равенства и культурного многообразия. Еще в Коране написано, что «многообразие должно содействовать общечеловеческой солидарности, гармонии и взаимному обогащению»[3].

Да, действительно, большинство жителей республики исповедует ислам, но это не влияет на межчеловеческие отношения. Сформирована законодательная база, обеспечивающая равенство прав и возможностей. Так, в ст. 18 Конституции Узбекистана закреплено, что все граждане независимо от их национальности, языка и религии имеют равные права и свободы. Созданы условия для сохранения и всестороннего развития традиций и обычаев народов, проживающих в республике, условия для правового равенства, экономической и общественной свободы всех граждан независимо от их национальности и религиозной принадлежности. На основе Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами» в мае 2017 года на базе Республиканского интернационального культурного центра и Совета обществ дружбы и культурно-просветительских связей Узбекистана с зарубежными странами был образован Комитет по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан для последовательного осуществления государственной политики, направленной на обеспечение стабильного гражданского согласия, мира и взаимопонимания между представителями разных национальностей[4]. Важно отметить, что Комитет последовательно проводит свою деятельность, которая выражается в конкретных делах. В частности, в 2017-2020 годах Комитетом с участием национальных культурных центров по республике проведено 7912 мероприятий, среди которых: 351 научно-практических конференций и семинаров, 1710 круглых столов, 1108 выставок, 2735 музыкально-художественных вечеров и концертов, 1982 встречи, 14 форумов, 12 международных конференций. Последовательность работы по развитию этнических особенностей в сфере межнациональных отношений, всесторонней поддержке деятельности национальных культурных центров и обществ дружбы отражается в том, что за последние три года Комитетом подготовлено 23 концептуальных документа, направленных на развитие межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами. Среди них принятые три указа Президента Республики Узбекистан, три постановления Президента Республики Узбекистан, десять постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан[5].

Одной из задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 г. является «создание равных возможностей для развития языков всех наций и национальностей, проживающих на территории нашей страны»[6].

Единой семьей живут представители более 130 наций и народностей, а также представители около 2250 организаций, принадлежащих к 16 религиозным конфессиям. Учебные заведения, специализирующиеся на религиозном образовании, в том числе Международная Исламская Академия, медресе, исламские средние специальные учебные заведения и христианские семинарии, готовят высококвалифицированных специалистов в области религии. Представители разных национальностей и этнических

групп прилагают все усилия, чтобы изучить их родной язык, национальные ценности, историю и культуру, передать их молодежи, продвигать идеи межэтнического согласия и терпимости. Действуют 147 национально-культурных центров и 38 обществ дружбы[7]. Они самоотверженно трудятся во всех сферах и отраслях и вносят достойный вклад в процветание нашего общего дома – Узбекистана. 99,8 процента узбекистанцев считают самым ценным достоянием независимости страны – мир и стабильность, межнациональное и гражданское согласие (По результатам мониторинговых исследований Центра изучения общественного мнения).

Все это имеет исторические корни. Испокон веков территория Центральной Азии, в частности Узбекистана, была многонациональной, здесь сосуществовали представители разных национальностей, языков и культур. Исследователи утверждают, что «этническая толерантность населения современного Узбекистана – явление, имеющее древние корни. По этой территории проходил Великий шелковый путь международной торговли между Востоком и Западом, что изначально создавало разнообразный этнический состав населения»[8]. Сосуществование на нашей древней земле на протяжении многих веков различных этносов, культур и вероисповеданий определило и конфессиональную терпимость узбекского народа.

Сегодня во внутренней и внешней политике Нового Узбекистана, который движется от национального возрождения к национальному прогрессу, происходят радикальные изменения, реформы, которые являются основой Третьего Ренессанса. По мнению национальных и зарубежных экспертов, самой значимой инициативой Президента Ш. Мирзиёева признано налаживание добрососедских отношений, открытие границ и создание пропускных пунктов, установление конструктивного диалога со странами Центральной Азии по всем без исключения вопросам. Благодаря нашей политике, основанной на добрососедстве и конструктивном диалоге, в Центральной Азии сформировалась совершенно новая дружественная среда[9]. В Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Парламенту от 24 января 2020 года было предложено установить в Узбекистане 30 июля как «День дружбы народов». Именно эта дата резолюцией Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций ежегодно широко отмечается как Международный день дружбы. Главная цель установления праздника Дня дружбы народов и всенародного единства – укрепление солидарности, толерантности, межнационального согласия и дальнейшее развитие дружественных отношений между людьми, народами, государствами, различными слоями и структурами общества.

Кроме того, Закон Республики Узбекистан «Об установлении Дня дружбы народов» воплощает идеи толерантности и вечной дружбы, свойственные нашему народу. На основании Указа Президента Республики Узбекистан от 4 мая 2018 года в центре Республики Каракалпакстан, областных центров и города Ташкента созданы «Дома дружбы». За годы независимости более 120 активистов Республиканского интернационального культурного центра и национальных культурных центров были удостоены почетных званий, награждены орденами и медалями. Следует особо отметить, что 14 представителей разных национальностей – наших граждан были удостоены высокого звания «Герой Узбекистана»[10]. По данным Комитета по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан, только за последние 4 года 30 наших соотечественников были награждены медалями и орденами.

Для того, чтобы люди разных национальностей могли получать образование на родном языке, обучение в учебных заведениях страны ведется на 7 языках: узбекском, каракалпакском, русском, таджикском, казахском, кыргызском и туркменском языках. В высших учебных заведениях есть возможность обучаться на нескольких родственных

и иностранных языках. Практическим воплощением атмосферы межнационального согласия и солидарности в нашей стране является и то, что теле- и радиоканалы транслируются на 12 языках, газеты и журналы издаются более чем на более 10 языках.

Новые условия ставят новые задачи, требующие своего решения в сфере межнациональных отношений и дальнейшего развития дружественных связей с зарубежными странами. Так, 15 ноября 2019 года в соответствии с Указом утверждена Концепция государственной политики Республики Узбекистан в области межнациональных отношений. При этом, основными целями государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений являются: обеспечение одинаковых прав и свобод граждан, их равенства перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения; укрепление единства многонационального народа Узбекистана, уважительного отношения к языкам, находящимся в рамках правового поля обычаям и традициям наций и народностей, создание условий для их полноправного развития; гармонизация межнациональных отношений, укрепление атмосферы дружбы, взаимопонимания, сплоченности, гуманизма и культуры толерантности в обществе; консолидация усилий всех проживающих в республике наций и народностей вокруг благородной идеи — достижение целей укрепления суверенитета и устойчивого развития страны, территориальной целостности государства, их активного участия в процессах формирования сильного и справедливого гражданского общества и демократического правового государства; противодействие возможным проявлениям национализма и шовинизма, недопущение дискриминации и нарушения конституционных прав и свобод граждан по национальному признаку[11].

Немаловажным фактором гармонизации межнациональных и межконфессиональных отношений служит и то, что верующие Узбекистана свободно отмечают религиозные праздники. Широко празднуют Курбан-хайит и Рамазан-хайит мусульмане, Пасху и Рождество — христиане, Пейсах, Пурим и Хануку — иудеи. Отрадно, что жители нашей страны по давней славной традиции встречают в эти дни добрыми словами не только единоверцев, но и представителей других вероисповеданий.

В республике на узбекский язык переведены и изданы Коран, Новый Завет и 16 книг Ветхого Завета. Построены и отреставрированы сотни мечетей, церквей и молельных домов, в том числе православные храмы в Ташкенте, Самарканде и Навои, католический костел в Ташкенте, Армянская апостольская церковь в Самарканде.

Согласно Концепции, определены основные направления государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений: совершенствование механизмов взаимодействия государственных органов и организаций, местных органов исполнительной власти с институтами гражданского общества, в том числе средствами массовой информации, при осуществлении государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений и дальнейшего развития дружественных связей с зарубежными странами; создание дополнительных социально-экономических условий для эффективной реализации государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений и дальнейшего развития дружественных связей с зарубежными странами, сохранение и развитие языка, культуры, традиций и обычаев представителей различных наций и народностей, проживающих в республике; дальнейшее укрепление чувства многонациональной большой семьи в обществе, дружбы и согласия между представителями различных наций и народностей, проживающих в республике, воспитание молодого поколения в духе любви и преданности Родине, обеспечение равноправия граждан, недопущение ущемления их конституционных прав и свобод; развитие международного сотрудничества и дружественных связей с зарубежными странами в целях укрепления межнациональных

отношений, защиту прав, свобод и законных интересов граждан на территории страны и за ее пределами, поддержку соотечественников и осуществление тесного сотрудничества с узбекскими диаспорами за рубежом, повышение авторитета и имиджа Узбекистана на мировой арене; совершенствование организационно-правовых основ межнациональных отношений с учетом приоритетов государственного и общественного развития Республики Узбекистан, передового зарубежного опыта.

С целью осуществления этих задач Комитетом по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами совместно с рядом министерств и ведомств республики 9-16 ноября 2020 года в нашей стране прошла международная неделя толерантности под лозунгом «Просвещение и межнациональная толерантность». В течение недели были проведены брифинги, различные культурно-гуманитарные, духовно-просветительские и научно-практические мероприятия, конкурсы и выставки, рассказывающие о продолжающихся усилиях по содействию межэтническому согласию и религиозной терпимости в нашей стране, а также по содействию дружбе с зарубежными странами.

В структуре Комитета по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан создан Центр научно-прикладных исследований по межнациональным отношениям, основными задачами которого являются: проведение на системной основе научных, в том числе социологических исследований в сфере межнациональных отношений, а также мониторинга развития процессов в данном направлении; подготовка и опубликование научных статей, книг, научно-исследовательских материалов, информационно-аналитических обзоров в сфере межнациональных отношений; организация и проведение научно-теоретических и научно-практических конференций, симпозиумов, семинаров, «круглых столов», лекций и других мероприятий в сфере межнациональных отношений с участием ведущих отечественных и зарубежных ученых, экспертов и специалистов; изучение и анализ зарубежного опыта в решении проблем в сфере межнациональных отношений и выработка предложений по его использованию в условиях Узбекистана; подготовка предложений и рекомендаций по укреплению межнационального согласия, раннему предупреждению и профилактике возможных разногласий и конфликтных ситуаций в обществе на национальной почве, а также противодействию вызовам и угрозам безопасности в данной сфере[12].

Разработаны четкие механизмы реализации государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений и дальнейшего развития дружественных связей с зарубежными странами:

во-первых, в области совершенствования механизмов взаимодействия государственных органов и организаций, местных органов исполнительной власти с институтами гражданского общества, в том числе средствами массовой информации;

во-вторых, в области создания дополнительных социально-экономических условий для эффективной реализации государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений и дальнейшего развития дружественных связей с зарубежными странами, сохранения и развития языка, культуры, традиций и обычаев представителей различных наций и народностей, проживающих в республике;

в-третьих, в сфере дальнейшего укрепления чувства многонациональной большой семьи в обществе, дружбы и согласия между представителями различных наций и народностей, проживающих в республике, воспитания молодого поколения в духе любви и преданности Родине, обеспечения равноправия граждан, недопущения ущемления их конституционных прав и свобод;

в-четвертых, в сфере развития международного сотрудничества и дружественных связей с зарубежными странами в целях укрепления межнациональных отношений,

защиты прав, свобод и законных интересов граждан на территории страны и за ее пределами, поддержки соотечественников и осуществления тесного сотрудничества с узбекскими диаспорами за рубежом, повышения авторитета и имиджа Узбекистана на мировой арене;

в-пятых, в сфере совершенствования организационно-правовых основ межнациональных отношений с учетом приоритетов государственного и общественного развития Республики Узбекистан, передового зарубежного опыта.

Вместе с тем в Концепции отражены меры государственной поддержки и поощрения в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, в зависимости от масштабов и форм сотрудничества национальных культурных центров. К ним относятся – создание необходимых организационных условий для изучения языка, культуры, обычаев и традиций наций и народностей, проживающих на территории Республики Узбекистан, в том числе художественных, театральных коллективов и клубов; предоставление государственных грантов и социальных заказов за счет средств Общественного фонда по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан; содействие в создании молодежных подразделений на базе национальных культурных центров; награждение активистов национальных культурных центров, внесших значительный вклад в развитие Узбекистана, государственными наградами и присвоение им почетных званий и др.

Безусловно, все это будет способствовать вовлечению населения, особенно молодежи, в развитие общества, сохранению языка, культуры, традиций и обычаев разных национальностей, проживающих в республике, приумножению их вклада в процветания страны, дальнейшему укреплению их чувства патриотизма, межэтнического согласия и межконфессиональной толерантности.

Таким образом, в условиях современности этническое и культурное многообразие народов Узбекистана рассматривается как одно из главных достижений независимости, бесценное достояние, которое важно беречь как зеницу ока. Вопросы сохранения и укрепления в обществе атмосферы межнационального согласия и толерантности всегда находились и находятся в центре внимания руководства страны и лично Президента.

В новых же условиях XXI века, когда в мировом сообществе наблюдается проявление агрессии и случаев нетерпимости по отношению к представителям других религий, других рас, других государств, – государственная политика Республики Узбекистан в области межнациональных отношений должна быть выверенной, исключительно прагматичной и носить упреждающий характер.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. *Умаров З.* Приоритетные направления в сфере обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности и осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики // Демократизация и права человека. – 2018. – №1.

2. См.: Рядом с Исламом // Журнал «Восток свыше». Вып. 1. – Т., 2001. – С 51.

3. См.: Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами» от 19 мая 2017 г. // Народное слово. – 2017. – №101 (6765).

4. См.: Международный Форум, посвященный Посланию Президента Узбекистана Posted on 06.02.2021

5. См.: Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 г. // Национальная база данных законодательства, 16.11.2019г., № 6 /19/ 5876/ 4029.

6. См.: В Узбекистане утвержден «День дружбы народов» Posted on 06.02.2021

7. См.: *Лиманов О. Кадыров Б.* Межнациональные и межконфессиональные отношения. – Т., 2006. – С.4.

8. См.: Топ-10 важнейших инициатив Шавката Мирзиёева, имеющих историческое значение (24 июля 2019 г.)

9. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на встрече, посвященной 25-летию образования Республиканского интернационального культурного центра. ( 24.01.17 г.)

10. См.: Концепция государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений от 15 ноября 2019 г. // Национальная база данных законодательства, 16.11.2019 г., № 06/19/5876/4029.

11. См.: Концепция государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений от 15 ноября 2019 г. // Национальная база данных законодательства, 16.11.2019 г., № 06/19/5876/4029

***С. М. Селиманова****
***Э. А. Курбанова*****

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА РЕАЛИЗАЦИЮ АЛКОГОЛЬНОЙ И ТАБАЧНОЙ ПРОДУКЦИИ ЛИЦАМ, НЕ ДОСТИГШИМ ОПРЕДЕЛЕННОГО ВОЗРАСТА

**Аннотация.** В статье рассмотрены актуальные вопросы административной ответственности за распространение среди несовершеннолетних и их вовлечение в употребление табачной продукции по законодательству Республики Узбекистан. Даны предложения и рекомендации по совершенствованию нормативно-правовой базы, предусматривающие введение ответственности за совершение указанных антисоциальных действий.

**Ключевые слова:** несовершеннолетний, административная ответственность, распространение, употребление, табачная продукция.

## АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРНИ МАЪЛУМ ЁШГАЧА БУЛГАН ШАХСЛАРГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** Мақолада вояга етмаганлар ўртасида тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва уларни ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан маъмурий жавобгарликка тортишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади. Ушбу ғайриижтимоий ҳаракатларни амалга ошириш учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилади.

**Таянч сўзлар:** вояга етмаган шахс, маъмурий жавобгарлик, тарқатиш, истеъмол қилиш, тамаки маҳсулоти.

## IMPROVEMENT OF THE ADMINISTRATIVE RESPONSIBILITY FOR THE SALES OF ALCOGOLIC AND TOBACCO PRODUCTS TO PERSONS UNDER A CERTAIN AGE

**Annotation:** The article examines topical issues of administrative responsibility for distribution among minors and their involvement in the use of tobacco products under the legislation of the Republic of Uzbekistan. Proposals and recommendations on improvement of the legal framework providing of introduction of responsibility for the commission of these anti-social actions are elaborated.

**Keywords:** minor, administrative responsibility, distribution, consumption, tobacco products.

Осуществляемые в Республике Узбекистан кардинальные реформы создали условия для дальнейшего развития общественных отношений, усиления гарантий защиты общечеловеческих ценностей, в первую очередь, охраны личности, ее жизни, свободы, чести, достоинства и других неотъемлемых прав.

Административно-правовая охрана несовершеннолетних, защита их законных прав и интересов является одним из основных направлений деятельности нашей

**** Селиманова Светлана Михайловна,** доктор юридических наук, профессор.*

*****Курбанова Эльмира Асадовна,** главный инспектор Международного отдела МВД Республики Узбекистан.*

страны. Она актуальна всегда, а в современных условиях построения правового государства и развитие гражданского общества предполагает реализацию приоритета общечеловеческих ценностей, прежде всего, по охране жизни, здоровья, свободы, чести, достоинства, прав и интересов личности. Исходя из этого, по инициативе главы государства 2021 год объявлен «**Годом поддержки молодежи и укрепления здоровья населения»**[1].

Необходимо отметить, что в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан права несовершеннолетних, нетрудоспособных и одиноких престарелых находятся под защитой. В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» определено понятие несовершеннолетний, под которым понимается лицо, не достигшее возраста восемнадцати лет.

Основными задачами деятельности по профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних являются:

предупреждение безнадзорности, беспризорности несовершеннолетних, совершения ими правонарушений или иных антисоциальных действий, выявление и устранение причин и условий, способствующих им;

обеспечение защиты прав, свобод и законных интересов несовершеннолетних;

формирование законопослушного поведения несовершеннолетних;

социально-педагогическая реабилитация несовершеннолетних и семей, находящихся в социально опасном положении;

выявление и пресечение случаев вовлечения несовершеннолетних в совершение правонарушений или иных антисоциальных действий[2].

Как отмечает профессор И. Исмаилов, «…с каждым годом появляются новые аспекты, которые необходимо анализировать для успешной профилактической работы в области преступности несовершеннолетних. В современных условиях – это, прежде всего, связь преступности несовершеннолетних с вопросами защиты детства и нарушениями прав ребенка, приобретающими еще большую значимость в условиях развития международных контактов, укрепления идей доктрины прав человека[3].

Необходимо отметить, что под антисоциальными действиями в отношении несовершеннолетнего понимается вовлечение несовершеннолетнего в попрошайничество, употребление спиртных напитков, веществ или средств являющихся наркотическими или психотропным, но влияющих на интеллектуально-волевую деятельность[4].

Так, государством гарантируется установление и соблюдение правил и процедур оценки безопасности для жизни и здоровья человека алкогольной и табачной продукции, производимой в Республике Узбекистан или ввозимой на территорию Республики Узбекистан.

В Республике Узбекистан принят ряд нормативно-правовых актов об ограничении распространения и употребления табачной продукции, электронных сигарет и кальяна среди несовершеннолетних. В частности, Закон Республики Узбекистан «Об ограничении распространения и употребления алкогольной и табачной продукции», Закон Республики Узбекистан «Об ограничении курения кальянов и электронных сигарет в общественных местах», *Постановление Кабинета Министров «*Об утверждении правил розничной торговли в Республике Узбекистан и правил производства и реализации продукции (услуг) общественного питания в Республике Узбекистан», Постановление Пленума Верховного суда *№ 9* «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере торговли» и др.

В соответствии со ст. 13 Закона Республики Узбекистан «Об ограничении распространения употребления алкогольной и табачной продукции» строго ограничена

реализация алкогольной и табачной продукция лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста; объектами торговли, расположенными на расстоянии по прямой линии менее чем двести метров от образовательных, спортивных и религиозных учреждений, за исключением случаев, когда объект торговли расположен на территории торговых комплексов (на рынках) с общей торговой площадью более тысячи квадратных метров и в ярмарочных павильонах и т.д.[5]

Так, в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности не закреплена ответственность лиц за реализацию алкогольной и табачной продукции лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста. В случае выявления данного правонарушения законодатель применяет административную ответственность согласно ст.ст. 164 (Нарушение правил торговли или оказания услуг), 168 (нарушения правил торговли на рынках) Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, на основании пункта 6 Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере торговли» определено «…под нарушением правил торговли или оказания услуг, ответственность за которые предусмотрена статей 189 Уголовного кодекса и статьями 164 и 168 Кодекса об административной ответственности, следует понимать нарушения законодательства Республики Узбекистан, регулирующего правоотношения в сфере торговли и услуг»[6].

Изучение законодательства показало, что отсылочные нормы закона Республики Узбекистан «Об ограничении распространения и употребления алкогольной и табачной продукции» об ответственности за нарушение его норм не нашли отражение в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности.

Так, например, в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности предусмотрена административно-правовая норма, призванная обеспечивать охрану и защиту административно-правовых отношений от возможных нарушений, такой нормой является статья 187 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, которая предусматривает ответственность за употребление алкогольной продукции в общественных местах. Данная административно-правовая норма по форме предписания подразделяется на категорическую (императивную), которая содержит правила, непосредственно определяющие поведение субъектов при наступлении сформулированных в них условиях, которые не могут быть изменены или заменены иными обстоятельствами[7]. Таким правилом является статья 19 Закона Республики Узбекистан «Об ограничении распространения употребления алкогольной и табачной продукции», определяющая недопущение употребления алкогольной и табачной продукции в общественных местах. Кроме этого, часть вторая вышеуказанного закона запрещает употребление табачной продукции на рабочих местах, в учреждениях здравоохранения, образовательных, спортивно-оздоровительных учреждениях, пожароопасных местах, включая автозаправочные станции, и иных общественных местах, кроме специально отведенных мест и (или) помещений для употребления табачной продукции, а также во всех видах общественного транспорта не допускается, где ограничения, предусмотренные в законодательстве нашли свое отражение путем введения административно-правовых норм Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности ст. 561 (употребление табачной продукции в общественных местах) и ст. 122 (употребление табачной продукции в неустановленных местах на транспорте).

Изучение зарубежного опыта показало, что в Кодексе об административных правонарушениях Российской Федерации предусмотрена административно-правовая норма, определяющая ответственность за «Вовлечение несовершеннолетнего в процесс потребления табака» (статья 6.23) с определением наказания в виде штрафа от одной до двух тысяч рублей[8].

Кроме того, результаты проведенного в феврале 2020 года Министерством здравоохранения и Национальной ассоциацией негосударственных некоммерческих организаций Узбекистана (НАННОУз), Общественным фондом «Ибн Сино» общественного мониторинга по вопросу изучения состояния реализации табачных изделий в общественных местах, вокруг школ показали, что реклама табака в местах продаж служит эффективному продвижению сигарет и других табачных изделий, и нацелена на наиболее уязвимую группу населения – детей, подростков, которые и становятся ее жертвой[9]. Это также подтверждается мнением законодателей, которые утверждают: «…табачные компании используют массу хитрых уловок, чтобы привлечь новое поколение. Они наглядно размещают табачную продукцию на уровне глаз ребенка, спонсируют известных сетевых персонажей для продвижения некоторых табачных изделий и электронных сигарет, раздают бесплатные образцы и промоматериалы для молодежи, выделяют стипендии для прохождения стажировок и обучения в школах и университетах, спонсируют крупные спортивные мероприятия или команды, в том числе с размещением логотипов табачных компаний, предлагают привлекательные для детей ароматизированные наполнители для бездымного табака, кальянного табака и электронных сигарет, стимулируют курение через производство маленьких пачек и поштучную продажу сигарет и других изделий»[10].

По данным Всемирной Организации здравоохранения, ежегодно во всем мире от табака умирает более 8 миллионов человек. Свыше 7 миллионов из них от прямого употребления табака и около 1,2 миллиона некурящих из-за воздействия вторичного табачного дыма[11]. По состоянию на 2019 год в мире проживают 1,3 миллиарда никотинозависимых людей, и их число постоянно растет. Всего в мире, по оценкам, курят 31% мужчин и 10% женщин. От никотиновой зависимости страдает 25% подростков. В возрасте 15−17 лет показатель достигает 40%, из них 21% — девушки[12].

Для курения подростков причин множество. Вот некоторые из них: подражание другим школьникам, студентам; чувство новизны, интереса; желание казаться взрослыми, самостоятельными; у девушек приобщение к курению часто связано с кокетством, стремлением к оригинальности, желанием нравиться юношам, не имеющие высшего и среднего образования, не занимающиеся здоровым образом жизни, спортом и др.[13]

По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), почти половина всех детей страдает от табачного дыма, т.к. 1,2 млрд. взрослых курят. Всемирной организацией здравоохранения был сделан вывод о том, что пассивное курение у детей вызывает заболевания бронхитом, пневмонией, кашель и свистящее дыхание, приступы астмы, воспаление среднего уха, внезапную младенческую смерть и, возможно, повреждение сердечно-сосудистой системы и нейробиологические отклонения…[14]

Безусловно, курение снижает скорость заучивания и объём памяти; замедляется реакция в движении, снижается мышечная сила, под влиянием никотина ухудшается острота зрения; смертность людей, начавших курить в подростковом возрасте (до 20 лет), значительно выше, чем среди тех, кто впервые закурил после 25 лет; частое и систематическое курение у подростков истощает нервные клетки, вызывая преждевременное утомление и снижение активирующей способности мозга при решении задач логико-информационного типа; активизируется деятельность щитовидной железы, в результате чего у курящих подростков учащается пульс, повышается температура, возникает жажда, раздражительность, нарушается сон; и др.[15]

По мнению Ш.Гафурова, для того, чтобы указанные институты начали эффективно работать, необходимы следующие меры: направленность социальной политики на защиту прав семьи в целом; ведение грамотной целенаправленной подготовки кадров для учреждений, занимающихся воспитанием детей, систематических употребляющих

алкогольные и табачные изделия, одурманивающие вещества, занимающиеся проституцией, попрошайничеством и бродяжничеством; занимающихся детским порнобизнесом и торговлей детьми; а также не исполняющих обязанности по воспитанию детей. Для этого нужен ряд изменений в законодательстве, а именно в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности и Уголовный кодекс Республики Узбекистан[16].

Принимая во внимание всю важность ограничения употребления алкогольной и табачной продукции лицами, не достигшими двадцати лет, наша страна 24 апреля 2012 г. ратифицировала Закон Республики Узбекистан «О присоединении Республики Узбекистан к Рамочной конвенции Всемирной организации здравоохранения по борьбе против табака (Женева, 21 мая 2003 года)», цель которого – защита нынешнего и будущего поколения от разрушительных социальных, экологических и экономических последствий, вызванных последствиями употребления табака и воздействия табачного дыма посредством обеспечения соответствующих рамок для мер борьбы против табака. Кроме того, в республике определены приоритетные направления в борьбе против табака, по совершенствованию законодательства, а также меры защиты детей от табака и других видов табачной продукции. Однако действующие вышеперечисленные меры, к сожалению, недостаточны.

В целях устранения правового пробела предлагается Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности дополнить статьей следующего содержания:

***«Статья 164[*]. Нарушение правил реализации алкогольной и табачной продукции лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста***

*Нарушение правил реализации алкогольной и табачной продукции лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста, –*

*влечет наложение штрафа от десяти до двадцати базовых расчетных величин, а также приостановления деятельности на срок до тридцати суток*».

А также ввести в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности административно-правовую норму, предусматривающую запрет на употребление кальянов и электронных сигарет в общественных местах.

Безусловно, внесение проекта данной нормы в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности будет способствовать ранней профилактике несовершеннолетних, употребляющих одурманивающие вещества, алкогольную, табачную и спиртосодержащую продукцию.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 29 декабря 2020 года // http:president.uz

2. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-263 «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» от 29 сентября 2010 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2010. – № 39. – Ст. 341; 2016. – № 52. – Ст. 597; 2017. – № 37. – Ст. 978; Национальная база данных законодательства, 24.07.2018 г., № 03/18/486/1559, 24.05.2019 г., № 03/19/542/317, 13.09.2019 г., №03/19/567/3737

3. *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2010. – № 4. – Б.48-52.

4. Кодекс Республики об административной ответственности. – Т., 2019.

5. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-302 «Об ограничении распространения употребления алкогольной и табачной продукции» от 5 октября 2011 г. // Собрание законодательства Республики

Узбекистан. – 2011. – № 40 – Ст. 413; Национальная база данных законодательства, 15.11.2019 г., № 03/19/584/4025

6. Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан № 46 «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере торговли» от 15 марта 1996 г. (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 29 ноября 2017 г.)

7. *Хамедов И.А*. Административное право: Учебник. – Т., 2004. – С. 234.

8. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях. – М., 2019. – С.101.

9. http://www.uzlidep.uz/ru/news-of-party/6933

10. http://parliament.gov.uz/ru/events/committee/31179/

11. http://parliament.gov.uz/ru/events/committee/31179/

12. http://stv.uz/news/newsuz/10925-voz-pomozhet-v-podgotovke-rekomendaciy-po-borbe-s-kureniem.html

13. https://school-kld.ru/parents/stati/o-vrede-kureniya-dlya-shkolnikov-i-podrostkov/

14. http://krdcvmr.ru/meditsinskaya-profilaktika/zdorove-detey/vred-passivnogo-kureniya-na-detey/

15. http://www.beloyarskaya-crb.ru/info/articles/o-vrede-kureniya-dlya-detey-i-podrostkov/

16. *Ғофуров Ш.Р.* Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис... – Т., 2019. – 214 б. Задорожный В.И. Концептуальные основы виктимологической профилактики преступлений: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2007. – С.154.

***О. Р. Файзиев****

# МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ: ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари мазмуни, уларнинг моҳияти, зарурати ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган ва таҳлил қилинган. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалиётдаги мавжуд айрим муаммоли масалаларни бартараф этишга йўналтириш ва янада такомиллаштиришга оид таклифлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** принциплар, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мансабдор шахслар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, ҳуқуқ устуворлиги, бюрократия, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш.

## ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ АКТОВ ОБ ОБРАЩЕНИЯХ: ВАЖНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ

**Аннотация.** В статье рассматривается и анализируется содержание основных принципов законодательства об обращениях, их сущность, необходимость и важность, а также даются предложения по дальнейшему совершенствованию законодательства об обращениях для решения некоторых из существующих проблем на практике.

**Ключевые слова:** принципы, законность, права, свободы и законные интересы физических и юридических лиц, открытость и прозрачность деятельности должностных лиц, верховенство закона, бюрократизм, своевременное и полное рассмотрение обращений.

## BASIC PRINCIPLES OF LEGISLATION ABOUT APPEALS: IMPORTANCE AND SIGNIFICANCE

**Annotation:** The article examines and analyzes the basic principles of the legislation on appeals, their essence, necessity and importance, as well as offers suggestions for further improvement of the legislation to solve some of the existing problems in practice.

**Keywords:** principles, legitimacy, rights, freedoms and legitimate interests of individuals and legal entities, openness and transparency of officials' activities, rule of law, bureaucracy, timely and full consideration of appeals.

«Принцип» сўзи лотинча «principium» сўзидан олинган бўлиб, «ибтидо», «асос» деган маъноларни англатади[1]. Принцип деганда, одатда сиёсат, фан, назария, дунёқарашнинг энг асосий қоидалари тушунилади[2].

З.Исломов ҳуқуқ принципини «ҳуқуқ мазмуни, унинг моҳияти ва жамиятдаги аҳамиятини тавсифловчи раҳбарий ғоялар»[3] сифатида эътироф этади. В.В.Ярков эса «тамойил – фаннинг узоқ йиллик ривожланиши натижасида шаклланган тушунча бўлиб, инсоният маданиятининг қимматли элементи ҳисобланади»[4], деб ёзади. М.Байтин таъкидлаганидек, «ҳуқуқнинг моҳияти ва ижтимоий вазифаси бир қатор бошқа ҳуқуқий ҳодисалар, жумладан унинг тамойилларида очиб берилади ва аниқлаштирилади»[5].

Юридик адабиётларда ҳақли равишда қайд этилганидек, «ҳуқуқ тамойили – бу турли манбаларда мустаҳкамланган ёки барқарор юридик амалиётда ўз аксини топган, бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг умумижтимоий ва махсус қонуниятларини билиш даражасини

* ***Файзиев Олим Раимқулович,*** *ТДЮУ мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

ифодаловчи ҳамда ҳуқуқ нормаларининг ички мувофиқлашган ва самарали тизимини яратишга, шунингдек бўшлиқ ва зиддиятлар бўлганда бевосита ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилувчи умуман олинган раҳбарий ғоялардир»[6]. Ҳуқуқ тамойиллари ҳуқуқнинг шаклланиши, амал қилиши ва ривожланиш жараёнларининг бошланғич асоси, энг муҳим қоидалари ва раҳбарий ғоялари ҳисобланади[7].

Юқоридагиларга мувофиқ, мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари деганда, жамият томонидан давлатга қўйиладиган, ижтимоий ривожланиш қонуниятлари билан белгиланган, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, қонун нормаси сифатида белгиланган, мурожаатларни кўриб чиқишни таъминлашга қаратилган раҳбарий қоидалар тушунилади.

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида мустаҳкамланган: қонунийлик; мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш; мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши; мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги; мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

Мурожаатларни кўриб чиқиш принципларининг шартли равишда уч гуруҳини ажратиш мумкин: *1) умумҳуқуқий принциплар:* қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши; *2) соҳалараро принциплар:* давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги; *3) соҳавий принциплар:* бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги.

Қуйидаги мазкур принципларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

**Қонунийлик принципи.** Демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш ўз навбатида, мамлакатда қонун устуворлиги таъминланишини ҳамда қонунийлик принципи мустаҳкамланишини тақозо этади. Қонунийлик моҳиятан ҳуқуқий давлатнинг бирламчи шарти ва мезони ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «қонун устуворлигини таъминлаш – шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг вазифаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»[8].

А.Х.Саидов таъбири бўйича «қонунийлик бу ҳамиша ҳуқуққа асосланган барқарорликдир. Қонунийлик ишонч туғдиради, шу сабабли аждодларимиз энг ёмон қонун ҳам қонунсизликдан яхши, деб ҳисоблаганлар, чунки қонунни ўзгартириш ва бошқаси билан алмаштириш мумкин, қонунсизлик эса, чегара билмайди, инсон ҳаёти, унинг мулки, маънавияти учун хавфлидир»[9].

Қонунийлик принципи деганда, аввало, қонунларнинг ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳамманинг қонун олдида тенглигини таъминлайди. Шу билан бирга, бу принцип фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари оғишмай таъминланиши, фуқароларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қандайдир ўзбошимчаликка йўл қўймаслиги, фуқароларнинг жамият, давлат олдидаги мажбуриятлари қатъий бажарилиши лозимлигини ҳам назарда тутади[10]. Бир сўз билан айтганда, қонунийлик принципи ўз мақсад ва моҳияти билан халқ манфаатларига хизмат қилади.

Юридик энциклопедияда эса қонунийлик «давлатнинг барча органлари, мансабдор шахслари ва фуқаролар томонидан Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва доимий ижро этилиш принципи»[11] сифатида таърифланган.

Конституциянинг 14-моддасига биноан давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. А.А.Азизхўжаев қайд этганидек, «мазкур меъёрнинг муҳим томони шундаки, унда давлатнинг ўз фаолиятини қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланган бўлиб, бу ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан биридир»[12].

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича қонунийлик принципи деганда, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари белгиланган бўлсада, уларнинг мазмуни ва моҳияти очиб берилмаган. Фикримизча, қонунда принциплар шунчаки уларни белгилаш учун эмас, балки қонуннинг барча нормаларини ёритиш ва уларни амалда қўллашда ушбу принципларга қатъий амал қилиш лозимлиги учун ҳам муҳимдир.

Шу сабабли, биз Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини асосий принципларнинг мазмуни ва моҳиятини очиб берувчи нормалар билан тўлдириш тарафдоримиз. Жумладан, ушбу қонунни қуйидаги мазмундаги 41-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

***«41-модда. Қонунийлик принципи***

*Мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши керак».*

**Мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш принципи.** Мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тўлиқ кўриб чиқилиши лозим. Қонунда мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ қуйидаги муддатлар белгиланган:

1) 15 кун – масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган субъектга келиб тушган ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати;

2) 1 ой – қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилган ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати;

3) 2 ой – ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, мурожаатни кўриб чиқувчи субъект раҳбари томонидан узайтирилган муддат;

4) 1 ой – тегишли субъектга келиб тушган таклифни кўриб чиқиш муддати;

5) 10 кун – қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклиф бўйича таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ёзма шаклда хабар қилиш муддати;

6) 10 кун – мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган субъектнинг сўрови бўйича қўшимча ахборотни мурожаат қилувчи, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан тақдим этиш муддати;

7) 5 кун – қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган субъектга келиб тушган мурожаатларни тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва

мансабдор шахсларга юбориб, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиш муддати;

8) 5 кун – мурожаатда уни тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, ушбу мурожаатни мурожаат қилувчига асослантирилган тушунтириш билан қайтариш муддати;

9) 3 кун – мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаатни мурожаат қилувчига у келиб тушган субъектнинг хати билан бирга қайтариш муддати.

Демак, ушбу қонунда мурожаатларнинг тури, хусусияти, унда кўтарилган масаланинг ҳажми ва аҳамияти, маълумотларнинг тўлиқлиги, кўриб чиқишга ваколатли субъектлар фаолияти билан боғлиқ 9 турдаги муддатлар белгиланган. Таҳлил қилинаётган принципнинг қоидасига кўра, мурожаатлар Қонунда белгиланган мазкур муддатларда, албатта кўриб чиқилиши шарт. Акс ҳолда, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: мурожаатни кўриб чиқувчи субъектга келиб тушган мурожаатни кўриб чиқиш қайси процессуал жараёндан эътиборан бошланган ва тугаган деб ҳисобланади?

Қонуннинг 23-моддасида давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозимлиги белгиланган. Бундан кўринадики, мурожаатни кўриб чиқиш муддати мурожаат тегишли субъектда рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан бошланади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Аммо Қонуннинг ушбу моддасида бошқа қоида ҳам мустаҳкамланган, яъни мурожаат иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда, у кейинги иш кунида рўйхатдан ўтказилади. Мурожаатни кўриб чиқиш муддатининг бошланишидаги муаммолар айнан шу ўринда юзага келади. Амалиётда ушбу масалада аксарият ижрочилар мурожаат субъектга келиб тушган кундан муддатни ҳисобласа, аксарият ижрочилар мурожаат рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан муддатни ҳисоблайди.

Бу ўринда, фикримизча, мурожаатни кўриб чиқиш муддатининг бошланишини мурожаат субъектга келиб тушган кундан эътиборан эканлигини қонунда аниқ ва тушунарли тарзда белгилаш лозим.

Таҳлил қилинаётган принцип бўйича кейинги муҳим масала – бу мурожаатни кўриб чиқиш муддатининг тугаши ҳисобланади. Қонунга кўра, мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги боис мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Қисқача айтганда, мурожаатни кўриб чиқиш муддати мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича мурожаат қилувчига жавоб юборилган кундан эътиборан тугаган ҳисобланади.

Шу ўринда такрорий мурожаатлар бўйича эътибор қаратиш лозим бўлган битта жиҳат бор. Яъни такрорий мурожаатни кўриб чиқиш тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади. Бунда келиб тушган мурожаат такрорий мурожаат сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан кўриб чиқиш тугаган ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган принципнинг яна бир муҳим қоидаси мурожаатларнинг тўлиқ кўриб чиқилиши ҳисобланади. Тегишли субъект томонидан мурожаатда кўтарилган барча масалалар кўриб чиқилган ҳамда улар юзасидан асосли жавоб берилган бўлиши зарур. Қонуннинг 34-моддасида оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмаслиги белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мурожаатларни кўриб чиқишда уларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш билан бирга, холисона кўриб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда мурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахс ёки масъул ижрочи мурожаатни холисона кўриб чиқиши, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги лозим.

Юқорида қайд этилган таҳлиллар асосида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни қуйидаги мазмундаги 42-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

***«42-модда. Мурожаатларни ўз вақтида, холисона ва тўлиқ кўриб чиқиш принципи***

*Мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда, холисона ва тўлиқ кўриб чиқилиши лозим.*

*Мурожаатни кўриб чиқиш муддати мурожаат давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ҳисобланади ҳамда мурожаат қилувчига мазкур Қонунда белгиланган тартибда асосланган жавоб юборилган кундан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 30-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.*

*Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимлари мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.*

*Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органи ёки бошқа ташкилотларнинг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.*

*Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди».*

**Мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги принципи.** Мазкур принцип жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига нисбатан жисмоний шахсларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан, юридик шахсларга мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар қонунда белгиланган бир хил талаб жорий этилишини англатади. Жумладан, қонунда мурожаатларга нисбатан қуйидаги минимал талаблар белгиланган:

*1) мурожаат қилувчининг шахсини, яшаш жойи (манзили)ни аниқ белгилаш бўйича талаблар:*

жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак;

юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак;

мурожаатларда мурожаат қилувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари кўрсатилиши мумкин;

*2) мурожаат қилинаётган субъектни аниқ белгилаш бўйича талаблар:* жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органи, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган бўлиши лозим;

*3) мурожаатнинг мазмунига қўйиладиган талаблар:* мурожаатда унинг моҳияти баён этилган бўлиши керак;

*4) мурожаат қилинадиган тил бўйича талаблар:* мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин;

*5) мурожаатни тасдиқлаш бўйича талаблар:*

ёзма мурожаат мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат қилувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим;

жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак;

мурожаат қилувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларда ҳам мурожаатларга қўйиладиган талаблар юқорида қайд этилган талабларга деярли ўхшаш бўлса-да, айрим фарқ қилувчи белгилар ҳам мавжуд. Жумладан, «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Беларусь Республикаси қонунининг 12-моддасига кўра, мурожаатлар беларусь тили ёки рус тилида берилиши, шунингдек мурожаат такроран берилаётган бўлса, олдин ушбу мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича маълумотлар акс эттирилиши шарт[13].

Шунингдек, «Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Қирғизистон Республикаси қонунининг 6-моддасида мурожаат қилинаётган ариза ва шикоят асосли бўлиши лозимлиги талаби қўйилган[14]. Миллий қонунчилигимизда мурожаатга нисбатан асосли бўлиши талаби белгиланмаган. Аммо туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилган.

Таҳлил қилинаётган принцип асосида хулоса қилиш мумкинки, мурожаатларга қонунда бир хил талаб белгиланиши ва бошқа ҳужжатларда қўшимча талаблар жорий этилмаслиги лозим.

Назаримизда, қонунда ушбу принцип мазмунини аниқ кўрсатиш лозим. Шу мақсадда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни қуйидаги мазмундаги 43-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

***«43-модда. Мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги принципи***

*Мурожаатларга нисбатан мазкур Қонунда белгиланган бир хил талаб жорий этилади.*

*Мурожаатларга қонуности ҳужжатлари ва бошқа локал ҳужжатлар билан мазкур Қонунда белгиланмаган талабларни жорий этишга йўл қўйилмайди.*

*Мазкур Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган мурожаатлар кўриб чиқилиши шарт».*

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши принципи.** Мазкур принципнинг мазмуни шундаки, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига

риоя этилишини таъминлаши, уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мазкур принципнинг мазмуни тушунарли бўлса-да, бошқа принциплар қаторида ушбу принципнинг мазмуни қонунда очиб берилиши лозим.

Шу мақсадда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни қуйидаги мазмундаги 44-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

***«44-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши принципи***

*Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.*

*Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари устуворлиги таъминланади. Бунда мурожаатларни кўриб чиқиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари жисмоний ва юридик шахслар фойдасига талқин қилинади».*

**Мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги принципи.** Бюрократия (франц. bureau – бюро, идора; юн. kratos – куч, ҳокимият, ҳукмронлик) расмиятчиликка асосланган бошқарув ва маъмурий тизим ҳисобланади[15]. Мазкур тушунча дастлаб ҳукумат идораларининг раҳбарлари ва амалдорлари ҳокимияти, кейинчалик жамиятнинг турли соҳаларида пайдо бўлган йирик ташкилотлардаги хизматчилар қатламини ифодалаган. Бошқарув ва маъмуриятнинг зарур қисми сифатида бюрократия алоҳида ижтимоий қатламга айланиб боради. Бунда бюрократияга хос хусусиятлар сифатида қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши, қаттиқ иш тартиботи, махсус маълумотни тақозо этувчи расмийлашган вазифаларни амалга оширишда меҳнат ва масъулият тақсимотини келтириш мумкин. Ташкилот кўпчилик аъзоларининг мустақил равишда имтиёзли қатламга айланишга интилиши оқибатида расмиятчилик, ўзбошимчалик ва шароитга мослашиш кучая боради, ташкилотнинг ички тартиб-қоидалари ҳамда мақсад ва вазифаларига бўйсундирилиши асосан бюрократияни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш учун хизмат қилади. Бунда мансабдор шахс томонидан ўз вазифасига виждонсизлик ва совуққонлик билан қараб, фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибини бузиш, уларга тўраларча муносабатда бўлиш ҳоллари давлат ва жамият манфаатларига, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказади[16]. Давлат аппарати фаолиятида айрим ғайриижтимоий ҳодисалар (сансалорлик, бюрократизм, ҳокимиятнинг халқдан узоқлашиши, айрим амалдорларнинг жиноий унсурлар билан тил топишиши ва бошқалар) тарқалганлиги – бу умумий муаммо давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарасизлигини келтириб чиқаради.

Сансалорлик эса мурожаатни асоссиз равишда қайтариш ёки асоссиз равишда бошқа ташкилотга юбориш (ҳавола қилиш)ни англатувчи тушунча ҳисобланади. Жумладан, бунга қуйидаги мурожаатни мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

*«Мен паспортимни биометрик паспортга алмаштириш учун туман ички ишлар бўлимига бордим. Мени дарҳол бошқа хонага таклиф қилишди. У ерда фуқаро кийимидаги киши 2,5 минг сўм олиб, ариза тўлдириб берди. Бошқа хонада бўлим бошлиғи илгари мен пропискада бўлган жойдан 1992 йил учун 16 ва 17-сон шаклларни сўради. 1992 йилда яшаган жойимга бориб, УФК (ЖЭК) паспортичисига учрашишим кераклигини айтди. Шаҳар паспорт столининг бошлиғи ҳам Чилонзор туманидаги паспортчига юборди. Паспортчи ушбу маълумотларга эга эмаслигини айтди. Аризамни тўлдирган ходим эса*

*агар, мен ушбу шаклларни олиб келмасам, паспортни алмаштириш ярим йилдан кўпга чўзилишини айтди. Нима қилишим ва қаерга боришим керак? Мен ҳозирги манзил бўйича 1993 йилда прописка қилинганман, амалдаги паспортимни ҳам шу ердан олганман. Қисқаси турган-битгани сансалорлик»[17].*

Мазкур мисолдан ҳам хулоса қилиш мумкин, сансалорлик мурожаат қилувчи шахс турли идоралар ўртасида сарсон бўлишига ва халқнинг давлатга бўлган ишончининг сусайишига, аҳоли орасида норозилик кайфиятининг юзага келишига сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳолатлар мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги лозимлигини кўрсатмоқда.

Шу мақсадда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни қуйидаги мазмундаги 45-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

***«45-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги принципи***

*Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадида уларнинг мурожаатларини рад этиш ёки мурожаатни кўриб чиқишни бошқача тарзда кечиктириш тақиқланади.*

*Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.*

*Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни кўриб чиқиш учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, бунда давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мазкур ҳужжатларни мурожаат қилувчининг иштирокисиз мустақил равишда олишга ҳақли».*

**Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги принципи.** Ҳозирги кунда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги демократик жамиятнинг устувор жиҳати, давлат органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши ва ижросига конструктив таъсир қилиш усули ҳисобланади. «Ҳаракатлар стратегияси»да давлат аппарати фаолияти очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли ахборотни тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёнининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилган. Амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ҳокимиятнинг барча даражаларида татбиқ этилаётган *«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак»,* деган ғоя мужассам.

Очиқлик ва шаффофлик – бу ҳокимият органи режалари, натижалари ва жорий фаолиятига доир тезкор маълумотларни олиш имконияти, норматив-ҳуқуқий базанинг очиқлиги, шунингдек, келиб тушган мурожаатларга тезкор жавоб бериш ва уларнинг жорий фаолиятдаги ҳисобини юритиш, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларининг очиқлиги ва холислигидир.

Умуман, очиқ давлат учта асосий тамойил асосида шаклланади: бу одамларга давлат органлари фаолиятига доир сифатли, тушунарли ва холис маълумотни тақдим этиш, уларни давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилиш ва жамоат назоратини амалиётга жорий этишдир.

Фикримизча, қонунда мазкур принципнинг мазмунини аниқ белгилаш зарур. Шу мақсадда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни қуйидаги мазмундаги 46-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

***«46-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги принципи***

*Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолияти очиқ, шаффоф, жисмоний ва юридик шахслар учун тушунарли бўлиши лозим.*

*Давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари ўзларининг фаолияти ҳақидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлаши шарт».*

Юқорида қайд этилган таклифларнинг жорий этилиши мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари мазмунининг барча учун тушунарли бўлишини таъминлайди, ўз навбатида, мурожаат қилиш ва уни кўриб чиқиш жараёнидаги раҳбарий қоидаларнинг аниқ механизмларини белгилаб беради, ноаниқликлар ва тушунмовчиликлар юзага келганда, масала тўғри ҳал қилинишини таъминлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Нисенбаум М.Е.* «Via Latina ad ius». – М., 2004. – С. 781.

2. *Филимонов В.Д.* Принципы уголовного права. – М., 2002. – С. 12.

3. *Исломов З.М.* Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси; Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 77; Исламов З.М. Общество. Государство. Право. – Т., 2001. – С. 354–355.

4. Арбитражный процесс: Учебник / Отв. ред. проф. В.В. Ярков – М., 2001. – С. 32.

5. *Байтин М.И.* О принципах и функциях права: Новые моменты // Правоведение. – М., 2000. – № 3. – С.4.

6. *Иванов Р.Л.* О понятии принципов права // Вестник Омского университета. – 1996. – Вып. 2. – С. 116-117; Скурко Е.В. Принципы права: Монография. – М., 2008. – С. 6; Байниязова З.С. Понятие и классификация принципов российской правовой системы: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – Саратов, 2008. – С. 8.

7. Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. М.Н. Марченко. – М., 1996. – С. 295.

8. *Каримов И.А.* Адолат – қонун устуворлигида // Халқ сўзи – 2001. – 30 август.

9. *Саидов А.* Қонунийлик – Ўзбекистон давлатчилигининг пойдевори // «Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат» номли мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Т., 1994. – Б. 72.

10. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси / Масъул муҳаррир: А.А.Азизхўжаев., 2008. – Б. 63–64.

11. Ўзбекистон Юридик энциклопедияси / Нашр учун маъсул Р.А.Мухитдинов ва бошқ. – Т., 2010. – Б. 615.

12. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси / Масъул муҳаррир: А.А.Азизхўжаев. – Т., 2008. – Б. 63–64.

13. Закон Республики Беларусь от 18 июля 2011 года № 300-З «Об обращениях граждан и юридических лиц» // www.kodeksy-by.com/zakon_rb_ob_obraweniyah_grazhdan.htm

14. Закон Кыргызской Республики от 4 мая 2007 года № 67 «О порядке рассмотрения обращений граждан» // www.cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202100?cl=ru-ru

15. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т., 2010. – Б. 97.

16. www.qomus.info/encyclopedia/cat-b/byurokratiya-uz/

17. www.gazeta.norma.uz/publish/doc/text93346_turgan-bitgani_sansalorlik

***Қ. А. Саитқулов****

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ МОДЕЛИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини тақозо этувчи субъектив ва объектив омиллар таҳлил қилинган ҳамда ушбу фаолиятни ташкил этиш тартиби ва ҳамкорлик масаласи илмий жиҳатдан асослантирилган. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, уларни самарали ташкил этишга доир моделлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** одам савдоси, ҳуқуқбузарлик, жабрланувчи, виктимология, субъектив омиллар, объектив омиллар, модел.

## МОДЕЛЬ ВИКТИМОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье анализируются субъективные и объективные факторы деятельности органов внутренних дел, требующие виктимологической профилактики правонарушений, а также научно обосновываются порядок и организация этой деятельности. Кроме того, в статье разработаны модели, направленные на эффективную организацию деятельности органов внутренних дел по виктимологической профилактике правонарушений. Такой подход проистекает из необходимости улучшения деятельности органов внутренних дел по виктимологической профилактике правонарушений.

**Ключевые слова:** торговля людьми, правонарушения, жертва, виктимология, субъективные факторы, объективные факторы, модель.

## MODEL OF VICTIMOLOGICAL PREVENTION OF OFFENSES OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS

**ANNOTATION:** The article analyzes the subjective and objective factors of the activities of internal affairs bodies, requiring victimological prevention of offenses and scientifically substantiates the order and organization of this activity as well. In addition, the article develops models aimed at the effective organization of the activities of internal affairs bodies for the victimological prevention of offenses. This approach stems from the need to improve the work of the internal affairs bodies in the victimological prevention of offenses.

**Key words:** human trafficking, offenses, victim, victimology, subjective factors, objective factors, model.

Жаҳонда глобал муаммога айланган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, наркобизнес, қурол-яроғ савдоси каби халқаро жиноятчиликнинг авж олиши натижасида миллионлаб фуқаролар жисмоний, маънавий-руҳий ва моддий жиҳатдан зарар кўрмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, биргина одам савдоси бўйича ҳар йили дунё миқёсида 3 миллиондан ортиқ шахс жабрланувчига айланмоқда[1]. Ушбу жиноятдан жабрланганларнинг 72 %ни аёллар ва ёш қизлар ташкил этмоқда[2]. 2017 йилда 464 минг киши қасддан ўлдирилган бўлиб, 100 минг нафар кишига 6,1 нафар

***Саитқулов Қодирали Абдисаломович,** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

жабрланувчи тўғри келади. Бу кўрсаткич Марказий Америкада 62 нафар, Жанубий Америкада 56,8 нафар ва Африкада 13 нафарга тўғри келади[3]. Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда[4].

Шу боис республикамизда давлат ва жамият манфаатлари, айниқса фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини турли тажовузлардан ҳимоя қилишга оид қонун нормалари талабларининг ижросини таъминлаш бўйича ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чораларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш»[5] каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Ички ишлар органлари мазкур йўналишдаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, соҳага замонавий илғор иш усул ва шаклларини жорий этиш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни ҳамда унга мувофиқ Ички ишлар вазирлигининг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қабул қилиниши, илк бор ҳуқуқбузарликлардан жабрланишнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ва уни амалга ошириш тартибини белгилаб берди. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонуннинг 6-боби 43, 44, 45-моддаларида назарда тутилган бўлиб, ушбу фаолиятни қонунда назарда тутилган субъектлар қатори ички ишлар органлари ҳам амалга ошириш бўйича махсус ваколатга эга[6].

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фуқаролар ёки муайян шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган бўлиб, ҳуқуқбузарликлар содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрни ҳамда жабрланишининг сабаблари, уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, шунингдек бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали жабрланиш хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида олиб борилади.

Ички ишлар органларининг ахборот марказида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисоби юритилиши лозим. Бироқ ҳозирга қадар бундай турдаги ҳисобларнинг юритилиши йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 10-моддасида ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш ҳамда мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш ички ишлар органларининг энг асосий вазифаси сифатида назарда тутилган[7]. Умуман, жабрланувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, хулқ-атвори билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинмай қолмоқда. Суриштирув органларининг энг асосий эътибори жиноят ва жиноятчига қаратилиб, жабрланувчилар билан боғлиқ масалалар очиқлигича қолмоқда. Аслида, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини ўрганишда жабрланувчилар билан боғлиқ бўлган ҳамда жиноят содир этилишига туртки берувчи омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир[8]. Чунки кўпгина ҳолларда айнан жабрланувчиларнинг хулқ-атвори жиноят содир этилишига кўмаклашувчи омил сифатида баҳоланган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қасддан одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, номусга тегиш жиноятларининг содир этилишида 57% жабрланувчилар рол ўйнаган[9].

**Қуйидаги диаграммада ҳам ҳуқуқбузарликлардан жабрланишни юзага келтирувчи омиллар келтирилган:**






Мутахассислар фикрича, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари орасида юқори самарадор кўрсаткич (67,6 %) ички ишлар органларига тааллуқлидир. Кейинги ўринларда прокуратура – 25,4 %; таълим муассасалари – 23,4 %; диний ташкилотлар – 20,3 %; жамоат тузилмалари – 19,7 %, шунингдек суд органлари – 17 % кўрсаткични ташкил этган[10]. Бу борада ички ишлар органларининг бўлинмаларини ҳам шахсда ҳуқуқбузарликдан жабрланишни тақозо этувчи омилларни бартараф этиш бўйича виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ваколатига қараб, бир қатор гуруҳларга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, тадқиқотлар натижаларига, шунингдек ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича ишлаб чиқилган моделнинг асосий қоидаларига таянган ҳолда ички ишлар органларининг бу соҳадаги узвий ҳамкорлигини таъминлаш зарур.

Мазкур модел қуйидаги қоидаларга асосланади:

– ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари амалга ошириш бўйича назарияда, қонунчиликда ва амалиётда жамиятнинг бугунги эҳтиёжларига ва талабларига тўлиқ жавоб берадиган тартиб-қоидаларга;

– жамият эҳтиёжи асосида Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ белгиланган «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш»нинг устувор вазифаларига;

– ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалда қўллаш фаолиятини таъминловчи ички ишлар органлари бўлинмаларининг ўзаро бир-бирига кўмаклашишга асосланган фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, кадрлар билан, моддий техник ва назарий-методик жиҳатдан таъминланганлигига.

**Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича ички ишлар органлари ваколатли бўлинмалари ҳамда уларнинг ҳамкорлиги модели:**



Ички ишлар органларининг бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси умумий, якка ва махсус тартибда ҳамда ҳамкорликка асосланган ҳолда амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш тартибини бундай таснифлашда профилактик чора-тадбирлар йўналган объект, мақсад ва вазифаларнинг муштараклигидан келиб чиқилади ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилишини эмас, балки ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг олдини олишга кўпроқ қаратилиши билан бошқа турдаги профилактик чоралардан фарқ қилади.

Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг ҳамкорликда амалга оширилиши анча самарали усул ҳисобланади. Бироқ таъкидлаш жоизки, мазкур фаолиятда барча субъектларнинг иштироки муҳим бўлиб, бу борада уларнинг ўзаро ҳамкорлигини янгича ёндашув ва янгича амалий механизмларни жорий этган ҳолда амалга ошириш аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи амалий механизмларнинг жорий этилиши келгусида уни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларга бу соҳадаги чора-тадбирларни аниқ ва манзилли белгилаш ҳамда улар фаолияти йўналтириладиган объектларни тўлиқ қамраб олиш имконини беради. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этишда янгича механизмларни яратиш ички ишлар органлари тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу борада унинг самарадорлиги: а) ушбу соҳадаги қонун талабларининг аниқ ва тўлақонли ижросини таъминлашга; б) ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини манзилли ва самарали ташкил этишни мувофиқлаштиришга; в) аҳоли барча қатламларига нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришишда намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳар қандай шахсни, аввало, турли ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга мойил бўлган шахсларни ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиб қолишининг олдини олишга, жабрланишининг сабаб ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишга, шунингдек жиноий қилмиш қурбони бўлишга мойил шахслар ҳамда улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларга қарши қаратилиши лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Одам савдоси - аср муаммоси // [Электронный ресурс]. http:// muslim.uz/index./php/maqolalar/item1767-odam-savdosi-asr-muammosi/(дата обращения: 20.05.2020).

2. ООН: 72 процентов жертв торговли людьми – женщины и девочки // [Электронный ресурс]. Режим доступа: https.// m.uz.sputniknews.rusociety/20190730/. (дата обращения: 20.05.2020).

3. Последние годы жертв умышленных убийств в пять раз больше, чем погибших в ходе всех вооруженных конфликтов // [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://news.un.org/ru/story/2019/07/1358921. (дата обращения: 21.09.2019).

4. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.maailmakool. (дата обращения: 21.09.2019).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон фармони 1-иловаси 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // URL: http://www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // URL: http://www.lex.uz.

8. *Саитқулов Қ.А*. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2020.– Б.122,126.

9. Криминология: Учебник для вузов / Под ред А.И. Долговой. – М, 2005. – С.392.

10. *Саитқулов Қ.А*. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2020. – Б.31.

***Ф. П. Жумаев****

# ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ СОВЕРШЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В БЫТОВОЙ СФЕРЕ

**Аннотация.** В статье анализируются причины и условия, способствующие совершению преступлений в бытовой сфере, рассматриваются их виды, а также взгляды и мнения, касающиеся профилактики данного вида преступлений.

**Ключевые слова:** бытовая жизнь, бытовая преступность, правонарушитель, жертва, конфликтная ситуация, структура, динамика преступности.

## МАИШИЙ ТУРМУШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари таҳлил қилинган, уларнинг турлари кўриб чиқилган ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга оид фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч тушунчалар:** маиший турмуш, маиший жиноятлар, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузардан жабрланувчи, низоли ҳолат, жиноятнинг даражаси, тузилиши, динамикаси.

## THE REASONS AND CONDITIONS FOR COMMITTING CRIMES IN THE DOMESTIC SPHERE

**Annotation.** The article describes the causes and conditions, factors of crime in the domestic sphere, crimes committed in the domestic sphere, and their types, as well as views and opinions concerning the prevention of this type of crime.

**Keywords:** domestic life, domestic crime, the offender, the victim from the offender, the conflict situation, the level, structure, dynamics of crime.

Преступления на семейно-бытовой почве совершаются в результате несвоевременного разрешения социальных отношений (муж-жена, братья-сестры, свекровь-невестка, родственники и близкие, соседи) в бытовом процессе. К сожалению, семейно-бытовые отношения иногда заканчиваются конфликтной ситуацией[1].

Улучшение семейно-бытовых отношений, налаживание в семье здорового образа жизни, а также повышение значения семейно-бытовых отношений имеет важное значение в профилактике правонарушений. В этой связи, как подчеркивает М.П.Ефимова, «укрепление семьи является самым эффективным способом профилактики преступлений, в то время как их причинами становятся события, возникшие вследствие семейно-бытовых конфликтов, их неправильного и несвоевременного разрешения»[2].

В зависимости от содержания возникновения семейных конфликтов их можно изучать, разделив на: не имеющие важного значения; не разрешенные своевременно; имеющие серьезную причину; разрешенные путем конфликтного решения долго продолжающихся проблем. Например, в результате анализа причин и условий, способствующих совершению преступлений на семейно-бытовой почве, стало известно, что в 78,4% случаев они совершаются в результате отсутствия консенсуса, 6,1% – в результате имущественного спора, 4,8% – в результате ревности, 1,2% – в результате мести, 12,8% – в результате других причин[3]. В большинстве причин

***Жумаев Фаррух Парманович**, исследователь Академии МВД Республики Узбекистан.*

совершенных преступлений можно наблюдать напряжённые отношения между правонарушителем и потерпевшим, наличие фактов насилия, избиения, нездорового образа жизни.

В последнее время особое внимание уделяется разработке эффективных мер профилактики в изучении причин и условий совершения преступлений на семейно-бытовой почве, в особенности, умышленного убийства, их анализа и предупреждения. До сих пор преступления на семейно-бытовой почве не изучались в отдельности, а рассматривались в общей системе преступности[4].

Изучение проблем в сфере семейно-бытовых отношений дает возможность выявить значимые криминологические особенности и изучить их; определить влияние семьи на формирование в личности моральных и духовных качеств, на воспитание несовершеннолетних, на формирование и развитие в личности негативного поведения, на ранней стадии определить и предупредить преступность путем оказания влияния на семью.

Если в течение 2017–2019 годов в нашей стране было достигнуто снижение количества преступлений на семейно-бытовой почве, то в 2020 году этот показатель снова вырос. При анализе роста тенденции подобного вида преступлений было обнаружено, что семейные проблемы не решаются вовремя, что не проводятся целевые профилактические работы в конфликтных семьях, несмотря на их ранее выявление. К сожалению, «не налажена система предупреждения негативно влияющих на социально-моральную среду .... семей обстоятельств. В результате в некоторых махаллях выросло количество неспокойных семей и правонарушений. Также очень прискорбно наличие случаев покушения на самоубийство среди женщин и несовершеннолетних»[5].

Основные криминологические особенности бытовых преступлений всегда одни и те же – местом, мотивом, целью преступления является в основном внутренний семейный конфликт, субъект, совершивший преступление, и потерпевший в жизни являются близкими людьми и так далее.

Следует подчеркнуть, что большинство криминогенных факторов в данной сфере бывают связаны с пьянством. Как известно, под влиянием спиртных напитков теряется самоконтроль, наблюдается проявление жестокости, грубости, агрессии в поведении. Поэтому алкоголизм, пьянство и связанные с ними психические изменения личности во многих случаях становятся фактором, непосредственно влияющим на совершение преступлений на семейно-бытовой почве. Кроме того, к данным факторам можно отнести и наркоманию, ведение нездорового образа жизни, безработность, негативное поведение, отсутствие жилищно-бытовых условий, семейные конфликты, деление имущества, ревность, ссоры с соседями[6].

Конфликты на семейно-бытовой почве являются основным источником рассматриваемых преступлений. В повседневной жизни имеется множество обстоятельств, которые могут стать причиной возникновения различных конфликтов между членами семьи, родственниками и соседями в процессе их общения[7].

В семейно-бытовых преступлениях конфликтные ситуации в большинстве случаев приводят к негативным последствиям. Например, случаи, связанные с имущественным спором между супругами, решившими развестись или уже разведенными, становятся причиной преступлений. В этой связи, как справедливо подчеркивала М.М.Инагамова, увеличение числа семейных разводов приводит к росту преступности, правонарушений, случаев суицида, а также росту числа воспитанников детских домов[8].

Не следует забывать, что в долгих, жестких противостояниях между родителями и детьми присутствует множество факторов и в этом случае следует своевременно найти решение таких семейных конфликтов. В результате опроса, проведенного Центром изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр», было выявлено, что к разрушению

семьи приводят: неготовность молодых людей к семейной жизни (34,5%), материальный недостаток и трудности (26,2%), несовпадение интересов и мировоззрений супругов (10,6%), их безразличие друг к другу (19,5%), пьянство и наркомания (3,3%)[9].Также было обнаружено, что в качестве основных причин семейных разводов служат измена и конфликтные ситуации в отношениях с родителями (10%)[10].

Как справедливо подчеркивал российский ученый В.И.Шахов, склонность к алкоголизму является основным фактором, приводящим к конфликтам на семейно-бытовой почве[11]. Под влиянием этого недуга возникают опасные для жизни человека деяния. После совершения преступлений на семейно-бытовой почве преступник осознаёт, что был в состоянии опьянения и раскаивается в содеянном, однако он уже ничего не может изменить. Причиной аморальных действий может быть не только употребление спиртных напитков, но и негативное поведение личности.

Потерпевший своими незаконными действиями может подтолкнуть к преступлению. Например, сын, защищающий мать от отца, не рассчитав свои силы, может нанести ущерб жизни или здоровью своего отца. Или муж, защищающий свою жену от соседа, также может нанести ущерб соседу.

Действия лица, совершившего преступление на семейно-бытовой почве, в большинстве случаев возникают сами по себе, случайно, не обдуманно. Его поведение олицетворяет в себе агрессию, существующую на протяжении долгого времени, и он не пытается вступить в компромисс с потерпевшим. Действия насильника являются причиной беспощадного, агрессивного поведения. В проявлении таких случаев важным фактором является нездоровая обстановка в семье и конфликтные отношения между ее членами. Лицо, совершившее правонарушение, не уважает моральные нормы, относится к потерпевшему снисходительно[12]. В совершении подобного рода преступлений часто используются бытовые и домашние предметы (нож, ножницы, топор и так далее).

В процессе изучения подобных преступлений можно прийти к выводу, что 65% преступлений были совершены в вечернее время от 18.00 до 00.00 часов. В течение дня совершаются остальные 35% преступлений. Если говорить о днях недели, тут лидируют рабочие дни. Свыше 70% всех преступлений совершаются с понедельника до пятницы, остальные 30% приходятся на воскресные и праздничные дни[13].

Опираясь на вышесказанное, бытовой конфликт в семье можно охарактеризовать следующим образом. Бытовой конфликт - конфликтная ситуация, возникающая в повседневной жизни и в процессе социальных отношений между членами семьи, супругами, братьями и сестрами, родственниками и соседями в результате непонимания и ссор.

Таким образом, можно прийти к выводу, что бытовые преступления – это действия, направленные на разрешение преступным путем социальных отношений, возникающих в результате социальных отношений в кругу семьи и повседневной жизни между членами семьи, супругами, братьями и сестрами, родственниками и соседями.

Бытовое насилие в качестве криминологической проблемы включает в себя бесконечное многообразие конфликтных ситуаций экономического, правового, политического, идеологического, методологического, психологического, педагогического, медицинского и другого характера. Таким образом, необходимо проведение анализа и систематизации знаний о предотвращении насилия в семье[14].

В заключение отметим, что при изучении семейных конфликтов следует разработать эффективные профилактические меры, направленные на устранение основных факторов, способствующих совершению преступлений в данной сфере.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. *Мясникова К.А.* Преступное насилие в криминофамилистике // Общество и право. – 2012. – №2. – С.147.

2. *Ефимова М. П.* Состояние насильственной преступности в сфере семейно-бытовых отношений (по материалам Республики Саха (Якутия) // Государство и право: теория и практика: материалы междунар. науч. конф. (г. Челябинск, апрель 2011 г.). – Челябинск, 2011. – С. 175.

3. Вестник ГУПП МВД Республики Узбекистан за 2020 год.

4. *Воронцова Н.Ф.* Преступление и преступность. – М., 2012. - С. 203.

5. Маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳалларларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масалалари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг видеоселектор йиғилишидаги нутқи (2020 йил 12 февраль).

6. Современное состояние семейно-бытовой преступности в России. Автоматизированная Информационная Экспертная Система общественной экспертизы законопроектов и иных правовых актов. [Электронный ресурс]. URL:// https://aeis.oprf.ru/news/law_news/p/7495.

7. *Соловьева М.В.* Криминология: Учебник. 2-е издание. – Казань, 2014. – С. 81–82.

8. *Инагамова М.М.* Ўзбекистонда оила, никоҳ муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. –2020. – №3. – Б. 35.

9. Ўзбекистонда замонавий намунали оила модели: Ўзбекистон вилоятларидаги 800та оилада ўтказилган социологик сўровлар натижалари ва таҳлилий маълумот (Жамоат фикри сўрови натижалари бўича ахборот-таҳлилий маъруза) // Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё. –Т.: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, 2019.

10. Ўзбекистон Республикасида мустаҳкам оила ва репродуктив саломатликни шакллантириш омиллари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг ҳисоботи. – Т., 2019. – 138 б

11. *Шахов В.И.* Насилие в семье: уголовно-правовое и криминологическое значение: Автореф. дис. .... кан.юрид. наук. – М., 2003. – С. 8

12. *Самсоненко А.Г.* Психологические особенности личности, совершившей преступление: Пособие для практикующих психологов Уголовно-исполнительной системы. – СПб., 2012. - С.128

13. *Смирнов А.Ю.* Семейные и бытовые конфликты как источник преступности: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – М., 2015. – С.13.

14. *Коцюба В.А.* Криминологический анализ и предупреждение преступлений в сфере семейно-бытовых отношений (по материалам Дальневосточного региона): Автореф. дис. … кан. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – С.6.

***Р. Р. Исамутдинов****

# «ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» КОНЦЕПЦИЯСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДА «ХАВФСИЗ ХОНАДОН» МЕЗОНИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

**Аннотация.** Мақолада «Хавфсиз хонадон» мезони атрофлича таҳлил қилиниб, унинг ўзига хосликлари ёритиб берилган. Шунингдек, «Хавфсиз маҳалла» концепциясини жорий қилишда хонадон хавфсизлигини таъминлашнинг ўрни ва муҳим жиҳатлари очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** хавфсиз маҳалла, хавфсиз кўча, хавфсиз оила, концепция, мезон.

## РОЛЬ И МЕСТО КРИТЕРИЯ «БЕЗОПАСНЫЙ ДОМ» В РЕАЛИЗАЦИИ КОНЦЕПЦИИ «БЕЗОПАСНАЯ МАХАЛЛЯ»

**Аннотация.** В статье подробно анализируется критерий «Безопасный дом» и освещается его специфика. Автор также объясняет роль и важность обеспечения безопасности каждого дома в реализации концепции «Безопасная махалля».

**Ключевые слова:** безопасная махалля, безопасная улица, безопасная семья, концепция, критерии.

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE CRITERION «SAFE HOME» IN IMPLEMENTATION OF THE CONCEPT OF «SAFE LOCAL COMMUNITY (MAHALLA)»

**Annotation.** The article analyses the criterion of «Safe home» and highlights its specifics. The author explains the role and importance of home security in the implementation of the concept of «Safe local community (Mahalla)» as well.

**Keywords:** safe local community, safe street, safe family, concept, criteria.

Бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётидаги ҳар қандай ислоҳот ёки муаммони ҳал қилиш методологияси сифатида, унинг барча зарурий услуб ва мезони, шунингдек соҳага оид маълумотларни тизимлаштириш кераклиги кўрсатилмоқда.

Жумладан, «Хавфсиз маҳалла» концепциясини ўрганиш давомида мавзу объекти ҳисобланган Ўзбекистонда «Хавфсиз маҳалла» концепциясини жорий қилиш жараёнларини аниқлаш ва уни тизимли таҳлил қилишда илмий методлардан фойдаланиш тақозо этилади.

«Хавфсиз маҳалла» концепциясини илмий методлар орқали мазмунан очиб бериш ва унинг ҳар бир мезонини тизимли ёндашув асосида аниқлаш лозим. Хусусан, «Хавфсиз маҳалла» концепциясини декомпозиция методидан фойдаланган ҳолда тизим тўғрисидаги умумий тасаввурни таъминловчи таркибий қисмларга, яъни янада кичик тизимчалардан ташкил топган алоҳида тизим сифатида ажратилиб, тадқиқ этилди.

Бунда «Хавфсиз маҳалла» 3 та мезонга ажратилди (1-расм).




*1-расм. Хавфсиз маҳалла мезонлари.*

***Исамутдинов Равшан Рахмонович,** Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, мустақил изланувчи.*

Ажратилган 3 та мезон, ўз навбатида, тизимости таркибий қисмларга бўлинди (2-расм).

Мазкур бўлинган ҳар бир таркибий қисмлар тизимости сифатида маълум бир соҳани қамраб олиш нуқтаи назаридан таснифланди.

Бу борада «Хавфсиз хонадон» мезонининг «Хавфсиз маҳалла» концепциясини жорий қилишдаги ўрни ва роли тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Бунда «Хавфсиз хонадон» мезони таркибий қисмларга ажратилиб, ҳар бир таркибий қисми тизимости сифатида таснифланди ва унинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагича таҳлил қилинди:

1. Кўп қаватли уйлар эшигига электрон қулфлар ўрнатиш йўналишида.

Сўнгги йилларда ўғрилик жинояти республикада қайд этилган жиноятларнинг асосий улушини ташкил қилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 12 ойида республикада 62081 та жиноят қайд этилган бўлиб, ушбу жиноятларнинг 13 % ёки ҳар еттинчиси ўғрилик жиноятлари ҳисобланади.

*2-расм. Хавфсиз маҳалла мезоннинг тизимости таркибий қисмлари.*

Таҳлилларга кўра, хонадонларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолиши ўғрилик жиноятлари содир этилишига имкон яратмоқда. Шу боис ўғрилик жинояти кўп содир

этилаётган маҳаллаларда жиноятларга имкон берган омилларни аниқлаш ҳамда бу ҳақда фуқаролар ҳушёрлигини ошириш бўйича кўп қаватли уйлар эшигига электрон қулфлар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бу нафақат жиноятларнинг олдини олиш бўйича, балки кўп қаватли уйларни замон талаблари даражасига етказиш мақсадида йўлакларни намунали сақлашда ҳам туртки бўлиб келмоқда. Масалан, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги 230/4-25-сонли[1] қарорига мувофиқ, турар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни замон талаблари даражасига етказиш, таъмирлаш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини сифатли бажариш ҳамда кўп қаватли уйларда яшайдиган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, пойтахтдаги кўп қаватли уйларга 19907 та қулф ўрнатилган.

2. Газ ва электр хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш йўналишида.

**Кейинги вақтларда хонадонларда газ ва электр хавфсизлиги қоидаларига риоя этган ҳолда аҳоли ҳаётини асраш долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки фуқаролар томонидан газ ва электр қоидалари бузилиши оқибатида ёнғинлар келиб чиқмоқда. Жумладан,** 2020 йилда республикада содир бўлган ёнғинлар сони 11 083 тани ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига (639 та) нисбатан 5,5 фоиз ва ёнғинларда одамларнинг қуйиш тан жароҳати олиш ҳолатлари 259 нафарни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига (29 нафар) нисбатан 10,1 %га камайган бўлсада, одамларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари 124 нафарни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига (13 нафар) нисбатан 11,7 %га ошган.

2020 йилда 3 млн. 818 минг. 463 та якка тартибдаги уй-жойлар 42 минг. 756 та кўп қаватли уйлардаги 928 минг 111 та хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, 110 минг 774 та ностандарт электр, газ, иситиш мосламаларидан фойдаланилганлиги аниқланган [2].

Бунинг натижасида, ҳар йили республикада куз-қиш мавсумида аҳоли орасида ис газидан заҳарланиш ҳолатлари, газ тармоқларидаги авариялар ҳамда уларнинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар сони тез-тез кузатилмоқда.

Буни келиб чиқишининг сабаблари сифатида аксарият ҳолларда ис газидан заҳарланиш, газдан чақнашлар табиий газ ва муқобил ёқилғи турларида ишловчи иситиш печлари ҳамда бошқа жиҳозлардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик, ностандарт (қўлбола ясалган) ва чет элда ишлаб чиқарилган сертификатга эга бўлмаган иситиш ускуналари, газ сўриш насосларидан фойдаланиш оқибатида юзага келаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Яна бир муҳим масала – хонадонда ёнғин келиб чиқишининг сабаби сифатида электр энергиясидан тўғри фойдаланиш ва хонадон қурилиши ишларида электр қурилмаларини тўғри монтаж қилишни ҳам кўрсатиш мумкин.

2020 йилда республика ҳудудида 133 та фавқулодда вазиятлар содир бўлган. Қайд этилган фавқулодда вазиятларнинг асосий қисмини йўл-транспорт ҳодисалари (27,8%), аҳоли уй-жойларида газ (портлаши) чақнаши (9%), ижтимоий-маиший ҳамда турар-жой, бино ва иншоотларидаги ёнғинлар (11,3%), аҳолининг табиий ва ис газидан (22%) ҳамда аҳолининг заҳарли моддалардан заҳарланиш (6,8%)лари ташкил этган[3].

3. Қўриқлаш пультига уланиш йўналишида.

Республикада 2020 йилда қайд этилган 8164 та ўғрилик жиноятининг 23,4 % ёки 1911 таси [4] хонадонлардан содир этилган.

Таҳлилларга кўра, хонадонларнинг қаровсиз қолдирилиши ва хонадонга темир панжаралар ўрнатилмаганлиги ҳамда қўриқловга олинмаганлиги ўғрилик жиноятлари содир этилишига имкон яратмоқда.

Фуқароларнинг мулки ва бойлигини асрашда хонадонларни қўриқлаш пультига улаш турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Жумладан, бир хонадонни бир ой давомида техник қўриқлаш пунктлари (ТҚП) ёрдамида қўриқлаш учун ҳақ тўланади. Ушбу ҳақ хонадон эгаси мулки баҳоланганидан

келиб чиққан ҳолда олинади. Хонадон соҳиби мулки қимматроқ баҳоланадиган бўлса, қўриқлаш ҳақи ўша сумманинг бир фоизи миқдорида белгиланади. Мулк нархини баҳолашни бир вақтнинг ўзида суғурта суммасини белгилаш ҳам деб қабул қилиш мумкин. Яъни мулкдор ўз хонадонидаги мулкни қанча суммага баҳоласа, қўриқлаш хизмати айби билан ўғрилик содир этилишига йўл қўйган тақдирда мулк баҳоланган суммани тўлиқ ўз ҳисобидан тўлайди.

Бир хонадонни сигнализация билан жиҳозлаш (сигнализация жиҳозлари, ускуналари ва ўрнатиш хизматларини қўшиб ҳисоблаганда) хонадон эгасининг хоҳишига кўра, ўрнатилган қўриқлаш жиҳозлари туридан келиб чиқиб, ўрнатиш нархи ўзгариши мумкин. Сабаби, сигнализация воситалари бозори анча кенг.

Мижозга хонадонини қўриққа топшириш истагида уйида телефон алоқаси бўлиш ва белгиланган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб туришдан ўзга ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Қўриқлаш тартиби оддий — хонадон сигнализация орқали ТҚПга уланади. У ерда эса рация, автомашина, шахсий ҳимоя воситалари, табель қуроллари билан қуролланган қўлга олиш гуруҳи навбатчилик қилади.

Улар «ташвиш» хабари тушган хонадонга қисқа муддат ичида етиб боради. Нарядниг етиб бориш вақти 3–5 минутдан узоққа чўзилмайди. Чунки қўриққа олишда, аввалambор, хонадонга нарядларнинг етиб келиши эътиборга олинади. Шу сабабли Миллий гвардиянинг қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган хонадонларга тажовуз бўлганда, деярли барча ҳолатларда ўғриликнинг олди олинади [5].

Бу орқали, фуқаролар тинчлиги, хотиржамлигини, улар мол-мулки ишончли қўриқланишини таъминлайди.

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, республикада 39215 та объект қўриқлаш пультига олинган. Улардан 20985 таси хонадонлар ва 18230 та бошқа объектлар ҳисобланади [6].

4. Ташвиш (SOS) тугмасини ўрнатиш йўналишида.

Бугунги кунда мактаб ва диний ташкилотларнинг объектларини «ташвиш тугмалари» билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Таҳлиллар аҳоли гавжум яшаш пунктлари ва кўп қаватли уйларга ҳам «ташвиш тугмалари»ни ўрнатиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати тегишли идора, ташкилотларга бу ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олишда турли хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Жумладан, қўриқлаш хизмати — «ташвиш» тугмачасидан касса, банк, кўнгилочар муассасаларда самарали қўлланмоқда. Айни пайтда ўз ҳаёти, соғлиғи, хотиржамлигини ўйлаган фуқаролар ҳам хизматнинг ушбу туридан фойдаланмоқда. Хизматнинг бу турида мижоз ўзига керакли вақтда «ташвиш» тугмачасини босиш орқали ички ишлар органлари нарядини хонадон, дўкон, кўнгилочар муассасага, қисқаси, тугмача қаерга ўрнатилган бўлса, ўша ерга чақириши мумкин.

«Ташвиш тугма»ларни ўрнатиш кўча ва жамоат жойларида хавфсизликни таъминлашнинг самарали усули сифатида баҳоланмоқда.

Масалан, кўча ва жамоат жойларига яқин ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли ўз хонадонига «ташвиш тугма»ларни ўрнатиб, жиноят, ҳуқуқбузарлик ёки фавқулодда вазиятларда тегишли ташкилотларга мурожаат қилса, турли хил нохуш ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади.

5. Хонадонларни белгиланган тартибга асосан қуриш йўналишида.

Сўнгги йилларда республикамизда жуда кўплаб янги уй-жойлар барпо этилмоқда.

Жумладан, 2020 йилда республиканинг барча минтақаларида «Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда 8000 та кўп квартирали арзон уй-жой ва «Ўзшаҳар қурилиш инвест ИК» МЧЖ иштирокида шаҳарларда 4256 та хонадондан иборат кўп квартирали уйлар қуриш белгиланган [7].

Бу борада хонадонлар шаҳарсозлик талабларига асосан қурилмоқда. Айни пайтда, мамлакатимизда 6,5 млн.дан ортиқ хонадон мавжуд бўлса, уларнинг 1,6 млн. дан ортиғи кўп қаватли ва 4,9 млн.дан ортиғи ҳовлили уйлардаги хонадонларни ташкил этади [8].

Мазкур хонадонларнинг аксарияти бугунги кунда шаҳарсозлик қоидаларига мутлақо жавоб бермаслиги ва хонадондаги ёрдамчи хўжалик биноларининг (тандирхона, молхона кабилар) тегишли санитария-гигиена, ёнғин-хавфсизлик чоралари талабларига мос эмаслиги ва ёрдамчи хўжалик бино атрофлари девор билан ўралмаганлиги оқибатида турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, хонадон хавфсиз бўлишига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

2020 йилда қайд этилган 8164 та ўғрилик жиноятининг 10,7 % ёки 881 таси [9] чорва моллари ўғирлигини ташкил этган.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш, хонадонларни шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартибга келтириш, маҳаллаларда хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

2020 йилнинг июнь–август ойлари давомида мамлакатимизда «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман» шиори остида хонадон, кўча ва маҳаллалардаги аҳолини жамоатчилик асосида жалб этиб, обод қилинди ва тартибга келтирилди [10].

Бу борада хонадонлар ташқи қисми ва ички қисми, деворлари ҳамда ёрдамчи хўжалик бинолари хавфсизлик талабларига мос равишда таъмирланди.

Шунингдек, Қурилиш вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жойларнинг кўриниши (томи, девори, тандирхона, молхона, сомонхона кабилар), хоналар ўлчами, йўлаклар, уларнинг санитария ва хавфсизлик меъёрларини инобатга олган ҳолда намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда аҳоли томонидан имкониятидан келиб чиққан ҳолда яшаш хонадонларини қуришда фақат унинг савлатли кўриниш ва безакларига эмас, балки ўзига қулай ва хавфсизлик нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикада «Хавфсиз хонадон»ни таъминлаш орқали «Хавфсиз маҳалла» копцепциясини амалиётга татбиқ этишга эришилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. https://www.lex.uz/acts/2197355;

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2021 йил 21 январь кунидаги 1-сонли буйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2021 йил 21 январь кунидаги 1-сонли буйруғи.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотлари.

5. *Шодиев Р.* Қўриқлаш хизматидан фойдаланинг... // Ўзбекистон овози. 10.05.2015. – URL: http:// uzbekistonovozi.uz/articles/index.php? ELEMENT_ID=25591.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2020 йил 12 ойлик ҳисоботи бўйича маълумотлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 28 ноябрь ПФ-5886-сон фармони. – URL: https://lex.uz/docs/-4637331.

8. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ой якунлари бўйича маълумотлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июндаги 014-07/1-1309-сон йиғилиш баёни.

*С. С. Шарипов**

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ САФ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ МОҲИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятини бошқариш моҳияти илмий таҳлил қилинган ҳамда мазкур хизмат зиммасига юклатилган вазифалар ва бу борада олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, «патруль-пост хизмати» ва «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари», «ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш» каби тушунчаларга таърифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, патруль, пост, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари.

## ПРАВОВОЙ СТАТУС СТРОЕВЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПАТРУЛЬНО-ПОСТОВОЙ СЛУЖБЫ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ И СУЩНОСТЬ УПРАВЛЕНИЯ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ

**Аннотация.** В статье научно проанализированы правовой статус строевых подразделений патрульно-постовой службы органов внутренних дел и сущность управления их деятельностью, а также задачи, возлагаемые на данную службу. В этой связи, исходя из результатов проведенного исследования, даны авторские определения таких понятий, как «патрульно-постовая служба», «строевые подразделения патрульно-постовой службы», «управление строевыми подразделениями патрульно-постовой службы органов внутренних дел».

**Ключевые слова:** обеспечение общественного порядка и безопасности, патрульная, постовая, патрульно-постовая служба органов внутренних дел, строевые подразделения патрульно-постовой службы.

## THE LEGAL STATUS OF THE COMBATANT UNIT OF THE PATROL SENTRY SERVICE OF OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS AND THE ESSENCE OF THEIR CONTROL

**Annotation.** The article gives authorship definitions to such concepts as «patrol post servise» and «patrol and guard service combat units», «management of patrol and guard service combat units, internal affairs bodies» patrol and guard service combat units based on scientific analysis of the legal status of patrol and guard service combat units and tasks assigned to this service and the results of the research carried out in this.

**Keywords:** maintaining public order and ensuring safety patrol post internal affairs bodies patrol post service , patrol and guard service combat units.

Мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича яхлит тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозир республикамиз маъмурий-ҳудудий бирликларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги муносабати билан унинг марказий кўчалари, бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини ва хавфсизлигини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган куч, воситалар ҳамда усуллардан фойдаланган ҳолда самарали таъминлашга эҳтиёж сезилмоқда.

* ***Шарипов Санжар Собирович,*** *юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD).*

Фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири – кўча ва жамоат жойларида жиноят, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш экан, бугунги кунда патруль-пост хизматининг фаолиятини ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди [1; 333-б.]. Шу сабабли, давлат раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, ички ишлар органларининг мазкур фаолият билан шуғулланувчи таркибий тузилмалари фаолияти замон талаблари асосида қайта ташкил этилди.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш субъектлари орасида муҳим ўрин тутадиган патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини давр талаби асосида ахборот технологиялари билан таъминлаш, патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмларни белгилаш, уларнинг кунлик хизматини маҳаллалар кесимида йўлга қўйиш бугунги кундаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди [2].

Дарҳақиқат, В.В. Гордиенко тўғри таъкидлаганидек, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, одатда мазкур фаолиятни амалга ошириш вазифаси бир қатор субъектларнинг зиммасига юклатилади. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш жараёнида иштирок этувчи субъектлар орасида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари асосий ўринни эгаллайди [3].

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлганидек, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳам ўтган давр ичида ўзига хос ҳуқуқий мақоми шаклланди. Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини тўлиқ тушуниш учун назаримизда, аввалambор, «патруль», «пост», «патруль-пост хизмати» ва «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиш мақсадга мувофиқдир.

«Патруль» сўзи французча «patrouille» сўзидан олинган бўлиб, «қўриқчи», «қоровул» деган маъноларни билдиради ҳамда мазмунига кўра маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни сақлаш учун қўйилган қуролли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳини англатади [4]. «Пост» сўзи ҳам французча «poste» сўзидан олинган бўлиб, «муайян жойга қўйилган» маъносини беради ҳамда мазмунига кўра «қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой»ни англатади [4].

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик адабиётлар ҳамда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «патруль-пост хизмати» тушунчасига турлича таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилади. Хусусан, айрим юридик адабиётларда ушбу тушунчага «мамлакатда ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, хусусан шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий, маъмурий ва бошқа ғайриижтимоий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширувчи хизмат» сифатида таърифлар келтирилган [5; 101-б.]. Кўриниб турибдики, «патруль-пост хизмати»га берилган мазкур таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, унда хизматнинг фаолият йўналишлари, турлари ҳамда таркиби аниқ келтирилмаган.

Айрим юридик адабиётларда «патруль-пост хизмати» атамасини икки хил маънода қўллаш ҳоллари ҳам кўзга ташланади: биринчиси – жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминловчи ички ишлар органлари махсус нарядларининг фаолияти бўлса, иккинчиси – жамоат тартибини сақловчи техник воситалар, қисмлар ва бўлинмаларнинг мажмуаси [6; 239-б; 7]. Ҳуқуқшунос олим В.Л. Симонов эса «ушбу

ҳар иккала келтирилган таъриф ҳам патруль-пост хизматининг моҳиятини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади», деб ҳисоблайди [8; 6-б.].

Олиб борилган тадқиқотларда «патруль-пост хизмати»га оид турли таърифларга дуч келиш мумкин. Хусусан, А.Н. Бадмаев «Патруль-пост хизмати – бу жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пост ва патруль йўналишларида фаолият олиб борувчи ички ишлар органларининг махсус тайинланган нарядидир», дея таъриф беради [9; 12-б.]. М.В. Сергеев эса «Патруль-пост хизмати – бу ички ишлар органларининг махсус наряди бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва бошқа махсус бўлинмалар билан ҳамкорликда бириктирилган ҳудудларда, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлайди» [10; 133-б.] деган фикрни илгари суради.

Ушбу келтирилган таърифлардан кўриш мумкинки, патруль-пост хизматини ўтайдиган таркиб фақат ички ишлар органларининг махсус нарядлари билан чекланиб қолган. Ваҳоланки, ушбу хизматга ички ишлар органларининг бошқа таркибий тузилмалари ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур тушунчага нисбатан мақсадга йўналтирилган таъриф берилган: «Патруль-пост хизмати – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ белгилаб берилган ҳудудлар ва жойларда хизмат ўташи» [11]. Ўз навбатида, мазкур таъриф ҳам назаримизда ушбу тушунча мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритиб бераолмаган. Жумладан, унда келтирилганидек, патруль-пост хизматининг хизмат кўрсатиш қамрови кўчалар, жамоат жойлари ва аниқ белгилаб берилган ҳудудлар, жойлар билан чекланмайди, масалан, улар бундан ташқари қўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш, йўловчи поездларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳам амалга оширади. Демак, патруль-пост хизмати нафақат ҳудуд ва жойларда, балки маълум транспорт воситаларида ҳамда унинг белгиланган маршрутларида ҳам фаолият олиб боради.

Юқорида келтирилган фикрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, «патруль-пост хизмати» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Патруль-пост хизмати – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий ва маъмурий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кўчалар ва жамоат жойларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни кузатиб боришда, йўловчи поездларда ва белгилаб берилган бошқа жойларда хизмат ўташи».

Бевосита «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» хусусида сўз борар экан, улар ички ишлар органлари тизимида кўп қиррали хизмат бўлгани учун мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан унинг фаолиятини тўғри ва аниқ ташкил қилишга боғлиқ. Улар, айниқса, шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг марказлари, кўчалари, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлашда муҳим роль ўйнайди [13; 7-8-б.]. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида патруль-пост хизмати ходимларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганган америкалик мутахассислар ушбу хизматни «полициянинг юраги, ядроси» сифатида эътироф этишади [14; 8-б.].

Бугун республикамизнинг вилоят ва шаҳар марказлари, катта шаҳарларида, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек турли оммавий тадбирларини ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни Республика ички ишлар

органлари умумий штатларининг асосий қисмини [15] ташкил қилувчи патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир», дея таъкидлагани [16] ушбу хизматнинг жамиятдаги роли ва ўрни қай даражада муҳим эканлигини кўрсатади.

Бошқарув субъекти бажарадиган кўплаб вазифалар орасида унинг сифат даражасини белгиловчилари мавжуд [17; 43-б.] бўлганидек, юридик адабиётларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг асосий вазифалари кўчаларда, жамоат жойларида фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни очишда қатнашиш, хусусий мулкни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилиш, диний экстремизм, терроризм ва қўпорувчиликка қарши курашиш ҳисобланади, деб келтирилган [18; 117-б.].

Илмий-тадқиқотларда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг вазифалари хусусида турли фикрлар илгари сурилган. Жумладан, рус олими М.В. Сергеев «ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари учун асосий вазифа – кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдир» [10; 133-б.] дейди. Америкалик олим Ч.Д. Ҳейл [19] ва патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг полиция органлари тизимидаги ролини ўрганган М.З. Зиёдуллаев уларнинг мақсади ва вазифалари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракатини тартибга солиш ва назорат қилиш, яширинган жиноятчиларни қидиришда иштирок этиш, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплаш ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатишда намоён бўлишини таъкидлайдилар [20; 69-70-б.].

Ж.С. Мухторов ўз тадқиқотларида патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан жиноятларни олдини олишдаги ўрнини [22; 25-б.], О.В. Десятова уларнинг замонавий шаҳарлар шароитида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни ушлаб туришдаги ролини [22; 3001-б.], Д.В. Кураков эса маъмурий назоратни амалга оширишдаги аҳамиятини алоҳида эътироф этади [13; 8-б.].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, белгиланган йўналишларда хизмат олиб бораётган патруль-пост хизмати нарядларининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлиб (буни сўровда иштирок этган мутахассисларнинг 80,1 фоизи ҳам маъқуллаган), шунга қарамай улар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш ва уни фош этиш, мулкни қўриқлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам иштирок этадилар. Бу эса патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолияти кўп қиррали эканлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган фикрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, «патруль-пост хизмати саф бўлинмаси» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«*Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари* – кўча ва жамоат жойларида, транспорт объектларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш ва йўловчи поездларда ҳамда бошқа белгиланган пост ва патруллик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

профилактикаси бўйича қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширадиган ички ишлар органларининг таркибий тузилмаларидир».

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари тизимини ислоҳ қилиш жараёнида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, бошқарув механизми муваффақиятсиз бўлган ҳеч бир ички ишлар органлари самарали ишлай олмайди [24; 136-б.]. Шундай экан, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун уларда мавжуд кучларни уюштириш, фаолиятини тўғри ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш талаб этилади.

Ҳуқуқшунос Ю.Ю. Орлова тўғри таъкидлаганидек, бошқарув фаолиятининг мазмунини кўриб чиқиш унинг моҳиятини тушунишдан бошланиши керак [24; 33-б.]. Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш ички ишлар органларини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, унинг моҳияти хусусида юридик адабиётлар ва тадқиқотларда турлича ёндашувлар мавжуд.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг моҳияти – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилувчи, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминловчи, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширувчи замонавий тузилмаларнинг шаклланишида намоён бўлади.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш – бу ички ишлар органлари бошлиқларининг кундалик ва мақсадга йўналтирилган фаолиятидир.

Мазкур фаолиятнинг *асосини* патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда юклатиладиган вазифаларни бажаришга доимий шайлигини таъминлаш ташкил этади [25; 156-б.].

Ушбу соҳада олиб борилган илмий-тадқиқотларда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича куч ва воситаларини бошқариш ўз ичига: кун давомида куч ва воситаларини жойлаштириш тақсимоти бўйича қарор қабул қилиш; уларнинг зиммасидаги вазифаларни бажариши учун йўл-йўриқ бериш орқали хизматга тайёрлаш; алоқа ва ахборот таъминотини ташкил этиш; ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш; нарядларнинг хизмат ўташларини назорат қилиш ва уларнинг иш натижаларини ҳисобга олиш кабиларни қамраб олиши кўрсатилган [12; 7-б.]. Бироқ, назаримизда, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича куч ва воситаларини бошқаришнинг асосини ташкил этувчи функциялар доираси булар билан чекланиб қолмайди. Чунки ушбу соҳадаги бошқарув яна бир қатор функцияларни, хусусан режалаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолашларни ҳам ўз ичига олади.

Полиция патруль хизматларининг фаолиятини тадқиқ этган АҚШлик олимлар М. Жакинта ва Д. Коди Гайнеснинг фикрича, «юқоридан пастга қараб бошқарув усули, марказий бошқарувнинг «паст»га йўналтирувчи қарорларини қабул қилишдан бошланади» [26]. Улар ушбу фикрлари билан патруль-пост хизмати бўлинмаларини бошқаришнинг дастлабки босқичини белгилашга ҳаракат қилишади. Фикримизча, мазкур фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, негаки патруль-пост хизмати бўлинмаларини бошқаришнинг асосларини ташкил этувчи функциялар келтирилганидек, бошқарув қарорини қабул қилишдан бошланмайди. Негаки, бошқарув қарорининг қабул қилинишидан олдин, ушбу қарорга асос бўладиган криминоген вазият, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ҳолатини ифодаловчи шарт-шароитлар ҳамда омилларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизматларини бошқаришнинг функциялари рус олимлари С.М. Ковалёв ва А.Н. Афанасенколар томонидан нисбатан тўлиқроқ келтирилган, булар: тезкор вазиятларни таҳлил қилган ҳолда бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; вазифаларни бажариш учун куч ва воситаларни тайёрлаш ва йўриқнома бериш; нарядларни доимий ахборот билан таъминлаб туриш ва ўз вақтида улар билан ахборот алмшинувини амалга оширишини таъминлаш; патруль куч ва воситалари билан ўзаро манёврларни ташкил этиш; патруль-хизматини ташкил этиш ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш; патруль-пост иш натижаларини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш [21].

Назаримизда, юқоридаги олимлар томонидан келтирилган фикр ва мулоҳазаларда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилмаган. Негаки, келтирилган фикрларда ички ишлар органларидаги бошқарувнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланган фаолиятни кадрлар билан таъминлаш ҳамда моддий-техник таъминлаш масалалари эътибордан четда қолган.

Муайян тизим, жумладан ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш кенг кўламли фаолият бўлиб, турли функция, шакл ва усуллар орқали таъминланади. Улар ўз мазмун-моҳиятига кўра патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш негизининг муайян асослари (фундаменти)ни ташкил этади. Фикримизча, уларни қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

1) бошқарувнинг ҳуқуқий асослари;

2) бошқарувнинг ташкилий-тактик ва методик асослари;

3) бошқарувнинг моддий-техник асослари;

4) бошқарувнинг кадрларга оид асослари.

Демак, ички ишлар органлари *патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш* – ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий, ташкилий-тактик ва методик, моддий-техникавий ҳамда кадрлар билан таъминлаш орқали амалга ошириладиган маъмурий фаолиятдир.

Ўйлаймизки, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятининг моҳиятига доир билдирилган мулоҳазалар келгусида мазкур фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т., 2017. – Б. 592.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 26 март ПФ-6196-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

3. *Байгажаков С.В.* Организация деятельности служб и подразделений полиции по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности [Электронный ресурс]: Учебник / Байгажаков С.В., Бецков А.В., Гордиенко В.В. – Электрон. текстовые данные. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 463 с. // [Электрон манба]. – URL: http://www. iprbookshop.ru/52049. (мурожаат вақти: 19.10.2019).

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – URL: https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20P%20harfi.pdf

5. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ф.Н. Шукуров ва бошқ.; генерал-лейтенант Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2019. – Б. 414.

6. Административная деятельность полиции: Учебник / Под ред. Ю.Н. Демидова. – М., 2014. – С. 527.

7. *Панасенко В.* Надзор за исполнением лесного законодательства // [Электрон манба]. – URL: http:// RuBooks.org, 2017 (мурожаат вақти: 15.06.2019).

8. *Симонов В.Л.* Организация патрульно-постовой службы милиции по охране общественного порядка в крупных промышленных городах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1996. – С.23.

9. *Бадмаев А.Н.* Основные направления деятельности милиции общественной безопасности: службы участковых уполномоченных милиции, патрульно-постовой службы милиции и дорожно-патрульной службы Государственной инспекции безопасности дорожного движения: Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Челябинск, 2006. – С.23.

10. *Сергеев М.В.* Понятие патрульно-постовой службы полиции: история и современность // Юридическая наука и правоохранительная практика. – Тюмень, 2018. – № 1 (43). – С. 129–135.

11. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг Уставини тасдиқлаш ҳақида»ги 111-сон буйруғи.

12. *Степанов С.* Организация охраны общественного порядка на основе комплексного использования сил и средств органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 1995. – С.22. [Электрон манба]. – URL: http:// lawtheses.com/organizatsiya-ohrany-obschestvennogo-poryadka-na-osnove-kompleksnogo-ispolzovaniya-sil-i-sredstv-organov-vnutre nnih-del (мурожаат вақти: 18.03.2020).

13. *Кураков Д.В.* Административный надзор в деятельности полиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2012. – С.20.

14. *Осипов Ю.И.* Организация патрульно-постовой службы местной полиции США: Учеб. пособие. – М., – 1990. – С. 73.

15. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББнинг 2015–2020 йил мобайнидаги хизмат фаолияти тўғрисидаги маълумотномалари.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. [Электрон манба]. – URL: https://president.uz/uz/lists/view/1147?utm_source =uznet.press&utm_ campaign=topic (мурожаат вақти: 25.10.2017).

17. *ЛазеревБ.Н.* Компетенция органов управления // Юрид. лит. – М., 1972. – С. 280.

18. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик / И.Исмоилов, Ж.С. Мухторов, Ф.Н.Шукуров ва бошқ. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т, 2019. – Б. 483.

19. *Charles D. Hale,* Police Patrol, Operations and Management. // [Электрон манба]. – URL: https://www.goodreads.com/book/show/3713266-police-patrol (мурожаат вақти: 25.10.2019).

20. *Зиёдуллаев М.З.* Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т., 2015. – Б. 73.

21. *Ковалёв С.М., Афанасенко А.Н.* Особенности тактики действий патрульно-постовых нарядов по предупреждению и пресечению нарушений совершаемых на объектах транспорта // Научно-практический электронный журнал «Аллея Науки» Alley-science.ru, 2017. – № 14. Alley-science.ru – https://alley-cience.ru/domains_data/files/October1 _7/osobennosti фоиз20taktiki фоизpdf.

22. *Мухторов Ж.С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: Юрид. фан. номз.…дис. – Т., 2008. – Б. 178.

23. *Десятова О.В.* Проблемные вопросы применения огнестрельного оружия подразделениями патрульно-постовой службы, осуществляющими охрану общественного порядка в современных

условиях города // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – Тюмень, 2014. – С. 3001–3005.

24. *Орлова Ю.Ю.* Сущность и содержание управленческой деятельности в органах Министерства внутренних дел Российской Федерации // Вестник Московского университета МВД России. – 2014. – № 3. – С.136-138.

25. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 425.

26. *Jacinta M. Gau* and *D. Cody Gaines.* Top-Down Management and Patrol Officers' Attitudes About the Importance of Public Order Maintenance: A Research Note [Электрон манба]. – URL: // Attitudes_About_the_Importance_of_Public_Order_Maintenance_A_Research_ Note (мурожаат вақти: 19.10.2019).

*А. А. Шодиев**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида ислоҳотлар даврида маҳкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига оид масалалар кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** жиноят-ижроия қонунчилиги, маҳкумлар, маҳкумлар ҳуқуқлари, маҳкумларнинг қонуний манфаатлари.

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ ОСУЖДЕННЫХ В ПЕРИОД РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы, связанные с обеспечением прав и интересов осужденных в период реформ в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** уголовно-исполнительное законодательство, осужденные, права осужденных, законные интересы осужденных.

## ENSURING THE RIGHTS AND INTERESTS OF CONVICTED PERSONS DURING THE REFORMS IN UZBEKISTAN

**Annotation.** The article deals with the issues related to ensuring the rights and interests of convicted persons during the reforms in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** criminal law, convicts, rights of convicts, legitimate interests of convicts.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 9-моддаси маҳкумларнинг асосий ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, унга асосан маҳкумлар, жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш; жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш; ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш, тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан, ўқув, бадиий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш, соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш; об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш; жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш; меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши; ижтимоий таъминот, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш; маҳкум ажнабий фуқаролар ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса уларнинг манфаатларини

* ***Шодиев Абдукарим Абдурахмонович,*** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти кафедраси бошлиғи.*

ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш; ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш каби ҳуқуқларга эга.

Эътироф этишимиз лозимки, Республикамизда Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан қонунустуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, уларни замонавий босқичларга кўтариш ва жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилиги, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш[1] каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. Айниқса, жиноят-ижроия қонунчилиги бўйича жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда маҳкумларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бошқа қонуний манфаатларининг таъминланишига хизмат қиладиган бир қатор жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги «*Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*»*ги* ЎРҚ-625-сонли қонуни[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги *«Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги* ПФ-6196-сонли фармони[3], 2017 йил 11 августдаги *«Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги* ПҚ-3200-сонли[4], 2018 йил 7 ноябрдаги *«Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги* ПҚ-4006-сонли[5], 2019 йил 2 августдаги *«Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида»ги* ПҚ-4414-сонли[6], 2021 йил 2 апрелдаги *«Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги* ПҚ-5050-сонли[7] қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги «*Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг*

*фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги* 128-сонли қарори[8] каби қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Буларнинг барчасининг мазмун-моҳиятида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилиши назарда тутилган бўлиб, уларнинг шаъни ва қадр-қимматининг ҳурмат қилинишини таъминлаш, ходимларнинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назоратни коррупция, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларини истисно этадиган тарзда кучайтириш, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли институционал ислоҳотларни ўтказиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни амалга ошириш, сиёсий ва диний қарашларидан қатъи назар, маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш, жиноят-ижроия қонунчилигини, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни сақлаш шарт-шароитларини янада гуманизация қилишни назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши бўйича чекловни бекор қилиш, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва қатъий тузалиш йўлига ўтган озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни афв этиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрь кунидаги Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилади. Жумладан, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар босқичма-босқич қисқартирилади. Бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинади. Мазкур енгиллик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилади», – дея таъкидлаганлари ҳам маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилиши, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиниши янги босқичга кўтарилди, десак хато қилмаган бўламиз.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф, янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2018 йил 7 ноябрь ПҚ-4006-сонли қарори[1] айнан ана шу муаммо ва камчиликларни бартараф этиб, жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришни назарда тутади.

Қарорга кўра, жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди. Жумладан:

– жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

– маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

– маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

– умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;

– маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

– озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш;

– жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойлардан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қарор билан «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси» маъқулланди.

Концепцияда 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилганлиги, жазони ижро этиш тизимида таълим муассасаларининг фаолияти тубдан ислоҳ қилинганлиги, маҳкумларни ўқитиш жараёнига инновацион педагогик технологиялар жорий этилганлиги, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва касб-ҳунарга эга бўлмаган маҳкумларни касбий тайёрлаш механизмлари қайта кўриб чиқилганлиги ва шу каби бир қатор ижобий ишлар санаб ўтилган.

Жиноят-ижроия амалиёти таҳлили, шунингдек жамоатчилик билан бевосита мулоқот натижалари қуйидаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди:

биринчидан, маҳкумлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсон, меҳнат ва ижтимоий турмуш қоидалари ҳамда анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш;

иккинчидан, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назоратни амалга ошириш;

учинчидан, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларнинг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш.

Бундан ташқари, қарорда давлат жиноят-ижроия сиёсатининг қуйидаги асосий жиҳатларни назарда тутувчи мутлақо янги устувор йўналишларини, яъни «Жиноят-ижроия тизимини такомиллаштириш, жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш», «Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш», «Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш», «Концепцияни амалга оширишдан кўзланган

натижалар»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилган ҳамда мазкур масалаларнинг ҳар бири алоҳида бобларда қайд этилган.

Жиноят-ижроия қонунчилигини унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини кенгайтириш, турлича талқин қилинадиган ёки коррупциянинг юзага келишига йўл қўядиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш, шунингдек қонун нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиётига тўлиқ ўтиш ва бошқа шу каби концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар ўзларига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, сидқидилдан бажарсалар, концепцияни амалга оширишдан кўзланган натижаларда қайд этилган маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг ишончли, самарали механизмларини яратиш; жиноят-ижроия тизими фаолиятининг шаффофлиги, ошкоралигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш; маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг иштироки институтини кучайтириш; жазони ижро этиш тизими фаолиятига замонавий шакл ва усулларни ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби мақсадларга эришиш мумкин бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган қонунчилик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида маҳкумлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг жиноий фаолиятининг олдини олиш, шунингдек бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишига чек қўйишнинг самарали тизимини яратиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда. – № 20. – 354-модда. – №23. – 448-модда. – № 37. – 982-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 01.07.2020 й., 03/20/625/1007-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. –№ 33. – 838-модда.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 03.08.2019 й., 07/19/4414/3510-сон.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06.03.2020 й., 09/20/128/0261-сон.

***А. К. Расулев*****
***Г. А. Саъдуллаев****

# КИБЕР ЖИНОЯТЧИЛИК ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ: КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, ёшларнинг Интернет тармоғидан кенг фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда кибер жиноятларга қарши курашиш масалалари таҳлил қилинган. Ахборот хавфсизлиги бўйича давлат ва халқаро ташкилотларнинг ахборотни ҳимоя қилиш, компьютер хавфсизлигини таъминлаш масаласи ва кибер жиноятларга қарши курашиш амалиёти ўрганилиб, мамлакатимизда ушбу жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги, ёшлар, Интернет тармоғи, кибер жиноятчилик, кибер жиноятларга қарши курашиш, хакер.

## КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬ И ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ: ВОПРОСЫ ПОДГОТОВКИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ

**Аннотация.** В данной статье проанализированы вопросы противодействия киберпреступлениям с учетом развития современных информационно-коммуникационных технологий, использования молодёжью возможностей сети Интернет. Изучены вопросы защиты информации, обеспечения компьютерной безопасности и практики борьбы с киберпреступностью государственных и международных организаций по информационной безопасности, выдвинуты предложения и рекомендации по совершенствованию мер по борьбе с этими преступлениями в нашей стране.

**Ключевые слова**: информационно-коммуникационные технологии, информационная безопасность, молодежь, Интернет, киберпреступность, борьба с киберпреступностью, хакер.

## CYBERCRIME AND INFORMATION SECURITY: ISSUES OF TRAINING AND RETRAINING OF PERSONNEL

**Annotation:** The article analyzes the issues of countering cybercrime, taking into account the development of modern information and communication technologies, and the use of the Internet by young people. The issues of information protection, computer security and the practice of combating cybercrime by state and international information security organizations are studied and proposals and recommendations are put forward to improve measures to combat these crimes in our country.

**Keywords:** information and communication technologies, information security, youth, Internet, cybercrime, fighting cybercrime, hacker.

Жамиятда ахборотлаштириш жараёнларининг тезлашиши ва жадал ривожланиши ахборот технологиялари имкониятидан кенг фойдаланиш ва универсал компьютерлаштириш заруратини келтириб чиқарди. Жаҳон Интернет ижтимоий тармоғи имкониятларининг ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб бориши ахборотни ҳимоя қилиш ва компьютер хавфсизлигини таъминлаш масаласини долзарблаштирмоқда.

****Расулев Абдулазиз Каримович,*** *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор.*

*****Саъдуллаев Гайрат Абдужаббор ўғли,*** *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси.*

Ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланиш миллий ва трансмиллий жиноятларнинг авж олишига сабаб бўлиб, мазкур вазият жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда.

Дунё аҳолисининг Интернет тармоғидан фойдаланиш кўрсаткичи 2019 йилда 53% дан, яъни 4,1 млрд. нафардан ошди. Бу рақам борган сари ўсишда давом этмоқда. Хусусан, 2020 йил бошида дунёда 4,5 млрд. ортиқ инсон Интернет тармоғидан фойдаланишган – бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7% га кўпдир. Мазкур кўрсаткич дунё аҳолисининг деярли 60% ни ташкил этмоқда. Халқаро электроалоқа иттифоқининг (ХТАИ) берган маълумотларига кўра, бу борада Европа давлатлари энг юқори (82,5%), Африка давлатлари эса энг паст (28,2%) кўрсаткични қайд этади [6].

Таҳлилларга кўра, дунёда Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг 26,5% ни 10–24, 26,7% ни 25–34, 20,4% ни 35–44 ёшдагилар ташкил қилади [2]. Кўриниб турганидек, Интернет фойдаланувчиларининг катта қисми ёшлардан ташкил топган.

Россиянинг IT ва IT хавфсизлиги бўйича энг йирик ахборот воситаларидан бири бўлган «Hacker» мутахассисларининг таъкидлашича, хакерларнинг аксарияти шунчаки «бўш вақтларини мароқли ўтказмоқчи бўлган» зериккан болалардир. Хакерларнинг фақат 10 % ўз ҳаракатларига ҳисобот бера оладилар. Интернет тармоғидаги вандализм актларининг 90 % 13 ёшли болалар томонидан амалга оширилади [8].

Интернет фойдаланувчиларининг ёш профилини аниқлаш бевосита ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасида жиноят содир этиши мумкин бўлган потенциал субъектларни аниқлаш имконини беради.

Ивано-Франковск шаҳрида Украина хавфсизлик хизмати томонидан қўлга олинган «Sanix» лақаби билан танилган хакер 2019 йил бошида 773 миллион электрон почта манзили ва 21 миллион паролга эга маълумотлар базасини сотиш тўғрисида эълон жойлаштириб, киберхавфсизлик бўйича жаҳон экспертларининг эътиборини тортган [3].

Баъзи маълумотларга кўра, 2015 йил АҚШда «CWA» деб номланган ёш хакерлар (мактаб ўқувчилари) гуруҳи Марказий разведка бошқармаси директори Жон Бреннан ва миллий хавфсизлик вазири Жей Жонсоннинг шахсий электрон почта манзилини бузишган [5].

Кибер жиноятчилик бўйича «Verizon» компанияси тақдим этган йиллик ҳисоботга кўра, ўтган йили молиявий бойлик орттириш Интернет тармоғидаги маълумотларни ўғирлашнинг асосий сабаби бўлган. Ҳисоботда айтилишича, 10 та ўғирликнинг 9 таси (86%) молиявий сабабларга эга. Ҳисобга олиш маълумотларини ўғирлаш, фишинг ва электрон почталарни бузиш кибер ҳужумларнинг 67% га сабаб бўлган. 32 та мамлакатда содир этилган 4 мингдан ортиқ ҳодиса ва 81 та мамлакатда тасдиқланган хакерларнинг шахси ва фаолиятини ўрганиш натижаларига асосланиб, ушбу хулосага келинган.

Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг асосий қисми ёшлар эканлигини ҳисобга олсак, Интернет тармоғи «hacker» шахсини шакллантириш учун жуда қулай муҳит ҳисобланади. Глобал тармоқда «hacker» кўникмаларини ўргатиш учун мўлжалланган бир қатор ресурслар мавжуд, хусусан, http://dfiles.ru, https://ru.wikihow.com, https://kak-bog.ru, шунингдек You Tube ва бошқа медиа сайтлар. XXI асрда хакерларни институционализация қилиш жараёни, гарчи улар ҳали ҳам махфийлик принципига қатъий риоя қилсаларда (ўз номи ўрнига «Ludichrist». «Sicko», «Packet Rat» ва ҳ.к. каби тахаллуслардан фойдаланишади) тез суратларда ўсиб бормоқда,. Доимий тартибда фаолият юритадиган, ўз веб-сайтлари ва журналларига эга бўлган хакерлик бирлашмалари ҳам яратилган («Access All Areas», «Crypt NewsLetter's Home Page», «Old and New Hackers», «Chaos Computer Club») [1].

Бироқ сўнгги вақтларда ҳакерлар фаолиятининг жиноий гуруҳлар билан салбий алоқаларидан ташқари, давлат ва тижорат тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тенденцияси ҳам аниқ кўзга ташланмоқда. Мазкур жараёнларда давлат хавфсизлик

органлари вакиллари, йирик фирмаларнинг маъмурлари баъзи машҳур хакерлар имкониятидан ахборот хавфсизлиги бўйича давлат ва халқаро ташкилотлар фаолиятида фойдаланиб келмоқда. Масалан, «Chaos Computer Club» президенти ва асосчиси Энди Мюллер-Мэган бутунжаҳон «ICANN» (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers) ташкилоти таркибига киради. У болалар (Хакерлик фуқаролик мактаби), талабалар (Foundstone-s hacking school) ва хавфсизлик ходимлари (Black Hat Briefings, Ethical Hacking) учун барча даражадаги хакерлик мактаблари ташкил қилган [7].

Фикримизча, бундай тажрибани мамлакатимизда ҳам қўллаш фойдали бўлади. Хакерларнинг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ташкилотлар ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги нафақат кибер жиноятларни аниқлаш, балки олдини олишни ҳам таъминлайди. Бу борада ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатишга, «ҳуқуқбузар» тоифасидан «тузалган шахс»лар тоифасига ўтишга имкон берилади. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб профессионал хакерлар ўз ишларининг моҳир мутахассислари ва усталари бўлиб, улар жиноятларни кўпинча моддий манфаатларни кўзлаб содир этади, камдан-кам ҳолларда сиёсий ва бошқа мақсадларни кўзлайдилар. Уларнинг баъзилари бундай қилмишни қизиқиш туйғусидан келиб чиқиб, баъзилари эса жиноят қурбонларини масхара қилиш учун содир этади.

2014–2017 йилларда кибер жиноятлар бўйича Group IB компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, деярли барча кибер жиноятлар энг осон йўл билан молиявий фойда олиш, яъни 98 % ахборот тамагирлиги (ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик), 1 % – ахборотни қўлга киритиш ва кибертерроризм мақсадида содир этилган [4].

Демак, юқори даражада ахборот технологияларига оид билимларга эга ёшларни аниқлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва қизиқишига мос фаолият тури билан шуғулланишга йўналтириш амалиёти Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатига ҳам мос келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Айни пайтда барчамиз ота-оналар, устозлар ва мураббий сифатида бугунги мураккаб ва мушкул даврда ёшларни тарбиялаш масаласи биз учун муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолаётганини яхши тушунамиз. Шу боис ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда, уларнинг таълим-тарбияси борасида хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Ушбу масаладаги хатолар фарзандларимиз ва Ватанимизга хиёнат қилишни англатади» [9]. Ёш хакерларни давлат ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига фаол жалб қилиш республикадаги жиноятчилик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу борада одамларда, хусусан, ёшларда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг хавф-хатар ва салбий оқибатларидан хабардор бўлишга қаратилган ижтимоий характердаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, ахборот-коммуникация технологиялари ва кибер хавфсизлик соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга иқтидорли ва ижодкор ёшларни жамлай оладиган, баҳс-мунозара муҳити ва кўргазмали майдонга эга бўлган ватанпарвар ***«Ташаббускор дастурчи-блогерлар клуби»***ни ташкил этиш лозим. Мазкур клуб Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмагида мутахассислар, экспертлар ва таҳлилчилар иштирокида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур клубнинг ташкил этилиши ёшлар билан очиқ мулоқотнинг ёрқин намунаси ҳисобланиб, ахборот соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни ватанпарварлик, қонунга ҳурмат ва ривожланган давлат ва ахборот жамиятини барпо этишга дахлдорлик руҳида тарбиялаш бўйича ўзига хос профилактика маркази бўлиб хизмат қилиши мумкин [10; с. 198].

Ушбу йўналишда давлатимиз олдидаги асосий вазифа – ёш кадрларни (мутахассисларни) ахборот жамиятида ҳаёт ва касбий фаолият шароитига тайёрлаш, уларни ушбу муҳитда ҳаракат қилишга ўргатиш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ва салбий таъсирлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ташкилот ва муассасаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш хизматлари ходимларининг касбий тайёргарлик даражаси муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мутахассислар Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Инҳа университетида, таянч юридик маълумотга эга бўлган мутахассислар эса Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ислом университети, ИИВ Академияси, ДХХ Академияси ва бошқа олий ўқув юртларининг бир нечта факультетлари томонидан тайёрланади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар сиёсатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий ҳамда техник кўникмага эга бўлган кадрлар тайёрлаш долзарб вазифага айланган. Бундан ташқари, тезкор-қидирув тадбирлари, суриштирув ва умуман, ахборот хавфсизлиги ҳамда кибер жиноятчилик билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговни амалга оширувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш вақти келди.

Бу борада хорижий давлатлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ахборот ва кибер жиноятларга қарши курашиш, тергов қилиш ва ушбу жиноятларни ўз вақтида очиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида 2019 йилдан бошлаб «Кибер жиноятчиликка қарши кураш ва компьютер разведкаси» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланган. Россияда эса ахборот хавфсизлиги, радиоразведка, кибер жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш, жиноятларни тергов қилишда компьютер экспертизаси ва тезкор-техник қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган бир қатор таълим муассасалари (В. Я. Кикотя номидаги Россия ИИВ Москва университети, Россия ИИВ Воронеж институти, Россия ИИВ Краснодар университети, Россия ИИВ Санкт-Петербург университетида мутахассислик факультетлари) ҳам мавжуд.

Ахборот тармоқларида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг асосий масалаларидан бири бу – мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга қодир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат. Ахборотлаштириш пойгаси ва бутунжаҳон миқёсида ахборот тармоқларининг яратилиши ушбу йўналишда самарали ҳимоя тизимини ишлаб чиқишга етарли вақт қолдирмаяпти. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу турдаги жиноятларни содир этишнинг янги механизмлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари, уларни тергов қилиш усулларини излашлари, электрон далилларни тақдим этишга оид янги ёндашувларни қўллашлари лозим.

Ушбу зарурат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш бўйича самарали ва сифатли таълим тизими яратилишини талаб қилади. Зотан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг трансмиллий ва латент характерга эга бўлган ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш борасидаги фаолияти замон талабларига жавоб бермай қолган. Бундай ҳолатни малакали кадрлар етишмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва эксперт муассасаларининг замонавий техникалар билан жиҳозланмаганлиги, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шу боис замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ўқув-таълим

жараёнларини доимий ва комплекс таҳлил қилиш ва оптималлаштиришни назарда тутувчи ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда ушбу соҳага доир 30 та қонун, 48 та Президент фармони, қарори ва фармойишлари, 84 та ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Бундан ташқари, давлат дастурларини янада модернизация қилиш, шу жумладан, кибержиноятларга қарши курашиш бўйича барча ҳуқуқий ва ташкилий-техник, ижтимоий масалаларни ўз ичига олган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим. Фақат шу ҳолатдагина ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш янада самарали бўлиши мумкин.

Модомики, кибер жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири тегишли мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш экан, бу борада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 10 та хорижий мамлакатдан 14 та олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилаётгани, ХХР Жамоат хавфсизлиги университети, Туркия Полиция академияси, РФ ИИВ Барнаул юридик институти, РФ ИИВ Краснодар университети, РФ Волгоград ИИВ Академияси, Беларусь Республикаси ИИВ Академияси, Макан Есбулатова номидаги Қозоғистон Республикаси ИИВ Олмаота Академияси каби 8 та олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзолангани муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўзаро ҳамкорликдаги ишлар натижасида бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 70 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилари ва 60 дан ортиқ курсантлари хорижий мамлакатлар (Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Россия Федерацияси ИИВ Краснодар университети)да ташкил этилган ўқув семинарлари, малака ошириш курслари ва мастер-класс машғулотларида иштирок этишган. Келгусида Академиянинг халқаро соҳадаги фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, Франция, Германия, АҚШ, БАА, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Эрон ва Исроил каби мамлакатларнинг турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаш олдинда турган асосий вазифалардир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун тегишли ва моддий-техник база яратилган, ихтисослаштирилган кафедралар ва ахборот-ресурс марказлари фаолият юритмоқда, ўқув жараёнига интерфаол педагогик усуллар жорий этилди, соғлом маънавий муҳит яратилган, халқаро академик алоқалар йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, замонавий воқелик ва ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган ёш ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида жамиятни ахборотлаштиришнинг кўплаб долзарб муаммолари етарли даражада ёритилмаган. Бу таҳликали факт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва давлат арбобларининг эътиборини ўзига жалб этиши лозим. Зеро, таълим сифати нафақат ижтимоий муаммо, балки мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик омилидир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси негизида компьютер жиноятларини фош этиш, тергов қилиш, профилактикасини амалга ошириш ва уларга қарши курашиш соҳасида тор ихтисослик мутахассисларини тайёрлаш бўйича янги факультет очиш таклиф этилади. Ушбу мутахассислик курсантлар ва тингловчиларда рақамли технологиялар, кибер жиноятчилик ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича илмий ва амалий кўникмаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Муаммонинг кўлами, дунёда кибер жиноятчиликнинг жадал ўсиши, шунингдек бутун жамоатчилик, айниқса, ёшлар учун ҳақиқий хавф-хатар ва таҳдидларнинг келиб чиқиши, бу соҳада ихтисослашган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича

дастур ва услубларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигига олиб келди. Ўйлаймизки, миллий олий таълим муассасалари кибер жиноятларнинг ўсишига қарши курашишда ўз вақтида бирлашиши ва жавоб бериши керак бўлган вақт келди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 29 апрель ПФ-5987-сон фармони ижросини таъминлаш ҳамда республикада амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, юридик таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ижро этувчи органлар учун кадрлар тайёрлаш йўналишида илмий-амалий аҳамиятга эга илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва амалга ошириш лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. http://psyfactor.org/lib/vershinin4.htm.
2. http://www.statista.com/statistics/272365/age-distribution-of-internet-users-worldwide/.
3. http://www.vestifinance.ru/articles/83789.
4. https://psm7.com/security
5. https://russian.rt.com/inotv/2015-10-20/CNN-YUnie-hakeri-vzlomali-direktora.
6. https://tass.ru/obschestvo/7080150.
7. https://wfin.kz/novosti/internet-i-tekhnologii/item/.html
8. https://xakep.ru/2016/07/19/13108/.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрдаги Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг сессиясидаги нутқи (http://press-service.uz/ru/lists/view/1223).
10. *Расулев А.К.* Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чора-тадбирларни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc)… дис. – Т., 2018.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 29 апрель ПФ-5987-сон фармони.

*Д. М. Усмонов**

# ШАРТЛИ ҲУКМНИ ҚЎЛЛАШДА МАҲКУМГА ЮКЛАТИЛАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қонунда белгиланмаган қўшимча мажбуриятларни ҳам юклаш мақсадга мувофиқлиги билдирилган ҳамда улар ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ҳамда махсус адабиётлар орқали асослантирилган.

Шунингдек, шартли ҳукм қилинган шахсга бошқа мажбуриятларнинг юклатилиши унинг ахлоқан тузалиши ҳамда шартли ҳукм самарадорлигининг ошишига сабаб бўлиши мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** шартли ҳукм, шартли ҳукм қилинган шахс, маҳкумга юклатиладиган мажбуриятлар, ахлоқан тузатиш.

## ЗНАЧЕНИЕ ОБЯЗАННОСТЕЙ, ВОЗЛАГАЕМЫХ НА ОСУЖДЕННЫХ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ УСЛОВНОГО ОСУЖДЕНИЯ

**Аннотация.** В данной статье указывается на целесообразность возложения на условно осужденных лиц дополнительных обязанностей, не учтенных в законе. Обосновываются предложения по назначению других обязанностей, что влечёт за собой исправление осужденного и приводит к повышению эффективности условного осуждения.

**Ключевые слова:** условное осуждение, условно осужденное лицо, обязанности, возлагаемые на осужденного, исправление.

## THE ROLE OF IMPOSED DUTIES OF THE CONVICT IN APPLICATION OF SUSPENDED SENTENCE

**Annotation.** The author of the article, indicated the advisability of imposing on a conditionally convicted person, additional obligations not taken into account by law, and substantiated his proposal with the opinions of legal scholars and the corresponding special literature as well. In particular, the author substantiated his proposals, assigning other duties entails correcting the convicted person and increasing the effectiveness of the suspended sentence.

**Keywords:** suspended sentence, convicted person, imposed duties of the convict, correction.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди. Шахснинг жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 21 октябрь фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланиши, жумладан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини

***Усмонов Дониёр Махмудович,** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тугатилиши назарда тутилди [1].

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш мақсадида уларга нисбатан кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, шу жумладан шартли ҳукм қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди» [2].

Судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга қонунда белгиланган инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилинган ҳолда шартли ҳукмнинг қўлланилиши адолат мезонининг ёрқин бир ифодасидир. Айбдор шахсларга нисбатан шартли ҳукмнинг қўлланилиши натижасида улар ўз оиласи билан бирга бўлиши, оиласини моддий қўллаб-қувватлаши, фарзандларига таълим-тарбия бериши, шунингдек шартли ҳукм қилинган шахс ўз ишини ёки ўқишини давом эттириши, фойдали жамоатчилик ишларида қатнашишига имкон туғилади. Бу эса, ўз навбатида, шартли ҳукм қилинган шахснинг жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига сабаб бўлади.

Шартли ҳукмни қўллаш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида, шунингдек Олий судининг Пленум қарорида ҳам тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 33-бандига мувофиқ, шартли ҳукм асослантирилган бўлиши ва маҳкумни ахлоқан тузатиш мақсадига хизмат қилиши лозим. Шу сабабли суд, шартли ҳукм қилинган маҳкумга Жиноят кодекси 72-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни юклаши мумкин [3].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни шартли равишда қуйидаги икки мезонга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: *биринчи мезон*, шартли ҳукм қилинган шахсга юклатиладиган мажбуриятлар: етказилган зарарни бартараф қилиш; алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи; иш ёки ўқишга кириш; яшаш, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш; вақти-вақти билан келиб шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш, *иккинчи мезон*, шартли ҳукм қилинган шахсга қўйиладиган чекловлар: муайян жойларда бўлмаслик ҳамда муайян вақтда яшаш жойида бўлиши.

Жиноят содир этган шахсга ишнинг ҳолатларига қараб унинг хулқ-атворига кўпроқ таъсир этадиган, натижада эса шартли ҳукм ўз мақсадига эришишига олиб келадиган юқорида рўйхати келтирилган мажбуриятлардан бири ёки бир нечтаси юклатилиши мумкин. Ушбу мажбуриятларнинг ҳар бири шахснинг хулқ-атворига ўзига хос таъсир этиш хусусиятига эга.

Масалан, маҳкумга юклатилган муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш мажбуриятидаги зарар моддий, маънавий, жисмоний кўринишида бўлиши мумкин [4, 356-б.]. Бундай ҳолларда моддий зарар талон-торож ёки йўқ қилинган буюм, нарсанинг ўрнини ҳамда жисмоний зарар даволанишга сарф қилинадиган моддий харажатларни қоплашда, маънавий зарарни қоплаш эса кечирим сўрашда намоён бўлиши мумкин. Шартли ҳукм қилинган шахсга юклатилган ушбу мажбурият янги жиноят содир этишдан уни қайтаради. Чунки ушбу мажбурият содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини ва ушбу жиноятлар учун етказилган

зарарнинг ўрнини қоплаш кераклигини англатади. ГФР қонуни (ЖК 56-параграфи)га мувофиқ, суд шартли ҳукмни қўллаш ҳақида қарор чиқаришда маҳкумнинг етказилган зарарни қоплашига алоҳида эътибор қаратади [5].

Маҳкумга юклатиладиган иш ёки ўқишга кириш мажбурияти, меҳнат ёки ўқиш жамоаси унинг хулқ-атворининг ўзгаришига сабаб бўлиши ва келажакда у ўз ўрнини топишига ёрдам бериши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи давлат органларининг рухсатисиз доимий яшаш, ишлаш ва ўқиш жойини ўзгартирмаслик тўғрисидаги талаб унинг хулқ-атвори устидан атрофида доимий назорат муҳитини яратишга қаратилган. Бундай муҳит унинг ўзини муносиб тутиш, қунт билан ўқиш, яхши ишлашга ундайди, шунингдек унда ижтимоий фойдали алоқаларнинг вужудга келиши, мустаҳкамланиши ва кенгайишини рағбатлантиради [6, 61-62-б.].

Суд томонидан шартли ҳукм қилинган шахсга юклатилаётган мажбуриятлар унга тарбиявий таъсирни кучайтиришга йўналтирилган. Айниқса, вақти-вақти билан келиб ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи органнинг у билан якка тартибдаги тарбиявий иш олиб бориш ҳамда уни доимий назоратда ушлаб туриш имконини беради.

Суд маҳкумга вақти-вақти билан келиб ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиб туриш, яъни иш ҳолатларини эътиборга олиб бир ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органларига келиб рўйхатдан ўтиш мажбуриятини юклатиши мумкин [7, 35-б.].

Маҳкумнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган омилларнинг олдини олиш учун унга муайян жойларда бўлмаслик мажбурияти, у томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун унга муайян вақтда яшаш жойида бўлиш мажбурияти юклатилиши мумкин. Ушбу мажбурият маҳкумнинг ҳуқуқларини маълум даражада чекланиши билан боғлиқ бўлиб, шартли ҳукм қилинган шахсни турли ёмон хулқлардан ҳимоя қилиш ва шу йўл билан шахсни тўғри йўлга ўтиб олишига ёрдам беришга қаратилган [7, 36-б.].

Суд томонидан заруратдан келиб чиқиб, ишнинг аниқ ҳолатларини, айбдорнинг шахсини, унинг оиладаги хулқи ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб шартли ҳукм қилинган шахсга ушбу мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

Мазкур ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан айбдор шахсга юқорида рўйхати келтирилган мажбуриятлардан бири ёки бир нечтаси юклатилиши мумкин. Шартли ҳукм қилинган шахсга юклатилган ушбу мажбуриятлар унинг ахлоқан тузалишига ёрдам бериши керак.

Респондентлардан «Амалиётда судлар томонидан шартли ҳукмни қўллашда қайси мажбуриятлар маҳкумларга нисбатан кўпроқ юклатилмоқда?» деб сўралганда, уларнинг 35 фоизи «яшаш, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш», 30 фоизи «вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш», 13 фоизи «муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш», 8 фоизи «муайян жойларда бўлмаслик», 6 фоизи «муайян вақтда яшаш жойида бўлиши», 5 фоизи «ишга ёки ўқишга кириш», 3 фоизи «алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи» деб жавоб берган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасида суд томонидан маҳкумга шартли ҳукмни қўллашда муайян мажбуриятлар юклатилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида назарда тутилган. Ушбу қоиданинг мазмунидан маҳкумга юклатиладиган мажбуриятлар мажбурий хусусиятга эга эмаслигини англаш, яъни суд ишнинг ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб маҳкумга умуман мажбурият юклатмаслиги ёки юқорида баён этилган мажбуриятлардан бирини ёки бир нечтасини юклатиши мумкин.

Суд томонидан шартли ҳукм қилинган шахсга мажбуриятлар юклатилиши мажбурий ҳисобланади [8]. Мазкур мажбуриятлар шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворига таъсир этади ва унда ушбу мажбуриятларни бажариш лозимлиги ҳақидаги жавобгарлик ҳиссини уйғотади.

В.М. Степашиннинг таъкидлашича, шартли ҳукмдаги муайян мажбуриятлар янги жиноят содир этилишини олдини олиш ва маҳкумнинг ахлоқига ижобий таъсир ўтказиш мақсадида юклатилади [9, 165-б.].

Шартли ҳукм қилинган шахсга ҳаддан ташқари кўп юклатилган мажбуриятлар унинг ахлоқига салбий таъсир этиши мумкин. Чунки ушбу юклатиладиган мажбуриятлардаги талабларнинг меъёридан ортиқ бўлиши шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини маҳрум қилиши мумкин. Масалан, шартли ҳукм қилинган шахснинг бир ойда бир неча маротаба унинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи ички ишлар органининг рўйхатидан ўтиб туриши ёки унинг кўп жойларга боришини чеклаш ушбу чекловларни бузилишига олиб келади.

Шу сабабли, ҳар бир ҳолатда суд томонидан юклатилаётган мажбуриятлар шартли ҳукм қилинган шахснинг имконият даражасида бўлиши ва хулқ-атворининг тузалишига ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси мазмунидан юқорида келтирилган мажбуриятларнинг рўйхати қатъий бўлиб, шартли ҳукм қилинган шахсга бошқа мажбуриятлар юклатилиши мумкин эмас. Аммо бу борада М. Усмоналиев ва Ғ.О. Эрматов қонунда бундай қоида назарда тутилмаган бўлса-да, иш ҳолатларини эътиборга олиб, суд Жиноят кодекси 72-моддасининг 3-қисмида кўрсатилмаган бошқа мажбуриятларни ҳам юклатиши мумкин [7, 35-б.], деб ҳисоблайдилар.

Бироқ қонунда белгиланмаган мажбуриятларни юклатиш қонунийлик принципининг бузилишига олиб келади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қонунийлик принципида содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши кўрсатилган. Шунингдек, қонунда назарда тутилмаган қоидалардан фойдаланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қарор қабул қилиш ёки ушбу қарорларни ижро этишда ўз ваколатларини суиистеъмол қилишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, шартли ҳукм қилинган шахснинг қонунларга, шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончсизлик ҳиссини уйғотади.

Юқорида баён этилганларга кўра, суд томонидан шартли ҳукм қилинган шахсга бошқа мажбуриятларнинг юклатилиши унинг хулқ-атворининг тузалишига ёрдам беради. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 3-қисмига: «*Шунингдек, суд маҳкумнинг хулқ-атворининг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни ҳам юклатиши мумкин*», деган мазмундаги қўшимчани киритиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Мазкур қўшимчанинг жиноят қонунчилигига киритилиши бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги шартли ҳукмни қўллаш билан боғлиқ бўлган бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Ўйлаймизки, судни шартли ҳукм қилинган шахсга унинг хулқ-атворининг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши шартли ҳукмни самарадорлигини ошишига олиб келади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 21 октябрь фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 43. – 497-м. – Б. 5–8.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 30 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 2006 йил 3 февраль 1-сон қарори // URL: http://lex.uz/docs/1455976 (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.02.2021).

4. *Кабулов Р., Отажонов А.А. ва бошқ.* Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 482 б.

5. Уголовный кодекс Федеративной Республики Германия // URL: https://constitutions.ru/?p=24969 (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.02.2021).

6. *Шарипов Т.* Обязанности, возлагаемые судом на осужденного при условном неприменении наказания // Уголовное право. – М., 2008. – № 3.

7. *Усмоналиев М., Эрматов Ғ.О.* Шартли ҳукм тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.

8. *Веретина Ю.А., Якушин В.А.* Условное осуждение в Российской Федерации и в Республике Казахстан: сравнительно-правовой анализ // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева. Т.1. – 2017. – № 3.

9. *Степашин В.М.* Обязанности, возлагаемые при условном осуждении по усмотрению суда // Вестник Омского университета. Серия «Право». – 2013. – № 4. – С. 161–167.

*А. Ҳ. Мухиддинов**

# ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

**Аннотация.** Мақолада ўзини ўзи ўлдириш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш тушунчаси, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун жиноий жавобгарликка оид миллий қонунчиликнинг ривожланиш тарихи ҳақида қисқача тавсиф берилган. Шунингдек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг бугунги ҳолати ҳамда қонуний тартибга солиниши лозим бўлган масалалар юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** ўзини ўзи ўлдириш, суицид, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, жиноят ҳуқуқи.

## ПОНЯТИЕ, ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ САМОУБИЙСТВ И ДОВЕДЕНИЯ ДО САМОУБИЙСТВ

**Аннотация.** В статье дается краткое описание понятий самоубийства и доведения до самоубийства, освещается история развития национального законодательства об уголовной ответственности за доведение до самоубийства, приводятся предложения по вопросам, подлежащим регулированию в этой сфере.

**Ключевые слова:** самоубийство, суицид, доведение до самоубийства, уголовное право.

## THE CONCEPT, HISTORY AND CURRENT STATE OF SUICIDE AND INCITEMENT TO SUICIDE

**Annotation.**The author of the article gives a brief description of the concept of suicide and incitement to suicide, the history of the development of national legislation on criminal liability for incitement to suicide, as well as the current state of affairs on incitement to suicide and proposals on the issues are regulated.

**Keywords:** suicide, incitement to suicide, criminal law.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 800,000 дан ортиқ одам ўз жонига қасд қилади ва бу кўрсаткич ўртача ҳар 40 сонияда бир киши ўз жонига қасд қилади дегани[1].

Бугун бутун дунёда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўтган асрга нисбатан ошганини ҳам кўришимиз мумкин. Биргина Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида олганда, Марказий Осиё таҳлилий тармоғи (CAAN)нинг 1990–2017 йиллардаги маълумотлари ўзини ўзи ўлдириш ҳолати 11 фоизга ошганини кўрсатади[2].

Ҳолбуки, ўз жонига қасд қилиш табиатан жуда ғалати ва ғайриоддий ҳодиса бўлиб, уни диққат билан ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу ҳодисалар чуқур тадқиқ этилмаса, юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичларнинг ошиши барқарорлашади. Ўз жонига қасд қилишлар сони маданият ва цивилизация ўсиши билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, жуда тез ўсиб боради, бизнинг давримизда у шунчалик тез ўсадики, у қандайдир бир эпидемияга айланиб, бутун жамиятга ва айниқса унинг ҳар бир аъзосига ҳам таҳдид солади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш ибтидосида «ўзини ўзи ўлдириш» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ойдинлаштириб

***Мухиддинов Аброр Ҳикмат ўғли,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси.*

олиш лозим. Бинобарин, ўзини ўзи ўлдириш нафақат ҳуқуқий, балки психологик, ижтимоий ҳамда физиологик жиҳатдан ҳам маълум маъноларга эга ҳисобланади. Адабиётларда «ўзини ўзи ўлдириш» тушунчасининг луғавий маъноси ойдинлаштирилмаган. Бироқ ушбу тушунчанинг синоними сифатида муомалада бўлган «суицид» атамасининг луғавий маъносига оид маълумотлар мавжуд.

«Суицид» атамаси 1947 йилда итальян психологи Г. Дэзэ томонидан муомалага киритилган[3] ва ўзбек тилида «ўз умридан маҳрум бўлиш ниятидаги хатти-ҳаракат» маъносини англатади.

А.К. Шамшетованинг таъкидлашича, суицид онгли тарзда инсоннинг ҳаётдан олган ўткир руҳий жароҳатлари таъсирида, ўз ҳаёти ҳақидаги ўй-хаёлни йўқотиши, ўзини ўзи ўлдириш – фаол жамиятда яшашни ижтимоий-пассив тарзда рад этишнинг охирги белгиси ҳисобланади.

Демак, «ўзини ўзи ўлдириш» – мустақил ва ихтиёрий равишда ўзини ўзи англаб турган ҳолда ўз жонига қасд қилиш, яъни учинчи шахсларнинг қасддан қилган фаол ҳаракатисиз жабрланувчининг ўзини қасддан ўлдиришга бўлган ҳаракатидир, дейиш мумкин. Муҳими шундаки, ҳаракатлар фақат ўзига, ўзини ўлдиришга қаратилган бўлиши лозим.

Умуман, инсониятга суицид ҳодисаси антик даврдан бошлаб маълум. Масалан, барча соҳаларга эркинлик берган Қадимги Юнонистон ҳатто ўз жонига қасд қилиш ҳуқуқини ҳам ўз фуқароларидан дариғ тутмаган. Фақат ўлим жазосига маҳкум этилганларгина бундай ҳуқуққа эга эдилар. Давлат (areopagus)нинг рухсатисиз бошқа ҳолатларда агар фуқаро ўз жонига қасд қилса, унинг танаси парчаланиб турли жойларга кўмилган. Агар давлат рухсат берса, яъни муҳокамага қўйилиб ижобий жавоб берилса, фуқаро ўз жонига қасд қилиши мумкин бўлган[4].

Аммо Юстиниан (VI аср Византия императори) қонунларида асоссиз ўз жонига қасд қилиш қораланади. Ким агар ўзини аямаса, бошқани ҳам аямайди. Шунингдек, ўзини осган инсонни дафн қилмаслик лозим, чунки у ҳаёт қийинчиликлари туфайли эмас, балки ўзининг иродаси билан бу ишни амалга оширган. Бунда суицид жинояти, армиядан қочган аскар жиноятига тенглаштирилган[5].

Қулдорлик жамиятида ҳам қулнинг олди-соттисида агар қул сотиб олинганидан кейин олти ой давомида ўзини ўлдириб қўйса, уни сотган одам пулини қайтарган. Рус ёзувчиси Григорий Шалвович Чхартишвили тили билан айтганда, «Тарихий тенденция шундан иборатки, синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан жамият ўз жонига қасд қилишни тобора қаттиқлаштирди. Бу тушунарли – давлатнинг манфаатлари тобора кўпроқ шахсий эркинликни чеклашни талаб қилди...»[6].

Ўзини ўлдиришга жамиятнинг муносабати дин, шаън ҳамда ҳаёт маъноси мавзуларига алоқадор бўлиб келган. Аксар динлар, масалан, яҳудийлик, христианлик, ислом, буддизм, индуизмда ўзини ўлдириш қораланади ва гуноҳ деб баҳоланади[7].

Ўрта асрлар христиан дунёсида ўз жонига қасд қилиш нафақат гуноҳ, балки жиноят ҳам бўлган. Уларга дафн маросимлари христиан эътиқодига кўра бажо келтирилмаган. Бир сўз билан айтганда, суицид эгаси шайтоннинг малайи деб ўқитилган. Аммо шарқда вазият сал бошқачароқ эди. Хусусан, Ҳиндистон ва Япония жамиятларида суициднинг альтуристик тури жуда ҳам ривожланган эди. Улар бу ҳолатга қаҳрамонлик, жасорат, мардлик, садоқат рамзи сифатида қарар эди. Масалан, ҳиндистондаги «сати» одати яъни эри ўлган аёлнинг ўз жонига қасд қилиши[8], япон самурайларининг «харакири» ва ёки «сеппуку»[9] каби суицидга алоқадор одатларини келтириш мумкин. Шу билан бирга, буддизм эътиқодига кўра суицид ҳодисаси эркин индивиднинг иродасига кўра ҳал қилинади. Яъни ўз жонига қасд қилиш қораланмаган. Лекин исломда вазият умуман бошқача. Исломга кўра инсоннинг жони ўзига тегишли эмас. Унга худди Тангри берган омонатдек қаралади. Демак, жонни берган ўзи олади. Инсоннинг ўз жонига қасд қилишга ҳаққи йўқ. Яна у энг катта гуноҳлардан бири сифатида қабул қилинган. Зеро, Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилган: яъни: «Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби)

билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй, Муҳаммад)! Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва, албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз», – дейдилар» (Бақара сураси, 155-оят)[10].

Суицид борасида Ўрта аср одамининг қараши гуманизм даврига келиб ўзгарди. Бу даврга келиб инсон ва унинг ҳаётига қадрият сифатида қарай бошланди. Бу ҳолат XVIII асрда инсоннинг табиий ҳуқуқларидан бири сифатида, яшаш ҳуқуқини қонун сифатида тасдиқлашга олиб келди. Бу даврга келиб ўз жонига қасд қилганларнинг таналари омма олдида таҳқирланмаса ҳам, лекин барибир суицид ҳодисаси яхши кутиб олинмас эди. Ҳатто1881 йилда Ню-Йорк штати қонунчилик палатаси томонидан агар ўз жонига қасд қилган одам омон қолса, унга йигирма йиллик қамоқ жазоси берилиши қонун билан белгилаб қўйилди[11].

Маълумки, инсонни ўзини ўзи ўлдириш ҳолатининг умумий сабабини аниқлаш имконияти мураккаб масала. Албатта, кўпчилик ҳолларда мазкур сабаблар сифатида шахснинг турмуш тарзи ҳамда унга нисбатан таъсир этувчи ташқи омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга, лекин индивидни четда қолдирган ҳолда бошқа йўлдан ҳам бориш мумкин. Масалан, жамиятда мавжуд бўлган турли тарздаги муҳитлар, яъни аҳоли қатламидаги табақалашув жараёнининг кескинлашуви, ишсизликнинг ўсиб бориши, оилалардаги нотинчлик, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ҳолатларининг ортиши каби омиллардан шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга бўлган мойиллигини келтириб чиқарувчи сабабларни қидирса бўлади.

Шу боис мазкур мавзу жуда кўп олимларни ўзига жалб қилиб келган. Улардан энг машҳурларидан бири бўлмиш француз файласуфи ҳамда социологи Эмиль Дюркгеймдир. Унинг фикрича, жамият ҳаётида содир бўладиган турли инқирозлар, суицид ҳолатининг ошишига олиб келади. Шу билан бу инқирозлар тўлқинсимон ҳаракатга эгадир. «Шундай тўлқинлардан бири Европада 1948 йил инқилобидан кейин содир бўлди. Хусусан, Германияда 1866 йилдаги воқеалардан кейин юз бўлган бўлса, шундай тўлқинни Францияда 1860 йилда кўриш мумкин. Англияда 1868 йилда кўзга ташлана бошлаган[12]». Шунингдек, Дюркгейм «…ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзини ўзи ўлдиришга фақатгина муайян ўзига хос жамоа мойиллигининг, у эса, ўз навбатида, шахсий мойилликнинг ўлчамини аниқлайдиган маълум бир хислатга эга бўлади » – деб таъкидлайди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш масаласига келганда, бу ҳолат ўзини ўлдирган шахс учинчи шахснинг қасддан содир этган фаол ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида намоён бўлади ҳамда бу, ўз навбатида, ҳаётга қарши қаратилган жиноятлар сирасига киради.

Ҳозирги кунда шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ижтимоий хавфли жиноят деб баҳоланиб, унга нисбатан барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Жиноят кодексларида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун жавобгарлик масаласида жиноят қонуни нормасининг шаклланиши ва ривожланиши бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Жиноят содир этиш босқичлари тўғрисидаги қонун нормаларининг ривожланишига оид тарихий жараёнларни бешта даврга, яъни қадимги давр (Авесто, мил. ав. III-II минг йилликлар), шариат нормалари амал қилган давр (VIII асрдан XIX асрнинг 50-йилларигача) Чор Россияси мустамлакачилиги даври (XIX асрнинг 50-йиллари ва XX асрнинг 20-йиллари), собиқ Иттифоқ даври (1922 йилдан 1991 йилгача) ҳамда мустақиллик даври (1991 йилдан ҳозирга қадар) ажратган ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун жавобгарлик у қадар қадим тарихга эга эмаслигини кўриш мумкин. Бироқ инсон ҳаётига қарши қаратилган қилмиш учун жавобгарлик қадимги даврдан мавжуд бўлган.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун бевосита махсус жавобгарлик илк бор собиқ Иттифоқ даврида белгиланди. Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги

Жиноят кодексининг иккинчи боби 87-моддаси *«Ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш»* деб номланган[13].

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилдаги Жиноят кодексининг 192-моддасида[14] ҳам шунга ўхшаш норма амалда бўлган, бироқ тор доирада, яъни модданинг биринчи қисм диспозицияси *«Вояга етмаган ёки ўзининг қиладиган ишларининг хусусиятини ёхуд аҳамиятини тушуна олмаган ёки ўз ҳаракатини идора қила олмаган шахсга ўз-ўзини ўлдиришга ёрдамлашиш ёхуд ўз-ўзини ўлдиришга кўндириш»,* дея иккинчи қисм диспозицияси эса *«Моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлмаган шахсни қаттиқ муомала ёки ўзининг тутган ўрнини суиистеъмол қилиш йўли билан ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга қасд қилиш даражасига етказиш»* деб номланган. Гарчи шундай бўлсада, биз бу нормани айнан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун жавобгарлик Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг тарихида илк бор ушбу кодексда акс этган дея олмаймиз. Сабаби, бу ерда гап *ўз-ўзини ўлдиришга ёрдамлашиш ёхуд ўз-ўзини ўлдиришга кўндириш* ҳақда кетаяпди. Бундан ташқари, жиноятнинг жабрланувчиси *вояга етмаган ёки ўзининг қиладиган ишларининг хусусиятини ёхуд аҳамиятини тушуна олмаган* шахс этиб белгиланган. Иккинчи қисми диспозицияси *ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга қасд қилиш даражасига етказиш*, деб номлансада, жабрланувчилар тоифаси аниқ белгилаб қўйилган, яъни *моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлмаган шахс* назарда тутилган. Демак, ушбу тоифадаги шахслардан ташқари шахслар учинчи шахс таъсири остида ўз жонига қасд қилсалар жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди, деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги Жиноят кодексининг иккинчи боби 87-моддаси қуйидагича таҳрир этилган ва 1988 йил 1 январь ҳолати бўйича киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида ишлаб чиқилган қонунда ҳам ўзгаришсиз қолган:

***«87-модда.*** *Ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш.*

*Моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга боғлиқ бўлмаган шахсни доимий равишда қувғин, бўҳтон ва ҳақорат қилиш натижасида ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш — уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Моддий томондан ёки бошқа, жиҳатдан айбдорга боғлиқ бўлган шахсни раҳмсиз муомала қилиш, қувғин қилиш ёки уни доимий хўрлаш ёки бошқа шунга ўхшаш йўллар билан ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш — беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».*

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги 16-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси[15] қабул қилиниб, у 1995 йил 1 апрелдан қонуний кучга кирди. Бу билан суд ислоҳотини амалга ошириш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакат жиноят қонунларини демократлаштириш соҳасида илдам қадамлар қўйилди.

Мазкур кодекснинг 103-моддасидаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш» энди бўҳтон ва қувғин қилиш каби усулни назарда тутмайди, балки 103-модда бўйича жиноий жавобгарликнинг мажбурий шарти бу – таҳдидлар, жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситишдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонуни[16] асосида Жиноят кодекси 103-моддасининг биринчи қисм диспозицияси *«Шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш»* дея номланиб, иккинчи қисмида оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган. Яъни *«ўша ҳаракатлар: а) моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан; б) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; г) телекоммуникация тармоқларидан,*

*шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса» кўринишида таҳрир этилди*. Ушбу қонун асосида Жиноят кодекси янги таркиблар билан тўлдирилди, яъни 1031-моддаси *«Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш»,* деб киритилди.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунгача ўзини ўзи ўлдириш жинояти бўйича баъзи масалалар ҳуқуқий тартибга солинмаган. Масалан, содир этилган жиноят бўйича асосланган ҳолда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг ҳаракатини тўғри квалификация қилиш учун жиноят таркибининг барча элементлари Жиноят кодексининг махсус бўлимидаги тегишли норманинг диспозициясига мос келиши лозим. Шуни қайд қилиш лозимки, ушбу жиноятнинг объекти инсон ҳаётининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Объектив томони эса асосан қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш каби фаол ҳаракатларда акс этади. Фикримизча, бундай жиноят ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Масалан, қонунга биноан жабрланувчига ғамхўрлик қилиши лозим бўлган шахс томонидан ўз вақтида овқат, кийим-кечак, уй-жой билан таъминламаслик ёки тиббий ёрдам кўрсатмаслик ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг субъектив томони тўғрисидаги ҳолатларда ҳам айрим ойдинлаштириш лозим бўлган масалалар мавжуд. Бу жиноят ҳуқуқи назариясида кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади, деб кўрсатишган.

Ҳуқуқшунос олимлар С.В.Бородин[17], В.Н.Кудрявцев, А.В.Наумов[18], Б.В.Здравомыслов[19], И.Л.Козаченко, З.А.Незнамов[20] ушбу жиноятнинг субъектив томони бевосита эгри қасд билан таърифланади деб таъкидлашиб, агар шахс жабрланувчини ўзини ўзи ўлдириш даражасига қасддан етказса, унинг ҳаракатлари одам ўлдириш жинояти сифатида баҳоланиши лозимлиги, акс ҳолда бундай ҳолатларда ҳаракат, ўлимга сабаб бўладиган даражадаги жароҳат етказиш, заҳарлаш каби ҳаракатлардан фарқ қилмаслигини айтиб ўтишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 11 сентябрь 20-сон қарорида ҳам ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш субъектив томондан эгри қасд ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан содир этилиши белгилаб қўйилган.

Бундан шуни кўриш мумкинки, агар ушбу қилмиш тўғри қасд билан содир этилса, буни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-м.) деб эмас, балки қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м.) деб баҳоланиши керак.

Бироқ бу бироз мулоҳазали, чунки биринчидан, айбдор ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишда жабрланувчини бевосита ҳаётидан маҳрум қилиш ҳаракатларини амалга оширмайди. Ҳаракатсизлик ҳолатларига йўл қўйган тақдирда ҳам, у шахсан ўзи бошқа инсонни ҳаётидан маҳрум қилмайди. Бундай вазиятда ўзини ўзи ўлдириш ҳолати шахснинг ўзи томонидан содир этилади. М.П. Журавлев, С.И. Никулин [21]ларнинг фикрича, ўзини ўзи ўлдиришда жабрланувчи ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйиши лозим. Сабаби, ўзини ўзи ўлдириш жинояти объектив томонининг одам ўлдириш жиноятидан принципиал фарқи ҳам айнан шундадир[22].

Бундай қарашларни, ҳуқуқшунос олимлар Ю.Ронжин ва Б.Волков ҳам қўллаб-қувватлаб: «...ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг одам ўлдиришдан фарқи, айбдор томонидан жабрланувчини ҳаётидан маҳрум қилмаслигидадир. Ўз ҳаракатлари билан у жабрланувчи учун ўзини ўзи ўлдиришдан бошқа иложи йўқ бир вазиятни туғдирсада, жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирмасдан, айбдорнинг таҳқирларидан қочиш ва бошқа йўллар билан халос бўлиши мумкинлигини» таъкидлашган[23].

Демак, айбдор ўз қилмишида қонунда кўрсатилган усуллардан фойдаланиб, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришга бўлган имкониятларини ва бунинг муқаррарлигини

олдиндан билиб, буни ният қилса, тўғри қасд ёки била туриб бефарқ қараб бунинг оқибатларига йўл қўйса, эгри қасд ҳисобланади. Шу боис айтиш мумкинки, бундай жиноят субъектив томондан эҳтиётсизлик билан содир этилмайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 11 сентябрь 20-сон қарорининг олтинчи бандини қуйидагича таҳрир қилиш таклиф этилади:

– *Субъектив томондан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш тўғри қасд, оқибатига нисбатан эгри қасд билан содир этилади.*

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Suicide.//https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/suicide..

2. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонуни. – URL: https:/lex.uz/docs/3235501?ONDATE=14.06.2017 % 2000 # 3235543

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – № 1. 1-м.

4. Уголовный кодекс Узбекской ССР// 1971 йил 1 январгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан. –Т., 1971.

5. *Ронжин Ю., Волков Б.* Судебная практика по делам о доведении до самоубийства // Советская юстиция. – 1970. – № 11.

6. *Рарог А.И.* Уголовное право России. – М., 1996. – С.34; *Лебедев В.М*. УК РФ. Научно-практический комментарий. – М., 1998. – С. 260.

7. *Кудрявцев В.Н., Наумов А.В.* Российское уголовное право. Особенная часть. – М., 1997. –С. 57.

8. *Козаченко И.Л., Незнамов З.А.* Уголовное право. Особенная часть. – М., 1998. – С. 46.

9. *Здравомыслов Б.В.* Уголовное право России. Особенная часть. – М., 1996. – С. 49.

10. *Журавлев М.П., Никулин С.И.* Российское уголовное право. Особенная часть. – М., 1988. – С. 46.

11. *Ефремов В.С.* Основы суицидологии. http://xn--j1ajdw.xn--38-6kcadhwnl3cfdx.xn--p1ai/files/262114f.pdf.

12. *Бородин С.В.* Преступления против жизни. – М., 1999. – С. 62.

13. *Tojiboeva, G. R.* (2020). The Training Improve Future Elementary School Teachers. The Way of Science, 1(71), 80–82.

14. *Sergeyeva, E.* (2020). Artistic Identity of L. Solovyov's Novel «The Tale of Khodzha Nasreddin». European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(6).

15. https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/suicide.

16. https://www.rsvpu.ru/filedirectory/3468/phsihologia_today_2012.pdf

17. https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=O%CA%BBzini_o%CA%BBldirish &variant uz-cyrl.

18. https://ru.wikipedia.org/wiki/Сати_(ритуал).

19. https://ru.wikipedia.org/w/index.php?search =«харакири» + + «сеппуку» &title= Служебная %3A Поиск & go = Перейти&ns0=1.

20. https://elib.bsu.by/bitstream.pdf

21. https://caa-network.org/ file:///Network.html.

22. http://xn--j1ajdw.xn--38-6kcadhwnl3cfdx.xn--p1ai/files/262114f.pdf

23. http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/11458.

***Ж. А. Шамшиев****

# КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг тарихий таҳлили, хорижий тажрибаси ҳамда соҳани ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш, Whistleblowing, Whistleblower, кўмаклашувчи шахс, коррупциянинг олдини олиш.

## ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА СООБЩЕНИЯ О ФАКТАХ КОРРУПЦИИ

**Аннотация.** В статье содержится исторический анализ развития механизма сообщения о фактах коррупции, исследуется зарубежный опыт и даются практические предложения по совершенствованию данной сферы.

**Ключевые слова:** сообщение о случаях коррупции, Whistleblowing, Whistleblower, информатор, предотвращение коррупции.

## HISTORY OF DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF CORRUPTION REPORTING MECHANISM

**Annotation.** The article contains a historical analysis of the mechanism for reporting the facts of corruption, foreign experience and practical proposals for the development of the sphere.

**Keywords:** reporting facts of corruption, Whistleblowing, Whistleblower, informant, prevention of corruption

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради [1].

Коррупция ва унинг оқибатлари ҳақида кўплаб фактларни келтиришимиз, унга қарши курашишнинг қанчалик долзарблигини ҳеч бир қийинчиликларсиз исбот қилишимиз мумкин. Аммо ҳар қандай жамият учун коррупцияга қарши курашувчи самарали механизмларнинг мувжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизмлардан бири бу коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ҳисобланади.

Мазкур муносабатлар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 39-моддасига [2] асосан ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан, молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят

***Шамшиев Жамшид Аслиддинович,** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг магистратура тингловчиси.*

деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг ҳудудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилгани тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқадилар.

Коррупция ҳолатлари, шунингдек ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш механизмлари яқин тарихда вужудга келиб қолмаган. Бунга узоқ тарихда ҳам эҳтиёж бўлган. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, мустаҳкам давлатчилик шаклланган вақтларда ҳам подшоҳлар ўз мамлакатларидаги ҳар қандай ҳолатдан хабар топиб туришни сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб олганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Амир Темур салтанатида ҳам мамлакатдаги мавжуд ҳолат (ҳозирги тил билан айтганда криминоген вазият) тўғрисида хабар бериб бориш тизими ҳаттоки бирор бир ҳолатни қасддан яширган ёки ёлғон маълумот берганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган.

Амир Темур тузукларида шундай дейилади: «Амр қилдимки, ҳар ерда, вилояту шаҳар ва лашкар ўрдусида кундалик воқеаларни ёзувчиларни (хабарнавис) тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўз лашкари ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. **Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк**, четдан кирган, четга чиққан ёт кишилар, **ҳар турли мамлакатлардан келган карвонлар**, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ҳақидаги хабарлар ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгудек бўлсалар, (бўлиб ўтган) воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи бирор сипоҳийнинг хизматини яширса ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб (ёлғон) ёзган бўлса, у ҳолда унинг қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни туҳмат ёки ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар» [3].

Ҳозирги кундаги давлат бошқаруви тарихий монархия бошқарувидан тубдан фарқ қилса-да, шу вақтларда ҳам хабар бериб бориш механизмига эҳтиёж туғилган. Бугунги ривожланган даврда эса ҳар бир (молиявий, иқтисодий, ижтимоий, саноат ва бошқа соҳаларда), шу жумладан коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ёзиб бориш, уни таҳлил қилиш, тўғри ёки нотўғри маълумотлар туркумига ажратиш деярли имконсиз. Шу сабабли, шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш эвазига коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишга зарурат бор.

Бевосита коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини хорижий тажриба асосида ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳозир кўпчилик учун маълум бўлган «Whistleblowing» институтига мурожаат қиламиз. Whistleblowing (тўғрисида-тўғри таржимаси «ҳуштакбозлик») – бу жамоат ёки ҳокимият вакили эътиборини давлат, хусусий ёки нодавлат секторлари ичидаги нотўғри хатти-ҳаракатларга жалб этиш. Whistleblower эса давлат, жамоат, хусусий ёки тижорат ташкилоти ходимлари томонидан содир этилган қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини фош қилувчи фаол кўмаклашувчи шахс ҳисобланади.

Баъзи манбаларда, Whistleblower атамасини 1970 йилларнинг бошларида АҚШлик ҳуқуқ фаоли Ралф Надер ишлаб чиққан деб айтилган, у аслида «информатор

(хабар етказувчи)» каби салбий маънолардан қочиш учун ушбу атамани ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида ишлата бошлаган. Бироқ бу атаманинг келиб чиқиши XIX асрга тўғри келади.

Бу сўз жамоатчилик ёки оломоннинг жиноят содир этиш ё ўйин пайтида қоидаларни бузиш каби ёмон ҳолат ҳақида огоҳлантириш учун ҳуштак ишлатиш билан боғлиқ. XIX асрда ҳуштак чалувчи ибора ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига нисбатан қўланилган, чунки улар ҳуштак чалиш орқали жамоатчилик ёки ҳамкасб полициячини огоҳлантиришган. Ноқонуний ёки қўпол ўйинни кўрсатиш учун ҳуштак ишлатадиган спорт ҳакамлари ҳам ҳуштак чалувчилар деб номланган.

1883 йилда Janesville Gazette газетасида чоп этилган воқеада ўз ҳуштаги ёрдамида фуқароларга тартибсизлик ҳақида огоҳлантирган полициячи ҳуштак чалувчи деб номланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси назарда тутилган коррупция ҳолатлар тўғрисида хабар бериш юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, Буюк Британия, Корея, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартиби белгиланганлигини кўриш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хорижий мамлакатларда «Whistleblowing» жиноятчилик ва коррупцияни фош қилиш, унга қарши курашишнинг самарали усулларидан бири бўлиб, бу каби хизматни амалга оширувчи махсус ходимнинг ишини йўқотиши ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлишдан ҳимоя қилиш учун махсус қонунлар мавжуд.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатларининг 1986 йилги фирибгарликлар тўғрисидаги федерал қонунига кўра, бюджет маблағларига оид фирибгарлик ҳолатлари ҳақида хабардор бўлган шахслар давлат манфаатлари учун даъво ариза билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Ушбу ҳолатда суд томонидан даъво берувчи шахс умумий даъво миқдорининг 15 фоизидан 25 фоизигача улушида рағбатлантирилади. Шунингдек, амалдаги қонунларга кўра, молия бозори иштирокчисининг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлари ҳақида хабар берган шахс ушбу ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан белгиланган жарима миқдорининг 10 фоизидан 30 фоизигача мукофот пулини олиши мумкин.

Сербия Республикасида «Whistleblower»ларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун 2014 йил 25 ноябрда қабул қилинган. Қонун ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи ҳамда уларга алоқадор бўлган шахсларнинг ҳам ҳимоя қилади.

Қонунда «Whistleblower»ларнинг қуйидаги уч хил тури берилган:

ички «Whistleblower»лик иш берувчига тегишли маълумотларни ошкор қилиш;

ташқи «Whistleblower»лик ваколатли давлат органига (масалан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига) маълумот бериш;

оммавий «Whistleblower»лик оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш.

Қонунга асосан иш берувчилар зиммасига «Whistleblower»лар масаласида махсус мажбуриятлар юкланган. Хусусан, ҳар бир иш берувчи ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари тўғрисида барча ишлаётган шахсларни ёзма равишда хабардор қилиши ва (агар иш берувчида ўндан ортиқ ходим бўлса) ҳуқуқбузарликлар ҳақида ички хабар беришни тартибга солувчи ички актни қабул қилиши шарт. Бундан ташқари, иш берувчилардан қонунбузарликлар ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилиш, шунингдек тақдим этилган маълумотларга нисбатан аниқланган

қонунбузарликларни ўз ваколатлари доирасида бартараф этиш чораларини кўриш талаб этилади. Иш берувчига «Whistleblower»га қарши фаол ёки ҳаракатсиз равишда зарарли хатти-ҳаракатлар қилиш тақиқланади. Қонун кўра, одатда, иш берувчи ёки ваколатли давлат органига хабар беришдан олдин маълумотни ошкор қилиш ноқонуний ҳисобланади. Иш берувчи ёки ваколатли давлат органига олдиндан хабар бермасдан жамоат хабар берувчиларига (Public whistleblowing) фақат истисно ҳолатларда – агар катта миқдордаги зарар етказилишидан ҳаёт, аҳоли саломатлиги, хавфсизлиги ёки атроф-муҳит учун хавф туғдирса, шунингдек далилларни йўқ қилиш хавфи юзага келса, йўл қўйилади.

Сербия Республикаси Олий суди раиси Драгомир Миложевичнинг сўзларига кўра [4], мазкур қонун 2014 йил охирида қабул қилиниб, 2015 йилда кучга кирган бўлса, дастлабки икки ярим йиллик аризалар сони барча кутилган натижалардан ошиб кетган ва қонун яхши натижа беришда давом этмоқда. Давлат ҳокимияти органлари «Whistleblower»ни жиддий ҳимоя остига олган. 2015 йилда Сербия судларида «Whistleblower»лар билан боғлиқ жами 55 та жиноят иши очилган бўлиб, улардан 33 таси якунланган. 2016 йилда 295 та жиноят иши очилган бўлиб, шундан 241 таси якунланган. Гувоҳи бўлганимиздек, мазкур қонун Сербия Республикаси учун коррупция жиноятларини фош этишда самарали механизмларни жорий этишга хизмат қилган.

Коррупцияга қарши курашишда бутун дунёга намуна бўла оладиган Сингапур давлатининг «Whistleblower»ни ҳимоя қилиш борасидаги қонунларининг аксарияти мақсадли маълумот берувчилар гуруҳини ҳимоя қилади. Масалан, «Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун коррупция ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилади. Шахснинг иш жойидаги умумий ҳуқуқбузарликлар ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар берувчилар «Иш жойидаги хавфсизлик ва соғлиқ тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Шунингдек, гиёҳванд моддалар савдоси, терроризмни молиялаштириш ва рақобат масалалари бўйича махсус хабар берувчиларни ўз ичига олган алоҳида қонунлар мавжуд.

Бошқа хорижий мамлакатларда ҳам давлат ва хусусий секторларида турли хил жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш мақсадида фуқароларни рағбатлантириш услубидан фойдаланилади.

Буюк Британия, Германия, Канада, Корея, Руминия, Сербия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида коррупция тўғрисида хабар бериш механизмларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

**1.** Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришда кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш. Бунда:

оғир ва ўта оғир коррупцион жиноятлар тўғрисида хабар берганлиги учун уларни ҳуқуқий, ижтимоий, молиявий ва ҳаттоки меҳнат муносабатларидаги ҳимоясини таъминлаш;

ҳар бир давлат бошқарув органларида коррупцион жиноятлар тўғрисида махфий ва махфий бўлмаган тартибда хабар берувчи шахслар тоифасини шакллантириш ва уларни рағбатлантириб боришнинг алоҳида механизмларини ишлаб чиқиш.

**2.** Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришни алоҳида тартибга солиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексига коррупция ҳолатлари тўғрисида берилган

хабарларни алоҳида тартиб ва муддатларда кўриб чиқиш, мурожаат/хабарларни тегишлилиги бўйича юбориш муддатини **3 кун** этиб белгилаш, ваколатли органга тегишли бўлмаган мурожаат/хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказишни **тақиқлаш**, бошқа ҳолат юзасидан олиб борилаётган терговга қадар текширув, дастлабки тергов давомида коррупция ҳолатлари (ундан оғирроқ бўлган жиноят) аниқланган тақдирда тегишлилиги бўйича ваколатли органга барча иш материалларини **зудлик билан** ***(терговга қадар текширув ҳужжатларини 24 соат ичида, жиноят ишини 10 кун муддатдан кечиктирмасдан)*** **юбориш** мажбуриятини юклаш юзасидан қўшимчалар киритиш *(янги нормаларни киритиш)*.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексиниг [5] 322-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан оммавий ахборот воситалари берган хабарлар асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Ушбу Кодексинг 327-моддасига асосан муайян жиноят тўғрисида **матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига** йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Шу ўринда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга [6] мурожаат қиладиган бўлсак, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари **оммавий ахборот воситаси** ҳисобланади.

Мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар ривожи шуни исботламоқдаки, баъзи ҳолларда норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарлар ҳам ўрганилганда ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан, «Davletovuz» телеграм канали орқали манфаатлар тўқнашувига асосланган бир қанча битимлар тузилганлиги, тендер ўтказиш шартлари қўпол равишда бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар аниқ фактлар билан эълон қилинди.

Аммо жиноят қонунчилигимизга асосан норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган хабарлар жиноят ишини қўзғатишга асос бўла олмайди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни инобатга олиш лозим, гарчи норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган хабарлар жиноят иши қўзғатиш учун асос ҳисобланмасада, «Davletovuz» телеграм канали орқали 2020 йил 24 декабрдаги «Андижонча тендер» номи билан эълон қилинган хабаралар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Gazeta.uz сайтига Андижон вилоятидаги давлат буюртмалари бўйича эълон қилинган материаллар юзасидан ўрганиш ишлари бошланганлигини маълум қилди [7]. Лекин мазкур ўрганишнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка расмий маълумот берилмади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кенг жамоатчиликка маълум бўлган жиноят тўғрисидаги хабарлар юзасидан ваколатли ҳуқуқни муҳафаза қилувчи органлар томонидан ўтказлаётган ўрганиш, терговга қадар текширув, дастлабки тергов натижалари бўйича расмий муносабат бериб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги қонунчиликдаги бўшлиқ ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга расмий ва **норасмий** ОАВ, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни ўрганиш *(терговга қадар*

*текширув, дастлабки тергов)* ва мазкур иш натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш тизимини жорий этиш ҳамда ушбу ҳолатларда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш *(ЖПКнинг 322-моддаси 1-қисм 3-бандига, 328-330-моддаларига, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш)* лозим бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. [Электрон манба] URL: https://anticorruption.uz/uzc/item/what-is-corruption
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)
3. [Электрон манба] URL: http://temurtuzuklari.uz/uz#
4. [Электрон манба] URL: https://www.coe.int/en/web/corruption/completed-projects/enpi/newsroom-enpi/-publisher/F0LygN4lv4rX/content/whistleblowers-in-serbia-a-model-aw?inheritRedirect=false
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон)
6. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)
7. [Электрон манба] URL: https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/24/conflict-of-interests/?utm_source=push&utm_medium=telegram

*С. Б. Хўжақулов**

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТЛАШ ПРЕДМЕТИНИ АНИҚЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

**Аннотация**. Мақолада жиноят процессида исботлаш предмети билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Хусусан, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни исботлаш предмети доирасига киритиш зарурати асослантирилган. Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, милий ва хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ва шу соҳа олимларининг илмий қарашлари таҳлил қилинган. Амалдаги ЖПКда исботлаш предметига аниқлик киритилмаганлигининг салбий таъсирлари келтириб ўтилган. Шу билан бирга, исботлаш предметини жиноят-процессуал қонун нормалари билан белгилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** исботлаш, исботлаш предмети, исбот қилиш шартлари, сабаб ва шарт-шароитлар.

## ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С ВЫЯСНЕНИЕМ ПРЕДМЕТА ДОКАЗЫВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

**Аннотация**. В статье изучены проблемы, связанные с выяснением предмета доказывания в уголовном процессе. В частности, обосновывается необходимость включить причины и условия, способствующие совершению преступления, в область предмета доказывания. Проанализированы научные взгляды ученых-процессуалистов, национальное и зарубежное уголовно-процессуальное законодательство, а также реформы, проводимые в области профилактики правонарушений. Разработаны предложения и рекомендации по закреплению определения предмета доказывания в нормах уголовно-процессуального права.

**Ключевые слова:** доказывать, предмет доказывания, условия доказывания, причины и условия.

## PROBLEMS RELATED TO THE CLARIFICATION OF THE SUBJECT OF EVIDENCE IN CRIMINAL PROCEEDINGS.

**Annotation:** The article examines the problems associated with clarifying the subject of proof in the criminal process. In particular, it substantiates the need to include the reasons and conditions contributing to the commission of a crime in the scope of the subject of proof. Analyzed the scientific views of scientists-proceduralists, national and foreign criminal procedural legislation, as well as the reforms carried out in the field of crime prevention. The current Code of Criminal Procedure lists the negative consequences of the uncertainty of the subject of proof. At the same time, proposals and recommendations on the definition of the subject of evidence by the norms of criminal procedure law have been developed.

**Key words:** prove, subject of proof, conditions of proof, reason and conditions.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК)нинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари белгиланган 2-моддасида «Жиноят

***Хўжақулов Сиёвуш Бахтиёрович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси докторанти,юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.*

ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим»лиги келтириб ўтилган.

Бу борада, гарчи «жиноятларнинг олдини олиш» вазифаси ижросини таъминлаш учун ЖПКнинг олтинчи бўлимида «жиноятларнинг олдини олиш чоралари» ҳуқуқий тартибга солинган бўлса-да, аммо амалиёт таҳлиллари ҳанузгача жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш билан боғлиқ тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 март ПҚ–2833-сон қарорида *«ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги»* танқид қилиниб, ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганига қарамай, керакли натижага эришилмаётганлиги учун «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 10 август ПФ-6041-сон қарорда *«жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш»* суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганида ҳам кўриш мумкин.

ЖПК нормалари таҳлили жиноят процессида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга манзилли йўналтирилмаганлигини, бу борада исботлаш предмети ва унинг доираси аниқлаштирилмаганлигини кўрсатади.

Чунончи, ЖПКнинг 87-моддасида тергов ва суд ҳаракатлари далиллар тўплаш мақсадида ўтказилиши белгиланган. Далиллар ЖПКнинг 85-моддасига кўра исбот қилиш учун тўпланиши, текширилиши ва баҳоланиши, исботлаш эса ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлашни мақсад қилиб олиши белгиланган.

ЖПКда исботлаш предмети аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, аммо олимлар томонидан асослантирилган, шу билан бирга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган фикр-мулоҳазалар юритилган. Масалан, И.В.Белоусов, исботлаш предмети деганда, жиноят-процессуал ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштирилган ва процессуал қарорлар қабул қилиш учун аниқланиши шарт бўлган юридик аҳамиятга эга фактлар ва ҳолатларни ўз ичига оладиган ҳамда жиноят қонуни меъёрлари билан белгиланган идеал жиноят моделини тушуниш лозим[11] деб ҳисобласа, А.В.Руденко эса муайян жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолиятининг натижаси ҳисобланадиган ҳамда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланганлиги бўйича хулоса қилинадиган ҳолатлар бўлишини таъкидлайди[12].

Кўриниб турганидек, ҳар иккала ёндашув ҳам мавҳум бўлиб, исботлаш предмети ва унинг доираси бўйича аниқ тасаввур қилиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам Р.В. Костенко, жиноят ишига оид исботлаш предметининг ўзи ва унинг мазмунини ойдинлаштиришда жиноят ишидаги қайси ҳолатлар ва фактлар далиллар ёрдамида исботланиши кераклигидан келиб чиқиш зарурлигини таъкидлайди[13]. Чунки, далил фақат исботлаш предметига оид ҳолатларни аниқлаш учун тўпланади ва ундан фойдаланилади.

Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тадқиқ этган Б.А.Ражабов[14] ҳам масаланинг ушбу жиҳатига унчалик эътибор қаратмаган. Ваҳоланки, исботлаш предмети доираси билан боғлиқ

мавҳумлик исбот қилиш шартлари, босқичлари, далиллар турларини шакллантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Бундан ташқари, ушбу мавҳумлик жиноят процессида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни содир этилган жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини тўлиқ аниқлаш, келгусида шу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун ушбу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга аниқ ва тизимли йўналтирилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, қуйидаги муаммоли ҳолатлар келиб чиқмоқда:

*Биринчиси* – ЖПКда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини қачон ва қайси ҳолатларда аниқлаши лозимлиги аниқ кўрсатилмасдан, амалиётда жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва тегишлилигига кўра тақдимнома киритиш вазифасининг ёзилмаган қоида тариқасида суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш ваколатига эга бўлган терговчилар зиммасига юкланишига сабаб бўлмоқда.

Айрим олимлар эса ушбу тартибни амалдаги ЖПКнинг талаби деб тушуниб, «жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар суриштирув ва дастлабки терговда аниқланади, прокурор ёки суд эса буни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим»[15], деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, қонунда суриштирувчи ва терговчи сингари прокурор ва судга ҳам бу вазифа юклатилган. Бу борада Б.А.Миренскийнинг тўғри таъкидлашича, «судьянинг ЖПКнинг 395-моддасида белгиланган тартибда жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги ажрими унинг ушбу масалаларга муносабатини, криминоген омилларни аниқлашга ва бартараф этишга интилишини акс эттиради»[16]. Бошқача айтганда, жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

*Иккинчиси* – ЖПКда жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш шартлиги қатъий белгиланган бўлса-да, аммо қандай аниқланишига ойдинлик киритилмаган. Бошқача айтганда, аниқлашнинг процессуал механизми мавжуд эмас. Шу боис, профессор Э.Х. Нарбутаев «терговчи жиноят ишини юритишда жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказмайди, улар ўз-ўзидан тергов чоғида шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун асос бўлган ҳолатларни исбот қилиш мобайнида тўлиқ ёки қисман аниқланади»[17], деб ҳисоблайди. Чунки, одатда тергов ва суд ҳаракатлари далиллар йиғишга, далиллар эса исботлаш нуқтаи назардан жиноятни очиш, айбдорларни фош этиш ва айбсиз шахсларнинг ноҳақ айбланиши ва жазоланишини олдини олишга хизмат қилади.

Бироқ Т.Р. Очилов терговчи ҳар бир жиноят иши бўйича фақат ҳақиқатни аниқлаш билан чекланмай, бу нохуш ҳодиса такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўриш зарурлигига эътибор бермоғи лозим. ЖПКнинг 297-моддаси талаби исботлаш предметига киради ва бу талабнинг бажарилмаслиги терговнинг тўла эмаслигини билдиради, деб ҳисоблайди[18].

*Учинчиси* – ЖПКда жиноятдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлик)ни шакллантирувчи омиллар ва жабрланишнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш масаласига эътибор қаратилмаган. Бу борада Қ.А.Саитқуловнинг таъкидлашича, ЖПК нормаларида жиноятдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлик)ни шакллантирувчи омиллар ва жабрланишнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритиш мажбуриятини белгилаш, шунингдек мазкур тақдимнома талабларининг бажарилишини талаб қилиш ва бартараф этилганлиги бўйича давлат органларини хабардор қилиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш зарур[19].

Қ.А.Саитқуловнинг ушбу қарашлари диққатга сазовор. Чунки жиноят процессида жабрланувчи ҳуқуқларининг ҳимояси етарлича таъминланмаган. Бу эса жабрланувчи ҳуқуқлари ҳимоясининг жиноят-процессуал тартибини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Акс ҳолда жиноятдан жабрланганларнинг нафақат ҳуқуқ ва

эркинликлари поймол этилиши ва ҳатто, ўзига ўзи зарар етказиши билан боғлиқ салбий оқибатларнинг келиб чиқиш эҳтимоли сақланиб қолаверади.

Исботлаш предмети доирасининг аниқлаштирилиши нафақат жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, балки терговга қадар текширув босқичининг процессуал аҳамияти, мақсади ва вазифаларининг ойдинлаштирилишига ҳам хизмат қилади.

Модомики, далиллар исбот қилиш учун тўпланар, исботлаш эса ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлашни мақсад қилиб олар экан, унда терговга қадар текширув босқичининг мақсади исботлаш предмети доирасидан ташқарида, деган хулоса шаклланади. Чунки, жиноят процессида «иш» тушунчаси фақат жиноятга нисбатан ишлатилиб, у ҳам бўлса, қачонки, қўзғатилганидан сўнггина бу мақомга эга бўлади.

Бироқ қонун чиқарувчи ушбу камчиликни ЖПКнинг 81-моддасида далилларнинг турларига ойдинлик киритиш жараёнида жиноят иши бўйича далил ҳисобланадиган ҳақиқий маълумотлар асосида ишни тўғри ҳал қилиш учун аниқланиши лозим бўлган аҳамиятга молик ҳолатлардан бири сифатида «ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини» қайд этиб ўтиш билан бартараф этишга ҳаракат қилган бўлса-да, аммо ушбу маълумотларни аниқловчи субъектлар доирасини суриштирувчи, терговчи ва суд билан чегаралаб, унга терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган мансабдор шахсининг киритилмаганлиги терговга қадар текширув босқичининг мақсади исботлаш предмети доирасидан ташқарида, деган хулосани асослашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, амалдаги ЖПКда исботлаш предметига аниқлик киритилмаган ва бу *биринчидан,* жиноят процессида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг муайян аниқ мақсадларга йўналтирилиши ва далилий аҳамиятига; *иккинчидан,* жиноят процесси босқичларининг ўзаро алоқадорлиги ва мантиқий кетма-кетлиги таъминланишига; *учинчидан,* жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг тўлиқ бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Арманистон, Беларусь, Туркманистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Эстония Республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПК нормалари таҳлил қилинганида, улардан фақат Эстония Республикаси ЖПКнинг[20] 62-моддасида исботлаш предметига оид фактлар қонун билан белгиланганлиги маълум бўлди. Бу эса мавжуд муаммоли вазиятни исботлаш предметига ойдинлик киритиш ва исботлаш предмети доирасига кирувчи ҳолатларни амалдаги ЖПКда алоҳида норма билан белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклифни асослашга ёрдам беради.

Эстония Республикаси ЖПКнинг[21] 62-моддасида исботлаш предметига оид фактлар сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган:

1) жиноятни содир этиш вақти, жойи, усули ва жиноятга оид бошқа фактлар;

2) жиноятнинг зарурий элементлари;

3) жиноят содир этган шахснинг айби;

4) жиноят содир этган шахсни тавсифловчи маълумотлар ва шахснинг жавобгарлигига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар.

Ушбу норма орқали исботлаш предмети эмас, балки исботлаш предмети доирасида аниқланиши лозим бўлган фактлар ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Бу билан эса исботлаш предметининг мавҳумлигига чек қўйиб бўлмайди.

Фикримизча, жиноят процессида исботлаш предметини қуйидаги мазмунда шакллантириш ва ЖПКга янги 851-моддани киритиш лозим:

**«851-модда. Исботлаш предмети**

Исботлаш предмети:

1) жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларда маълум қилинган қилмишнинг юз берган-бермаганлиги;

2) содир этилган қилмишда жиноят таркибининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

3) жиноят содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахснинг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги;

4) жавобгарликни енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатларнинг мавжудлиги;

5) жиноятдан жабрланган шахснинг шахси ва виктимлик ҳолатлари;

6) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар».

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, амалдаги ЖПКда исботлаш предметига оид мавҳумликнинг бартараф этилиши *биринчидан,* ЖПКнинг исбот қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга; *иккинчидан,* процессуал ҳаракатларнинг нафақат айбдорликни исботлаш, балки жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини, шунингдек жиноятдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлик)ни шакллантирувчи омиллар ва жабрланишнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш имкониятини таъминлашга; *учинчидан,* шу орқали жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга; *тўртинчидан,* терговга қадар текширув босқичининг процессуал аҳамияти, мақсади ва вазифаларининг ойдинлаштирилишига хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Белоусов И.В.* Предмет доказывания по делам о преступлениях, совершенных в соучастии: Автореф. дис. .... канд. юрид. наук.– Воронеж, 2003. – С. 7.

2. *Руденко А.В.* Содержательная логика доказывания: диалектические и формально-логические основы: уголовно-процессуальное и криминалистическое исследование: Автореф дис. … д-ра юрид. наук. – Краснодар, 2011. – С. 18.

3. *Костенко Р.В.* Доказательства в уголовном процессе: концептуальные подходы и перспективы правового регулирования: Автореф. дис. … д-ра юрид. наук. – СПб., 2006. – С. 10.

4. *Ражабов Б.А.* Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш: Юрид. фан. д-ри (DSc) … дис. – Т., 2019. – Б. 255.

5. Жиноят процесси (Умумий қисм): Маърузалар курси / Э.Х.Нарбутаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 95 (109) б.

6. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев ва бошқ.: Ш.Т. Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 261 (635) б.

7. Жиноят процесси (Умумий қисм): Маърузалар курси / Э.Х.Нарбутаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 95 (109) б.

8. *Очилов Т.Р.* Йўл-транспорт ҳодисаларига оид ишлар бўйича исботлаш муаммолари: юрид. фан. ном. ... дис. автореф. — Т., 2003. — Б. 19 (23).

9. *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал-а д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2020. – Б. 21.

10. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 12 февраля 2003 года (По состоянию на 01.01.2017) [Элекронный ресурс]. Режим доступа: https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (дата обращения: 25.01.2019).

11. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 12 февраля 2003 года (По состоянию на 01.01.2017) [Элекронный ресурс]. Режим доступа: https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (дата обращения: 25.01.2019).

*М. Ў. Қўлдошев**

# ТЕРГОВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШДА МУТАХАССИСЛИК ҲАМДА ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада тергов соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлашда ҳуқуқшунослик ҳамда криминалистика фанларининг аҳамияти, таълимда мутахассислик фанларининг ўзига хос томонлари изоҳлаб берилган. Бундан ташқари, терговчиларни касбий тайёрлашда психология, мантиқ илмини ўрганишнинг касбий маҳоратни оширишдаги роли кўрсатилган.

**Таянч сўзлар**: тергов фаолияти, илм-фан, ҳуқуқшунослик фани, криминалистика, тафаккур, тушунча, мулоҳаза, хулоса, далиллар, баҳолаш, тасдиқлаш, исбот.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРЕДМЕТОВ ПО СПЕЦИАЛЬНОСТИ И ПРАВОВЕДЕНИЮ В ПОДГОТОВКЕ СЛЕДОВАТЕЛЕЙ

**Аннотация.** В статье рассматривается значение предметов по специальности и криминалистике в подготовке кадров для следственных органов. Кроме того, приведена роль законов логики, психологии в повышении профессиональной подготовки и навыков сотрудников следственных органов.

**Ключевые слова**: следственная деятельность, наука, правоведение, криминалистика, сознание, понятие, рассуждения, выводы, доказательства, оценка, подтверждение, доказывание.

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF SPECIALTIES AND LAW SCIENCES IN TRAINING OF INVESTIGATORS

**Annotation.** The article describes the role and importance of knowledge on tne subjects of jurisprudence and criminalistics in the prosecution. Particular attention is paid tu the use of criminalistics law, logic, psychology and other subjects during the prosecution of criminal cases, which are of particular importance in increasing the level of special training and mental maturity of investigating officer.

**Keywords:** prosecution, science, jurisprudence, criminalistics, consciousness, concepts, reasoning, proof, confirmation, proof of guilt.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида тергов соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлашда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ИИВ Тергов Департаментининг ташкил қилиниши[1] ва бу соҳада кўрсатилаётган давлат миқёсидаги ғамхўрлик, яратиб берилган шарт-шароитлар профессор-ўқитувчилар томонидан таълим жараёнига инновацион технологияларни қўллаган ҳолда янада масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Айниқса, сўнгги йилларда тергов соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар, тергов органлари фаолиятини юксалтириш, янги тергов олийгоҳларини очиш, ходимларнинг мутахассислик соҳасидаги билим даражасини оширишга қаратилган. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг таклиф ва талаблари амалиётда тергов органи мутасаддилари ва терговчилар олдида улкан масъулият ётганлигидан далолат беради.

Аслида ҳам тергов органи мутасаддилари – терговчилар зиммасига жуда мураккаб вазифалар юкланган бўлиб, ички ишлар органлари фаолиятида барча ҳуқуқбузарликлар юзасидан келиб тушган маълумотлар, шунингдек бу борада ички ишлар ходимлар томонидан тўпланган ҳужжатлар терговда фильтрациядан ўтказилиши, ҳужжатларнинг

***Қўлдошев Меҳриддин Ўринович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси катта ўқитувчиси.*

сифат даржаси ўрганиб чиқилиши, баҳо берилиши ва жиноий ҳолатларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, аниқлаш тақозо этилади. Шу боис бу ҳужжатларни тайёрлашга масъул бўлган ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, касбий савиясини янада ошириш давр талабидир.

Бу ИИВ Академиясида тергов соҳасида тингловчи ва курсантларни тайёрлашда, Академия ўқитувчилари зиммасида жуда катта масъулият ётганлигидан далолат беради. Чунки Академияда тергов соҳаси бўйича тайёрлаб чиқарилган курсантлар, амалиётга борган пайтидан бошлаб ҳеч бир ташқи ёрдамсиз жиноий ишларни терговини мустақил равишда юритиб кетиши шарт ва мажбур. Бу айни вақтда замон тақозоси, Президентимиз талаби.

Тергов соҳаси мутахассислари терговчилар тайёрлашда тергов фаолиятидан сабоқ берувчи фанлар – ҳуқуқшунослик ва криминалистика фанларини ўқитишда назария билан бирга бевосита амалиёт тажрибаларидан фойдаланишлари катта аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқий ҳолатлар билан боғлиқ ҳуқуқ соҳасини қамраб олувчи барча фан тармоқларини ўз ичига олади, яъни; жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, фуқаролик, маъмурий, меҳнат ҳуқуқи ва бошқа шу каби ҳуқуқ билан боғлиқ барча илм тармоқларини ўз ичига олади.

Ҳуқуқшунослик фан тармоғи: жиноят ҳуқуқи ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқи Ўзбекистонда кодекслаштирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 302 та ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 609 та моддалардан иборат.

Жиноят ҳуқуқи йўналиши бўйича жиноят ҳуқуқи фан тармоғи тергов фаолиятида татбиқ этиладиган асосий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси тергов фаолиятида кўриб чиқиладиган ғайриқонуний ҳодиса ва ҳолатларни ижтимоий хавфли (жиноий) қилмиш эканлигини таърифлаб, жиноят ёки жиноят эмаслигини белгилаб беради, жиноятнинг таркибини баҳолайди. Терговчи бу жиноят ҳуқуқи илмини тергов фаолиятида қўллаб, шахснинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси моддаларида кўрсатилган қилмишни содир этганлигини факт ва ҳолатларга таяниб асослаб беради ва ушбу Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатди ва тергов олиб бориш ваколатига эга бўлади. Шунингдек, тергов давомида шахсни айблаш учун исбот-далиллар етарли деб топганда, айбланувчини мазкур Кодекснинг тегишли моддаси билан айблайди (айбланувчи тариқасида ишга жалб қилади) ва ишни тамомлаб судга юборади.

Ҳуқуқшунослик фанининг **жиноят-процессуал** ҳуқуқи йўналиши илми шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси маъмурий органлар: асосан тергов, прокуратура, суд органларининг жиноят ишлари бўйича процессуал фаолиятини тартибга солади. Тергов процессуал фаолиятида бу жиноят-процессуал илмининг татбиқ этилмаган ёки қўлланилмаган бирорта амали эътибордан четда қолмайди. Ҳақиқатда, терговчи бирор-бир тергов ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган тартиб-қоидаларидан четга чиқиб, унга итоат қилмасдан ўтказа олмайди ва бунга ҳаққи йўқ.

**Криминалистика** фани тергов фаолиятининг ўзагини ташкил қилади. Чунки тергов фаолиятининг ўзи криминалистик изланишлар: яъни, далилларни аниқлаш, топиш, олиш, уларга баҳо бериш ва тасдиқлашга қаратилган бўлиб, бутун тергов ҳаракатлари криминалистика илми асосида амалга оширилади ва тўғри ечим топилишида муҳим рол ўйнайди.

Криминалистика фани жамиятда салбий ҳодиса ва ҳолатлар, яъни, **жиноий** ҳолатлар механизмини ўрганади. Криминалистика фани ғоят кенг тармоқли бўлиб, унинг тергов фаолиятига тааллуқли қисмини икки йўналишда ўрганиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси, **тергов-процессуал фаолияти криминалистикаси**. Бу илм тергов фаолиятида терговчиларнинг процессуал ҳаракатларида криминалистик тактика ва методик услуб ҳамда усулларнинг қўлланилишини таъминлайди. Маневрлар амалга оширилишини белгилаб беради. Тергов ҳаракатлари қонун доирасидан четга чиқиб кетмаслигига ёрдамлашади ва огоҳлантириб туради.

Иккинчиси, **жиноятларни тергов қилиш криминалистикаси**. Жиноятларни тергов қилиш криминалистикаси адабиётларда кўпинча **жиноятларни тергов қилиш методикаси** деб юритилади. Амалда методика–услуб, метод–усул маъносини англатади. Бундан кўриниб турибдики, методика сўзи луғавий умум маънода тафаккуримизда акс этади. Криминалистика сўзи эса бутун дунёда бир хил, яъни жиноий қилмишларни ўрганишга қаратилган услуб ва усулларни ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек криминалистика фани бутун **табиий** ва **ижтимоий** фанларнинг ютуқларидан фойдаланади ва уларни ўзида татбиқ этиш хусусиятига эга. Жиноятларни тергов қилиш криминалистикасида айниқса психология, мантиқ фанларининг қўлланилиши барчага маълум.

Психология фани тергов фаолиятида терговчилар кўрсатувлар асосида йиғиладиган (ўзгарувчан) далилларни аниқлаш, олиш ва тўплашда криминалистиканинг сўроқ қилиш услуб ва усулларида фойдаланилади. Демак терговчи ишга жалб қилинган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи–айбланувчи ва ҳоказо шахслар билан мулоқот пайтида **психология** фани соҳасида олган билимига таяниб, маълум бир сонияда уларнинг темпераментини, характер-хусусиятини, ички дунёсини, савиясини, ахлоқ-одобини аниқлашга қодир бўлиши керак ва шунга мажбур. Акс ҳолда мулоқот натижасиз, сўроқ мазмунсиз ўтади ва кўзланган мақсадга эришилмайди. Ёмони шундаки бу маҳоратсиз ўтказилган тергов жараёнида муҳим далиллар йўқотилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Психология илми бутун тергов жараёнида қўл келади. Терговчи тергов жараёнида жиноят процесси иштирокчиларининг кайфиятини, ички дунёсидаги кечинмаларини ташқи қиёфаси ўзгариб туришидан, мимикасидан, ҳаракатларидан сезиб туради, мақсадини аниқлайди. Бу муолажани терговчи муваффақиятли амалга ошириб борса ва психологик вазиятга тўғри диагноз қўйишни билса, иши енгил кечади. Ҳар бир ўтказадиган тергов ҳаракатларини тўғри белгилай олади ва юқори ишонч билан тергов жараёнида криминалистик услуб ва усулларни қўллаб, ишида кўзланган натижага эришади.

Мантиқ (логика) илми тергов фаолиятида татбиқ этилишида жуда юқори ва бебаҳо ўринни эгаллайди. Жиноят ишларини тергов қилиш фаолияти асосан ақлий фаолият бўлганлиги сабабли терговчи ўз фаолиятида истаса-истамаса **мантиқ** илмидан фойдаланиб иш тутишга мажбур. Мантиқ илми – терговчи **ақлий фаолиятининг** ўзагини ташкил қилади. Терговчи ўз фаолиятида, у жиноят ҳодисасини аниқлашда ҳам, жиноятчини фош қилиш йўлида исбот-далиллар тўплашда ва уларга баҳо беришда ҳам, муайян хулосага келишда ҳам онгида ақлий тафтиш ўтказади, мулоҳаза юритади ва мантиқий хулосалар чиқаради.

Мантиқ илмини ўрганиш объектини **тафаккур** ташкил этади. Тафаккур арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида фикрлаш, ақлий билиш маъноларини билдиради. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Тафаккур уч шаклда: **тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса** чиқариш шаклида мавжуд.

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, бошқача айтганда, фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради: баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишга, суҳбатдошининг мулоҳазаларидаги хато ва сохталикларни очиб ташлашга ёрдам беради. Муҳокамани тўғри қуришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш жоизки, ўзига хос санъат – мантиқ санъати ҳисобланади[2].

Жиноят ишларини тергов қилишда мантиқ илмининг қонунларидан самарали фойдаланиш ижобий натижаларга эришиш гаровидир. Чунончи: мантиқ илмининг **айният қонуни**, яъни терговда, терговчи жиноий ҳодисани, воқеани айнан содир бўлганлик ҳолатини исботлаб, тасвирлаб, тасдиқлаб бериши кўзда тутилади. Тасдиқлаш учун эса, ўз навбатида, мантиқ илмининг **етарли асос қонуни** талабларидан воқиф бўлиши керак. Мантиқ илмининг **зиддиятсизлик қонуни** мутахассис олим Х.Б. Саидходжаев «Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида кўп учрайдиган гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчилар берадиган бир-бирини рад этувчи кўрсатмаларнинг тўғриларини нотўғриларидан ажратиш, уларни топиш, жой-жойига қўйиш, ҳамда мантиқий хулосалар чиқаришда бу қонуннинг мазмун-моҳиятини билиш, суд ва тергов амалиётида муҳим роль ўйнайди. Бу қонуннинг талабини билмаслик чалкашликлар ҳамда тергов жараёнининг чўзилишига, ишнинг ўз вақтида якунланмаслигига олиб келиши мумкин»[3] – деб таърифлайди. Бу қонун талабларини билмаслик терговчиларнинг кўрсатмалар юзасидан далиллар тўплаш маҳорати, савияси етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Дастлабки терговда терговчи юритаётган жиноят ишида мантиқ илмининг учинчи – **истисно қонуни** талабларига кўра иш юзасидан гумон қилинувчи деб топилган шахс айбли ёки айбсиз деб топилиши шарт. Бунинг учун терговчи гумон қилинувчининг айбини тасдиқловчи далилларни тақдим этиши ёки уни истисно этувчи фактларни аниқлаши керак. Далилларни ўзини ҳам далил ёки далил эмаслигини мана шу мантиқ илми қонуни асосида амалга оширади.

Мантиқ илмида ҳиссий билиш уч шаклда: сезги, идрок, тасаввур шаклида амалга ошади. **Сезги** предметнинг ташқи хусусиятини (масалан рангини, шаклини, таъмини) акс эттирувчи яққол образдир. **Идрок** предметнинг яхлит яққол образи бўлиб, у мазкур предмет ҳақидаги турли хил сезгиларни синтез қилиш натижасида ҳосил бўлади. Алоҳида олинган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок берилган предметни бошқа предметлардан (масалан олмани беҳидан ва ҳоказо) фарқ қилиш имконини беради. **Тасаввур** эса аввал идрок этилган предметнинг образини маълум бир сигналлар (берилган предмет билан маълум бир умумийликка эга бўлган) таъсирида мияда қайта ҳосил қилишдан ёки шу ва бошқа образлар негизида янги образ яратишдан иборат ҳиссий билиш шаклидир. Масалан, танишингизга ўхшаган кишини учратганда танишингизни эслайсиз ёки қурмоқчи бўлган иморатингизни мавжуд иморатлар образи ёрдамида яққол ҳис қиласиз[3].

Табиат инсонга сезги фаолиятини таъминловчи кўриш, эшитиш, тана аъзолари орқали таъсирни, иссиқ-совуқни, таъмни, ҳидни ва ҳоказоларни сезиш қобилиятини берган. Табиат инсонга идрок ҳамда тасаввурни ҳайвонлардан фарқли ўлароқ онг маҳсули сифатида инъом этган.

Тергов фаолиятида, терговчи қўлидаги жиноят ишини мантиқ илмининг сезги, идрок ҳамда тасаввур сингари ҳиссий хусусиятларидан назарий жиҳатдан воқиф бўлган ҳолда олиб борса, иши натижали бўлади. Яъни у ишига ақлий ёндашади. Энди у қўлидаги иш юзасидан далилларни излаш, аниқлаш ва топишда, унга баҳо беришда ўзининг сезиш қобилиятини, маҳоратини синаб кўради. Бунда терговчи ўзининг фаҳмлаш, синчиковлик ва топқирлик каби қобилиятини, ички интуициясини ишга солади, мантиқ илмининг индуктив тўғри хулосага келишини таъминловчи кузатув усулидан фойдаланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, мантиқ илмида **тушунча** – кузатув, сезги асосида юзага келган ахборотлар натижасида ҳосил бўлади. Терговда далиллар ҳам худди шундай кузатув (далилларга монандлик), сезги (синчковлик, топқирлик, фаҳмлаш) асосида аниқланади. Мантиқ илмида **ҳукм (мулоҳаза)** – тушунчалар мажмуи асосида шаклланади. Терговда далилларни тасдиқлаш иш юзасидан тўпланган далилларни текшириб, мулоҳаза юритиб, уларнинг иш учун муҳимлиги ёки

муҳим эмаслигига баҳо беришда аниқланади. Мантиқ илмида **хулоса** мулоҳазалар якуни асосида ўз аксини топса, терговда **хулоса** айбни исботлашга қаратилган тўпланган далилларга баҳо бериш натижасида бир тўхтамга келишни англатади. Бундан кўриниб турибдики, мантиқ илми терговчилар ақлий иш фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради десак муболаға бўлмайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрель ПҚ-2898-сон қарори.
2. *Шарипов М., Файзихўжаева Д.* Мантиқ: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 6, 9, 55–117.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. –2017.– №4.
4. *Маматқулов Т.Б.* Криминалистика: Дарслик. –Т., 2015.– Б. 498.
5. *Душанов Р.Х.* Касбий психология: Дарслик. – Т., 2014.– Б. 346.

***Ф. Ф. Кадиров****

# ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда процессуал ҳаракатлар тизимининг аҳамияти таклиф сифатида илгари сурилаётган концептуал модел орқали очиб берилган. Шу орқали амалдаги ЖПК.нинг конструктив тузилиши (усткуртмаси)даги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш ва унинг оптимал лойиҳасини ишлаб чиқиш мумкинлиги асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** тергов ҳаракатлари, процессуал ҳаракатлар, терговга қадар текширув, ишни судга қадар юритиш.

## ЗНАЧЕНИЕ СИСТЕМЫ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ДЕЙСТВИЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**Аннотация.** В статье раскрывается значение системы процессуальных действий в совершенствовании уголовно-процессуального законодательства посредством концептуальной модели, выдвигаемой в качестве предложения. Таким образом, обоснована возможность устранения пробелов и противоречий в существующей конструктивной структуре (надстройке) УПК и разработки оптимального проекта.

**Ключевые слова:** следственные действия, процессуальные действия, доследственная проверка, досудебное производство по делу.

## THE IMPORTANCE OF THE SYSTEM OF PROCEDURAL ACTIONS IN IMPROVEMENT OF THE CRIMINAL PROCEDURE LEGISLATION

**Annotation:** The article reveals the significance of the system of procedural actions in improving the criminal procedure legislation through a conceptual model put forward as a proposal. Thus, the possibility of eliminating gaps and contradictions in the existing structural structure (superstructure) of the CPC and developing an optimal project is justified.

**Keywords:** investigative actions, procedural actions, pre-investigation verification, pre-trial proceedings.

Процессуал ҳаракатларни жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги мавжуд тартиб-қоидаларни эътиборга олмасдан таҳлил қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам жиноят-процессуал қонунчиликни тартиблаштирмасдан процессуал ҳаракатлар тизимини яратиш ёки аксинча, процессуал ҳаракатлар тизимини эътиборга олмасдан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш мушкул вазифа ҳисобланади.

Чунки процессуал ҳаракатлар жиноят процесси босқичларини тартибга соладиган қоидаларга асосан амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят процессига оид қоидалар қонун чиқариш техникаси талабларига қанчалик тўлиқ риоя қилган ҳолда ишлаб чиқилган бўлса, процессуал ҳаракатларни самарали қўллашга шунчалик қулайлик яратилади.

Бироқ ЖПКнинг бўлим ва боблари танқидий таҳлил қилинганида, тизимлаштиришнинг негизида тартиблаштириш ётиши, тартиблаштириш эса жиноят процесси босқичларига асосланиши ойдинлашади. Чунки жиноят процесси босқичларини ифодаловчи қоидаларнинг процессуал нормалар орқали тартиблаштирилиши процессуал

***Кадиров Фахриддин Файзуллаевич**, Тошкент шаҳар Янги ҳаёт туман ИИО ФМБ тергов бўлими катта терговчиси.*

қоидалар ўртасидаги мантиқий кетма-кетлик, жойлаштириладиган бобларнинг ўзаро мутаносиблиги ва моддаларнинг боғлиқлигини таъминлайди.

Шу боис процессуал қоидаларнинг тизимини яратишда юқорида назарда тутилган талабларни бажариш, бунинг учун эса ЖПКни қуйидаги уч таркибий бўлимга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

***биринчи бўлим:*** «Умумий қоидалар»;

***иккинчи бўлим:*** «Ишни судга қадар юритиш»;

***учинчи бўлим:*** «Ишни судда юритиш».

ЖПКни бўлимларга, бўлимларнинг ҳар бирини эса бўлинмаларга бўлиш ушбу бўлинмаларда ўзига хос процессуал асос ва қоидаларга эга процессуал ҳаракатларни боблар тариқасида тавсифлаш имконини беради. Натижада ЖПКнинг концептуал модели яратилади.

Тавсиявий характерга эга ушбу концептуал модел амалдаги ЖПКнинг конструктив тузилиши (устқуртмаси)даги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш ва оптимал лойиҳасини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Бу қуйидагилар орқали намоён бўлади:

**Биринчи бўлим** «Умумий қоидалар» деб аталиб, *биринчи бўлинма,* «Асосий қоидалар» унда жиноят-процессуал қонунчиликнинг вазифалари, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида қўлланиладиган тушунча ва атамаларнинг таърифи ва ҳудуд бўйича амал қилиш принциплари, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларнинг ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши, суд, прокуратура ва терговчиларнинг хорижий давлатлар билан бирга алоқадорлиги ва бошқалар, *иккинчи бўлинма* «Жиноят процессининг иштирокчилари», *учинчи бўлинма* «Процессуал муддат ва чиқимлар», шунингдек «Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш» ва «Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ва тартибни бузганлик учун жавобгарлик» масалаларини қамраб олади. Бўлинмаларда назарда тутиладиган жиноят процессининг изоҳли тушунчалари ўзининг мазмун ва йўналиши бўйича ягона бир тизимни шакллантириши ва яхлитлиги билан ажралиб туради. Сабаби биринчи бўлимда белгиланган қоидалар раҳбарий тусга эга бўлиб, ишни судга қадар ва судда юритишни таъминлашга қаратилса, иккинчи бўлими «Ишни судга қадар юритиш» билан боғлиқ қоидаларга бағишланиб, жиноятга оид судловнинг ушбу босқичини ифодалайдиган процессуал ҳаракатларнинг икки хил кўринишда ўтказиш тартибини тартибга соладиган моддалардан ташкил топади. Бунда мазмуни қарор чиқариш ва уни таништиришда ифодаланадиган процессуал ҳаракатлар уларнинг *бир кўриниши бўлса, иккинчи кўриниши эса* чиқарилган қарорга асосан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

Таклиф этилаётган **иккинчи бўлимни** ишни судга қадар юритишнинг хусусиятларини эътиборга олиб қуйидаги бўлинма, боб ва моддалар орқали тизимлаштирилиши мантиқан тўғри бўлади:

*биринчи бўлинма* «Жиноят ишини қўзғатиш» деб аталиб, унинг 1-бобида «Жиноят ишини қўзғатишнинг сабаб ва асослари», 2-бобида «Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асослари», 3-бобда «Жиноят ишини қўзғатиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни ўтказиш тартиби», 4-бобда «Жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш тартиби» кўзда тутилади.

Агар 1-бобда жиноят ишини қўзғатишни сабаб ва асослари бўлган шахснинг аризалари, корхона, муассаса, ташкилотлар тақдим қилган ҳамда оммавий ахборот воситалари хабарлари, жиноят содир этганлигини кўрсатувчи маълумотлар, изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бевосита ўзи аниқлаш ва айбини бўйнига олиш ҳақидаги аризаларнинг ҳолатига алоҳида моддалар билан таъриф бериб ўтиладиган бўлса, 2-бобда жиноят ишини қўзғатишни рад этишга амалдаги ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандлари ҳамда 84-моддаси 1-қисмидаги асослар

таърифи алоҳида моддаларда бериб ўтилади. 3-бобда жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни олиш тартиби ва кўрсатилган муддат ичида ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатларнинг турлари, шунингдек ушбу процессуал ҳаракатларни ўтказиш тартиби, жумладан ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш, тушунтириш олиш, иш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб ҳамда сўраб олишнинг процессуал тартиби, уларни расмийлаштиришни алоҳида моддаларда эътироф этилишини қуйидагича изоҳласа бўлади.

Чунончи, терговга қадар текширув жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар ўзининг мазмуни, моҳияти ва процессуал тартибининг ўзгачалиги билан дастлабки тергов давомида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлардан ажралиб туради. Буни қонуншунос амалдаги ЖПКнинг 329-моддасида жиноят ишини қўзғатишга қадар амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларининг қаторига 16-бобда эътироф этилган кўздан кечириш процессуал ҳаракатини эмас, балки уни бир кўриниши бўлган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш процессуал ҳаракатини алоҳида процессуал ҳаракат сифатида қайд этганлигида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларининг мақсади жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этишнинг асосларини аниқлаб беришга қаратилганлигига оид хусусиятлари мазкур босқичда экспертизани тайинлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

4-бобда эса жиноят ишини қўзғатиш, шунингдек қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни чиқариш тартиби, маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликларга доир хабарларни тегишли чора кўриш учун юбориш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга тегишлилигига қараб юбориш, жиноят ишини иш қўзғатилганидан кейин юбориш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш устидан прокурор назорати ва жиноят ишини қўзғатиш қарори устидан шикоят қилиш тартибларига доир моддалар ўрин эгаллайди.

*Иккинчи бўлинма* «Суриштирув» деб номланиб, унинг 1-бобида суриштирув вазифаларининг умумий таърифи, жиноятларни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, гумон қилинувчиларни ушлаш ва яширинганларни қидириб топиш, жиноят туфайли моддий зиённи қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатларни ўтказиш, терговчи томонидан бериладиган кўрсатмаларни суриштирув томонидан бажарилишига доир таърифлар алоҳида моддаларда ўз аксини топади.

2-бобда суриштирувнинг бошланиши ва тамомланиши эътироф этилиб, бунда суриштирув органларининг терговга қадар текширувларни амалга ошириши, суриштирувни бошлаш тартиби, суриштирув юритишнинг муддати ва суриштирувни тамомлаш тартиби ёритилади.

3-боб «Суриштирувда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар»га бағишланиб, унда кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатларнинг турлари, тезкор-қидирув фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларнинг турлари, ўтказиш тартиби ва расмийлаштирилиши, шунингдек содир этилган жиноятга оид тезкор-қидирув, суриштирув ишларини олиб боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва маълумотларни прокурор томонидан назорат тартибида ўрганиш ва қабул қиладиган қарорни расмийлаштириш тартиби қайд этилади.

Бугунги кунда «суриштирув» «дастлабки тергов»нинг «дубликат»ига айланиб қолган. Чунки амалдаги ЖПКнинг 461-боби нормалари таҳлили бобда назар тутилган процессуал тартиб ва қоидаларнинг аксарияти 43, 45 ва 46-бобларда белгиланган процессуал тартиб ва қоидаларни такрорланганлигини кўрсатади.

Суриштирувнинг дастлабки терговдан фарқли жиҳати шундаки, суриштирувда асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишлари бўйича тергов олиб борилади.

Амалиётда, одатда, бу каби жиноят ишлари табиатан мураккаб бўлмаслиги боис стажёр терговчилар томонидан юритилади.

Бинобарин, аввалги суриштирувнинг ҳуқуқий мақоми ҳозиргидан фарқ қилиб, суриштирувнинг асосий мақсади тезкор-қидирув ва процессуал ҳаракатлар имкониятини бирлаштириш орқали жиноятларни иссиқ издан тез ва тўла очишга йўналтирилган. Ушбу институтни самарали қўллашда биргина бўшлиқ, у ҳам бўлса қонунда кимлар суриштирув органларининг суриштирувчиси эканлигига ойдинлик киритиш зарурати мавжуд бўлган. Мазкур камчилик суриштирувнинг ўз функциясини бажариш имкониятини чеклаб, натижада суриштирувнинг жиноят процессидаги ўрни ва роли деярли сезилмаслиги ва аста-секинлик билан назария ва амалиётда ҳам унинг мавқеи йўқолишига сабаб бўлди. Охир-оқибат суриштирув дастлабки терговдан олдинги босқич эмас, балки унинг «эгизаги», яъни битта босқичда ўтказиладиган терговнинг янги бир шаклига айланди. Зотан, тергов органлари бошқарув аппаратининг ички идоравий буйруғи билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни тергов қилувчи алоҳида гуруҳни шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил этиш ҳам мумкин эди.

Айнан суриштирувнинг аввалги ҳуқуқий мақомини тиклаш ва оптималлаштириш учун иккинчи бўлинмани «суриштирув»га бағишлашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

«Дастлабки тергов» деб номланадиган 3-бўлинманинг 1-бобида «Дастлабки терговнинг умумий шартлари» берилиб, унда дастлабки терговни идоравий-ҳудудий тегишлилиги, дастлабки терговнинг бошланиши, дастлабки тергов муддатлари, дастлабки терговни ўтказиш жойи, процессуал ҳаракатларни ўтказиш вақти, илтимосномаларни кўриб чиқиш, холисларни иштироки, терговчи томонидан бериладиган топшириқлар, уларнинг бажарилиши, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари устидан шикоят бериш, уни кўриб чиқиш тартиби, жиноят ишларидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти, жиноятнинг сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларининг кўрилиши, дастлабки тергов органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурор назоратининг амалга оширилиши, жиноят ишининг қўзғатилиши, тергов олиб борилиши юзасидан ёзма кўрсатмаларни бажариш мажбурияти, дастлабки терговни бир неча терговчилар томонидан амалга оширилиши, жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишга оид моддалар назарда тутилади.

Фикримизча, «Жиноят ишини қўзғатиш» деб номланган бобда жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш билан боғлиқ бўлган процессуал институтларнинг ўрин олиши процессуал ҳаракатларнинг босқичга доир мантиқий жойлаштирилишига путур етказади. Шу боис жиноят ишини қўшиш ёки ажратиш тўғрисидаги қарор қўзғатилган жиноят иши бўйича олиб бориладиган дастлабки тергов босқичида чиқарилишини эътиборга олиб, мазкур институтни таклиф этилаётган «Дастлабки тергов» бўлинмасида қайд қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2-бобда «Исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар»ни тартибга соладиган моддалар жойлаштирилади, чунки «Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва барча далили аҳамиятга эга процессуал ҳаракатлар» амалдаги ЖПКнинг Умумий қисм 3-бўлимидан ўрин олиб, мазкур бўлимнинг 8-бобидан 25-бобигача қайд этилган қоидалар нафақат дастлабки тергов, балки суд босқичига ҳам тааллуқли эканлиги боис уларга умумий қоидалар мақоми берилган. Ваҳоланки, ҳаракатдаги ЖПКнинг Махсус қисм 10-бўлимининг 52-бобида судланувчининг айбини исботлашга доир процессуал ҳаракатларнинг турлари ва тартиби кўрсатиб ўтилган. Судда сўроқ қилиш тартиби, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш процессуал ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал ҳаракатларнинг ўтказилишини амалий ва қонуний кетма-кетлигининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида «Дастлабки тергов» бўлинмасининг 2-бобида исбот қилишнинг умумий шартлари, яъни исбот қилиш

иштирокчилари, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, далилларнинг турлари, далилларни тўплаш, текшириш, далилларга баҳо берилишига оид моддаларнинг жойлаштирилиши таклиф этилади.

«Исбот қилишга қаратилган процессуал ҳаракатлар» деб ном олган 3-бобда қуйидаги, чунончи, сўроқ қилишнинг умумий қоидалари (гувоҳ ва жабрланувчи, шу жумладан вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларни) ва сўроқ қилишнинг процессуал расмийлаштирилиши, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, олиб қўйиш ва тинтув, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, экспертиза тайинлаш процессуал ҳаракатларнинг ўтказиш асослари ва тартиби берилиши кўзда тутилади.

Албатта, биргина бобнинг ўзидаёқ ушбу процессуал ҳаракатларини ўтказиш асослари ва процессуал тартибини тартибга солувчи нормаларнинг назарда тутилиши юридик техник жиҳатдан унчалик қулай эмасдек туюлади. Бироқ айнан шу йўл билан амалдаги ЖПКда 1959 йилдаги ЖПКнинг айрим бобларида асоссиз равишда процессуал ҳаракатларни ўтказиш тартибининг майдалаштириб юборилиши эвазига амалиётда уларни қўллашда қулайликлар яратиш ўрнига юзага келтирилган баъзи бир чалкашликларни бартараф этиш мумкин бўлади.

Эмпирик тадқиқотларга жалб этилган 73% амалиётчи (прокуратура, адвокатура, суд ва ИИБ ТБда ишловчи) ходимлар ҳамда 68% эксперт олимларнинг фикрига асосланган ҳолда исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар қаторига экспертиза текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш, шунингдек нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш ҳаракатлари олиб қўйиш процессуал ҳаракатининг таркибий қисми бўлганлиги боис алоҳида моддалар сифатида ушбу бобдан ўрин олмади.

Процессуал ҳаракатларни расмийлаштирилишига бағишланган 4-бобда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилувчи процессуал ҳаракатларни ўтказиш, жиноят ишида жабрланувчи деб эътироф этиш юзасидан қарорлар чиқариш тартиби, 3-бобда қайд қилинган процессуал ҳаракатларни ҳамда айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш натижасида олинган нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйишни баённома тузиш орқали расмийлаштирилиши назарда тутилади.

Амалдаги ЖПКнинг 4-бўлимидаги процессуал институтларни уларнинг мазмуни ва процессуал аҳамияти жиҳатидан келиб чиқиб тизимлаштиришни лозим, деб топдик. Жумладан, лавозимдан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштиришни 5-бобни «Процессуал ҳаракатларни ўтказилишини таъминловчи чоралар» деб номлаб, эҳтиёт чоралари ва ушлаб туришни эса фақатгина гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига қўлланишини назарга олиб алоҳида бобда берилиши кўзда тутилди.

Бобларнинг мантиқий кетма-кетлигидан келиб чиққан ҳолда жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва сўроқ қилиш ҳақидаги 6-бобдан, шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари ва тартиби, айбловни ўзгартириш, тўлдириш ва тугатиш, тугатилган айбловни қайта тиклаш қоидалари, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш тартиби ва расмийлаштирилиши, уларнинг кўрсатувларини баҳолаш, сўроқ қилиш муддатлари, гумон қилинувчини ушлаб туриш асослари, тартиби ва расмийлаштирилишига доир моддалар жой олган.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсларга қўлланиладиган эҳтиёт чоралари эса 7-бобда қайд қилинади. Унда эҳтиёт чораларини қўллашнинг мақсад ва асослари, турлари, эътиборга олинадиган ҳолатлар, қўлланилиши мумкин бўлган шахслар, эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда шикоят бериш, қамоққа олиш, уни айбланувчи, шунингдек гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсларга нисбатан қўллаш, қамоқда

сақлаб туриш муддати, сақлаб туриш муддатини узайтириш, гаров, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчини хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувини қўллаш тартиблари ва расмийлаштириш қоидалари алоҳида моддаларда белгиланиши назарда тутилади.

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш эса алоҳида 8-боб сифатида эътироф этилиб, ўз ичига жиноят процессида фуқаровий даъво ва бошқа мулкий ундиришлар, мол-мулкни жабрланувчи ёки бошқа фуқаровий даъвогарга қайтариш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказиш асослари, тартиби ва расмийлаштириш қоидаларини қамраб олади. Мазкур бобни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳамда уларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўлланилишига доир боблардан кейин жойлаштирилиши қуйидагилар билан изоҳланади:

*биринчиси,* исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатларнинг ўтказилиши натижасида мулкий зиён етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар ойдинлашади;

*иккинчиси*, жиноят натижасида мулкий зиён етказган шахснинг аниқланиши, етказилган мулкий зиённи реал қоплаш имконияти мавжудлигини ифодалайди. Етказилган мулкий зиённи қоплаш ва уни ундириш билан боғлиқ масалалар дастлабки терговни тўхтатиш ёки тамомлашдан олдин кўрилиши дастлабки тергов тизимининг яхлитлигини таъминлайди. Шу боис 9-бобда дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш, яъни дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби, қидирув эълон қилиш, дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ўтказиладиган процессуал ҳаракатларнинг турлари, тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш асослари ва тартиби ҳамда уларни расмийлаштириш қоидаларига бағишланган моддаларнинг эътироф этилиши таклиф этилади.

Жиноят ишининг тугатилиши дастлабки терговнинг бир тури бўлса-да, бироқ у дастлабки терговни тамомлашнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ тугатилган жиноят иши судда юритиш учун юборилмасдан, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорни чиқарилиши билан чекланади. Айблов хулосасини тузиш ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган жиноят иши юзасидан эса иш юритуви давом эттирилиб суд босқичида ўз якунини топади.

Бундан ташқари, жиноят ишини реабилитация қилиш асосларига таянган ҳолда тугатиш мумкинлигини ва бу реабилитация масаласи айблов хулосаси тузиш ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш жараёнига хос эмаслигини инобатга олганда, бу ҳолат жиноят ишини тугатилишини алоҳида боб сифатида берилишини янада асослантиради. Ушбу хусусиятларни назарда тутиб, дастлабки терговни тамомлашнинг тури бўлмиш жиноят ишини тугатиш «Дастлабки тергов» бўлинмасига алоҳида боб тариқасида жойлаштирилиб, унда жиноят ишини тугатиш асослари ва тартиби, тугатилган жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш, унинг натижасида бериладиган илтимосномаларни тақдим этиш тартиби ва уларни расмийлаштирилиши, шунингдек реабилитация қилиш асосларига биноан тугатилган жиноят ишлари бўйича реабилитация этилган шахсларга етказилган зиённи қоплаш, унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни ўтказиш асослари, тартиби ва расмийлаштириш қоидалари кўзда тутилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан тамомланадиган жиноят ишларининг ўзига хос хусусиятларга эгалиги уларни алоҳида тарзда юритиладиган жиноят ишлари тоифасига киритишга асос яратади. Ушбу турдаги ишларни судга қадар ва судда юритиш тартиби, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳамда шахс тиббий муассасага жойлаштирилганда жиноят ишининг тўхтатиб турилишини тартибга солувчи бобни «Дастлабки тергов» бўлинмасида жойлаштирилишини айнан шу сабаблар билан изоҳлаш мумкин бўлади.

Дастлабки терговни айблов хулосасини тузиш билан тамомланишини алоҳида бир боб сифатида киритиш таклифи билан, бобда жиноят иши материалларини таништириш,

жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш оқибатида илтимосномалар киритиш ва кўриб чиқиш, илтимоснома қондирилганидан сўнг жиноят иши материаллари билан қайта таништириб чиқиш, жиноятнинг сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш ҳақида тақдимномаларни киритиш, айблов хулосасини тузиш, унга иловалар қилиш, жиноят ишини прокурорга юбориш тартиби, айблов хулосаси билан келган жиноят ишини прокурор томонидан ўрганиш тартиблари ва унинг натижасида қарорлар қабул қилиш асослари, тартиби ҳамда расмийлаштирилиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар жой эгаллаши назарда тутилади.

Прокурор назоратини амалга ошириш соҳа ва жиҳатлари янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун[1] да батафсил ёритиб ўтилганлиги суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларни ижро этишлари устидан назорат қилинишини алоҳида боб сифатида эътироф этилишига эҳтиёж туғдирмайди. Бундан ташқари, исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатларни ўтказиш мобайнида, хусусан, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатилган бошқа ҳолатларни аниқлаш билан бирга жиноятларнинг сабаб ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг ҳам аниқланиши, ушбу талаб дастлабки терговнинг умумий шартлари қаторидан жой эгаллаб, алоҳида боб орқали тартибга солиниш эҳтиёжини йўқотади. Шунинг учун жиноятнинг сабаб ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида тегишли дастлабки тергов, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши учун тақдимномалар юборилишини тартибга солувчи моддаларни «айблов хулосасини тузиш билан дастлабки терговни тамомлаш» бобида берилиши билан чекланилади.

Шундай қилиб, жиноят процесси босқичларига асосланган ҳолда ЖПКнинг умумий ва судга қадар иш юритиш босқичига доир қисмларни янгитдан тизимлаштиришнинг таклиф этилаётган концептуал модели, фикримизча, психологик, қонун чиқариш техникаси ва назарий жиҳатдан ЖПКни ўрганиш, таҳлил қилишга қулайлиги ҳамда амалий жиҳатдан процессуал нормаларни қийинчиликсиз қўлланиш имкониятига эга эканлиги билан диққатга сазовордир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонуни. – URL: http://www.lex.uz.

*Б. Е. Есимбетова**

# ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация**. Мақолада қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Олимларнинг фикрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида ушбу тергов соҳасини такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** инсон соғлиғи, баданга шикаст етказиш, зўравонлик, қийнаш, калтаклаш.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАССЛЕДОВАНИЯ УМЫШЛЕННОГО ПРИЧИНЕНИЯ ВРЕДА ЗДОРОВЬЮ

**Аннотация.** В статье рассмотрены особенности расследования умышленного причинения вреда здоровью. На основании изучения мнений ученых и правоприменительной практики даны предложения, направленные на совершенствование данной сферы.

**Ключевые слова:** здоровье человека, телесное повреждение, насилие, истязание, побои.

## ISSUES OF IMPROVEMENT OF THE INVESTIGATION OF INTENTIONAL INJURY TO HEALTH

**Annotation.** The article deals with the features of the investigation of intentional injury to health. Based on the study of the opinions of scientists and law enforcement practice, proposals are given aimed at improving this area.

**Keywords**: human health, personal injury, violence, torture, beatings.

«Жамиятимизда «Қонун ва адолат – устувор», «Жиноятга жазо муқаррар» деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ўзгаришлар туфайли биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда»[1].

XX аср охири – XXI аср бошларида зўравонлик билан боғлиқ жиноят кўрсаткичларининг жадал суръатларда ўсиши кузатилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлик ҳолатига таъсир қилиб, жамиятда кескинликни келтириб чиқариш ва давлат органларининг обрўсига жиддий путур етказиш хавфини юзага келтиради. Ушбу ҳолат нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, балки аҳолини ҳам хавотирга солмоқда. Жиноий зўравонликнинг ўсиш динамикаси, авваламбор, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, жамиятнинг кескин табақаланиши, маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши ва ҳуқуқий нигилизмнинг ривожланиши билан боғлиқ. Сўнгги йилларда дунёда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда[2].

Ўзбекистон Республикасида инсон соғлиғига қарши жиноятлар умумий жиноятлар тизимида салмоқли ўринга эга. Сўнгги йигирма йил давомида мамлакатимизда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларнинг деярли ярмини ташкил этиб келмоқда.

***Есимбетова Барно Есенгельдиевна,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультетининг таянч докторантура докторанти.*

Жабрланувчиларнинг ички ишлар органларига мурожаат этмасликларининг сабаби – уларнинг тўлиқ ҳимоя қилинмаганлиги, зўравонга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги, шунингдек жиноятнинг фош этилиши ва айбдорнинг жазоланишига ишончсизликдир[3]. Бу турдаги жиноятларнинг латентлигига яна бир сабаб айрим оила аъзоларининг (аввало, болалар ва қарияларнинг) қарам бўлгани учун ҳуқуқни мухофаза қилиш органларига мурожаат этмаганлигидир. Баданга енгил шикаст етказиш «табиий» латентликнинг яна бир омилидир. Одатда гувоҳ йўқлиги, жабрланувчи ва жиноятчи ўртасида ўртоқлик ёки қариндошлик ришталари мавжудлиги сабабли, айбдор жиноят содир этганидан сўнг жабрланувчини ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этмасликка кўндиради; мабодо шифохонага мурожаат этиш зарур бўлса, бахтсиз ҳодиса бўлгани ҳақида уйдирма тўқиб чиқаришда ёрдам ҳам беради.

Кўп ҳолларда жабрланувчилар соғлиққа етказилган шикаст билан тиббиёт муассасасига қилган мурожаатлари ички ишлар органлари ходимларига ҳам етиб боришини билиб, ҳудудий поликлиникага мурожаат этмай, ўзини ўзи даволаш билан шуғулланадилар. Айрим вақтларда бу оғир оқибатларга ҳам олиб келади.

Шулар ичида энг кўп содир этилгани қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятларидир.

Таъкидлаш керакки, оила-турмуш муносабатлари доирасида ота ёки онанинг ўз фарзандига нисбатан шафқатсиз муомала ва зулмкор муносабатда бўлувчи ҳолатлари оқибатида вояга етмаганлар баданига турли даражаларда шикаст етказилмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида вояга етмаганлар ва аёллар баданига шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб содир этилмоқда.

Мисол учун, 1974 йил туғилган фуқаро Б. ўз фарзанди – 17 ёшли К. билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик оқибатида унга жисмоний куч ишлатиб, баданининг турли жойларига шикаст етказган. Суд тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра вояга етмаган К.га соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказилган[4].

Қонунда соғлиққа қасддан зарар етказиш билан боғлиқ қуйидаги таркибдаги жиноятлар белгиланган:

қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.);

қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.);

кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-м.);

зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 107-м.);

ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (ЖК 108-м.);

қасддан баданга енгил шикаст етказиш (ЖК 109-м.);

қийнаш (ЖК 110-м.);

эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖК 111-м.).

Бироқ жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида инсон соғлиғига шикаст етказувчи жиноятларга калтакланишни ҳам киритиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Хусусан, С.В. Рассторопновнинг таъкидлашича, уриш, калтаклаш ва бошқа зўравонлик ҳаракатлари оқибатида инсон соғлиғига маълум даражада зарар етказилади, лекин у муҳим эмас, чунки суд-тиббий экспертизаси ва суд уни холисона аниқлай олмайди, шунинг учун қонунда ҳам эътибор берилмаслиги даркор[5]. В.К. Жукованинг фикрича, «инсон баданига ҳар қандай эмас, балки сезиларли ва кўринарли даражада шикаст етказилиб, соғлиқнинг бузилишидир»[6].

М.М. Гродзинскийнинг фикрича эса «соғлиққа сезиларли даражада зарар етказилмаслигининг ўзи шубҳалидир, чунки ҳар қандай шикаст етказиш ҳар доим ва сўзсиз соғлиқнинг жиддий бузилиши билан боғлиқ»[7].

Н.И. Загородниковнинг таъкидлашича, «баданга шикаст етказиш жиноятининг бошқа жиноятлардан фарқи шундаки, баданга етказилган шикаст кўриниши ва аниқ таърифланиши ҳамда мутахассислар томонидан тасдиқланадиган бўлиши лозим»[8].

Лекин юқоридаги нуқтаи назарлар унчалик тўғри эмас. Шунинг учун Н.С.Таганцев «баданга шикаст етказиш ҳар қандай жисмоний оғриқ ва руҳий кечинмани қамраб олиши керак»[9], деб ҳисоблайди.

С.В.Познишев эса баданга шикаст етказиш жиноятига нафақат ўзга шахс томонидан жиддий ва сезиларли даражада соғлиққа етказилган зарарни, балки бир лаҳзада изсиз ўтиб кетадиган оғриқни ҳам киритади[10].

П.А.Дубовецнинг таъкидлашича, жисмоний оғриқ билан боғлиқ ҳар қандай уриш, калтаклаш ва бошқа зўравонликлар, худди баданга шикаст етказиш каби, инсон соғлиғига зарар етказади[11]. Дарҳақиқат, унинг фикри асослидир. Тиббий адабиётларда, ҳар қандай жисмоний оғриқ тана (бадан) ва ички аъзоларнинг одатий фаолиятини бузиши қайд этилган. Бундай нуқтаи назарни бошқа муаллифлар ҳам қўллаб-қувватлаб, зарба, калтак ва бошқа зўравонлик ҳаракатларини баданга шикаст етказиш жинояти деб ҳисоблайдилар[12].

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида калтакланиш алоҳида жиноят тури сифатида белгиланмаган бўлса-да, биз ушбу нуқтаи назар тарафдоримиз, сабаби, калтакланиш оқибатида соғлиққа шикаст етказилиб, ушбу жиноят (калтакланиш) тоифаси мантиқий жиҳатдан қасддан шикаст етказишнинг «номалакавий» услуби ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу тоифадаги жиноятларни услубий тавсиялар натижасида бир гуруҳга бирлаштириш мумкин.

В.И.Симонова ва В.Г.Шумихинанинг фикрича, ушбу жиноятлардан кўзланган мақсад жисмоний зўравонлик қўллашдир[13].

А.И. Бойцов умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулоса қилади: «инсонга қилинадиган ҳар қандай зўравонлик ҳам жисмоний, ҳам руҳий таъсир доирасига эга. Инсонда иккита таъсир доираси мавжуд – биологик ва психологик»[14].

Кўп олимлар ўз жисмоний ва руҳий зўравонликларни алоҳида мустақил жиноят деб ҳисоблаб, ҳар иккиси ҳам жавобгарликни тақозо этишини эътироф қилишган[15].

А.Д.Тартаковскийнинг ёзишича, калтаклар ёки тана дахлсизлигига таъсир қилувчи хатти-ҳаракатлар унинг нафақат жисмоний, балки руҳий соғлиғига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, юздаги калтак излари кўп ҳолатларда инсоннинг соғлиғидан кўра, нафсониятига ва қадрига путур етказади[16]. Шуни таъкидлаш жоизки, гап фақат жисмоний оғриқда эмас, балки хўрланганлик, ўзига нисбатан ишончсизлик, қул сифатида боғлиқликда нафақат жисмоний дахлсизлиги бузилади, балки инсоннинг эркинлиги ва қадр-қимматининг дахлсизлиги ҳам топталади[17].

Калтакланиш икки томонлама бўлмаса, бир инсоннинг иккинчисидан устунлигини, яъни зўравон томонда куч, ҳукмронлик, калтакланган томонда эса заифлик ва итоаткорлик борлигини кўрсатади. Шу алфозда, зўравон биринчи ўринда инсоннинг соғлиғига, иккинчи томондан жабрланувчининг ор-номуси ва қадри-қимматига тажовуз қилади.

Назаримизда, суд-тергов амалиётидан келиб чиқиб, ушбу ҳолатни жисмоний ва руҳий зўравонликнинг бирлашиши деб баҳо бериш мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчига ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб берилади. Жисмоний азоб – фақат жисмоний зўравонлик билан, руҳий азоб эса зўравонликнинг ҳар иккала тури билан етказилади. Бундай ҳолатда психик изтироб жисмоний оғриқлар туфайли кучаяди, жарбланувчининг психикасига икки баробар кучли таъсир кўрсатади.

Фикримизча, юқоридаги фикр-мулоҳазалар инсон соғлиғига қасддан шикаст етказиш ҳам жисмоний, ҳам руҳий зўравонлик орқали амалга оширилади, деган хулосага келишимизга имкон беради. Соғлиққа қасддан шикаст етказиш жиноятларига қарши курашиш борасидаги мазур камчиликлар ушбу турдаги жиноятларни фош этиш учун замонавий услубий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2018. – 31 авг.

2. *Муродов А.Ш*. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фал-а д-ри дис. автореф. – Т., 2019. – Б. 19.

3. Ўша жойда.

4. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди архиви 1/136-13-сонли жиноят иши.

5. *Расторопов С.В*. Преступления против здоровья человека // Законодательство. – 2004. – № 2.

6. *Жукова В.К*. Понятие телесного повреждения // Вестн. Моск. ун-та. Сер. Право. – 1965. – №4. – С. 42.

7. *Гродзинский М.М*. Телесные повреждения в новом УК РСФСР // Вестн. сов. юстиции. – 1927. – № 9–10. – С. 323.

8. *Загородников Н.И*. Преступления против здоровья. – М., 1969. – С. 37.

9. *Таганцев Н.С*. Лекции по русскому уголовному праву. Часть Особенная. – СПб., 1894. – С. 139.

10. *Познышев С.В*. Особенная часть русского уголовного права. – М., 1912. – С.86.

11. *Дубовец П.А*. Ответственность за телесные повреждения по советскому уголовному праву. – М., 1964. – С. 7-8.

12. Қаранг, масалан: *Слуцкий И.И*. Советское уголовное право. – М., 1940. – С. 128.

13. *Симонов В.И., Шумихин В.Г*. Квалификация насильственных посягательств на собственность. – М., 1993. – С. 53.

14. *Бойцов А.И*. Понятие насильственного преступления // Криминологические и уголовно-правовые проблемы борьбы с насильственной преступностью. – Л., 1988. – С. 139.

15. См.: *Бойцов А.И*. Указ. соч. – С. 138; *Дунаев С.А*. Криминологическая характеристика и предупреждение рецидивных преступлений, связанных с насилием против личности: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 36; *Иванова В.В*. Преступное насилие. – М., 2002. – С. 29–39; *Сердюк Л.В*. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 2002. – С. 20; *Тюменев А.В*. Виды криминального насилия (уголовно-правовые и криминологические аспекты): Дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2002. – С. 38; *Панов Н.И*. Основные проблемы способа совершения преступления в советском уголовном праве: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Харьков, 1987. – С. 117, 133; и др.

16. *Тартаковский А.Д*. Некоторые вопросы характеристики истязаний по советскому уголовному праву // Теория и практика борьбы с правонарушениями. – Душанбе, 1980. – Вып. 1. – С. 34.

17. Курс уголовного права. Общая часть. Т.1: Учение о преступлении / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. – М., 1999. – С. 60.

***О. Ю. Цурлуй****
***В. А. Мещеряков*****

# СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ГАБИТОСКОПИИ И ПОРТРЕТНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В РОССИИ

**Аннотация.** В статье приводятся результаты исследования методов и средств распознавания лиц по внешним элементам и признакам. Проанализированы современные способы и программные средства распознавания лиц, использование видеосистем. Изложено мнение о необходимости интеграции методов портретной экспертизы и современных средств распознавания в целях повышения эффективности идентификации, в частности для целей расследования и раскрытия преступлений.

**Ключевые слова:** габитоскопия, портретная экспертиза, идентификация, элементы и признаки внешности.

## CURRENT STATE AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF PORTRAIT EXPERTISE IN RUSSIA

**Annotation:** The article presents the results of a study of methods and means of face recognition by external elements and features. Modern methods and software for face recognition, the use of video systems are analyzed. The article expresses an opinion on the need to integrate portrait examination methods and modern recognition tools in order to increase the efficiency of identification, in particular for the purposes of investigating and solving crimes.

**Keywords:** portrait examination, identification, elements and signs of appearance.

## РОССИЯДА ГАБИТОСКОПИК ВА ПОРТРЕТ ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада шахснинг ташқи белгилари ва элементлари бўйича таниб олишнинг методлари, воситалари юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Видео орқали таниб олишнинг замонавий усуллари ва дастурий воситалари таҳлил қилинган. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш, хусусан, идентификация қилишнинг самарасини ошириш мақсадида таниб олишнинг замонавий воситалари ва портрет экспертизанинг методларини бирлаштириш зарурати ҳақида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** гапитоскопия, портрет экспертизаси, идентификация, ташқи қиёфанинг белгилари ва элементлари.

Портретная экспертиза (по терминологии нормативных правовых актов ФСБ России – фотопортретная экспертиза) предназначена для идентификации (отождествления) личности по признакам внешности человека, запечатленным на различных физических носителях (фотографии, видеозаписи, рентгеновскому снимку, черепу) или их частях.

При производстве портретной экспертизы используется целый спектр специальных знаний из самых различных отраслей знаний: антропологии, анатомии, технологии цифровой фото- и видеосъемки, математики и т.д.

* ***О. Ю. Цурлуй,*** *доцент кафедры судебной экспертизы и криминалистики Центрального филиала Российского государственного университета правосудия, кандидат юридических наук, доцент.*

** ***В. А. Мещеряков,*** *профессор кафедры криминалистики Воронежского государственного университета, доктор юридических наук, профессор.*

Портретная экспертиза всегда была прерогативой человека, и компьютерные программы никогда не могли с ним сравниться. Человек, сравнивая произвольные пары фотографий, легко находил соответствия или несоответствия между запечатленными элементами внешности. В среднем человек давал верный ответ в 97,53% случаев, и ни один из алгоритмов компьютерного зрения не мог показать более высокий результат.

Однако уже в 2014 году специалисты из Китайского университета Гонконга создали алгоритм Gaussian Face, который после тренировки на большом количестве изображений лиц прошел тесты LabelledFacesintheWild (база данных включающая более чем 13 000 изображений лиц 1680 человек, собранных по всему Интернету [1]) с показателем правильного распознавания 98,52% [2], тем самым превзойдя человека.

Причем, это не единственный алгоритм, показавший достаточно высокую эффективность и высокую степень готовности к внедрению в практику правоохранительных органов.

Среди методов компьютерного распознавания лиц можно выделить несколько наиболее разработанных и уже успешно реализованных в нескольких реализованных на практике проектах [3; 4, С. 14-19]:

– методы, основанные на выделении и сравнении некоторых совокупностей антропометрических точек лица;

– методы собственных векторов, основанные на представлении цифрового изображения (в том числе и портрета) в виде вектора в пространстве признаков;

– методы, заключающиеся в использовании обучающего множества для вычисления меры схожести и последующего ее использования для принятия решения о тождестве;

– методы сопоставления с эталоном, когда процесс распознавания разбивается на части, соответствующие отдельным чертам лица (части входного изображения по очереди сравниваются с частями изображения хранящегося в базе) и для каждой из которой формируется вектор, отражающий результат сравнения в баллах;

– методы, основанные на применении нейронных сетей и заключающиеся в том, чтобы в ответ на некоторую входящую совокупность данных, называемую «ключом» (изображение лица человека), выдать на выход хранящуюся в сети и наиболее близкую к входной по значениям совокупность такой же размерности;

– методы, основанные на анализе оптических потоков, когда сравниваемые изображения превращаются в многослойные усеченные пирамиды путем многократного сворачивания четырех соседних пикселей в один со средним арифметическим значением яркости. После завершения данного процесса на соответствующих слоях двух разных пирамид производят поиск подходящих между собой наилучшим образом групп пикселей;

– методы, основанные на сопоставлении графов, когда изображения лиц представляются в виде графов с вершинами, помеченными в соответствии со значениями локального энергетического спектра и гранями с весовыми значениями, соответствующими некоторым геометрическим расстояниям.

При этом указанные методы применимы не только для анализа изображения внешности человека, но и практически для любого объекта портретной экспертизы, к которым относятся: фотоснимки, типографские или иные репродукции, изготовленные с помощью принтеров или копиров; кадры кино- и файлы видеозаписи; гипсовые слепки (посмертные маски); черепа трупов; рентгеновские снимки головы или отдельных ее частей.

В связи с этим, не умаляя и не заменяя существующую методику портретной экспертизы, не можем не отметить необходимость активного внедрения в практическую деятельность правоохранительных органов современных достижений в области распознавания лиц. Особенно это стало актуальным, когда компьютерные системы научились качественно распознавать изображения лиц человека на фотоснимках

и видеозаписях, выполненных с низким оптическим разрешением, а также, когда существенная часть лица замаскирована (например, накладные усы, борода, родинки и т.п.) или скрыта (например, медицинская маска). В этом плане показательным является пример обвинения в 2015 году бизнесмена из Флориды (США) в фальсификации своей смерти за рубежом. Система распознавания лиц обнаружила совпадение фото из заявления на выдачу паспорта с фотографией из базы старых документов [5].

Высокие показатели эффективности компьютерных систем распознавания лиц позволяют активно их использовать в различных комплексных системах обеспечения общественной безопасности, например, в системе «Безопасный город». Кроме обычного распознавания лиц в рамках базы фото- и видеоматериала, имеющегося в распоряжении правоохранительных органов, благодаря повсеместно установленным видеокамерам данная система «позволяет установить и просматривать его социальные связи, места и время пребывания, что способствует установлению, например, сообщников и иных обстоятельств неправомерной деятельности» [6]. Все это позволяет интегрировать систему распознавания лиц в сложные аналитические системы, которые смогут распознать факт совершения неправомерного деяния, лицо (лиц), его совершающее (щих), проследить путь передвижения интересующего лица (лиц) и определить их местоположение, круг общения и потенциальных сообщников, лицо (лиц), пострадавшее (ших) от совершенного деяния, а также получить сведения о номерах телефонов участников деяния и их активности в компьютерных сетях. Вся совокупность информации передается в единый центр, где по результатам обработки формируется справка о происшедшем событии, с указанием места, времени и участников.

Сведения, полученные и обработанные с использование методов искусственного интеллекта, выступят в качестве оснований для задержания лица (лиц) по подозрению в совершении правонарушения или преступления. Полагаем, что с позиции действующих требований доказывания, результаты подобной комплексной обработки данных, основанных на распознавании лиц, можно приравнять к результатам оперативно-розыскной деятельности. Справку, выданную такой интеллектуальной системой по окончании обработки данных, с процессуальной точки зрения можно отнести к иному документу (ст. 84 УПК РФ). В последующем, в ходе предварительного расследования следователь/дознаватель с использованием процессуальных способов имеет возможность проверить все сведения, собранные и обработанные системой.

В случае необходимости подтверждения отождествления системой лиц, причастных к происшествию, в рамках производства по делу всегда можно назначить и провести портретную экспертизу с использованием классических методов идентификации. При этом, следует подчеркнуть, что окончательное решение о тождестве лица принимает человек на основании имеющейся совокупности данных [6].

Использование методов искусственного интеллекта в целях выявления, сбора и анализа данных о лицах, причастных к совершению правонарушений и преступлений, следует считать положительным с точки зрения возможности:

– комплексного характера обработки данных (элементы и признаки внешности, геолокация, круг общения, время событий и т.д.);

– комплексной обработки больших объемов разнородных данных;

– обработки больших объемов данных за минимальный период времени;

– способности к обучению решения новых задач и применению новых методов (способность различать эмоции, отличить живое лицо от фотоизображения или изображения на планшете или ином гаджете).

Законность и обоснованность внедрения подобного рода системы имеет подтверждение судебной практикой.

Верховный суд Российской Федерации в п. 44 Постановления Пленума от 23 июня 2015 г. № 25 «О применении судами некоторых положений раздела I части первой

Гражданского кодекса Российской Федерации» указал, что согласия на обнародование и использование изображения гражданина, если оно необходимо в целях защиты правопорядка и государственной безопасности (например, в связи с розыском граждан, в том числе пропавших без вести либо являющихся участниками или очевидцами правонарушения), не требуется.

В подтверждение указанных положений Савёловский районный суд г. Москвы по административному иску о недопустимости обработки биометрических персональных данных без согласия в письменной форме субъекта персональных данных постановил следующее.

По мнению суда, технология распознавания лиц не является запрещенным способом использования информации ее обладателем. Также суд указал, что Департамент не проводит мероприятий, направленных на установление личности конкретного гражданина. В Едином центре хранения данных (ЕЦХД) отсутствуют персональные данные граждан, а также биометрические персональные данные, которые необходимы для установления личности гражданина. «Алгоритм распознавания лиц, используемый в Едином центре хранения данных (ЕЦХД), сравнивает изображение, поступающее в Единый центр хранения данных (ЕЦХД) с видеокамер, с фотографией, предоставленной правоохранительным органом. В процессе обработки соответствующих изображений происходит их сравнение на наличие или отсутствие совпадений. Департаменту не передаются персональные данные (ФИО и пр.) искомых лиц, поскольку у Департамента нет технической и юридической возможности осуществлять их сопоставление [7]», – отметил суд.

Таким образом, использование технологий в целях собирания сведений о совершенных неправомерных действиях и лиц, к ним причастных, не нарушает законодательство о персональных данных, поскольку используется в целях пресечения и раскрытия правонарушений и преступлений. Речь не идет о тотальном сборе персональных данных обо всех лицах. Доступ к сведениям, хранящимся в подобного рода системе, должен быть только у правоохранительных органов и суда.

Вместе с тем, восхищаясь современными возможностями компьютерных технологий, всегда следует помнить ряд принципиальных положений, отличающих человека от машины, и учитывать это, используя системы распознавания лиц в практической деятельности правоохранительных органов [8]:

– люди способны лучше компьютерных систем распознавать знакомые лица на изображениях очень низкого разрешения, при этом способность игнорировать ухудшение качества изображений увеличивается с ростом степени знакомства с представленным на изображении человеком;

– для человека брови являются одной из важнейших черт лица, влияющих на качество решения задачи идентификации (хотя наличие мелких подробностей в изображении само по себе не гарантирует высокое качество решения задачи идентификации), при этом черты лица человеческим мозгом обрабатываются как единое целое;

– формы лиц в человеческом мозге кодируются в слегка карикатурном виде и значимые конфигурационные отношения не зависят от их размеров по ширине/высоте;

– инверсия (негатив) изображения значительно снижает процент узнавания лиц, возможно за счёт искажения свойств пигментации;

– продолжительное рассматривание лица может вызывать высокоуровневые эффекты, что означает возможность кодирования по прототипу;

– движение лиц на исследуемом изображении повышает качество распознавание лиц человеком.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. Labelled Faces in the Wild [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://vis-www.cs.umass.edu/lfw//. – Дата доступа: 15.12.2020.

2. Алгоритмы распознавания лиц наконец-то превзошли человеческое зрение [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://xakep.ru/ 2014/04/24/62406/. – Дата доступа: 20.12.2020.

3. Анализ существующих подходов к распознаванию лиц [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://habrahabr.ru/company/synesis/blog/238129 – Дата доступа: 21.12.2020;

4. *Самаль Д.И.* Обзор существующих подходов и методов распознавания людей по фотопортретам. – Минск, 1998. – 52 с.

5. Умереть спокойно не дали: инсценировавшего свою смерть бизнесмена нашла система распознавания лиц [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://geektimes.ru/post/247922. – Дата доступа: 22.12.2020.

6. *Дьяконов Г.* Применение биометрии лица для информационно-аналитической поддержки оперативно-розыскной деятельности // MOBILE FORENSICS DAY 2020 ONLINE: Материалы конференции в области мобильной криминалистики и информационной безопасности, Москва, 17-18 сентября 2020. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://youtu.be/_guJ116_lTg– Дата доступа: 20.12.2020.

7. Решение Савеловского районного суда г. Москвы по делу № 02а-0577/2019. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.mos-gorsud.ru/rs/savyolovskij/services/cases/kas/details/988f386e-be51-47b0-b48f-e871043ef1fc?participants=Попова. – Дата доступа: 20.10.2020.

8. *Подлесный С*. Распознавание лиц человеческим мозгом: 19 фактов, о которых должны знать исследователи компьютерного зрения [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://geektimes.ru/post/136483. – Дата доступа: 20.12.2020.

***Ю. С. Кудрявцев****

# КОМПЕТЕНТНОСТЬ ЭКСПЕРТА: ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ

**Аннотация.** В статье приводятся результаты исследования критериев оценки компетентности эксперта. Рассматриваются особенности оценивания деятельности эксперта с точки зрения компетентности, востребованности и качества производимых экспертиз. Проанализированы вопросы привлечения либо создания организаций, составляющих рейтинг экспертов. Изучены проблемы влияния оценки компетентности эксперта на качество экспертной деятельности в целом.

**Ключевые слова:** экспертиза, эксперт, компетентность, оценка, экспертная деятельность, заключение эксперта.

## THE COMPETENCE OF THE EXPERT: ISSUES OF THEORY AND PRACTICE

**Annotation.** The article presents the results of the study of the criteria for assessing the competence of an expert. The article considers the features of evaluating the activities of an expert in terms of competence, relevance and quality of the examinations performed. The issues of attracting or creating organizations that make up the expert rating are analyzed. The problems of the influence of the assessment of the expert's competence on the quality of expert activity in general are studied.

**Key words:** expertise, expert, expertise, evaluation, the activities of the expert, the expert's conclusion.

## ЭКСПЕРТНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада экспертнинг компетентлигини баҳолаш мезонларининг тадқиқот натижалари келтирилган. Эксперт фаолиятини компетентлик, талабчанлик ва ўтказилган экспертизалар сифатига кўра баҳолашнинг хусусиятлари кўриб чиқилган. Экспертларнинг рейтингини тузувчи ташкилотларни ташкил этиш ёхуд жалб қилиш масалалари таҳлил қилинган. Экспертнинг компетентлигини баҳолашнинг эксперт фаолияти сифатига таъсир этиши муаммолари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** экспертиза, эксперт, компетентлик, баҳолаш, эксперт фаолияти, эксперт хулосаси.

Современное судопроизводство невозможно представить без применения специальных знаний. Эффективность отправления правосудия зависит от достоверности установления фактов и обстоятельств, подлежащих доказыванию, что зачастую возможно только при участии специалиста. Выводы заключения эксперта во многом предопределяют исход процесса. Действующее процессуальное законодательство позволяет использовать экспертные исследования по уголовным, гражданским, арбитражным и делам об административных правонарушениях.

В настоящее время судами используются многие виды экспертиз, такие, как строительная, товароведческая, бухгалтерская, почерковедческая, судебно-техническая экспертиза документов, экологическая, техническая, медико-социальная, оценочная, экспертиза ценности документов и многие другие.

***Кудрявцев Юрий Семенович,** старший преподаватель кафедры судебной экспертизы и криминалистики Центрального филиала Российского государственного университета правосудия.*

Об этом свидетельствует не только рост числа экспертиз и исследований, выполняемых в государственных судебно-экспертных организациях различных министерств и ведомств, но и бурно развивающаяся негосударственная судебно-экспертная деятельность, в рамках которой нередко реализуется законодательный принцип состязательности и равноправия сторон в судебном разбирательстве.

К сожалению, с ростом числа экспертиз растет и количество назначенных повторных экспертиз. Одним из факторов назначения повторных экспертиз является наличие ошибок в заключении эксперта, некачественное производство экспертиз. Причины возникновения ошибок различны и достаточно подробно проанализированы и классифицированы учеными. К одной из этих ошибок относится некомпетентность эксперта при производстве исследования, которая, к сожалению, в последнее время все чаще приобретает существенное значение при оценке заключения эксперта в суде. Компетентность эксперта при производстве экспертиз является важнейшим фактором, оказывающим значительное влияние на качество выполнения экспертизы, полноту, всесторонность и объективность проведенного исследования. Компетентность эксперта предполагает теоретическую и практическую подготовленность к решению экспертных задач, применение современных методов и средств в рамках своей компетенции, соответствующей полученной экспертной специальности. Рассмотрению компетентности лиц, привлекаемых в качестве экспертов для дачи заключения, в получении достоверных выводов по результатам исследования посвящено немало трудов отечественных ученых [1, с. 23-25; 2, с. 18-20; 3, с. 9-12; 4, с. 31-33; 5, с. 392-394; 6, с. 65-66].

Однако до настоящего времени определение компетентности сведущего лица в определенной области знаний остается актуальным.

На стадии назначения экспертизы участниками судопроизводства решаются многие вопросы: относимость и допустимость объектов исследования, получение образцов для сравнительного исследования, формулировка вопросов перед экспертом и т.д. Одним из таких вопросов является вопрос о выборе экспертной организации, о выборе конкретного специалиста, обладающего специальными знаниями и способного решить поставленные судом вопросы. В настоящее время имеется широкий выбор экспертных организаций как государственных, так и негосударственных (частных). Российское законодательство не устанавливает приоритет выбора экспертной организации. В постановлении Пленума Высшего Арбитражного Суда РФ от 04.04.2014 г. № 23 дается разъяснение о том, что экспертиза может быть проведена как в государственных судебно-экспертных учреждениях, так и в негосударственных либо лицом, обладающим специальными познаниями. При этом суд не может отказать в проведении экспертизы в негосударственном судебно-экспертном учреждении либо частным лицом, обладающим специальными познаниями в силу того, что экспертиза может быть поручена государственному судебно-экспертному учреждению [7].

В отношении же судебного разбирательства по уголовным делам постановлением Пленума Верховного Суда РФ от 21.12.2010 г. № 28 разъяснено, что при невозможности назначения экспертизы в государственном судебно-экспертном учреждении, обслуживающем определенную территорию в связи с отсутствием эксперта конкретной специальности, надлежащей материально-технической базы либо специальных условий для выполнения исследований, производство экспертизы может быть поручено другому государственному судебно-экспертному учреждению, не обслуживающему данную территорию, негосударственному экспертному учреждению, частному лицу [8].

В гражданском и арбитражном судопроизводстве стороны предлагают производство экспертизы в конкретном экспертном учреждении, конкретным специалистом с предоставлением сведений об эксперте, сроках проведения экспертизы, ее стоимости. Однако окончательный выбор экспертной организации остается за судом.

На стадии назначения экспертизы действующее процессуальное законодательство не предусматривает особого порядка проверки судом компетентности судебного эксперта.

При назначении судом экспертизы в государственное судебно-экспертное учреждение судом не назначается конкретный эксперт и не выясняется его компетентность. Данная обязанность лежит на руководителе экспертной организации. Руководителем государственной судебно-экспертной организации производство экспертизы поручается конкретному эксперту, исходя из его специальности, опыта работы, загруженности по производству других экспертиз. Следовательно, ответственность за качество производства экспертизы, наличие специальных знаний и практического опыта у эксперта, несет руководитель государственного судебно-экспертного учреждения.

При назначении экспертизы в негосударственное судебно-экспертное учреждение либо лицу, обладающему специальными познаниями, суд должен выяснить его образование, специальность, стаж работы, должность в экспертной организации. На практике такая проверка заключается в обозрении копий документов специалиста, рекомендуемого стороной для производства исследования.

В обоих случаях суд, стороны в деле перед назначением экспертизы не имеют возможности в полной мере оценить компетентность эксперта, так как, при назначении в государственное судебно-экспертное учреждение суду вообще не известно, кому будет поручено производство экспертизы. При назначении же экспертизы в негосударственное судебно-экспертное учреждение либо лицу, обладающему специальными познаниями, у суда имеется возможность изучить официальные документы сведущего лица, подтверждающие наличие специальных познаний в той или иной области. Однако ни научные звания, ни большой стаж работы, ни наличие у лица документов о прохождении им различных образовательных курсов не гарантирует полноты, объективности и всесторонности проведения исследования. Если в государственных судебно-экспертных организациях нормативными правовыми актами установлен порядок обязательного прохождения обучения сотрудников, повышения их квалификации и аттестации, то для негосударственных судебных экспертов подобной системы пока не существует, процедура их сертификации носит не обязательный, а добровольный характер и осуществляется на коммерческой основе, что иногда влечет за собой возникновение парадоксальных ситуаций. На практике имеются случаи, когда такой «сертифицированный» специалист, не имея высшего профильного образования, обладает документами, свидетельствующим о наличии у него специальных знаний по двум-трем экспертным специальностям, не связанным с его основной квалификацией по диплому о высшем образовании. Такие «документы»-свидетельства раздают повсеместно различные организации – ассоциации, объединения, общества и др., часто вообще не имеющие лицензии на образовательную деятельность.

С другой стороны, подготовку специалистов осуществляют частные и государственные образовательные учреждения, но по сокращенной программе и на коммерческой основе. Выпускники данных образовательных учреждений имеют очень слабую подготовку по специальности и никакого практического опыта. Стремясь показать свою значимость при производстве экспертиз, они манипулируют различными методами и методиками, создают ложный эффект научного исследования при решении задач, требующих не только высокой и узкоспециализированной квалификации, но и значительного опыта работы по определенной экспертной специальности. Такие заключения, выполненные в псевдонаучном стиле и изобилующие специальной терминологией, иллюстрациями и многостраничными приложениями, как правило, вызывают затруднения в их восприятии сторонами процесса и оценке судом, создают ложное впечатление о большой проделанной работе. Так, при производстве одной комплексной автотехнической экспертизы экспертом были сделаны и приложены к

заключению эксперта множество фотоснимков по осмотру автомашины после того как уже все повреждения на автомашине были устранены. Данные фотоснимки не имели никакой информации при проведении исследования.

В то же время, выполнение экспертизы в государственном судебно-экспертном учреждении также не гарантирует выполнение всестороннего, полного и объективного исследования. В большинстве случаев полнота, объективность и всесторонность исследования зависят от самого эксперта, его личностных характеристик, наличия у него теоретических знаний и практического опыта, отношения к проводимому исследованию. Немаловажную роль при этом играет и руководитель экспертной организации, от которого зависит прохождение периодической аттестации экспертов, повышение их теоретического уровня знаний, освоение новых методов и методик, контроль за выполнением экспертиз и исследований.

В конечном итоге компетентность эксперта определяется при оценке непосредственно самого заключения эксперта. К критериям оценки компетентности, на наш взгляд, относятся:

- культурность в оформлении заключения эксперта. Заключение эксперта должно содержать все необходимые реквизиты, предусмотренные законодательством (Уголовно-процессуальный кодекс, арбитражный процессуальный кодекс, закон о государственной судебно-экспертной деятельности). Структура заключения эксперта выработана практикой и достаточно подробно описана в литературе. По каждому виду экспертиз существуют образцы. Несоблюдение структуры заключения свидетельствует о невнимательности, безответственности к проведению исследования, о низком культурном уровне. Например, на практике, в заключениях экспертов встречаются такие ошибки, как специально выделенные части – вводная часть, в исследовательской части выделены стадии раздельного исследования, сравнительного исследования, оценки результатов, в иллюстрациях к заключению эксперта пояснительные надписи выполняются не под изображениями, а над ними, при разметке различающиеся признаки размечаются красящим веществом красного цвета (на практике принято совпадающие признаки размечать красителем красного цвета). Такие ошибки также свидетельствуют о безразличном отношении к качеству выполняемой работы, документальному оформлению заключения эксперта. Имеет место также и недостаточный контроль со стороны руководства экспертной организации. В некоторых судебных заключениях, выполненных в частных экспертных организациях, вводная часть представлена в табличной форме, указываются такие данные экспертной организации, как Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН), основной государственный регистрационный номер (ОГРН), фактический и юридические адреса и т.д. Экспертной практикой выработана структура заключения эксперта, но в разных подведомственных экспертных организациях имеются свои особенности. На наш взгляд, правильнее было бы закрепить единую структуру заключения эксперта в федеральном законе в качестве образца;

- правильность и логичность употребления специальных терминов, построения предложений. Неверное употребление специальных терминов, непонимание их сути свидетельствует о низком теоретическом уровне подготовки эксперта. При проведении рецензирования в некоторых текстах экспертных заключений встречаются нелогичность изложения проведенного исследования, объединения результатов исследования различных объектов, многочисленные повторения. Все это непосредственным образом связано с личностными характеристиками специалиста и свидетельствует о его отношении к проводимому исследованию;

- правильный выбор методик и методов проведения исследования и умение применять их в практической деятельности;

- верно оценивать результаты применения методов и делать правильные выводы;

- убедительность и обоснованность сделанных выводов. Данное положение должно подкрепляться иллюстративным материалом.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. *Зинин А. М.* Судебная экспертиза: Учебник / А. М. Зинин, Н. П. Майлис. – М.: Право и закон: Юрайт-издат, 2002. – 320 с.

2. Судебная экспертиза: типичные ошибки / Под ред. Е. Р. Россинской. – М.: Проспект, 2016. – 544 с.

3. *Зайцева Е. А.* Концепция развития института судебной экспертизы в условиях состязательного уголовного судопроизводства: Монография / Е. А. Зайцева. – М.: Юрлитинформ, 2010. – 424 с.

4. *Моисеева Т. Ф.* О компетенции судебного эксперта // Эксперт-криминалист. – 2008. – № 1. – С. 31–33.

5. *Юматов В. А.* Компетенция и компетентность судебного эксперта: содержание и объем понятий // Вопросы экспертной практики. – 2017. – № 1. – С. 391–400.

6. *Шведова Н. Н.* Компетентность судебного эксперта как ключевой фактор, определяющий достоверность его выводов (по материалам практики исследований документов по установлению давности выполнения реквизитов) // Судебная экспертиза. – № 3 (55). – 2018. – С. 65–71.

7. Постановление Пленума Верховного Суда Российской Федерации № 28 «О судебной экспертизе по уголовным судам» от 21.12.2010 г. [Электронный ресурс] // Консультант Плюс, Россия / ЗАО «Консультант Плюс».

8. Постановление Пленума Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации № 23 «О некоторых вопросах практики применения арбитражными судами законодательства об экспертизе» от 04.04.2014 г. [Электронный ресурс] // Консультант Плюс, Россия / ЗАО «Консультант Плюс».

*А. Л. Пошвин**

# ПРОБЛЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРИГОДНОСТИ ЭЛЕКТРОФОТОГРАФИЧЕСКИХ КОПИЙ РУКОПИСНЫХ ТЕКСТОВ И ПОДПИСЕЙ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ ПОЧЕРКОВЕДЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

**Аннотация.** В статье приводятся результаты исследования допустимости копий документов, содержащих рукописный текст или подпись, в качестве объектов судебной почерковедческой экспертизы. Приводятся аргументы в пользу и против возможности производства почерковедческой экспертизы по копиям. Проанализировано влияние копирования на изменение общих и частных признаков почерка и подписи.

**Ключевые слова:** почерк, подпись, копия документа, почерковедческая экспертиза, признаки почерка.

## PROBLEMS OF DETERMINING THE SUITABILITY OF ELECTROPHOTOGRAPHIC COPIES OF HANDWRITTEN TEXTS AND SIGNATURES AS OBJECTS OF HANDWRITING EXPERTISE

**Annotation:** The article presents the results of a study of the admissibility of copies of documents containing a handwritten text or signature as objects of forensic handwriting expertise. The arguments in favor and against the possibility of production of examination of handwriting on the copies. The influence of copying on the change of general and particular features of handwriting and signature is analyzed.

**Keywords:** handwriting, signature, copy of the document, handwriting expertise, handwriting signs.

## ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ЎТКАЗИШДА ҚЎЛЁЗМА МАТНЛАРНИ ВА ИМЗОЛАРНИ ЭЛЕКТРОФОТО НУСХАЛАРИНИ ЯРОҚЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада суд-хатшунослик экспертизасининг объекти сифатида қўлёзма матн ёки имзолардан иборат ҳужжат нусхаларининг яроқлилиги юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари акс этган. Нусхалар бўйича хатшунослик экспертизасини ўтказиш имкониятларига фойдали ва қарши далиллар келтирилган.

**Катил сўзлар:** хат, имзо, ҳужжат нусхаси, хатшунослик экспертизаси, хат белгилари.

Отсутствие единых основ судебно-почерковедческой экспертизы копий почерковых объектов влечет трудности, обусловленные тем, что исследованию подлежит не сам почерковый объект, а его изображение, в процессе копирования могут изменяться некоторые общие и частные признаки почерка, а также тем, что в копии могут отображаться «помехи», зависящие от степени износа копировально-множительной техники.

Специфичность копий почерковых объектов объясняется также тем, что в процессе получения копии имеется «промежуточное звено – технология изготовления», в свою очередь это дает эксперту меньшие возможности его исследования, потому что должна быть учтена специфика данного объекта.

***Пошвин Алексей Леонидович**, старший преподаватель кафедры судебной экспертизы и криминалистики Центрального филиала Российского государственного университета правосудия.*

Теория судебной экспертизы определяет объект экспертного исследования как сложную систему, которая состоит из следующих элементов:

- материальный носитель информации о факте;
- источник информации о факте;
- механизм передачи информации от источника к носителю, т.е. отражающий и отражаемый компоненты, а также механизм их взаимодействия [1, С. 114].

В судебно-почерковедческой экспертизе этот объект выглядит так:

- материальный носитель информации о факте;
- источник информации о факте – лицо;
- механизм передачи информации – письменные движения, непосредственно фиксирующиеся в рукописных записях и подписях и осуществляемые в конкретных условиях [2, С. 5].

Если обратиться к электрофотографическим копиям рукописных записей и подписей, как объекту судебно-почерковедческой экспертизы, то его отличительной чертой будет отсутствие непосредственной рукописной фиксации движений, которыми выполняется рукописная запись и подпись. Материальным носителем информации о факте письма оказывается не рукописный продукт, а его изображение, полученное или изготовленное с другого рукописного объекта с помощью каких-то технических средств, в данном случае путем получения электрофотографических копий.

Копия, изготовленная на копировально-множительном устройстве, – это по сути своей изображение, полученное с оригинального документа. Говоря о почерке, общепринятым считается следующее определение почерка, данное В.Ф. Орловой: «почерк – это основанная на письменно-двигательном функционально-динамическом комплексе навыков, получающая отображение в рукописях итоговая программа их выполнения, содержащая субъективный письменно-двигательный образ выполняемых подписей и специально приспособленную для его реализации развернутую систему движений» [3, С. 43].

При поступлении на исследование объекта, представляющего собой копию рукописи, выполненную на копировально-множительном устройстве, некоторая часть экспертов, делает вывод о том, что «не представляется возможным» установить исполнителя документа, а другая часть экспертов считает возможным проведение почерковедческого исследования по копии рукописи.

Первой работой, направленной на анализ практики проведения подобных исследований и выработку рекомендаций, стало информационное письмо «Экспертно-криминалистическое исследование факсимильных копий почерковых объектов», подготовленное коллективом автором ЭКЦ МВД России.

В данной работе авторы отразили краткую классификацию копировально-множительной техники, произвели анализ особенностей отображения в электрофотографических копиях признаков почерка, а именно – были установлены общие и частные признаки, которые не подверглись изменениям и искажениям в результате получения копий на копировально-множительных устройствах. Отмечается, что в некоторых случаях в первых копиях могут проявляться признаки воздействия «сбивающих факторов». Также даны рекомендации по проведению исследования и оформлению заключения эксперта.

Вторая наиболее известная работа – информационное письмо РФЦСЭ при Минюсте России, которое было утверждено и рекомендовано к использованию в экспертной практике Федеральный межведомственный координационно-методический совет по судебной экспертизе и экспертным исследованиям (Бюллетень № 14 от 25.05.2005), опубликованное в журнале «Теория и практика судебной экспертизы № 1 (1) Апрель 2006». Именно это информационное письмо, как отмечают отдельные авторы, стало толчком к массовому исследованию копий почерковых объектов [4, С. 217]. Главной

причиной такой массовости стало, скорее, окончательное снятие запрета на дачу категорических выводов при исследовании копий почерковых объектов, чем какая-то методическая ценность работы. Но все же данное информационное письмо содержит некоторые спорные моменты.

В конце 2015 года ЭКЦ МВД России разработало и разослало в экспертно-криминалистические подразделения системы МВД России информационное письмо. Основная мысль его сведена к тому, что производство почерковедческих экспертиз в отношении изображений документов считается недопустимым, в том числе и в отношении электрофотографических изображений подписей и рукописных записей. Следовательно, в случае поступления на исследование копий подписей и рукописных записей эксперт вправе отказаться от решения поставленных вопросов в соответствии с ч. 1 ст. 16 Федерального закона от 31 мая 2001 г. № 73-ФЗ «О государственной судебно-экспертной деятельности». При этом составляется мотивированное письменное заключение, в котором указывается то, что электрофотографические копии подписей и рукописных записей непригодны для проведения исследований и дачи заключения, а современный уровень развития науки не позволяет ответить на поставленные вопросы.

Среди причин непригодности данных объектов отмечаются следующие:

- по электрофотографическому изображению невозможно доказать факт существования рукописных записей, поскольку они могут быть сымитированы с применением технических средств;

- невозможно установить, были ли исследуемые записи (подписи) выполнены в оригинале документа, копия которого представлена на экспертизу, либо внесены в данную копию документа путем монтажа;

- невозможно установить факт предварительной технической подготовки записи (подписи);

- вероятность выявления и правильной оценки диагностических признаков (в том числе нажимных, ритмических и иных характеристик почерка) является минимальной в связи с их нивелированием или искажением в изображениях, изготовленных с применением копировально-множительных устройств;

- по изображению невозможно установить ряд важных идентификационных признаков;

- по изображению невозможно дифференцировать природу происхождения отдельных признаков (обусловлено ли их появление особенностями письменно-двигательного навыка исполнителя или спецификой работы копировально-множительных устройств).

В качестве обоснования своей позиции авторы информационного письма ссылаются также на работу ЭКЦ МВД России в виде эксперимента. Суть эксперимента заключалась в следующем: в ЭКЦ МВД России были подготовлены копии документов, изображения подписей в которых были изготовлены способом компьютерного монтажа, с помощью факсимиле, а некоторые подписи выполнены исполнителями в оригиналах под действием сбивающих факторов или способом копирования на просвет.

Результаты проведенного эксперимента по всем видам объектов изложили в «Обобщенные результаты» и выглядят они следующим образом:

- отказы от решения вопроса составляли 50%;

- правильные выводы составляли 11%;

- неправильные выводы составляли 39%.

Результаты свидетельствуют о том, что общее количество отказов от решения вопроса и неправильных выводов составили 89% от всех выводов. По мнению авторов данного информационного письма, это подтверждает неэффективность исследования изображений документов методами, имеющимися в распоряжении экспертов.

Эксперт-криминалист Тютченко А.А. в своей статье «К вопросу об исследовании копий почерковых объектов» провел анализ информационного письма ЭКЦ МВД

России о современных подходах к исследованию копий документов. Автором выявлены значимые логические и методические ошибки, допущенные при составлении данного информационного письма.

Тютченко А.А. указывает на то, что утверждение о том, что результаты эксперимента доказывают неэффективность исследования копий документов методами, имеющимися в распоряжении экспертов, является категорически необоснованным. Он объясняет это следующим: во-первых, неясен уровень профессиональной подготовки экспертов, которые принимают участие в эксперименте, а также количество самих экспертов. Также указывается, что данный эксперимент проводился экспертами из 14 экспертно-криминалистических подразделений территориальных органов МВД России и 6 судебно-экспертных подразделений иных органов исполнительной власти. По факту количество экспертных подразделений значительно больше, а такую выборку следует признать нерепрезентативной, т.е. присутствует нарушение правил выборки, во-вторых, неясна природа самих объектов – объем графической информации подписей, количество и идентификационная значимость отобразившихся признаков, в-третьих, чтобы утверждать, что причиной экспертных ошибок стало исследование именно копий, необходимо было проведение так называемых контрольных исследований, при которых объекты эксперимента, существующие на бумаге, повторно представлялись бы на исследование [5, С. 23].

В уже проведенных научных исследованиях по данной теме в информационном письме РФЦСЭ при Минюсте России имеются сведения о признаках почерка, которые отображаются в копиях, изготавливаемых на копировально-множительной технике, и те, которые подвержены искажениям, а также предлагаются рекомендации по их распознаванию.

При определении степени пригодности данного объекта существенное значение имеет качество исследуемой копии: чем выше качество копии, тем выше возможности почерковедческого исследования.

В информационном письме РФЦСЭ при Минюсте России на этот счет не имеется безоговорочного запрета. В каждой конкретной ситуации вопрос о возможности проведения исследования и его результатах необходимо решать, учитывая следующие характеристики электрофотографических копий подписей и рукописных записей: качество копии, вид и характер выраженности диагностических признаков, наличие достаточного и сопоставимого сравнительного материала и другие данные.

Обеспечение механизмом получения отображения большого объема признаков почерка в неискаженном виде свидетельствует о пригодности. Это идентификационные признаки: общие и частные признаки почерка и подписи.

Большинство признаков, которые используются для решения идентификационных и диагностических задач почерковедческой экспертизы, значимых изменений не претерпевают при изготовлении копии почеркового объекта методом электрофотографии.

При проведении экспертизы электрофотографических копий подписей и рукописных записей только сам эксперт сможет определить, является ли представленный на экспертизу объект полноценным и достаточным для проведения исследования и дачи обоснованного заключения [6, С. 31].

При проведении почерковедческой экспертизы по копиям документов нужно учитывать также компетентность лиц, которые признают копию исследуемого документа тождественной оригиналу, так как для того, чтобы определить вносились ли в документ изменения при помощи технических средств, нужно обладать специальными знаниями и оборудованием.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. *Россинская Е. Р.* Теория судебной экспертизы (Судебная экспертология): Учебник / Е.Р. Россинская, Е.И. Галяшина, А. М. Зинин. – 2-е изд., перераб. и доп.– М.: Норма: ИНФРА-М, 2018.– 368 с.

2. *Соколов С. В*. Экспертно-криминалистическое исследование факсимильных копий почерковых объектов: Информационное письмо / С.В. Соколов, Е.А. Куранова, Е.В. Розанкова. – М.: ГУ ЭКЦ МВД России, 2000. – 10 с.

3. *Орлова В.Ф.* Судебно-почерковедческая экспертиза. Общая часть: теоретические и методические основы / В. Ф. Орлова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Наука, 2006. – 544 с.

4. *Орлова В.Ф*. Теория судебно-почерковедческой идентификации – М.: РФЦСЭ при Минюсте России, 2011. – 428 с.

5. *Тютченко А.А*. К вопросу об исследовании копий почерковых объектов // Энциклопедия судебной экспертизы: науч.-практ. журнал. – 2016.– №2 (9). – С. 22-29.

6. *Рубцова И.И., Волкова С.В.* Проблемные вопросы исследований копий почерковых объектов // Современные возможности криминалистического исследования документов: Материалы Межведомственной научно-практической конференции, Москва, 28 мая 2013 года. – М.: Московский университет МВД России, 2013. – С. 27-32.

*С. А. Нурумбетова**

# СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

**Аннотация.** Мақолада давлат суд-экспертиза бўлинмаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш жараёнларининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари ҳамда амалиётда мавжуд компьютер технологияларининг имкониятлари чуқур таҳлил қилинган. Электрон ахборотлаштириш тизимини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунининг айрим моддаларидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш юзасидан муайян таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар**: суд-экспертиза муассасалари, экспертлик фаолияти, тизимлаштирилган ахборот ресурслари, профессионал эксперт, маълумотлар, замонавий ахборотлаштириш, картотека, коллекция.

## НЕОБХОДИМОСТЬ ИНФОРМАТИЗАЦИИ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В статье подробно анализируются теоретические, правовые и практические аспекты процесса информационного обеспечения судебно-экспертной деятельности государственных судебно-экспертных учреждений, возможности компьютерных технологий для организации электронной информационной системы. Внесены конкретные предложения и рекомендации по восполнению имеющихся пробелов в некоторых статьях Закона Республики Узбекистан «О судебной экспертизе».

**Ключевые слова**: судебно-экспертные учреждения, экспертная деятельность, структурированные информационные ресурсы, профессиональный эксперт, данные, современная информатизация, картотека, сборник.

## THE NEED FOR INFORMATIZATION OF FORENSIC ACTIVITIES

**Annotation.** The article analyzes in detail the theoretical, legal and practical aspects of the process of information support for forensic activities of state forensic institutions, the possibilities of computer technologies available in practice for organizing an electronic information system.

Concrete proposals and recommendations were made to fill the existing gaps in some articles of the Law of the Republic of Uzbekistan «On Forensic Expertise».

**Keywords:** forensic institutions, expert activity, structured information resources, professional expert, data, modern informatization, card index, collection.

Ҳозирги кунда эксперт-криминалистик бўлинмалари фаолиятини самарали илмий-техник тараққиёт ютуқларидан унумли фойдаланмай туриб ташкил этишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 2 июнь 249-сон қонунининг 27-моддаси Давлат суд-экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш деб номланиб, унда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўровига кўра суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши шарт. Бунда давлат суд-экспертиза муассасалари давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа

***Нурумбетова Садоқат Аллаёровна**, ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедраси доценти в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди[1] деб белгиланган.

Шунингдек, айрим тадқиқотларда шарҳланаётган норма суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлашни тартибга солиши қайд этилган. Ушбу нормада, ўзларининг ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, улар тижорат ёки нотижорат, давлат ёки хусусий ташкилот бўлишидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар қонунга мувофиқ давлат суд-экспертизасига турли экспертизалар билан боғлиқ тадқиқотларни ўтказиш учун зарур бўлган объектларнинг намуналари ва каталогларини, техник ва технологик ҳужжатларини ҳамда бошқа мазмундаги ахборотларини тақдим этишлари шарт[2] эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Лекин мазкур қонунда давлат суд-экспертиза муассасаларига оид ахборот таъминотининг мазмуни аниқ ва тўлиқ таърифланмаган. Бу эса бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, экспертларнинг хулоса бериши жараёнида хулосанинг илмий асосланганлигини ифодаловчи манбалар кўрсатилмай қолишига сабаб бўлади. Агар экспертиза хулосаси илмий жиҳатдан аниқ асосланмаган бўлса, бу кейинчалик процесс иштирокчилари учун турли хил муаммоли вазиятларни келтириб чиқаришига ва бунинг натижасида қайта ёки комиссиявий экспертизаларни ўтказилишига олиб келади. Бундан ташқари, эксперт криминалистика фаолияти учун фойдаланиши мумкин бўлган электрон ахборотлаштириш нима эканлигини ҳам аниқлаштириб олиш зарур. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, эксперт-криминалистика фаолиятини тартибга солувчи қонунда ҳам бу ҳақида аниқ маълумотлар берилмаган. Агар бу борада қонуннинг тегишли моддаларига ўзгартириш киритилса, экспертлик фаолиятининг самарадорлигини оширишда электрон ахборотлаштириш тизимини ишга тушириш учун ҳам ҳуқуқий асос бўлади. Ўз навбатида, электрон ахборотлаштиришдан фойдаланиш экспертлар ишида вақт унумдорлигини ошишига, экспертлар билимининг янада кенгайишига, экспертиза хулосаларини тўлиқ илмий асослантирилишига ва ўтказилган барча тадқиқотларнинг электрон базаси шаклланиб боришига имкон беради.

Фикримизча, даставвал кўриб чиқилаётган жараёнга қуйидагича таъриф бериш лозим: «Давлат суд-экспертиза муассасаларининг ахборот таъминоти – бу суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида суд-эксперт олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган тизимлаштирилган электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (*қидириш, қабул қилиш ва тарқатиш*)нинг илмий асосланган узлуксиз жараёнидир».

Экспертлар томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган электрон ахборотлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1) экспертлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини шакллантириш;

2) фан ва техника ютуқларини суд-экспертлик фаолиятига самарали жорий этиш;

3) юқори малакали эксперт кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш ва таҳлил қилишга доир маълумотларни акс эттириш;

4) давлат суд-экспертиза муассасаларида ўтказилган экспертиза хулосаларининг электрон шаклларини киритиб бориш.

Шунингдек, бугунги кунда тадқиқотларни ўтказишда янгидан-янги текширув объектлари пайдо бўлиши билан бирга, бу жараёнда экспертлар олдида янги вазифалар вужудга келмоқда. Бу эса экспертларда янги турдаги текширув объектларига оид маълумотларга эҳтиёж борлигини билдиради. Дарҳақиқат, бугунги кунда ижтимоий тармоқдан фойдаланиш имконияти жуда кенг, лекин бу барча масаланинг ечими дегани эмас. Чунки, доимий равишда объектларга доир маълумотларни ижтимоий тармоқлардан топиб олишнинг имкони йўқ. Шунингдек, эксперт объектлар ҳақида

керакли маълумотни топа олган тақдирда ҳам янги турдаги объектларга нисбатан қайси методикадан фойдаланиш мумкинлиги бўйича муаммога дуч келади. Бу таклиф этилаётган база эса янги методикалар ишлаб чиқилиши ёки олдин фойдаланилган бирон методдан фойдаланишга имконият яратиб бериши мумкин. Илгари фойдаланилган методлардан бирини қўллаш имконияти ҳар доим ҳам натижа беравермайди. Лекин янги методика яратилса, бу тадқиқотлар самарадорлигини ошириши мумкин, чунки янги объектларга оид идентификациявий белгилар мажмуи бир хилликни ташкил этиши шубҳасиз.

Кўриниб турибдики, эксперт-криминалистика фаолиятида электрон ахборотлаштириш нафақат назарий билимларни, шунингдек амалий ишланмалар ва тажрибаларни тўплаш заруратини ҳам ўз ичига олади. Шунга кўра, тўпланган барча ижобий тажрибалардан тезкор ва қулай фойдаланиш мақсадида суд-экспертлик фаолияти ходимларининг бой амалий тажрибаларини ёш мутахассисларга етказиш ҳамда ишлаб чиқилган янги методикаларни барча эксперт-криминалистика фаолияти ходимларига тезликда ва доимий етказиб берилишини таъминлаш мақсадида электрон ахборотлаштирилган база тизимида янги ишлаб чиқилган методикалар билан ишловчи алоҳида йўналишни ҳам ташкил этиш лозим.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, профессионал-эксперт фаолиятидаги энг муҳим ахборот манбаи бу криминалистик рўйхатдан ўтказиш тизимига киритилган криминалистик ҳисобга олишлардир[3].

Эксперт-криминалистика фаолиятида объектлар турига қараб криминалистик ҳисобга олишлар билан боғлиқ бир қатор коллекциялар ва картотекалар юритилади. Жумладан: очилмаган жиноятлар содир этилган жойлардан олинган бармоқ излари картотекалари; отилган ўқлар, патронлар ва ўқ-дорилар (пулегильзотека) ва йўқолган (ўғирланган) қуроллар коллекцияси; қалбаки пуллар ва қимматли қоғозлар картотекалари ҳамда коллекциялари ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган тоифалар давлат суд-экспертлик фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган, лекин етарли бўлмаган ахборот ресурсларининг бир қисмидир. Техника тараққиёти сабабли экспертлар фаолиятида электронлаштиришни ташкил этиш жуда кўп фойдали янгиликларни олиб кирди. Гап экспертлар фаолиятининг ахборот таъминотига оид компьютерлаштирилиши ҳақида кетмоқда.

Бу борада экспертларнинг амалий фаолиятини ахборотлаштириш жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

*Биринчидан*, компьютер технологиялари, эксперт тадқиқотлари давомида олинган маълумотларни тез-тез йиғиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш учун қўлланилади. Бу эса экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш учун сарфланадиган вақтни сезиларли даражада қисқаришига олиб келади. Мазкур ҳолатда экспертнинг автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) ҳақида ҳам сўз юритиш керак. Чунки унинг мақсади экспертизани ўтказиш ва эксперт хулосасини тузиш жараёнини енгиллаштиришдир. Бу масала эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг ҳар бир ходимига, йилдан-йилга ортиб бораётган юкламаларни ҳисобга олишда муҳим бўлиб қолмоқда.

Хусусан, амалдаги компьютер дастурларининг кенг доираси экспертга қўплаб қуйидаги операцияларни бажаришга имкон беради: тайёр матнни таҳрир қилиш, мавжуд бўлаклардан янги ҳужжатни жамлаш, керакли бўлимларни тезда топиш, матн териш тартибини тузатиш, матнга график маълумотларни киритиш ва бошқалар. Шахсий компьютерга уланган периферик ускуналар (сканерлар, рақамли камералар ва видеокамералар, микроскоплар, ультрабинафша ва инфрақизил нурланиш мосламалари ва бошқ.) объектлардан матн ва график маълумотларни тўғридан-тўғри компьютер хотирасига ўтказишга имкон беради. Сканердан киритилган катта матнли объектлар

билан ишлаш учун матнни оптик таниб олиш дастурларидан фойдаланилади[4]. Бунга компьютерга уланган микроскоп ёрдамида олинган тасвирларни таҳлил қилиш тизимини ҳам киритиш керак. Бундай дастурлар доимий равишда олиб борилаётган тадқиқотлар сифатини яхшилайди, хусусан, техник-криминалистик, дастхатлар бўйича тадқиқотлар ва объектларнинг юқори аниқликдаги фотосуратларини экспертлар хулосасига фотографик иллюстрация сифатида мослаштиришга имкон беради.

*Иккинчидан*, компьютерлар экспертизанинг муайян объектлари бўйича автоматлаштирилган идентификацион қидирув тизимларини (АИҚТ) яратишда, шунингдек криминалистик рўйхатга олиш тизимининг элементлари сифатида ишлайдиган тизимларни яратишда ва улардан фойдаланишда кенг қўлланилади (масалан, АБИС «Арсенал», АФИС «Папилон»)[5]. Бундай маълумотлар базаси, шубҳасиз, улардан содда ва қулайроқ фойдаланишга, шунингдек, экспертга зарур бўлган маълумотларни тезда етказиб беришга имкон беради.

*Учинчидан*, компьютерларсиз тасвирларни таҳлил қилиш тизимларидан фойдаланиш имконсиз бўлар эди. Бундай дастурларсиз диагностика ва идентификациялаш ишларини олиб бориш анча мушкул, масалан, портрет тадқиқотлари (бош суяк тузилишига қараб юзни тиклаш ёки бош суяк ва фотосуратни фотомослаштириш), фотокомпозицон портретларни тузиш кабиларни бунга мисол қилиш мумкин[6].

Хусусан, МДҲ давлатлари экспертлик фаолияти тажрибасининг таҳлилига кўра Россия Федерацияси экспертлар фаолиятини ахборотлаштириш борасида «Консультант Плюс», «Гарант», «Россия қонунчилиги» маълумот-ҳуқуқий тизимлари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бу эса жиноят ишларини юритиш жараёнида федерал ва минтақавий қонунчиликдаги ўзгаришларни тезкор кузатиб бориш, махсус билимларни қўллаш бўйича суд амалиётини ўрганиш имконини бермоқда[7]. Ўз навбатида, бу каби ахборот технологияларининг ютуқлари суд-экспертлик фаолиятида ашёвий далилларнинг аҳамиятини ошириб, ўтказилган экспертиза хулосаларидан суд-тергов фаолиятида ишончли ва самарали фойдаланишга катта ҳисса қўшмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, эксперт-криминалистик бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадига эришиш учун зарур бўлган қуйидаги асосий вазифаларни суд-экспертлик фаолиятига доир қонунчиликда акс эттириш таклиф этилади:

– Ички ишлар вазирлиги тизимида эксперт-криминалистика фаолиятини электрон ахборотлаштириш бошқарувини ташкил этиш мезонларини ишлаб чиқиш;

– эксперт-криминалистика фаолиятида электрон ахборотлаштиришдан фойдаланиш йўналишларини белгилаб олиш;

– эксперт-криминалистика фаолиятида электрон ахборотлаштиришдан унумли ва тезкор фойдаланиш тартибини жорий этиш;

– эксперт-криминалистика фаолиятининг электрон ахборотлаштириш базасини зарур маълумотлар билан тўлдиришни босқичма-босқич амалга ошириш;

– электрон ахборотлаштиришни узлуксиз илмий-техника ютуқлари билан таъминлаб туришни жорий этиш ва назоратини ташкил этиш;

– электрон ахборот тизимида экспертлик фаолиятида ўтказилган экспертиза хулосаларининг намуналарини ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб боришни ташкил этиш;

– «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунга янги 27²-моддани киритиш ва уни «Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини электрон ахборотлаштириш» деб номлаш ҳамда қуйидаги таҳрирда тўлдириш тавсия этилади: *«Давлат суд-экспертиза муассасаларининг ахборот таъминоти – бу суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида суд-эксперти олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган тизимлаштирилган электрон ахборот ресурсларини*

*шакллантириш ва улардан фойдаланиш (зарур маълумотларни қидириш, қабул қилиш, янги маълумотларни киритиш)ни таъминлайди»* .

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, замонавий профессионал эксперт фаолиятини ахборотлаштириш қандай шаклда бўлмасин, тадқиқотларнинг сифатини яхшилашга хизмат қилади, Бу эса, ўз навбатида, экспертлар томонидан ўтказилган экспертиза хулосаларининг ишончлилигини ошириб, суриштирув ва дастлабки тергов давомида тўпланган маълумотларнинг таркибий қисмлари сифатида эксперт хулосаси шаклидаги экспертлар фаолияти натижалари бўлган далиллар базасини янада мустаҳкамлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 2 июнь қонуни – URL // https://lex.uz/docs/1633102

2. *Маматқулов Т.Б., Закурлаев А.К. ва бошқ.* Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 176 б.

3. *Маматқулов Т.Б.* ва бошқ. Криминалистик техника: Маърузалар курси / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 200 б.

4. *Носиров У.М.* Эксперт-криминалистларнинг автоматлаштирилган ишчи ўрни: Ўқув-методик қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 22 б.

5. *Носиров У. М.* «Папилон» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизимнинг имкониятлари: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 40 б.

6. *Нурумбетова С. А.* Портрет экспертизасининг замонавий имкониятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 98 б.

7. Об утверждении Концепции развития экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел Российской Федерации на среднесрочную перспективу (2016–2018 гг.): приказ МВД России от 24 ноября 2016 г. № 758. Доступ из справ.-правовой системы «Консультант Плюс».

*Дж. Х. Юлдашев**

# НАТУРАЛИЗАЦИЯ АСОСИДА ФУҚАРОЛИК ОЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мақолада айрим хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш асосида натурализация йўли билан фуқаролик олган шахсларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари ёритилган ва уларни ҳал этиш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар**: фуқаролик, фуқаролик олиш, натурализация, ҳуқуқлар, сиёсий ҳуқуқлар, фуқароликни тугатиш.

## АНАЛИЗ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ ПОДХОДОВ К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРАВ ЛИЦ, ПОЛУЧИВШИХ ГРАЖДАНСТВО НА ОСНОВЕ НАТУРАЛИЗАЦИИ

**Аннотация.** В статье на основе анализа законодательства некоторых зарубежных стран освещены проблемы обеспечения политических прав лиц, получивших гражданство путем натурализации, и приведены предложения и рекомендации по их устранению.

**Ключевые слова**: гражданство, прием в гражданство, натурализация, права, политические права, прекращение гражданства.

## ANALYSIS OF DIFFERENTIAL APPROACHES TO ENSURING THE RIGHTS OF PERSONS WHO RECEIVED CITIZENSHIP ON THE BASIS OF NATURALIZATION

**Annotation**. The article describes the problems of ensuring the political rights of naturalized citizens on the basis of the analysis of the legislation of some foreign countries and proposals and recommendations are elaborated on their elimination.

**Keywords**: citizenship, admission to citizenship, naturalization, rights, political rights, termination of citizenship.

Фуқароликка эга бўлишнинг энг кўп тарқалган шакллари «филиация» ва «натурализация» ҳисобланади. Улар *дастлабки* (туғилиш билан) ва *иккиламчи* (туғилишдан сўнг) асослар бўйича фуқароликка қабул қилиниш мумкинлигини англатади. Жумладан, *«филиация»* − (лот. («filialis»), ингл. («filiation»)) [1, 908-б.] фуқароликни шахснинг туғилиши натижасида тақдим этишни назарда тутади. Филиация икки принцип: «тупроқ ҳуқуқи» («jus soli») ва «қон ҳуқуқи» («jus sanguinis») асосида татбиқ этилади, баъзи давлатлар қонунчилиги аралаш тизимни ҳам белгилаши мумкин [2, 106-б.].

Юридик адабиётлар таҳлили филиациянинг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжудлигини кўрсатади: *биринчидан*, фуқаролик ҳуқуқини қўлга киритишнинг бирламчи ва асосий усули ҳисобланади; *иккинчидан*, дунёнинг аксарият мамлакатларида фуқаролик туғилиш асосида қўлга киритилади; *учинчидан*, фуқаролик пайдо бўлишининг табиий усули бўлиб, физиологик жиҳатдан инсон иродасидан мустақил равишда вужудга келади [3, 206-б.]; *тўртинчидан*, шахснинг ташаббуси ва розилигини талаб этмайди, қонунчилик асосида автоматик тарзда юзага келади [4, 37-б.]. Кўриниб

***Юлдашев Джахонгир Хайитович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси докторанти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент.*

турибдики, фуқароликка эга бўлишнинг ушбу усули «натурализация»дан юридик муносабатларнинг мустақил равишда (давлат томонидан қарор қабул қилинишини кутмасдан) юзага келиши билан жиддий фарқланади. Мазкур институтнинг энг муҳим хусусияти ҳам шунда.

Ҳар қандай давлат миллий сиёсатининг фуқароликка таъсирини баҳолаш учун кенг қўлланиладиган табиий кўрсаткич бу − «натурализация» (фуқароликка қабул қилиш) жараёнининг ҳолати (даражаси) ҳисобланади. Бу борада, айниқса фуқароликка қабул қилиш асосларини белгилаш ҳамда қўллаш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади.

*«Натурализация* (лот. («naturalis» рус олимлари буни «табиий» сўзининг маъносини берувчи «природный, естественный, натуральный» терминларига ҳам қиёслайди) [5, 277-б.], англ. («naturalization») − тарихан фуқароларнинг табиий ҳуқуқларга эга бўлиши)»[6, 72-б.] − фуқароликка эга бўлишнинг яна бир муҳим усули бўлиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг ихтиёрий равишда фуқаролик олиш жараёнидир. Мазкур ҳолатда номзоднинг давлат белгилаган бир қатор шартларга жавоб бериши талаб этилади.

Ушбу шартларни ҳар бир давлат ўз ички қонунчилигида олиб бораётган сиёсатига мос равишда белгилайди. Бунда улар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда қоидаларни назарда тутиши, агарда тан олинган бўлса, уларда ўрнатилган нормаларни миллий қонунчилигига татбиқ этиши лозим бўлади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, фуқароликка қабул қилиш (натурализация) асосида фуқаролик олган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари барча давлатларда ҳам тенг равишда таъминланмайди. Яъни бундай тоифадаги фуқаролар филиация асосида (туғилиш йўли билан) фуқароликни қўлга киритган шахсларга нисбатан камроқ ҳуқуқларга эга бўлади.

Бу, албатта, давлатларнинг ички хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибот бўлиб, мазкур ҳолат аксарият ҳолларда натурализация асосида қўлга киритилган фуқароликнинг ўзгариш эҳтимоли юқорилиги билан изоҳланади. Ушбу ҳолатда эса натурализация йўли билан қўлга киритилган фуқаролик туғилиш асосида олинган фуқароликка нисбатан камроқ ҳуқуқлар тақдим этилишига сабаб қилиб кўрсатилади. Бироқ бу каби тартиб-қоидаларни айрим давлатларда кузатиш мумкин.

Фуқаролик шахснинг давлат ҳимояси остидалигини ифодаловчи расмий мақомдир. Мазкур институтнинг мавжудлиги асосида шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмуни ўзбошимчалик билан ўрнатилмаслиги ва ўзгартирилмаслиги лозим. Бироқ В.В. Красинский тўғри таъкидлаганидек, давлатнинг бу борадаги суверен функцияларини, жумладан жиноятчиликка қарши самарали курашни таъминлаш (жиноят содир этган шахсларнинг миллати, дини ва мавқеига (фуқаролигига) қарамасдан) муҳим аҳамият касб этади [7, Б. 5-10].

Аксарият халқаро нормаларда давлатнинг ўз фуқароси томонидан бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун уни топширишга мажбур эмаслиги қайд этилган. Бундай қоидаларни:

1) БМТ Бош Ассамблеясининг 1973 йил 3 декарбдаги 2187 ялпи мажлисидаги 3074-сон резолюцияси билан қабул қилинган Халқаро ҳамкорлик принципларининг 2-банди (ҳарбий, тинчлик ва инсониятга қарши жиноятларда айбдор шахсларни топшириш бўйича);

2) МДҲ давлатлари ўртасида тузилган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенциянинг 89-моддаси 1-қисми «а» банди (2002 йил 7 октябрдаги хулоса, Кишинев);

3) «Экстрадиция тўғрисида»ги Европа конвенциясининг 6-моддаси (1957 йил 13 декабрдаги № 24-сон хулоса, Париж);

4) БМТ Бош Ассамблеясининг № 45/116-сон резолюцияси билан тасдиқланган Экстрадиция тўғрисида намунавий шартноманинг 4-моддаси «а» банди ва бошқа ҳужжатларда кузатиш мумкин.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам бу борадаги аниқ ёндашувни топиш қийин. Масалан, АҚШ, Албания, Буюк Британия, Италия, Колумбия, Мальта, Чили, Япония давлатлари ўз фуқароларини топширишга рухсат беради [8, 60-65-б.]. Шу билан бирга, юридик адабиётларда жиноят содир этилгандан сўнг экстрадиция қилиш ҳақидаги сўровнинг юборилиши давлат томонидан шахсга фуқаролик беришни рад этиш учун асос бўлмаслиги лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилган [9, 25-26-б.]. Қолаверса, жиноят содир этган фуқаронинг бошқа давлатга ушлаб берилиши ва топширилиши билан боғлиқ масалага икки ва кўп томонлама тузилган битим ҳамда шартномалар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бу борадаги ўзига хос раҳбарий қоида МДҲ давлатларининг Парламентлараро Ассамблеясида (1992 йил 29 декабрь) қабул қилинган «Фуқароликни тартибга солишнинг келишилган принциплари тўғрисида»ги [10] тавсиявий қонун ҳужжатининг 13-моддасида ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра: аъзо давлатлар ички қонунчилигида *«давлатлараро шартномаларда назарда тутилганидан ташқари фуқаронинг чет давлатга ушлаб берилишига йўл қўйилмаслиги»*ни мустаҳкамлаши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ҳужжат тавсиявий хусусиятга эга бўлишига қарамасдан, унинг демократик асосларга эга қоидаларини аксарият МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ўз миллий қонунчилигига сингдиришга ҳаракат қилган. Жумладан, Қирғизистон (50-моддаси 4-қисми), Молдова (18-моддаси 2-қисми), Озарбайжон (53-моддаси 2-қисми), Россия (61-моддаси 1-қисми), Туркманистон (10-моддаси 2-қисми), Украина (25-моддаси 2-қисми) конституциялари фуқаронинг бошқа давлатга (ушлаб) берилишини қатъий равишда тақиқлайди.

Беларусь (10-моддаси 2-қисми), Грузия (13-моддаси 4-қисми), Қозоғистон (11-моддаси 2-қисми), Латвия (98-моддаси), Литва (13-моддаси 2-қисми) ва Тожикистон (16-моддаси 1-қисми)нинг қонунчилигида фуқаронинг фақатгина халқаро шартнома ва икки томонлама тузилган битимларга асосан бошқа давлатга топширилиши мумкинлиги қайд этилган.

Мазкур ҳолат, *биринчидан*, давлатларнинг ўз фуқароларини экстрация қилиш масаласидаги позициясини намойиш этса, *иккинчидан*, ички қонунчиликнинг фуқаролик мақомига эга шахсларнинг ҳуқуқлари қонунда белгиланган ҳоллардагина чекланиши мумкинлигини назарда тутувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларига қарайдиган бўлсак, юқорида таҳлил этилган масалани ёритувчи аниқ нормани кузатиш қийин.

Шу асосда назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасини ҳам қуйидаги мазмундаги алоҳида хатбоши билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

*«Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартнома ва битимларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч бир ҳолатда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга топширилиши мумкин эмас»*.

Муайян шартлар асосида фуқароликни қўлга киритиш (натурализация) шахсларга нисбатан давлат томонидан айрим турдаги чекловларнинг қўлланилишини инкор этмайди. Жумладан, Испания Фуқаролик кодексининг 25-моддаси 1-қисмига кўра, натурализация асосида фуқароликка эга бўлган шахслар ҳукуматнинг тақиқига қарамасдан чет давлатнинг қуролли кучлари ёки давлат хизматига кирган ҳолларда ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин [11]. Эквадор Республикаси қонунчилигида (16-моддаси 4-қисми) натурализация қилинган шахсларнинг уч йил давомида узрли сабабларсиз, чет элда яшаш ҳолати фуқароликни йўқотиш асоси деб топилиши мумкинлиги белгиланган [12].

Кўпчилик исломий давлатларда туғилиш асосида фуқаролик олиш шахсга тўлиқ ҳуқуқларни тақдим этади. Келиб чиқиши араб давлатларидан бўлган ҳолда «натурализация» қилинганлар бироз камроқ, бошқа чет давлатлардан бўлганлар эса энг кам даражадаги ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланади [13, 154-б.].

Африка давлатларида фуқаролик олиш асосига кўра чеклов турлари жиддий кўринишга келган. Натурализация асосида фуқароликка эга бўлганлар: *актив сайлов ҳуқуқига* - 5 йилда (Конго, Мадагаскар, Мали, Марокко, Тунис; 3 йилда Бенин); *пассив сайлов ҳуқуқига* - 10 йилда (Габон, Конго, Мадагаскар, Мали, Сенегал; 5 йилда Алжир, Бенин, Камерун, Мавритания, Марокко, Тунис) эга бўладилар. Габон, Конго, Кот-д`Ивуар, Мали, Нигер, Того, Чад давлатларида президентликка фақатгина туғилиш асосида (филиация) фуқароликка эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин. Шунингдек, айрим давлатларда натурализация қилинганига 5 йилдан кам бўлганларга давлат органларида фаолият олиб бориш (Конго, Мадагаскар, Мали, Марокко, Сенегал, Тунис); адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга (Мадагаскар, Мали, Сенегал) ҳамда нотариус ҳуқуқий мақомига эга бўлишга (Сенегал) рухсат этилмайди [14, 73-б.].

Перуда бундай тоифадаги шахслар 4 йил давомида президент, бош вазир ёки депутат бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Францияда эса сайлаш ҳуқуқи шахс фуқароликка қабул қилингандан сўнг 3 ой ўтгач, сайланиш ҳуқуқи 10 йилдан сўнг вужудга келади [15, 28-б.].

Филиппинда чекловлар рўйхати нисбатан кенгроқ бўлиб, президент, вице-президент лавозимига, парламент, Олий ва қуйи суд, конституциявий комиссиялар, Омбудсман, инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар аъзолигига фақатгина туғилиш асосида фуқаролик мақомига эга бўлганлар муносиб деб ҳисобланади [16, 128-б.].

Бразилия Конституциясига (12-модда) кўра, юқоридагилардан ташқари элчилик (дипломатик вакиллик) ва Қуролли кучларда фаолият олиб бориш учун туғма бразилиялик бўлиш талаб этилади. Қолаверса, фақатгина туғилиш асосида фуқаролик олган ёки фуқароликка қабул қилинганига 10 йилдан ошган шахсларгина оммавий ахборот воситаларида раҳбарлик лавозимида ишлай олади (222-модда) [17, 113-б.].

АҚШ Конституцияси (2-бўлим 1-модда) талабларига кўра, Конгресс қуйи палатасига аъзо бўлиш учун шахс 25 ёшдан ошган ва 7 йил АҚШ фуқаролигида бўлган бўлиши; Сенат аъзоси бўлиш учун 30 ёшдан ошган ва 9 йил АҚШ фуқаролигида бўлган бўлиши лозим (3-бўлим 1-модда). Президент (ёки вице президент) лавозимларига фақатгина АҚШда туғилган фуқаролар ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига эга.

МДҲ давлатлари қонунчилигини таҳлил қилиш натижалари уларнинг айримларида натурализация асосида фуқароликка эга бўлган шахсларнинг сиёсий ҳуқуқларини чеклаш цензлари мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, Озарбайжон Республикаси конституциясида қўш фуқароликка эга бўлиб, бошқа давлат олдида мажбуриятга эга бўлган шахсларнинг депутат сифатида сайланишига йўл қўйилмайди (85-модда 2-қисм) [18].

Миллий қонунчилик нормаларини ўрганиш натижаларидан маълумки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, Конституцияга биноан, у қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир (4-модда). Шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг чет давлат фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикасида тан олинмайди (ФК 12-модда) [19]. Шу асосда хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқаролик олиш асосларидан қатъий назар, фуқароларнинг барчаси қонун олдида тенг. Уларнинг ҳеч бир тоифасига юқорида келтирилган муайян ҳуқуқларда чекловлар ўрнатилмайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю.* Юридическая энциклопедия / Под общ. ред. М.Ю. Тихомирова. 5-е изд., доп. и перераб. – М., 2002. – С. 908.

2. *Лучина В.О., Василевич Г.А., Прудникова А.С.* Конституционное право зарубежных стран: Учебник для студентов вузов. 2-е изд.перераб. и доп. – М., 2011. – С. 106.

3. *Чичерин Б.Н.* Общее государственное право. – М., 2006. – С. 206.

4. *Овсепян Ж.И.* Филиация и натурализация как ключевые категории конституционно-процессуального института возникновения и прекращения гражданства // Северо-Кавказский юридический вестник. – 2009. – № 2. – С. 37.

5. Конституционное право России: Словарь / Отв. ред. В.В. Маклаков. – М., 2001. – С. 277.

6. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида учрайдиган юридик атамаларнинг изоҳли луғати / А.А. Отажонов, И. Исмаилов, Б.Э. Закиров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 72.

7. *Красинский В.В.* Государственный суверенитет: гносеологический аспект проблемы // Современное право. – 2015. – № 7. – С. 5 –10.

8. *Попаденко Е.* Выдача лиц в международном уголовном праве // Уголовное право. – 2013. – № 1. – С. 60–65.

9. *Выскуб В.С.* Конституция Российской Федерации в свете проблем экстрадиции // Конституционное и муниципальное право. – 2014. – № 8. – С. 25–26.

10. Рекомендательный законодательный акт СНГ от 29 декабря 1992 года «О согласованных принципах регулирования гражданства» [Эектрон манба] // URL: http://docs.cntd.ru/document/901930781 (мурожаат вақти: 10.03.2021).

11. Spanish civil code [Электрон манба] // URL: https://www.wipo.int/edocs/ lexdocs/laws/en/es/es122en.pdf (мурожаат вақти: 15.15.2020).

12. Закон Республики Эквадор «О Натурализации» от 2 апреля 1976 года № 276 [Электрон манба] // URL: https://honoraryconsul.ru/?an=law_nature_ecuador (мурожаат вақти: 06.04.2020).

13. *Рафик А.А.* Институт гражданства арабских государств // Право и демократия: Сб. науч. Трудов Белорусского гос. ун-та. Вып. 10. - Минск, 1999. – С. 154.

14. *Токарева Т.С.* Становление и развитие института гражданства во Франции: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С. 73.

15. *Боярс Ю.Р.* Вопросы гражданства в международном праве. – М.: Международные отношения, 1986. – С. 28.

16. Права человека: Учебник / Отв. ред. Е.А. Лукашева. 2-е изд., перераб. – М., 2011. – С. 128.

17. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие / Под ред. А.М. Арбузкина. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2010. - С. 113.

18. Конституция Азербайджанской Республики от 12 ноября 1995 года [Электрон манба] // URL: https://www.caa.gov.az/index.php?option=com_k2&view= item&id=93:constitution-of-the-republic-of-azerbaijan&Itemid=173&lang=ru (мурожаат вақти: 10.03.2021).

19. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сон қонуни [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/docs/4761984 (мурожаат вақти: 10.03.2021).

***О. А. Камалов****
***Н. А. Кулдашев*****

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕЛИКТ МАЖБУРИЯТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари (ИИО) томонидан етказилган зарарни қоплашга оид нормаларнинг шаклланиши, деликт муносабатларда ИИОнинг «давлат органи» ҳамда «юридик шахс» сифатида иштироки ва аҳамияти, унинг давлат органи ва юридик шахс сифатидаги фаолияти оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликнинг фарқланиши тушунтириб берилади.

Цивилист олимларнинг ИИО ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни қоплаш масаласида билдирган фикрлари таҳлил қилинди. Айрим хорижий давлатлар ва МДҲнинг бир қатор мамлакатлари қонунчилиги ўрганилади.

Миллий қонунчилигимизда ИИОнинг маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий нормаларни қонунга хилоф тарзда қўллаш натижасида етказилган зарарни қоплаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, ИИО ва улар мансабдор шахслари томонидан ҳокимият ваколатларини амалга ошириш жараёнида фуқаро ва юридик шахсга етказилган зарарни ўз вақтида ва тўлиқ қоплашни таъминлаш мақсадида давлатнинг махсус жамғармасини ташкил этиш кераклиги илмий асослаб берилади.

**Таянч сўзлар:** зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, деликт жавобгарлик, зарар, зарарни қоплаш, деликвент, жабрланувчи.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЛИКТНЫХ ОТНОШЕНИЙ С УЧАСТИЕМ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье рассматривается формирование норм о возмещении вреда, причиненного органами внутренних дел (далее – ОВД), значение и участие ОВД как «государственного органа» и «юридического лица» в деликтных отношениях.

Изучена законодательная система зарубежных стран, в том числе Германии, Англии, Турции, Украины, Российской Федерации и ряда стран СНГ, в осуществлении отношений в данной сфере.

Разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию механизма возмещения вреда, причиненного неправомерным применением норм административного и уголовного права органами внутренних дел в национальном законодательстве. Научно обоснована необходимость создания специального государственного фонда для обеспечения своевременного и полного возмещения ущерба, причиненного гражданам и юридическим лицам при осуществлении полномочий органов внутренних дел и их должностных лиц.

**Ключевые слова:** причинение вреда, деликтная ответственность, ущерб, возмещение ущерба, правонарушитель, потерпевший.

## IMPROVEMENT OF TORT-OBLIGATORY RELATIONS WITH THE PARTICIPATION OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS

**Annotation.** The article describes the formation of norms on compensation for damages caused by internal affairs organs (hereinafter - IAO), significance and the participations of IAO as a «State body»

****Камалов Ойбек Аҳматович,** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сиртқи таълим факультети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.*

*****Кулдашев Нуриддин Абдуганиевич,** *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик-ҳуқуқий фанлари кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент.*

and «Legal entity» in the tort relations. It is also explained the difference between the liability of the internal affairs organs for damage caused by its activities as a state body and a legal entity. It is grounded that the obligation to compensate for damage caused by its activities as a state body to be paid from the state budget, and the obligation to compensate for damage caused by its activities as a legal entity to be paid from extra-budgetary funds of the internal affairs organs. The thoughts of civilized scholars were analyzed on the issue of compensation for damage caused by illegal decisions, illegal action (inaction) of the internal affairs organs and officials. The legislation system of foreign countries including Germany, England, Turkey, Ukraine, the Russian Federation and a number of CIS countries was studied.

Proposals and recommendations are developed to improve the mechanism of compensation for damage caused by the illegal application of administrative and criminal law norms of the internal affairs organs in our national legislation. The necessity to establish the special state fund in order to ensure timely and full compensation for damage caused to citizens and legal entities in the exercise of the powers of internal affairs organs and their officials is scientifically grounded.

**Keywords:** obligation caused by doing harm, tort liability, damage, compensation of damage, delinquent, victim.

Халқаро цивилистикада ички ишлар органлари (ИИО) ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар деликтнинг алоҳида тури эканлиги тўғрисида якдил фикрлар мавжуд. Аммо миллий ва хорижий адабиётларда ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг молиявий манбаи (давлат бюджети – ИИОнинг бюджетдан ташқари маблағлари – айбдор мансабдор шахслар маблағи) масаласида баҳсли мунозаралар бор.

Хорижий давлатлардаги бир қатор олимларнинг, масалан, Leyland Peter, Anthony Gordon (Oxford University) [1, p. 458-480], **Galiya I. Chanysheva, Oleksandr S. Yunin, Nadiia V. Milovska, Roman V.Pozhodzhuk, Viktoriia V. Mazur** [2], Şölen Külahçı (Cyprus International University) [3, p. 245-261], Ahmet Bozdağ (Marmara University) [4, p. 33-48] кабиларнинг илмий изланишларида тадқиқот мавзусининг у ёки бу жиҳатлари ўрганилган.

Илмий тадқиқотимизда ҳар бир давлат ўзининг органларига ҳокимият ваколатини берар экан, бу ваколатларни ҳар доим белгиланган тартибда тўғри ва аниқ амалга оширилишини таъминлаши керак, деган хулосага келдик. Агар давлат ИИО ва уларнинг мансабдор шахсларига берган ҳокимият ваколатини мутлақ хатодан холи амалга оширилишини кафолатлай олмас экан, бунинг оқибатида жисмоний ва юридик шахсга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олиши кераклиги илмий асослаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро миқёсда ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг умумэътироф этилган ягона тартиби ўрнатилган эмас. Тадқиқотимизда бу масала бўйича айрим хорижий давлатларнинг қонунчилиги ўрганилди. Шунингдек, миллий ва хорижий олимларнинг мавзуга оид илмий ёндашувлари таҳлил қилинди. Пиравардида, хорижий давлатларнинг илғор ютуқларини ўрганиш ва тўплаш, моддий ва маънавий зарарларни қоплашнинг оптимал механизмларини миллий қонунчилигимизга жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имкони пайдо бўлди.

Тадқиқотда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларидан фойдаланилди. Таҳлил ва синтез қилиш ҳамда мантиқийлик усули деликт муносабатларда ички ишлар органларининг давлат органи ҳамда юридик шахс мақомида иштирокини аниқлаш учун қўлланилган. Диалектик усул эса мавзуга оид илмий изланишлар ҳолатини кўриб чиқишга имкон берди. Қиёсий-ҳуқуқий усул ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларга оид Ўзбекистон Республикасининг қонун нормаларини таҳлил қилишда қўлланилган. Статистик маълумотлар таҳлили усули мамлакатимизда давлат

органлари, жумладан ички ишлар органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар ҳажмини ва жабрланувчига ундириш аҳволини қай даражада эканлигини аниқлаб берди. Мантиқий-семантик усул «ички ишлар органларининг давлат органи ва юридик шахс сифатида деликт жавобгарлиги»нинг мазмуни ва аҳамиятини аниқлаш учун қўлланилган. Норматив-догматик усул ёрдамида ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг мазмуни таҳлил қилинди. Ҳуқуқий моделлаштириш усулидан фойдаланиш орқали миллий фуқаролик қонунчилигини ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масалаларида оптималлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга имкон берди. Ўрганилган материаллар тадқиқот мавзусига доир Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг, жумладан Туркия, Украина, Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон ва МДҲнинг бошқа бир қатор давлатлари қонунчилигидан ҳамда миллий ва чет эл олимларининг илмий ишларидан иборат.

ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ёки зарар етказганлик учун жавобгарлик илмий муомалада «деликт институти» деб ҳам юритилади. Деликт институти дунёнинг кўпгина давлатлари қонунчилигида (Англия, Франция, Германия, Туркия, Украина, Россия Федерацияси ва бошқа МДҲга аъзо давлатларда) шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояловчи универсал қоидалар сифатида кенг қўлланилади.

Миллий қонунчилигимизда давлат органлари, шунингдек ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш институтининг шаклланиши мамлакатнинг собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврига тўғри келади. Аниқроғи, 1978 йил 19 апрелда қабул қилинган собиқ Ўзбекистон ССР Конституциясининг 56-моддасида «Ўзбекистон ССР гражданлари давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида етказган зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар» [5, 18-б.], деган конституциявий норма белгиланган эди.

Академик Ҳ.Раҳмонқулов, 1963 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 481-моддасида давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида йўл қўйган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарарни тўлаш хақидаги қоида бўлганлигини, бироқ ушбу норма амалиётда қўлланилмаганини, чунки етказилган зарарни ундириш тартиби (механизми – *таъкид муаллифники*) қонун билан аниқ белгиланмаганини айтади [6, 100-б.].

Албатта бу ўринда, собиқ СССР Конституциясида, собиқ Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Гражданлик кодексида давлат органлари мансабдор шахслари томонидан етказилган мулкий ёки моддий зарарни қоплаш расмий тарздагина назарда тутилганлигини, аммо маънавий зарарни қоплаш ўша даврнинг ҳеч бир қонунчилигида белгиланмаганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Бу муаммога ўз муносабатини билдирган Б. Ҳамроқулов «... собиқ СССР қонунчилигида жавобгарликнинг тури сифатида маънавий зиённи қоплаш назарда тутилмаган бўлса-да, Европа давлатларида бу ҳуқуқий институт йигирманчи асрнинг бошларида юзага келган, Европада яшовчи фуқаро ўзига собиқ СССР ҳудудида маънавий зиён етказилган деб ҳисобласа, уни қоплашни сўраб совет судига мурожаат кила олмасди. Сабаби собиқ СССР қонун ҳужжатларида маънавий зиённи қоплаш масалалари тартибга солинмаган эди» [7, 29-б.], деб айтади.

Leyland Peter ва Anthony Gordon таъкидлашича, «Англияда 1947 йилдаги «Crown Proceedings Act» қонуни қабул қилингунига қадар, Қироллик ва унинг маъмурий

органларининг деликт жавобгарлиги бўйича бошқача пазиция бўлган, бугун эса уларнинг деликт жавобгарлиги бошқа хусусий ҳуқуқ субъектлари каби айнан бир хил, яъни ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида етказган зарар учун улар ҳам судга берилиши мумкин» [1, 458-б.]. Дарҳақиқат, Англия тарихида 1947 йилда қабул қилинган «Crown Proceedings Act» [8] қонуни Қироллик, маъмурий органлар ва мансабдор шахсларнинг деликт жавобгарлиги масаласида туб ўзгариш ясади. Мазкур қонуннинг 2-моддаси «Қиролликнинг деликт жавобгарлиги» деб номланиб, унда Қироллик ва маъмурий органларнинг қонунга хилоф харакатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказган зарари учун жавобгарлиги, зарарни қоплаш тартиби ва асослари белгилаб берилган.

Туркиялик тадқиқотчи Şölen Külahçı «ҳуқуқий давлатнинг ажралмас тамойилларидан бири ҳам давлатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгар бўлиши ва бунинг оқибатида шахсларга етказилган зарарларни қоплашидир» [4, 34-б.] деган, ҳақли фикрни таъкидлайди.

Шу ўринда, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси собиқ Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексидан тубдан фарқ қилиб, унда давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг бирмунча оптимал механизмлари белгиланганлигини такидлаш керак. Масалан, Кодекснинг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» номли 57-боби деликт институтига бағишланиб, унда: давлат органлари сифатида ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, ИИО тизимидаги терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик каби масалалар билан бирга, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ҳамда маънавий зарарни қоплаш тартиби ҳам белгилаб берилди [9, 446-466-б.].

Аммо ҳаёт шиддат билан ривожланиб, ижтимоий муносабатлар кенгайиб бормоқда. Бу жараёнлар, ўз навбатида, фуқаролик ҳуқуқида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш институтларини такомиллаштириш, ўзини оқламаган қоидалардан воз кечиш ва илғор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган [10] миллий қонунчилигимизда деликт институти ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. Концепцияда мажбурият ҳуқуқини такомиллаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлаш каби долзарб вазифалар белгиланди. Бугунги кунда бу вазифаларни амалга ошириш бўйича соҳа вакиллари, амалиётчилар, мутахассислар, илмий жамоатчилик ва ҳуқуқ ижодкорларидан иборат идоралараро комиссия фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун деликт жавобгарлиги тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Аммо Фуқаролик кодексининг 15, 990-моддаларида давлат органи сифатида ва 991-моддасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари – ИИО тимсолида) жавобгар субъект (деликвент) эканлигини англаш мумкин. Бундан ташқари, ИИО юридик шахс (муассаса) мақомида ҳам деликт муносабатларда жавобгар субъект бўлиши мумкин (масалан, ошиқча хавф манбалари эгаси сифатида, иш берувчи сифатида ва ҳ.к.).

Бироқ тадқиқотимиз ИИОнинг «юридик шахс» (муассаса) сифатида эмас, балки «давлат органи» сифатида деликт муносабатларда иштироки масаласига бағишланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим давлатларда, масалан, Туркия Республикасининг

фуқаролик қонунчилигида «давлат органлари, шунингдек ИИО ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар» деликтнинг алоҳида тури сифатида белгиланмаган ва бунга «иш берувчининг жавобгарлиги» сифатида қаралади. Масалан, 2011 йилда қабул қилинган Туркия Республикасининг «Мажбуриятлар тўғрисида»ги қонуни 2-бўлими «Деликтлардан вужудга келган мажбурият муносабатлари»нинг 66-моддасида «Иш берувчининг жавобгарлиги» нормага солинган [11].

Таъкидлаш жоизки, МДҲ таркибидаги аксарият давлатларнинг фуқаролик қонунчилигида «Давлат органлари, шунингдек ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар» деликтнинг алоҳида тури сифатида қайд этилган. Мазкур давлатларнинг қонунлари таҳлил қилинганда, тадқиқот мавзусига оид айрим ноаниқликлар ва муаммолар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, бу муаммолар:

– мазкур деликтлар оқибатида етказилган зарарни қоплашнинг аниқ механизмлари белгиланмаганлиги;

– қонунчиликда зарарни қоплашнинг молиявий манбалари аниқлаш-тирилмаганлиги;

– зарарни қоплаш қайси ҳолларда давлат органига ва қайси вазиятларда мансабдор шахсларга юкланиши кераклиги масаласида ноаниқликлар мавжудлиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари, фуқаролик қонун ҳужжатларида ИИО ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ИИОга ёки муайян бир давлат органига юклатилганлиги, бундай зарарларни қоплаш мақсадида махсус фонд ташкил этилмаганлиги ҳам анчайин баҳслидир. Масалан, булар Россия Федерацияси Гражданлик кодекси (16-м.) [12]; Қозоғистон Республикаси Гражданлик кодекси (267, 922-м.) [13]; Беларусь Республикаси Гражданлик кодекси (15-м.) [14]; Озарбайжон Республикаси Гражданлик кодекси (1100-м.) [15] ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (15-м.) [9] тегишли моддаларида белгиланган.

Фикримизча, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари ва ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарларни қоплаш учун махсус молиявий манбалар шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, жабрланувчиларга етказилган зарарларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда қоплаш имкониятини оширади. Бундан ташқари, давлат органида зарарни қоплаш учун ҳар доим ҳам етарли маблағ бўлмаслиги эҳтимоли йўқ эмас.

ИИОнинг «давлат органи» ва «юридик шахс» (муассаса) сифатидаги фаолияти оқибатида етказилган зарарни аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу масалада И.С. Кокорин: «ИИОнинг жавобгарлигини белгилаш зарарнинг қандай фаолият оқибатида келиб чиққанлигига боғлиқ. Масалан, зарар хўжалик фаолиятини амалга ошириш оқибатида етказилган бўлса, РФ ГКнинг 1064-моддасига асосан умумий асосларда (жавобгар субъект ИИО - *таъкид муаллифники*), жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш жараёнида етказилган бўлса, РФ ГКнинг 1070-моддаси асосида (жавобгар субъект давлат – *таъкид муаллифники*)» [16, с. 53] жавобгарлик келиб чиқишини айтади. В.Власов эса, «аниқ бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассаса ёки мансабдор шахснинг ҳаракати оқибатида зарар етказилганлик факти бўлганда, юридик жавобгарликни давлатга юклаш тўғри бўлишини, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда фуқаролик ҳуқуқи субъекти («муассаса» – *таъкид муаллифники*) мақомида иштирок этганда, юридик шахс сифатида ўзлари жавобгар бўлишини» [17, с. 24] таъкидлайди.

Бу ҳақда хулоса қилганда, ИИОнинг И.С.Кокорин таъкидлаганидек, фақатгина жиноят-процессуал фаолиятини амалга ошириш жараёнида етказилган зарарни эмас, умуман, давлат органи сифатидаги фаолияти оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини давлат зиммасига юклаш, юридик шахс сифатидаги фаолияти оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини эса ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши фуқаролик ҳуқуқининг умумий принципларига мувофиқдир.

ИИО иштирокидаги деликт муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини тадқиқ қилар эканмиз, профессор О.Оқюловнинг «фуқаролик- ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кунда асосан икки поғонали (Фуқаролик кодекси – махсус қонунлар) ва баъзан уч поғонали тизимга эга» [18, 14 б.], деган фикрлари тўғри эканлигини англаймиз. Чунки деликт муносабатларда ИИОнинг деликвент сифатидаги иштироки Фуқаролик кодекси – алоҳида қонунлар ва қонун ости хужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

Германия қонунчилиги бўйича полиция ходимларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини тадқиқ қилган олимларнинг таъкидлашича, «Федерал полиция ходимларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи Федерал полиция тўғрисидаги қонун («Зарарни қоплаш» деб номланган 3-бўлим) ва Германия Фуқаролик кодексининг тегишли қоидалари (Фуқаролик кодекси, 2002) билан тартибга солинган» [2, 4-б.]. Яъни, Германия қонунчилигида мазкур муносабатлар асосан икки поғонали тартибга солинганини айтиш мумкин. Мамлакатимизда эса мазкур деликт муносабатлари уч поғонали қонун хужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, булар: Фуқаролик кодекси, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун [19] ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (масалан, 2017 йил 24 апрель 235-сон қарори)дан [20] иборат.

Албатта, мазкур муносабатларнинг турли қонун нормалари билан тартибга солинганлиги бир томондан, низоларни тўғри ҳал қилиш жараёнини мураккаблаштирса, иккинчи томондан, мазкур муносабатларни бир хил ҳуқуқий тартибга солиш имконини қийинлаштиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддаси 3-қисмида: «Зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин»лиги белгиланган бўлса, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 46-моддаси 2-қисмида: «Ички ишлар органи ходими ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни ички ишлар органлари томонидан бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахсдан ундириб олинади», деган қоида белгиланган.

Юқоридаги нормалардаги номувофиқлик шундаки, кодексда мансабдор шахснинг айби бўлган тақдирда зарарни қоплаш мажбурияти унинг зиммасига юкланиши, қонунда эса мансабдор шахснинг айби бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ИИО томонидан қопланиши белгиланганлигидир. Бундан ташқари, кодексга кўра, фақат суднинг қарори билан мансабдор шахсга зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш мумкин бўлса, қонунда эса ушбу қоида назарда тутилмаган. Шунингдек, қонунда зарар етказишда ходимнинг айби бор ёки йўқлиги масаласи қандай тартибда ҳал қилинишига ҳам тушунтириш берилмаганлиги амалиётда ИИО ходимига асоссиз тарзда деликт жавобгарликни юклаш ёки асоссиз тарзда регресс талаб қўйиш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни 46-моддаси 2-қисмида белгиланган қоидага кўра, ходимнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказган зарари ИИОнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши ва ушбу сумма кейинчалик айбдор шахсдан ундириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1001-моддаси 3-қисмида «... мансабдор шахслар томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан регресс ҳуқуқига эга» эканлиги белгиланган. Яъни ходимнинг айби суд томонидан аниқлангандагина ИИО ходимга регресс талаб қўйиши мумкин. Шунга

кўра, мазкур норма мазмунига «*ушбу сумма кейинчалик* ***суд томонидан айбдор деб топилган*** *шахсдан ундириб олинади*» деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ИИО иштирокидаги деликт муносабатларни тартибга солувчи оммавий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларини унификациялаш зарур. Бунда оммавий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларини аниқ чегаралаш, турлича шарҳланадиган ёки амалиётда қўлланилиши масаласида тушунтиришни талаб қиладиган нормаларни қонун хужжатларидан чиқариб ташлаш тақозо этилади.

Тадқиқот мавзуси билан боғлиқ муаммолардан яна бири, давлат органлари, шу жумладан ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарар билан боғлиқ низоларнинг ортиб бораётганлиги ҳамда бу зарарларни жабрланувчиларга ўз вақтида ва тўлиқ ундиришнинг аҳволи қониқарли даражада эмаслигидир. Масалан, 2019 йилнинг 12 ойи давомида 537 нафар мансабдор шахс томонидан, 2020 йилнинг 6 ойи давомида эса 459 нафар мансабдор шахс томонидан фуқаролар ва юридик шахсларга зарар етказиш ҳолати келиб чиққан. Шунингдек, 2020 йилнинг 6 ойи давомида юқоридаги субъектлар томонидан етказилган 172 млрд. 260 млн. сўм миқдордаги моддий зарарнинг 114 млрд. 267 млн. сўми ундирилган. Яъни жами етказилган зарарнинг 44 % турли сабабларга кўра жабрланувчиларга ундириб берилиши таъминланмаган [21]. Бу эса мазкур соҳадаги ишларимиз ҳали мукаммалликдан йироқ эканлигини ва камчиликлардан ҳоли эмаслигини англатади.

Ҳуқуқий давлатда давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари ва мансабдор шахсларининг ҳокимият ваколатлари билан боғлиқ фаолияти оқибатида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти давлат зиммасида бўлиши шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Шу ўринда Украинани мазкур соҳада пешқадам ривожланаётган ва етказилган зарарнинг ўз вақтида ва тўлиқ қоплашнинг оптимал вариантларини миллий қонунчилигига жорий этган давлатлардан бири сифатида эътироф этиш керак. Украина Гражданлик кодексининг 82-боби «Зарарни қоплаш» деб номланган ва унинг 1170, 1174-1177-моддаларида давлат ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш фаолияти оқибатида етказилган зарарнинг бирмунча кўпроқ рўйхати шаклланган. Украина Гражданлик кодексида, бошқа давлатлардан фарқли тарзда жиноий ҳуқуқбузарликдан жабрланган жисмоний шахснинг зарарини қоплаш (компенсация қилиш) тартиби ҳам (1177-м.) белгиланган. Энг асосийси эса, давлат ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш фаолияти оқибатида етказилган зарарлар Украинанинг давлат бюджетидан қопланиши белгиланганлигидир [22]. Албатта, ҳар бир давлатнинг фуқаролик қонун ҳужжатларида фуқароларга етказилган зарарни ўз вақтида ва тўлиқ қоплашнинг мақбул механизмларини тегишли тартибда белгилаш муҳим ҳисобланса-да, бунинг амалда ижросини таъминлаш алоҳида масаладир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакатда шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлаш тизими бўлиши керак. Давлат органлари, шунингдек ИИО ва мансабдор шахсларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш фаолиятида етказган зарарини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қоплаш мақсадида махсус бюджет жамғармасини ташкил этиш ҳам инсон ҳуқуқларининг тўлиқ кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик ҳуқуқида ИИО ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар билан боғлиқ муносабатлар оммавий ва хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган мураккаб фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Бу муносабатларда ИИО давлат органи ва юридик шахс (муассаса) мақомида иштирок этади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

– ИИОнинг давлат органи мақомида деликт муносабатдаги иштироки деганда, улар томонидан қонун билан юклатилган функция ва вазифаларини амалга ошириш жараёнида фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарар билан боғлиқ муносабатларни тушуниш керак. Бундай фаолият оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ҳам ИИОнинг бюджетдан ташқари маблағларига эмас, давлатнинг бюджет маблағларига қаратилиши лозим;

– ИИО ўз функция ва вазифаларини бажариш жараёнида оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктирилган мол-мулклардан фойдаланиш жараёнида ҳам фуқароларга ёки юридик шахсларга зарар етказиш ҳолатлари келиб чиқиши мумкин. Бундай фаолият оқибатида келиб чиққан зарар уларнинг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ эмас сифатидаги фаолияти шартномавий муносабатларда яққол сезилади. Шу сабабли, бундай муносабатлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ИИОнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши керак;

– ИИО иштирокидаги деликт муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари унификация қилиниши зарур. Ички ишлар органлари тизимидаги терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарларни давлат томонидан қоплаш тартибини аниқ белгиловчи норма бўлиши, зарар давлатнинг қайси маблағлари ҳисобидан қандай тартибда амалга оширилиши механизми аниқ белгиланиши лозим.

Фикримизча, давлат органлари, шу жумладан ИИО ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарларни қоплаш бўйича махсус давлат жамғармасини ташкил этиш етказилган зарарни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда қоплашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Leyland, Peter* / *Anthony, Gordon*, Administrative Law, Oxford University Press, 2013, p. 506. Retrieved August 28, 2020, from https://www.google.com/search?q=textbook+on+administrative+law+pdf&rlz=1C1GGRV_enUZ861UZ861&oq=Textbook+on+Administrative+Law&aqs=chrome.1.69i57j0i22i30j69i60l3.4467j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8

2. Galiya I. Chanysheva, Oleksandr S. Yunin, Nadiia V. Milovska, Roman V. Pozhodzhuk, Viktoriia V. Mazur, Civil Liability of Police Officers in Ukraine and Germany: Legal Aspects and Problematic Issues. Retrieved August 30, 2020, from https://www.abacademies.org/articles/civil-liability-of-police-officers-in-ukraine-and-germany-legal-aspects-and-problematic-issues-8564.html

3. *Şölen Külahçı.* Kuzey Kıbrıs Türk Cumhuriyeti Hukuku'nda idarenin haksız fiil Sorumluluğu. Ankara Barosu Dergisi. 2017/3. 245-261 s. (Administration in Tort Liability Turkish Republic of Northern Cyprus Law / Journal of Ankara Bar Association. 2017/3. P. 245-261). Retrieved August 28, 2020, from: https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/542084

4. *Ahmet BOZDAĞ.* Idare Hukukunda Idarenin Hizmet Kusuru ve Danıştay Uygulamasi. Türk İdare Dergisi. 2010. s. 33-48. (Service Fault of Administration in Administration Law. Turkish Administrative Journal. p. 33-48). Retrieved August 30, 2020, from http://www.tid.gov.tr/Makaleler/ahmet%20bozdag.pdf

5. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун). – Т.: Ўзбекистон,1978. – 48 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар / Масъул муҳаррирлар: М.Раҳмонқулов, И.Анортоев; 1 жилд. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 1997. – 504 б.

7. *Ҳамроқулов Б.М.* Маънавий зиённи қоплашда коллизион нормаларни қўллаш // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали, Журнал правовых исследований, Journal of Law Research, www.tadqiqot.uz, ISSN:2181-9130. – 2020. – № 3. – Б. 26-31.

8. Crown Proceedings Act 1947. Retrieved August 30, 2020, from https://www.legislation.gov.uk/ukpga/Geo6/10-11/44/contents

9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: Адолат, 2020. – 560 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 5 апрель Ф-5464-сон фармойиши [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/docs/4272621 (мурожаат вақти: 15.08.2020).

11. Türk Borçlar Kanunu. Retrieved August 28, 2020, from https://www.mevzuat.gov.tr/MevzuatMetin/1.5.6098.pdf

12. Гражданский кодекс Российской Федерации (ГК РФ). Retrieved August 28, 2020, from:http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/

13. Гражданский Кодекс Республики Казахстан. Retrieved August 28, 2020, from: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1006061#pos=21;-49

14. Гражданский кодекс Республики Беларусь. Retrieved August 28, 2020, from: https://xn----7sbakgchdukjdc8auvwj.xn--90ais/

15. Гражданский кодекс Азербайджанской Республики. Retrieved August 28, 2020, from: http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420111

16. *Кокорин И.С.* Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный применением физической силы, специальных средств и оружия сотрудниками органов внутренних дел: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – С. 190.

17. *Власов В.А.* Основание и условия гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный незаконными действиями правоохранительных органов: некоторые вопросы теории и практики // Вестник Сибирского юридического института МВД России. – № 3 (28). – 2017. – С. 22-26.

18. О*кюлов О.* Фуқаролик кодекси – кундалик турмушимиз ҳуқуқий негизи. Одиллик мезони журнали. – № 5. – 2020. – Б. 13-15.

19. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни. Retrieved August 28, 2020, from: https://www.lex.uz/acts/3027843

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2017 йил 24 апрель 235-сон қарори. https://lex.uz/docs/3183571

21. Мансабдор шахслар жиноятлари оқибатида жорий йилда 172 миллиард 260 миллион сўм зарар етказилган [Электрон манба] // URL: https://uza.uz/oz/society/mansabdor-shakhslar-zhinoyatlari-o-ibatida-zhoriy-yilda-172--15-07-2020. (мурожаат вақти: 20.07.2020).

22. Гражданский кодекс Украины от 16 января 2003 года № 435-IV *(с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.07.2020 г.)* https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30418568#pos=6961;-18

***В. Р. Топилдиев****

# ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ТАЪСИС ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида таъсис шартномаларининг тутган ўрнига илмий баҳо берилган ва уларни монотаъсис шартномалари, дуалистик таъсис шартномалари ҳамда дискрет таъсис шартномалари деб номлаш таклиф этилган. Шунингдек, цивилист олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хорижий мамлакатларнинг тажрибасини инобатга олган холда таъсис шартномасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: таъсис шартномаси, ташкилий шартнома, монотаъсис шартномалари, дуалистик таъсис шартномалари, дискрет таъсис шартномалари, акциядорлик жамияти, корпорация.

## МЕСТО УЧРЕДИТЕЛЬНЫХ ДОГОВОРОВ В СИСТЕМЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация.** В данной статье автор дал научную оценку учредительным договорам в системе организационных правоотношений и предложил называть их монотеистическими договорами, дуалистическими учредительными договрами и дискретными учредительными договорами. А также дано авторское определение учредительного договора с учетом взглядов и мнений ученых-цивилистов и опыта зарубежных стран.

**Ключевые слова:** учредительный договор, организационный договор, монотеистические договоры, дуалистические учредительные договоры, дискретные учредительные договоры, акционерное общество, корпорация.

## CONSTITUTIONAL AGREEMENTS IN THE SYSTEM OF ORGANIZATION AND LEGAL RELATIONS

**Annotation.** The author of the article gives a scientific assessment for the constituent agreements in the system of organizational legal relations and proposed to call them monotheistic treaties, dualistic constituent treaties and discrete constituent agreements. The author's definition of the constituent agreement is given taking into account the views and opinions of civil scientists and the experience of foreign countries as well.

**Keywords:** memorandum of association, organizational agreement, monotheistic treaties, dualistic memorandum of association, discrete memorandum of association, joint stock company, corporation.

Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида таъсис шартномаларининг тутган ўрни ва аҳамиятини таҳлил этиб, ўрганиш цивилистика фани олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига асосан «Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин».

****Топилдиев Вохиджон Рахимжонович**, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси профессори, юридик фанлар номзоди.*

Таъсис шартномаси тушунчаси турли муаллифлар томонидан турлича талқин этилади. Масалан, И.В.Елисеев таъсис шартномаси – бу юридик шахсни ташкил этиш ва фаолият юритиш жараёнида муассис (таъсисчи)лар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи консенсуал фуқаролик-ҳуқуқий шартномадир, деб таъриф беради [1]. Унинг фикрича, таъсис шартномасига оддий ширкат (биргаликдаги фаолият шартномаси) нинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин. Н.В.Козлова эса таъсис шартномаси – бу шартномаларнинг алоҳида тури деб баҳолайди [2]. П.Е.Суханов гарчи таъсис шартномасига ўзига хос таъриф беришга уринмаса ҳам, бироқ таъсис шартномаси моҳияти ва юридик табиати тўғрисида Н.В.Козлова фикрларига қўшилишини сезиш мумкин.

Агар таъсис шартномаси моҳиятига назар ташласак, у ҳолда ушбу шартнома биргаликдаги фаолият юритиш шартномасининг ўзига хос тури эканлиги намоён бўлади. Умуман, ушбу шартноманинг амал қилиш муддати юридик шахснинг вужудга келиши, унинг рўйхатдан ўтиши, фаолият юритиши билан боғлиққа ўхшаб туюлади. Аслида эса бундай эмас, адабиётларда ҳақли равишда қайд этилганидек, ушбу шартнома тузилган заҳоти юридик кучга эга бўлади, тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради ва тарафлар уни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни содир этадилар[3]. Аммо ушбу ўринда кишини чалғитадиган ҳолат ҳам мавжуд: таъсис шартномаси таъсис ҳужжатларидан бири сифатида юридик шахсни рўйхатга олиш учун ваколатли давлат идорасига топширилганда, у нотариал гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Ушбу талаб Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 20 август 357-сон қарорига 1-илова бўлган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-бандида белгилаб қўйилган [4]. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси тақдим этилиши лозим. Ушбу низомнинг 8-бандида кўрсатилишича, масъулияти чекланган жамият қўшимча масъулиятли жамиятлар учун таъсис шартномаси ва устав тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса фақат таъсис шартномаси тадбиркорлик субъекти (юридик шахс) томонидан рўйхатга ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжати ҳисобланади. Бундай нотариал гувоҳлантириш аслини олганда, таъсис шартномасининг ҳақиқий ҳисобланиши учун жиддий таъсир кўрсатмайди. Муассислар таъсис шартномаси тузилганидан кейин, уни нотариал гувоҳлантирмасдан олдин ушбу шартномани амалга ошириш бўйича камида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш лозим:

муассислар умумий йиғилишини ўтказиш;

юридик шахсни рўйхатга олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш;

рўйхатга олиш учун зарур молиявий сарф-харажатларда иштирок этиш;

юридик шахснинг устав фондини шакллантириш бўйича сарф-харажатларда иштирок этиш.

Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш орқали тарафлар таъсис шартномасининг шартларини бажаришга киришадилар. Демак, таъсис шартномасининг шакли оддий ёзма бўлиши кифоя эканлиги ушбу ҳолатдан келиб чиқади. Бироқ шартнома шартларини амалга ошириш, шартнома амал қилишининг кейинги босқичларида ушбу оддий шаклнинг ўзгармай қолиши шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига, унинг бекор бўлишига тўлиқ равишда асос бўлади, дея айтиш мумкин. Бошқача айтганда, юридик шахсни рўйхатга олувчи давлат идораси оддий ёзма шаклдаги таъсис шартномасини қабул қилишга ҳақли эмас ва тарафлар ушбу таъсис шартномасини нотариал гувоҳлантиришга мажбурдирлар. Акс ҳолда, гарчи таъсис шартномасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлмаса ҳам, амалда таъсис шартномасининг амал қилиши тўхтайди. Демак, таъсис шартномаларининг шакли оддий ёзма бўлиши кифоя деган фикр-мулоҳаза баҳсли характерга эга. Таъсис шартномалари шакли шартноманинг амал қилиш босқичларига қараб икки хил бўлади:

а) биринчи босқич, юридик шахсни вужудга келишига тайёргарлик босқичи. Бунда оддий ёзма шакл кифоя қилади;

б) иккинчи босқич, юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини ташкил этиш босқичлари. Ушбу босқичларда юридик шахсни таъсис этиш шартномаси гувоҳлантирилган бўлиши лозим.

Таъсис шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт, деган масала ҳам ўзига хос тарзда мунозарали ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда таъсис шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида бевосита кўрсатма мавжуд эмас. Аксинча, таъсис шартномаси асосида ташкил этиладиган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида сўз боради. Умуман, таъсис шартномасининг амалда бўлишининг ушбу хусусиятлари таъсис шартномаси функцияларига ҳам таъсир этиши тўғрисида адабиётларда сўз боради. Таъсис шартномаси унинг иштирокчиларини юридик шахс ташкил этиш, унинг устав капиталини шакллантириш, унинг бир қисмини юридик шахс рўйхатдан ўтгунига қадар тўлаш бўйича мажбуриятларини белгилайди. Демак, юридик шахсни рўйхатдан ўтгунига қадар муассисларни биргаликдаги фаолиятига тааллуқли шартлари таъсис шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради. Ушбу босқичда таъсис шартномаси унинг иштирокчилари ўртасида мажбурият муносабатларини вужудга келтиради. Бинобарин, таъсис шартномаси муассисларни юридик шахс ташкил этиш бўйича мажбуриятларини тартибга солиш функциясини амалга оширади. Таъсис шартномаси шартлари ижро этилиб, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахс ва таъсис шартномаси муассислари ўртасида, шунингдек, иштирокчиларнинг ўзлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини вужудга келтиради. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи нисбий ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ташкил этади, демак, мажбурият муносабатлари бўлиб ҳисобланмайди. Бошқача айтганда, ушбу нисбий ҳуқуқий муносабатлар корпоратив муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Худди шу сабабли ҳам юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгандан кейин корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш таъсис шартномасининг функцияси бўлиб ҳисобланади. Масалан, масъулияти чекланган жамият ташкил этиш бўйича таъсис шартномасида жамият фаолиятининг предмети ва мақсадлари белгилаб қўйилади. Умуман, таъсис шартномасининг барча муҳим шартлари у ёки бу даражада юридик шахснинг ҳуқуқий мақомига тўла тааллуқлидир. Шубҳасиз, у корпоратив ҳуқуқий муносабатлар доирасига киради. Н.С.Суворовнинг фикрича, таъсис шартномасининг корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш функцияси ушбу муносабатлар рўй берадиган ҳуқуқий алоқаларда ўзининг яққол ифодасини топади. Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар мураккаб тартибли тузилма бўлиб, у қуйидаги элементлардан ташкил топади:

корпорация (юридик шахс) билан унинг алоҳида иштирокчилари (муассислари) ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар;

корпорация (юридик шахс)нинг алоҳида иштирокчилари (муассислар) ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар.

Ушбу алоқаларда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳам мулкий, ҳам номулкий ҳуқуқ соҳиблари бўлиб ҳисобланадилар [5].

Айтиш жоизки, таъсис шартномаси иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган корпоратив алоқалар замирида юридик шахс (корпорация) билан боғлиқ муносабатлар, корпорацияни бошқариш муносабатлари ётади. Албатта, корпоратив бошқарув ва оддий корпоратив муносабатлар мамлакатимиз цивилистика фани учун нисбатан янги ижтимоий ҳодисадир. У бугунги кунда иқтисодчилар, файласуфлар, социологлар, сиёсатшунослар, молия мутахассислари томонидан жиддий ўрганилмоқда ва таҳлил этилмоқда. Улар томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни асло камситмаган ҳолда, шуни эътироф этиш лозимки, корпоратив муносабатлар ўз характерига кўра ҳуқуқий муносабатлардир ва ушбу муносабатлар моҳияти ва мазмунига кўра фақат ҳуқуқий тадқиқотлардагина очиб берилиши мумкин. Таъсис шартномаси ва корпоратив муносабатлар масаласига сўнгги вақтларда тадқиқотчилар алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, проф. Г.Полковников шундай ёзади:

«Акционерлик жамиятларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ равишда жиддий муаммолар вужудга келмоқда, бунинг сабаби акциядорлик ҳуқуқининг баҳсли нуқталаридан бири бўлиб акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасининг ҳуқуқий хусусиятлари ва табиати ҳозирча етарли даражада ўрганилган эмас» [6]. Ушбу шартноманинг ҳуқуқий табиати қандай? Ўз моҳиятига кўра, у биргаликдаги фаолият шартномасидир, фарқи шундаки, бунда ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиси тадбиркор бўлиши шарт эмас, шунингдек, биргаликдаги фаолият шартномасида иштирокчиларнинг ҳиссаси, жавобгарлиги белгиланган бўлса, таъсис шартномасида иштирокчиларнинг солидар жавобгарлиги белгиланади. Бироқ иштирок¬чиларнинг солидар жавобгарлиги Акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар белгиланади. Айни вақтда жамият муассислари Акционерлик жамияти рўйхатга ўтгунча тузган битимларни маъқуллаши мумкин, бундай ҳолда жавобгарлик Акционерлик жамиятининг ўзига юклатилади.

Бошқача айтганда, муассислар тузган битимлар бўйича қарздор бўлиб Акционерлик жамиятининг ўзи ҳисобланади. Ушбу ҳолат Россия қонунчилиги бўйичадир. Буюк Британияда эса муассисларнинг Акционерлик жамияти олдида жавобгарлигини, шунингдек, улар томонидан тузилган битимларни компания томонидан маъқулланишининг тартиби белгиланган. Бу эса қуйидагиларни назарда тутади: компания инкорпорация бўлишидан олдин, муассислар ўртасида тузилган битимлар учун компания маъсул эмас. Ушбу битимлар учун фақат битим тузган шахсларгина жавоб берадилар. Шундай қилиб, муассислар ўзлари тузган битимлар учун, нафақат фуқаролик-ҳуқуқий, балки жиноят-ҳуқуқий тартибда ҳам шахсан жавобгар бўладилар. Мабодо компания муассислар томонидан тузилган битимлар, контрактлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмоқчи бўлса, у ҳолда у ўз номидан янгидан шартнома тузиши лозим. Агар ҳатто муассислар тузилажак компания манфатини кўзлаб, битим тузган бўлсалар ва ушбу битим натижасида компания фойда, даромад олган бўлса ҳам компания зиммасига ушбу битим бўйича мажбурият юкланмайди. Агар компания манфаати учун битим тузилган ва компания келажакда ушбу битим бўйича тараф бўлиши назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда келишув лойиҳаси тузилади ва унда компания тараф сифатида кўрсатилади. Компания инкорпорация қилингач (расмийлаштирилгач), тегишли ички тартиб-қоидалар асосида шартнома расмийлаштирилади. Акционерлик жамияти бўйича таъсис шартномасининг ўрни ва аҳамияти доимий ва барқарор бўлмаганлигини ҳам қайд этмоқ лозим. Масалан, Россияда акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Вазирлар Кенгаши қарорида Устав билан бирга акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома таъсис ҳужжати бўлиб ҳисобланиши белгилаб қўйилган эди. Кейинчалик эса бундай норма бекор қилиниб, таъсис шартномаси акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгунига қадар амал қилиши белгиланди. Бундай тартибни деярли барча МДҲ мамлакатларида кузатиш мумкин. Шу муносабат билан, ривожланган давлатлар тажрибасида қандай тартиб белгилангани диққатга сазовордир. Масалан, акционерлик жамиятида икки хил таъсис ҳужжати мавжуд: бу¬ компания ташқи алоқаларини тартибга солувчи меморандум ва ички муносабатларни тартибга солувчи регламент ҳисобланади. Баъзан эса уларни икки қисмдан иборат ягона ҳужжат тарзида ҳам қабул қиладилар. Акционерлик жамиятида меморандум ўрнига устав қабул қилинади, шунингдек, корпорациянинг регламенти ҳам мавжуд бўлади.

Европа мамлакатлари учун ягона таъсис ҳужжати акционерлик жамияти устави талаб этилади. Таъсис шартномасининг функцияларини чуқур англаб етиш учун таъсис шартномаларини амал қилиш жараёнида уларнинг ҳуқуқий муносабатларга таъсир кўрсатиш механизмини таҳлил этиш талаб этилади. Ҳозирча таъсис шартномаси юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгунига қадар ва давлат рўйхатидан ўтганидан кейин ҳуқуқий тартибга солиш, таъсир кўрсатиш хусусиятлари фарқи барча мутахассислар томонидан қайд этилади. Агар дастлабки босқичда таъсис шартномаси таъсисчи муассислар ўртасида муносабатларни тартибга солувчи ягона ҳуқуқий манба бўлса, кейинги босқичда таъсис шартномасининг юридик таъсир кучи қирқилади, чунки юридик шахс рўйхатдан ўтганидан кейин унинг устави амал қила бошлайди. Устав юридик шахс фаолиятини ҳуқуқий тартибга

солишда асосий манба бўлиши билан бирга иштирокчилар (муассислар) ўртасидаги муносабатларнинг бир қисмини ҳам тартибга солади. Демак, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин таъсис шартномаси иккинчи планга тушиб қолади (таъсис шартномаси асосий таъсис ҳужжати бўлган тўлиқ ва коммандит ширкатлар бундан мустасно). Ҳатто баъзи ҳолатларда таъсис шартномаси деярли ўз аҳамиятини йўқотади. Масалан, таниқли цивилист олим Е.Суханов акциядорлик жамиятлари бўйича таъсис шартномасининг аҳамиятини тадқиқ этганда, куйинчаклик билан акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтиб, унинг устави юридик кучга киргач акциядорлик жамияти ҳаётини тартибга солувчи асосий таъсис ҳужжати бўлиб қолади. Яна бунинг устига акционерлик жамияти акциялари реализация қилингандан кейин акциядорлар вужудга келади ва улар акционерлик жамиятини бошқаришда асосий субъект бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, бундай шароитда на таъсис шартномасига ва на муассисларга ҳожат қолмайди. Уларнинг мавжудлиги акциядорлар билан муассислар ўртасида ортиқча келишмовчиликларнигина келтириб чиқариш мумкин, холос. Шундай экан, акционерлик жамияти таъсис ҳужатлари тизимидан таъсис шартномасини чиқариб ташлаш керак, деган фикрни билдирган эди. Тадқиқотчи Ж.Йўлдошев ҳам таъсис шартномасини акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгунига қадар амал қилиши лозим, кейин эса, у юридик кучини йўқотиши мақсадга мувофиқ деган фикр-мулоҳазани илгари суради [7].

Ҳақиқатан ҳам, акционерлик жамияти бошқарувининг асосий субъекти бўлиб акциядорлар ҳисобланади. Акционерлик жамиятининг муассислари ушбу ҳолатда ортиқча субъектга айланадилар. Бу ҳолат акциядорлик жамияти тўлиқ вужудга келиб, ўз фаолиятини йўлга қўйгандан бошлаб вужудга келади. Акционерлик жамияти, давлат рўйхатидан ўтгач, барча акция пакетлари (аниқроғи, акционерлик жамияти ташкил топган деб ҳисоблаш зарур бўлган реализация қилинган акциялар миқдори – 50 минг АҚШ долларига тенг қийматдаги акциялар) реализация қилинмагунича акционерлик жамиятини барқарор ва доимий субъект деб ҳисоблаш учун қатъий ишонч бўлмайди. Маълумки, акцияларнинг фонд биржасида тўлиқ реализация қилинмаслиги эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Агар фонд биржасида акцияларга талаб бўлмаса ва у бир йил давомида реализация қилинмаса, у ҳолда муассислар зиммасига акцияларни мажбурий сотиб олиш ёки акционерлик жамиятини бекор қилиш тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, табиийки, таъсис шартномаси ва муассисларнинг мавқеи биринчи планга кўтарилади. Бошқача айтганда, таъсисчилар юридик шахснинг мавжудлигини сақлаб қолиш ёки уни тугатиш масаласи бўйича барча масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Таъсисчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам таъсис шартномаси орқали тартибга солиниши давом этади. Бинобарин, таъсис шартномаси ўзининг юридик кучини сақлаб қолади.

Демак, таъсис шартномалари акциядорлик жамияти ташкил топгандан кейин ўз кучини йўқотиши лозим деган фикрлар воқеликка мутлақо мос эмас ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаш мумкин.

Фикримизча, акционерлик жамияти бўйича таъсис шартнома¬лари-дан воз кечиш унчалик тўғри эмас. Гарчи кўпчилик ҳолатларда акционерлик жамияти тўла оёққа туриб, нормал фаолият юритган тақдирда таъсис шартномасига деярли мурожаат қилишмаса, умумий нормал ҳолатдан истисноли ҳолларда таъсис шартномаси ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, акционерлик жамияти учун таъсис шартномасининг алоҳида тури амал қилади.

Таъсис шартномасининг асосий тури – бу тўлиқ ширкат ва коммандит ширкатларнинг таъсис шартномаси бўлиб ҳисобланади. Бундай таъсис шартномаси юридик шахс учун асосий ва ягона таъсис ҳужжатидир. Бундай турдаги юридик шахслар учун устав (низом) мавжуд эмаслиги уларнинг моҳияти билан белгиланади. Бошқача айтганда, бунда юридик шахснинг фаолияти унинг иштирокчиларининг биргаликдаги фаолияти билан айнан мосдир. Хўжалик ширкатлари тўғрисидаги қонунда ширкатнинг алоҳида бошқарув органи

бўлиши тўғрисида норма назарда тутилмаган. Ушбу ҳолат ҳам таъсис шартномаси хўжалик ширкатларида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Таъсис шартномасининг яна бир тури – бу таъсис шартномаси юридик шахс устави билан параллел равишда амалда бўладиган таъсис шартномаларидир. Унга масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, қўшма корхоналар таъсис шартномалари киради. Ва ниҳоят, таъсис шартномалари тизимида юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда деярли қатнашмайдиган таъсис шартномалари мавжудлиги тўғрисида юқорида айтилган фикрларни яна бир бор эслатиб ўтмоқ лозим. Демак, тижорат юридик шахсларининг таъсис ҳужжатлари тизимида уч турдаги таъсис шартномалари мавжуд деб ҳисоблаш мумкин. Уларни ўз хусусият-ларига кўра шартли равишда қуйидагича номлаш мумкин:

а) таъсис ҳужжати сифатида таъсис шартномаси ягона бўлган монотаъсис шартномалари;

б) таъсис шартномаси ва устав параллел амалда бўладиган «тенг кучли таъсис шартномалари»;

в) амалий ҳуқуқий тартибга солиш чекланган «дискрет» таъсис шартномалари.

Таъсис шартномаларини бундай туркумлаш учун, юқорида кўрсатилганидек, уларнинг юридик таъсир кучи асос бўлади. Аммо бу ҳолат қонун нормаларида ўз ифодасини топмаган. Бу эса таъсис шартномаларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга имкон бермайди. Шу сабабли қонун ҳужжатларини такомиллаш-тиришда ушбу ҳолатни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, тижоратчи юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари тизимида уч турдаги таъсис шартномалари мавжуд деб ҳисоблаб, уларнинг ўз хусусиятларига кўра шартли равишда монотаъсис шартномалари, дуалистик таъсис шартномалари ва дискрет таъсис шартномалари деб номлаш мумкин;

иккинчидан, ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъсис шартномаларига берилган илмий таърифлар ҳамда амалдаги норматив ҳужжатларга асосланган ҳолда таъсис шартномасига қуйидаги илмий таъриф бериш таклиф этилади: таъсис шартномаси – муассислар томонидан тижорат, нотижорат юридик шахсни ёхуд юридик шахслар уюшмасини тузиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, устав фондини шакллантириш, фаолиятни ташкил этиш ва уни бошқаришда қатнашиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномадир;

учинчидан, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида ташкилий шартномалар алоҳида ўрин эгаллайди ва улар таркибига оддий ширкат шартномаси, дастлабки шартномалар, ташишни ташкил этишга қаратилган шартномалар, мажбурий тартибда тузиладиган шартнома-лар, таъсис шартномалари ва бошқалар киради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Гражданское право. Ч.1. – М.: Проспект, 1996. – С.126–127.

2. Козлова Н.В. Учредительный договор о создании коммерческих обществ и товариществ. – М., 1994. – С.52.

3. Гражданское право. – Т., №2. – С.333.

4. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. – 2003. – №11.

5. Суворов Н.С. О юридических лицах по Римскому праву. – М., 1990. – С.100–102.

6. Полковников Г.В. Актуальные проблемы Российского корпоратив¬ного право.-htt// www. auditoriu. pu/books/ 700/ Polkovnikov/ htte.

7. Йўлдошев Ж. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. – Т., 2004. – Б.95.

*Д. Р. Тураева**

# ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МУҚОБИЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

**Аннотация.** Мақолада одил судловни амалга оширишда медиация институтини жорий қилишнинг зарурати, жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинишини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш жиноят процессининг долзарб масалаларига қаратилган йўналишлар, таклифлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқни тикловчи одил судлов, медиация, ярашув, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш.

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АЛЬТЕРНАТИВНЫХ СПОСОБОВ В РЕАЛИЗАЦИИ ПРАВОСУДИЯ

**Аннотация.** В статье анализируется необходимость введения института медиации в защиту прав и интересов потерпевших в уголовном процессе, правовых гарантий восстановления нарушенных прав потерпевших, совершенствования защиты их прав и интересов в соответствии с международными стандартами и передовой международной практикой, имплементации международных норм прав человека в национальное законодательство, комплексного анализа и устранения проблем взаимодействия с международными и региональными органами надзора за соблюдением прав человека, а также приводятся предложения и рекомендации по актуальным вопросам уголовного производства.

**Ключевые слова:** восстановительное правосудие, медиация, примирение, возмещение ущерба, причиненного преступлением.

## FOREIGN EXPERIENCE IN USING ALTERNATIVE WAYS IN IMPLEMENTATION OF JUSTICE

**Annotation.** The article analyzes the need to introduce the institution of mediation in protecting the rights and interests of victims in criminal proceedings, legal guarantees for the restoration of violated rights of victims, improving the protection of their rights and interests in accordance with international standards and best international practice, and the implementation of international human rights norms into national legislation. , a comprehensive analysis and elimination of problems of interaction with international and regional bodies overseeing the observance of human rights, as well as suggestions and recommendations on topical issues of criminal proceedings.

**Key words:** restorative justice, mediation, reconciliation, compensation for damage caused by a crime.

Бугун шахс ҳуқуқларини янада кафолатлаш, уларни ҳар хил тажовузлардан ҳимоялаш масалалари давлат дастурлари, сиёсатнинг устувор йўналишлари

***Тураева Дилноза Рустамбоевна,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

даражасида ҳал этилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноят ишларини юритишнинг анъанавий шаклларидан воз кечилиб, иш юритишни дифференциялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, жиноят судлов ишларининг халқчиллик қоидаларини назарда тутувчи айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув ва ҳамкорлик асосида қурилган медиация тартибини жорий этиш, тарафларнинг ярашуви жиноят судлов ишларини юритишнинг либераллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ–4754-сон қарори[1] асосида Ўзбекистонда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, шу билан бирга, ушбу соҳада ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар, тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари хорижий давлатлар жиноят-процессуал ҳуқуқида тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Ушбу ҳолат ҳуқуқни тикловчи одил судловда жиноят содир этилиши оқибатида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш, жабрланувчига етказилган зарарни тўла қоплаб бериш механизми орқали унинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга бирламчи эътибор қаратилиши билан изоҳланади.

Жабрланувчига етказилган зарарни максимал даражада қоплаш ва жиноий-ҳуқуқий низо оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган замонавий жиноят процессуал ҳуқуқи муқобил яраштирувчи чораларнинг имкониятларини инобатга олиши лозим. Хусусан, ҳуқуқни тикловчи одил судлов чоралари жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш масалаларини ҳал қилиш, ижтимоий адолат ва жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда юқори самарага эга[2].

Жабрланувчиларга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судловнинг айрим хорижий давлатлар жиноят-процессуал ҳуқуқида қўллашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил этилган. Жумладан, АҚШда жиноят ишларида ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари, шунингдек унинг медиация ва ярашув институти каби шакллари мавжуд. АҚШ Жиноят-процессуал ҳуқуқида айнан жабрланувчига жиноятдан кўрган зарарни тўла қопланиши ва уни жиноятдан аввалги ҳолатига келтириш ғоясига бирламчи аҳамият берилади. АҚШда ҳуқуқни тикловчи одил судлов асосий дастур сифатида низоларни ҳал этишнинг муқобил воситалари сирасига кирувчи жиноятчи ва жабрланувчи ўртасида медиация механизмидан фаол фойдаланилади. Бу мамлакатда медиация айблов эълон қилингунга қадар айблов эълон қилингандан сўнг ва суд муҳокамаси босқичида қўлланилиши мумкин. У ерда медиация институтини қўллашнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – бу унинг нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлигида намоён бўлади[3].

Юқорида келтирилган асосларга кўра, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик нормаларида оғир жиноятлар содир этилганда ҳам ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари бўлган мажбурлов чоралари, ярашув институтини қўллаган ҳолда шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш мумкинлиги белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмларидан самарали фойдаланувчи Англия давлати тажрибасини таҳлил этадиган бўлсак, Англия ҳуқуқни тикловчи одил судловида «огоҳлантириш» механизми кенг қўлланилади. Жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи ушбу муқобил шаклни бошқа хорижий давлатлар амалиётида мавжуд эмас.

Огоҳлантириш ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатга эга бўлмасдан, бу тоифа ишларда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб бериш талаб этилмайди. Моҳиятан ушбу институт Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мавжуд кам аҳамиятли қилмишлар сифатида баҳоланиши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖК 36-моддасига кўра, гарчи Жиноят кодексида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди. Яъни кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади.

Медиация Англия давлатида суд медиацияси ва полиция медиация каби икки турга бўлинади. Суд медиацияси барча турдаги жиноят ишлари бўйича жиноят иши қўзғатилгандан иш бўйича якуний қарор чиқарилгунга қадар исталган босқичда қўлланилиши мумкин. Демак, Англия давлатида ҳам ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмларини қўллаш муайян турдаги жиноят турлари билан чекланмаган (масалан, фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича қўлланиши мумкинлиги). Яъни Англияда ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмларидан оғир ва ҳатто ўта оғир жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Фикримизча, шахс томонидан содир этилган жиноят тури уни ахлоқан тузатиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида хулоса бера олмайди. Ҳатто ўта оғир жиноятни содир этган шахсни ҳам жазо чораларини қўлламаган ҳолда, ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари орқали ахлоқан тузатиш мумкинлиги истисно этилмайди. Бунга баҳо бериш учун эса тергов ва суд босқичида шахсни жазо тайинламасдан, ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари орқали жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиб, ахлоқан тузатиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тегишли суд экспертизасини тайинлаб, унинг хулосасига кўра ҳақиқатга яқинроқ жавоб ечимга эришиш мумкин бўлади.

Англия давлатида суд муҳокамаси жараёнида жиноят содир этган шахс томонидан зарар қопланган тақдирда, медиация шартномаси имзоланади ва бу гумон қилинувчига (айбланувчи, судланувчи) нисбатан жазо тайинлашда инобатга олинади. Бундан келиб чиқадики, Англияда медиация институти нафақат жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш механизми сифатида, балки айбланувчи, судланувчига тайинланиши лозим бўлган жиноий жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳам баҳоланади. Фикримизча, жиноят содир этган шахс содир этган қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини тушуниб етган ҳамда ўз айбини бўйнига олиб, жабрланувчига етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаб берган ва бу орқали бузилган ижтимоий муносабатларни, жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклаган, бир сўз билан айтганда, содир этилган жиноятнинг салбий оқибатларини бартараф этган экан, мазкур ишни судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлигини англатади ва шунга кўра жиноий жавобгарлик ҳамда жазодан озод қилиниши лозим бўлди. Зеро, жазодан кўзланган асосий мақсад бу шахсни ахлоқан тузатиш ҳамда жамиятнинг бошқа субъектлари томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш ҳисобланади. Кўрсатилган ҳолатда эса шахс ахлоқан тузалган бўлиб, унга нисбатан жазо чорасини қўллашга зарурат йўқ, деб ўйлаймиз.

Франция давлатида мавжуд ҳуқуқни тикловчи одил судлов шаклларига доир қонун нормалари таҳлили шуни кўрсатадики, Франция Жиноят-процессуал кодекси-

да, воситачилик («reparation») алоҳида кўрсатилган. Бу ерда, айниқса, давлат прокурорининг ташаббуси билан воситачилик тартибини ўтказиш билан боғлиқ тизим кенг қўлланилади. Унга мувофиқ, прокурор ўз ваколати доирасида ишни воситачилик дастурига юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли[4].

Прокурор жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс, шунингдек жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни таклиф этади. Прокурор томонидан қўйилган шартлар унинг ёзма қарорида кўрсатилади. Жиноят содир этган шахс прокурор томонидан қўйилган шартларни қабул қилмаган ёки уларни бажармаган тақдирда прокурор жиноят ишини қўзғатишга ҳақли.

Жиноят содир этган шахс прокурор томонидан қўйилган шартларни бажаришга рози бўлса, прокурор иш ҳужжатларини келишувни тасдиқлаш учун судга юборади. Иш ҳужжатларини кўриб чиққандан сўнг, суд келишувни тасдиқлаш ёки уни тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Суднинг ушбу қарори якуний бўлиб, шикоят қилинмайди. Суд келишувни тасдиқлаган тақдирда прокурор келишув ижро этилишини ташкил этиш билан шуғулланувчи ваколатли шахсни тайинлайди ва жиноят содир этган шахс томонидан прокурор қарорида кўрсатилган шартлар бажарилишини назорат қилади. Келишув шартларининг тўла бажарилиши ушбу шахсга нисбатан жиноят иши тугатилишига сабаб бўлади, шартларнинг бажарилмаганлиги эса умумий асосларда жиноят иши қўзғатилишига асос бўлади. Фикримизча, Франция давлатида мавжуд жиноий кўрсатма институтидан жиноят содир этган шахсга жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб бериш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мажбуриятлар юкланганда фойдаланиш юқори самарага эга бўлади.

Германия қонунчилигига кўра, ҳуқуқни тикловчи одил судловнинг кенг қўлланиладиган шаклларидан бўлган ярашув институтининг ўзига хослиги шундаки, ярашувни қўллаш учун жабрланувчининг розилиги мажбурий элемент сифатида кўзда тутилмаган. Нисбатан кейинроқ киритилган ушбу қоида жабрланувчи билан ярашув ҳамда етказилган зарарни қопланиши давлатнинг жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси сифатида тушунилишини кўзда тутади ҳамда уни қўллаш фақатгина жабрланувчи иродаси билан боғлаб қўйилмайди. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи жабрланувчи манфаатларини ҳам хизмат юзасидан текширишлари ва у асосли бўлса, зарур ҳажмда зарар қопланишини таъминлашлари лозим

Германия Федератив Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги жабрланувчи билан ярашувни жиноят процессининг қайси босқичида амалга оширилишига қараб ҳуқуқий оқибатлари турлича бўлишини кўзда тутади. Прокуратура ва суд жиноят процессининг ҳар бир босқичида жабрланувчи билан ярашувни қўллаш имкониятини текшириб кўришлари, зарур ҳолларда эса башарти бу жабрланувчининг яққол ифодаланган иродасига қарши бўлмаса, ярашувга эришиш мақсадида процесс иштирокчиларига таъсир қилишлари лозим. Германияда мавжуд қайд этилган «ярашувга эришиш мақсадида процесс иштирокчиларига таъсир қилиш» механизмини мажбурлов чораси сифатида баҳоламаслик лозим. Зеро, ушбу механизмдан кўзланган бирламчи мақсад, аввало, жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя қилишдан иборат. Шунингдек, жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўзаро муносабатларига таъсир қилиш орқали уларнинг ярашувига эришишдан кўзланган яна бир асосий мақсад бу вояга етмаган жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши ва ижтимоий интеграциялашувига қисқа вақт ичида эришиш ва бу орқали келгусида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишдан иборат. Бироқ республикамизда мавжуд амалиётда айрим ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 661-моддаси доирасига тушувчи ишлар бўйича, жиноят содир этган шахс ва жабрланувчига иш бўйича ярашув институти қўлланиши мумкинлигини тушунтирмайди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасини

қуйидаги таҳрирдаги 4-қисм билан тўлдириш таклиф этилади: «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича, томонларга ярашув ҳуқуқи тушунтирилгандан сўнг ярашув қўлланилишига эътироз билдирилса, ушбу томон яраштириш институтининг моҳияти тушунтирилганлиги ва ярашув қўлланилишига рози эмаслиги хусусида ёзма баёнот бериши лозим. Ушбу баёнот тергов органи ва суд томонидан жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйилади.» Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил сулов шаклларидан Қозоғистон Республикасида самарали фойдаланиб келинмоқда[5]. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 391-моддасининг 5-қисмига кўра суд процесс иштирокчиларига ярашув ҳуқуқини, шу жумладан медиация тартибида ярашиш ҳуқуқини тушунтириши шарт. Процесс иштирокчиларининг ярашув тўғрисидаги аризаси ёки низони медиация тартибига солинганлиги тўғрисидаги келишув жиноят ишини тугатишга асос бўлади. Қозоғистон Республикасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан медиация институти кенг қўлланилади. Медиация жараёнини амалга ошириш асослари, тартиби, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ҳажми Қозоғистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ва 2011 йил 28 январдаги «Медиация тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Медиация жараёни жиноят процессининг исталган босқичида жиноят ҳақида ариза берилганидан ҳукм қонуний кучга киргунга қадар қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмларини амалиётга кенг жорий этиш ва тегишли қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда юқорида таҳлил этилган айрим Ғарбий Европа, АҚШ, Англия, Германия, Франция ва МДҲ давлатларининг мавжуд амалиёт ва ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Зеро, ушбу давлатлар тажрибасига таянган ҳолда миллий қонун нормаларини такомиллаштириш жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш, жиноят содир этилиши оқибатида бузилган ижтимоий муносабатлар ва жабрланувчининг поймол этилган ҳуқуқларини тиклаш, жиноят содир этган шахснинг жазо қўлламасдан, муқобил чоралар орқали ахлоқан тузатиш ва унинг ижтимоий реинтеграциялашувига кўмаклашишга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. https://lex.uz/docs/4859436

2. *Синенко С.А.* Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего в уголовном судопроизводстве: теоретические, законодательные и правоприменительные проблемы: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2014. – С. 418.

3. *Василенко А.С.* Медиация в уголовном процессе США // Вестник Пермского университета. Юридические науки. – Вып.2 (16). – М., 2012. – С.202–207.

4. *Герблюк А.В* Зарубежный опыт применения процедуры медиации // Научно-образовательный журнал для студентов и преподавателей https://article/n/zarubezhnyy-opyt-primeneniya-protsedury-mediatsii/viewer

5. *Мицкая Е.В.* Медиация в уголовном процессе Республики Казахстан // Науч.ежегодник Ин-та философии и права. Вып.3. – М., 2018. – С. 103–121.

*У. Э. Расулев**
*К. К. Баратов***

# ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ҲАМДА ҲАМКОРЛИК

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш йўналиши бўйича ўзгаришлар келтирилган бўлиб, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий тажрибалар, тизимга киритилаётган инновацион технологиялар, ҳамкорлик масалалари, тизимни такомиллаштиришнинг устувор вазифалари хусусида мулоҳазалар юритилган.

**Таянч тушунчалар:** жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий тажриба, инновацион технологиялар, ҳамкорлик.

# ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО ОХРАНЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА И ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ

**Аннотация.** В статье проанализированы нормативно-правовые акты, зарубежный опыт, вопросы взаимодействия и внедрения инновационных технологий, а также приоритетные задачи по совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере охраны общественного порядка и обеспечения безопасности.

**Ключевые слова:** охрана общественного порядка и обеспечение безопасности, нормативно-правовые акты, зарубежный опыт, инновационные технологии, взаимодействие.

# THE MAIN TASKS OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS IN PUBLIC ORDER AND SECURITY PROTECTION: FOREIGN EXPERIENCE AND INTERACTION

**Annotation.** The article analyzes and highlights innovations, regulatory legal acts, foreign experience, issues of interaction and implementation of innovative technologies, as well as priority tasks of improving the system in the field of ensuring public order and security by internal affairs bodies.

**Keywords:** ensuring public order and security, regulatory legal acts, foreign experience, innovative technologies, interaction.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятида долзарб вазифа бўлиб, куч ва воситаларни жамоат жойларига йўналтириш, бошқариш, кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш, соҳага илғор тажриба ва иш усулларини жорий этиш ҳамда бу орқали фуқароларнинг ишончини қозониш ушбу соҳадаги устувор масалалардан бири ҳисобланади[1].

Шу ўринда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш деган сўзга қисқача таъриф бериш ўринлидир.

Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат ташкилотларининг мутаносиб фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратиш, уларнинг шаъни,

***Расулев Улуғбек Эркинович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кафедраси бошлиғи.*

****Баратов Комилжон Курбанович,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси.*

қадр-қиммати ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий, ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган, ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими.

Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офат, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авария ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади. Жамоат тартибини сақлаш, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини самарали таъминлашнинг кафолати бўлади[2].

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш» каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса республикамизда ички ишлар органлари фаолиятига илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини ошириш асосида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади[3].

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги2017 йил7 февраль ПФ-4947-сон, «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрель ПФ-5005-сон фармонлари, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 12 апрель ПҚ-2883-сон, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 1 май ПҚ-2940-сон, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги2018 йил 14 февраль ПҚ-3528-сон, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 19 июн ПҚ-3786-сон, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 24 декабрь ПҚ-4075-сон қарорлари ҳамда соҳага доир вазирликнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий ва ташкилий-институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан Халқаро криминологлар ассоциацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Европа Полиция академияси, Европа Иттифоқи ҳуқуқни муҳофаза қилиш таълим агентлиги, Жорж С. Маршалл хавфсизлик тадқиқотлари Европа маркази, Германия полиция университети *(Германия)*, Полиция ходимлари Миллий ўрта мактаби *(Франция)*, Полиция фанлари миллий тадқиқот институти *(Япония)*, Ички ишлар

вазирлиги Бошқарув академияси *(Москва)* ва Санкт-Петербург университетлари *(Россия)* ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида олиб борилган.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилган: полициянинг куч ва воситаларини аҳолига яқинлаштириш, бевосита жамоат жойларида қуйи таркибий тузилмаларнинг фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарадорлигини ошириш асослантирилган *(George C. Marshall European center)*. Улар фаолиятининг ташкилий-институционал ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш концепциясини яратиш зарурати асослантирилган *(Россия Федерацияси ИИВ Бошқарув академияси)*.

Республикамизда ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид масалалар ҳуқуқшунос С.Т.Ахмедова томонидан «Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш масалалари» ўрганилган[4].

Америка Қўшма Штатлари, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Австралия, Япония, Туркия, Россия Федерацияси каби давлатларнинг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларининг илғор тажрибасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, соҳада жамоатчиликнинг иштироки ҳамда мазкур фаолиятни таъминлашнинг шакл ва усуллари ажратилган ҳолда ўрганилган ва қиёсий таҳлил қилинган.

Шу муносабат билан қардош Туркия давлатидаги жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимига назар ташласак.

Ҳозирда Туркия полицияси республика Ички ишлар вазирлиги тизимига киради ва унинг таркибида Хавфсизлик бош директорати мавжуд бўлиб, Туркия полициясининг вазифаларига қуйидагилар киради. Жумладан: жамоат тартибини сақлаш; фуқаролар ва уларнинг мол-мулкини хавфсизлигини таъминлаш; ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳамда қонун, низом ва ҳукумат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажариш.

Полициянинг давлат бирлигини сақлаб қолиш ва конституциявий тартиботни таъминлаш сиёсий вазифалари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, полиция маъмурий функцияларни, яъни хавфсизлик чоралари ва бошқа органларга ёрдам беришни ҳам амалга оширади.

Туркияда ички хавфсизлик ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш полициянинг уч тармоғи томонидан амалга оширилади. Шаҳар ҳудудлари учун масъул бўлган Туркия миллий полициясининг Бош Директорати, қишлоқ жойлар учун масъул Жандармерия бош қўмондонлиги ҳамда мамлакат қирғоқларини ҳимоя қилувчи Соҳил хавфсизлик қўмондонлиги.

Туркия Жандармерияси – хавфсизлик, ҳуқуқ-тартиботни сақлайдиган ҳарбийлаштирилган қуролли ташкилот. У «Жандармерияни ташкил этилиши, унинг вазифалари ва ваколатлари тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этилган ва фаолият юритади.

Жандармерия хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш учун жавобгар ва қонунларда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Жандармерия Бош қўмондонлиги Ички ишлар вазирлигига бўйсунади. Жандармериянинг жавобгарлик ҳудуди, полиция фаолият олиб борадиган ҳудудлардан ташқари ҳисобланади.

Соҳил хавфсизлиги. Туркия соҳил соқчилари 1982 йилдаги «Соҳилни қўриқлаш ҳақида»ги қонунга асосан ташкил этилган. Соҳил қўриқчилари ўз вазифаларини Туркиянинг ҳудудий ва ички сувлари, эксклюзив иқтисодий зонаси ва қитъа сувости ҳудудларида бажарадилар.

Туркия Соҳил қўриқлаш қўмитаси ҳудудий сув хавфсизлигини муҳофаза қилиш, денгизда ҳаёт ва мулк хавфсизлигини таъминлаш, контрабанда фаолиятининг

олдини олиш, қидирув-қутқарув операцияларини амалга ошириш, сув ҳавзаларининг ифлосланишини олдини олиш каби вазифаларни амалга оширади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қардош Туркия давлатининг полиция тизимида ижобий жиҳатлар, шу жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, соҳавий хизматлар ишини ташкил этиш каби йўналишлардаги тажрибаларни муҳокама қилиш фойдадан холи бўлмайди.[5]

Шу ўринда Европа давлатларидан Германияда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашда йўлга қуйилган эътиборга молик жиҳатларга тўхталсак.

Германияда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги диққатга сазовор. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақида дарҳол давлат органларига телефон орқали оғзаки, электрон кўринишда хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун «Neighborhood watch» *(Қўшнининг кузатуви)*, «Crimestoppers *(«Жиноятни тўхтатувчилар), «Crimeprevention throughen vironment design (broken window)*» *(Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)*», «Safety City» *(Хавфсиз шаҳар)* каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали татбиқ этиб келинмоқда[6].

Республикамизда шунга ўхшаш дастурлардан «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, унинг имкониятларидан Тошкент шаҳрида кенг фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар келажакда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги, шахс, жамият, давлат хавфсизлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг марказий субъекти бўлиб қолиши асослантирилган.

Бир сўз билан айтганда, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ишлари барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда кенг жамоатчиликнинг узлуксиз ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда Республикамизда янги ташкил этилган Миллий гвардиянинг ҳам асосий вазифаларидан бири – жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу вазифани бажариш доирасида ички ишлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда комплекс тадбирлар ташкил этилиб, амалга оширилмоқда.

2018 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев маъруза қилиб, «Бутун дунёда мамлакат ичида тартиб-интизом ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан армия эмас, Мудофаа вазирлиги эмас, балки алоҳида тузилмалар шуғулланади. Маълумки, бугунги кунда биз «Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат» концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни Миллий гвардия ташкил этилди.

Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан

яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бундан буён мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масаласига ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия жавобгар бўлади» – деб таъкидлаганди[7].

Шу билан бирга, 2019 йил 10 январь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 7-сонли ички ишлар бўлимига ташриф буюрган муҳтарам Президентимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилгани, кейинги икки йилда соҳага доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани эътироф этди.

Ички ишлар органлари барча бўғинларининг тузилмаси ва ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳаллаларда ишлайдиган бўлганлиги, асосий эътибор жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилиб, бунинг учун профилактика инспекторлари сони қўшимча 1 минг нафарга кўпайтирилгани, уларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиб берилганлигига тўхталди.

«Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилгани, 24 соат патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда «адолат ва қонун устуворлиги»га ишонч пайдо бўлганлигини келтириб, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарурлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура — ҳаммаси халққа хизмат қилиши кераклиги, шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозимлигини баён этиб: Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин[8], –дея таъкидлади.

Мазкур ташриф давомида Президентимиз томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига замонавий вертолётлар ажратиш бўйича топшириқлар берилган.

«Хавфсиз шаҳар» Концепцияси доирасида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари, шунингдек Республиканинг йирик шаҳарларида сутка давомида узлуксиз уч сменали патруллик ташкил этилган. Ички ишлар органлари ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган биргаликдаги патрул нарядлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида хизматни олиб бормоқдалар.

Биргаликдаги патрул нарядлари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш функцияларини амалга оширишдан ташқари зарурат туғилганида аҳолига зарур ёрдам кўрсатадилар.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари бўлинмалари ва Миллий гвардия томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида 669 та биргаликдаги патрул маршрутлари *(130 та пиёда, 519 та автомобил, 10 тадан отлиқ ва мотоскутерли)* ташкил этилган. Ушбу маршрутларда 1144 нафар ички ишлар органлари ходимлари, 723 нафар Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва 148 нафар «Фидокор ёшлар» жамоатчилик гуруҳи вакиллари жалб қилинган.

Патруллик қилишдан ташқари, Миллий гвардия кучлари Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида ўтказиладиган оммавий, маданий ва спорт тадбирлари давомида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди.

Айни пайтда Миллий гвардия ҳамда ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги биргаликдаги фаолияти ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ахборот ҳамда ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳам самара беради. Хусусан, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноятлар ҳақидаги тўлиқ, аниқ маълумотлар ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган чора-тадбирлар бунда ўз аксини топади.

Мазкур фаолият бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилишда ахборот олиш тизимини кенг йўлга қўйиш қуйидаги ўзига хос жиҳатларни намоён қилади:

биринчидан, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тезкор вазиятга мослашиш ҳамда асосий вазифалар ва курашиш усуллари билан таништириш самарадорлиги ошади;

иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларда қонунга итоаткорлик шакллантирилади;

учинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга тўсқинлик қилувчи ёлғон ахборотнинг таъсири йўқолади;

тўртинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича турли идора, муассаса, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини бошқаришда муҳим роль ўйнайди[9].

Хулоса қилиб айтганда, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши кураш нафақат республикамизда, балки бутун дунёда долзарб масала бўлиб қолади. Бу эса ушбу йўналишда мунтазам фаолиятни давом эттиришни талаб этади ва бу борада ички ишлар органлари тизимига қуйилган талаб, вазифалар ўз долзарблигини сақлаб қолади. Ўз навбатида, бу вазифалар инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик асосида мазкур йўналишларда доимий изланишлар олиб бориш, тизим фаолиятини мақбуллаштириш, ходимлар ҳушёрлигини ошириш, уларнинг билим савияларини мунтазам ошириб бориш, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда фаолиятни тизимли таҳлил қилиш, олинган ахборотни ўрганиш ҳамда ижобий ўзгаришлар ясаш учун барча тузилма ходимларидан доимий ҳаракатда бўлишни талаб этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т., 2018. – 260 б.
2. Қаранг:http://hudud24.uz/author/madhiya_avazova/17-06-2020
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.
4. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 260 б.
5. https://iiv.uz/news/2020 йил 16 февраль
6. http://hudud24.uz/author/madhiya_avazova/17-06-2020
7. https://xabar.uz/jamiyat. 11.01.2018й.
8. gazeta.uz. 10.01.2019й.
9. http://hudud24.uz/ 2020 йил 17 июнь.

***Ш. Х. Алиев****

# ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Аннотация.** Мақолада хорижий давлатларда жиноятлар профилактикасини амалга ошириш усуллари ва тактикаси таҳлили, чет эл полицияси томонидан қонун ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишни ташкил қилиш тажрибасига оид илмий фикрлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** профилактика, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув профилактикаси, ҳуқуқ, ҳуқуқбузарлик, қонун.

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

**Аннотация.** В статье проанализированы методы и тактика осуществления профилактики преступлений в зарубежных странах, приводятся научные мнения об опыте работы иностранной полиции в организации соблюдения правопорядка.

**Ключевые слова:** профилактика, уголовно-розыскная деятельность, уголовно-розыскная профилактика, права, правонарушение, закон.

## FOREIGN EXPERIENCE OF PREVENTION OF CRIME

**Annotation.** The article deals with the analysis of methods and tactics of carrying out the prevention of crimes in foreign countries, scientific opinions on the experience of foreign police in the organization of observance of law and order.

**Key words:** prevention, operational-search activity, operational-search prevention, law, offenses, law.

Дунёда жиноятларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлиги ва уларнинг ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи объектив заруратга айланди. Айниқса, режалаштирилаётган ва тайёргарлик кўрилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг тезкор бўлинмалар томонидан профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамда идоравий ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш тизимли ҳамда комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда.

Жаҳонда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, шунингдек ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан содир этишга тайёргарлик кўрилаётган жиноятларни тезкор-қидирув профилактикаси йўли билан олдини олиш самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ички ишлар органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш борасидаги муаммоларни, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва ҳамкорликда бартараф этиш чораларини самарали ташкил этиш ва амалга оширишни тақозо этади. Шу сабабли, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш зарурати муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этишнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини фаолиятимизга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

***Алиев Шуҳрат Хасанович,** Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи.*

Хориж давлатларида жиноятчиликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий, криминалистик, тезкор-қидирув ва криминологик жиҳатлари кўплаб ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, жиноятчиликка қарши курашнинг турли криминологик, жиноят-ҳуқуқий, криминалистик ва тезкор-қидирув жиҳатларини тадқиқ этишга хориж давлатлари олимлари А.И. Алексеев, С.Е. Вицин, К.К. Горяинов, Р.С. Белкин, В.Г. Бобров, Б.Е. Богданов, Л.Д. Гауфман, С.С. Галахов, В.В. Гордиенко, Д.В. Гребельский, А.И. Гуров, И.П. Козаченко, Л.Н. Калинкович, А.С. Емельянов, В.А. Лукашов, С.С. Овчинский, Б.П. Смагоринский сингари олимлар катта ҳисса қўшишган.

Ҳозирги кунда хорижий давлатларнинг интеграциялашуви фаоллашди, бу миллий маданиятлар ва ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви, халқаро ҳамкорлик кенгайишидан далолат беради. Шу муносабат билан жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Хориж давлатларининг ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш борасида ўтказган тажрибалари, қабул қилинган дастурлар ва улар асосида ўтказилган экспериментлар натижалари, хусусан жиноятларнинг профилактикасини амалга оширишнинг янги усуллари, уларни амалга оширишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари илмий таҳлил қилинганда ушбу мамлакатларда жиноятларнинг профилактикасини амалга оширишдаги чет эл полициясининг функциялари бир-биридан фарқ қилади. Маълумки, барча давлатларда полициянинг асосий вазифаларидан бири – бу жиноят ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни профилактика қилиш ҳамда фош этишдир. Бундан ташқари, полиция ходимлари жамоат жойларида тартибни сақлайдилар ҳамда турли соҳаларда маьмурий контроль ва назоратни амалга оширадилар, шунингдек давлатнинг бошқа органлари қарорларини ижро этадилар.

Жаҳонда асосан марказлаштирилган (Австрия, Франция, Россия) ва марказлашмаган (АҚШ, Буюк Британия, Германия) полиция тизимлари мавжуд[2]. Кўп мамлакатларда полиция органлари Ички ишлар вазирлигига бўйсунади ёки унинг таркибий қисми ҳисобланади. Айрим давлатларда полиция алоҳида вазирлик ёки идора ҳисобланади ёки адлия ва хавфсизлик вазирлиги томонидан бошқарилади. Хорижий тажрибани таҳлил қилиб, хорижий мамлакатлар полициясининг ички амалиёт тажрибасидан фойдаланиш ва уни мамлакатимиз амалиётига жорий этиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Аммо бундай тадқиқотнинг аҳамияти жуда муҳим, чунки хорижий давлат институтларининг ишини илмий таҳлил қилиш орқали полиция фаолиятида мавжуд хатолардан қочиш учун чет эл полиция ишининг кучли ва заиф томонларини яхшироқ ўрганиш, тушуниш, кўриш имконини беради.

АҚШ ва Буюк Британия полициясининг ишини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, амалда баъзан қонун нормаларидан воз кечиш ҳоллари, инсон ҳуқуқлари ва жинси, ирқи, миллати, расмий ва ижтимоий мавқеи бўйича камситилиш ҳоллари қайд этилганлигини аниқлаш имконини беради. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида АҚШ қонун чиқарувчилари томонидан 1966 йил «Миранда кодекси» деб номланадиган, АҚШ Олий суди қоидаларига мувофиқ полиция фаолиятини тартибга солувчи қатьий қоидалар ишлаб чиқилган. Жиноят ҳуқуқи ва криминология бўйича мутахассислар ўзларининг саьй-ҳаракатларини полиция томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини таҳлил қилишган ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган[3]. Ушбу кодексга асосан полиция ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган чоратадбирлар белгилаб олинган. Социологлар томонидан бир вақтнинг ўзида полиция ходимларининг жиноят содир этиш жараёни, уларнинг жамиятдаги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимидаги ўрни ва роли, унинг маданияти, шахсияти, хусусиятлари ва профессионаллик даражаси чуқур таҳлиллар асосида ўрганиб чиқилган[2].

Ўтган асрда Британияда махсус дастур ҳисобланган «Бобби» дастурининг ижобий стереотипини қўллаб-қувватлади ва бутун дунёга Британия полиция моделини тақлид қилиш учун намуна сифатида тақдим этди[4]. Полиция ҳақидаги дастлабки ижтимоий тадқиқотлар ҳам холислик руҳида амалга оширилди. М. Бентоннинг «жамиятда полициячилар» иши – бу соҳадаги биринчи эмпирик иш ҳисобланиб, полиция ролини ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишда эмас, балки «тинчликпарварлик» миссиясини амалга ошириш ва жамоат тартибини сақлашда аҳолига хизмат кўрсатиш мисолида кўрган тадқиқотчилар учун бу асос бўлиб хизмат қилди[5].

Полициянинг тинчликпарвар функцияси ғояси Буюк Британияда вужудга келди, чунки у ерда полиция томонидан қонун ва тартиботга риоя қилишни ташкил қилиш куч ишлатиш билан эмас, балки Британия жамиятига хос аньанавий полиция вазифалари асосида амалга оширилмоқда.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инглизларнинг фуқаролик эркинликларига риоя қилишларига нисбатан ўзига хос муносабатини қайд этиш мумкин, бунинг натижасида ҳар қандай полиция назорати фуқаролик эркинликларига таҳдид сифатида қараб келинган.

Бир вақтнинг ўзида бундай муносабат Буюк Британияда узоқ вақт давомида полициянинг мавжуд бўлмаганлигининг асосий сабабларидан бири бўлган ва тартибни сақлаш ҳамда ўз мулкини ҳимоя қилиш фуқароларнинг ўз мажбурияти ҳисобланган[6].

Демак, бу тажрибадан шундай хулоса қилиш мумкинки, жамоат тартибини сақлаш, жиноятлар келиб чиқишининг олдини олиш, фуқароларнинг ўз мулкини, ўзини ўзи асраши, жиноятга кириб қолиш ва унинг оқибатларини онгли равишда тушуниши, бунинг учун жамиятнинг маълум бир қисми орқали жамиятда содир этилаётган салбий ҳолатларнинг бартараф этилиш лозим, Салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишда уларнинг роли ва ўрни муҳим эканлиги, ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги функцияни кучайтиришни, биринчи навбатда, профилактика қилиш орқали аҳоли онгига сингдириш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, юқорида келтирилган фикрлар, қарашлар ва тажрибаларни инобатга олиб, биринчи навбатда, криминологлар ва қонун чиқарувчи органлар томонидан қонун ижросини ижтимоий назорат қилиш функцияси турли технология ва профессионал бирлашмалар орқали амалга оширилиши мумкинлигини англаш фактини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, полиция томонидан ижтимоий назорат функциясини амалга ошириш жараёнида жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида ягона ва универсал воситаси эмас, балки давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[7].

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида турли йилларда фаолият юритадиган жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчалари турли хил бўлган.

Бундай хилма-хилликка қарамасдан қуйидаги фикрларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

– жиноятчилик ҳар қандай жамиятга хос бўлган ижтимоий ҳодисадир;

– бундай тушунчалар ижтимоий тизимни ўзгартиришни мақсад қилмайди, балки улар энг кўп тарқалган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бўлади;

– жиноят қурбонларига ҳамда халқаро ва жамоатчилик ташкилотларнинг ушбу соҳада фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

АКШда жиноятларнинг профилактикасини амалга оширишда, албатта, ҳамкорлик жуда муҳим ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик шаклларига қуйидагилар бўлинади:

– тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорлик;

– хусусий изқуварликни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

– мустақил ижтимоий профилактика дастурлари асосида ҳамкорлик қилиш.

XXI асрнинг биринчи ўн йилликлари ғарбий Европа мамлакатларида, жумладан АҚШ, Канада, Японияда жиноятларнинг олдини олиш назарияси ва амалиёти фаол ривожланаётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, хорижий криминологлар жиноятчиликнинг (жиноятларнинг) ижтимоий ҳодиса сифатида олдини олиш ҳақида эмас, балки уни чеклаш, аниқ сабаблар ва шароитларга, омилларга таъсир ўтказиш ҳақида тобора кўпроқ гапиришмоқда[8]. Ушбу мамлакатларда жиноятларни олдини олишнинг амалий жиҳатлари кўп тармоқларга бўлинган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, Германияда полиция жамоатчилик билан ҳамкорлик қилишни фаол равишда бошлади, фуқароларни мустақил равишда ўзларини ҳимоя қилишга эътибор қаратди, аҳолига маслаҳат шаклида мулкни ўғрилардан ҳимоя учун техник воситалардан фойдаланиш ва жиноят қурбони бўлмаслик йўлларини ўргата бошлади. Шу мақсадда жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган қўлланмалар бепул тарқатилиб, маслаҳатлар радио ва телевидение орқали эфирга узатилган.

АҚШда федерал ва маҳаллий даражаларда жиноятларни олдини олиш дастурлари амалга оширилган. Дастурлар асосида профилактик фаолиятни амалга оширишнинг учта модели мавжуд: 1) давлат муассасалари модели; 2) шахснинг хавфсизлик модели; 3) атроф-муҳит орқали таьсир қилиш модели.

Баъзи давлатларда фуқароларнинг қонун ва тартибни мустаҳкамлашдаги иштироки талончилик сонини 30 % га камайтиришга имкон берди. Тезкор профилактик аҳамиятга эга маьлумот учун фуқароларга мукофот бериш усулидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда ва бу усул ўз самарасини бермоқда. АҚШ ва Европа мамлакатларида қўлланиладиган жиноятларнинг олдини олиш моделлари, шакллари ва усулларини умумлаштириб, ушбу фаолият жиноятларнинг олдини олиш, инсонпарварлик ва жамиятнинг барча аьзолари иштирокида тизимли тамойилларга асосланган деган хулосага келиш мумкин.

Жиноятларнинг олдини олишда хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги тажрибаси ўзгача.

АҚШ, Англия, Германия, Швеция, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мазкур турдаги ҳамкорлик жиноятларни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва ушбу ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор вазифа эканлиги алоҳида қайд этилган[7].

Полиция ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашнинг дастлабки нуқтаси, биринчи навбатда, фаолиятнинг асосий қисмида очиқлик ва ошкораликка эришиш учун энг устувор аҳамиятга эга эканлигини англашдир; иккинчидан, жиноятчиликка қарши курашнинг муваффақияти тўғридан-тўғри полиция ва унинг ходимлари, хусусан, фуқароларнинг жиноятларни олдини олишда ва фош этишда ёрдам бериш қобилияти ҳамда хоҳишларига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, полиция аҳоли орасида ўз обрўсига эга бўлса, ўз фаолиятида муваффақият қозониши мумкин. Бунга эса матбуотнинг ўрни жуда муҳим ҳисобланади.

Чет мамлакатларда жиноятларнинг олдини олиш хусусиятларини тадқиқ қилишни умумлаштириб, Европа мамлакатларида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва полиция бўлинмалари фаолиятини тартибга солишни кучайтириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати шаклларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиш лозим эканлигини кўриш мумкин. Хорижий мамлакатлардаги органлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш уларнинг ҳуқуқий тизимлари, маданий анъаналари ва хусусиятларига мувофиқ амалга оширилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноятларнинг профилактикасини амалга оширишда нафақат давлат органлари, балки кўплаб мамлакатларда, шу жумладан

Ўзбекистонда ҳам фойдаланилмаган захира кучларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, булар жамоат, ҳаваскорлик, шу жумладан, баъзи ишларни ўз зиммасига оладиган хайрия ташкилотларини ҳам жалб қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун жиноят қилишга мойил шахслар ёки жиноят йўлига адашиб кириб қолган шахслар, шунингдек, оилавий, ижтимоий қийинчиликларни бошдан кечирган инсонларга ғамхўрлик қилаётган ижтимоий хизматларни яратиш лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Европанинг аксарият давлатлари ўзларининг камситувчи ҳаракатларининг салбий оқибатларини минималлаштиришга интилиб, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришади.

Фикримизча, давлатнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги ички сиёсати ўзига хос қатор афзалликларга эга, масалан, маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий полиция ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юқори самарадорлигидир. Шунга қарамай, жиноятчиликнинг олдини олиш мураккаб, меҳнатни талаб қилувчи ва масъулиятли фаолият бўлиб, унинг самарадорлиги эса бевосита уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш даражасига боғлиқ бўлади. Ўрганиб чиқилган давлатларнинг тажрибалари ва жиноятларни профилактика қилиш усуллари ҳар хил бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ва жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш деб ҳисоблаймиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳаракатлари устидан ижтимоий назорат шаклларини такомиллаштириш ривожланган мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади. Шу муносабат билан, мамлакатимиз жиноятчиликка қарши курашнинг ушбу ижобий хорижий тажрибасидан турли хил профилактика субъектлари ва фуқаролик жамияти ўртасида профилактика тадбирларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек жиноятларни самарали очиш, тергов қилиш учун зарур замонавий техник воситалар ва ускуналар билан таъминлаш нуқтаи назаридан фойдаланиши керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, турли хил анъанавий одатлар ва тарихий тажрибага эга бўлган ҳолда, кўриб чиқилаётган хорижий мамлакатлар жамоат хавфсизлигини жамият ва индивидуал фуқаро манфаатлари йўлида максимал даражада таъминлаш учун қулай ресурслар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, барча куч ва воситаларни ички ишлар органлари фаолиятининг самарали модели – тезкор профилактикага эътибор қаратиш лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Воронин Ю.А.* Предупреждение преступности в зарубежных странах // Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – №27(281). – С.86–88.

2. *Reiner, R.*PolicinAldershot. 1996.

3. *Skolnick, J.*JusticeithoutTrial. N. Y., 1975.

4. *Banton, M.* The Policeman in the Community. L.; Tavistok, 1964.

5. *Торвальд Ю.* Век криминалистики / Пер. с нем. 3-е изд. – М., 1991. – С.56.

6. *Мартыненко О.А.* Органы внутренних дел в зеркале криминологических исследований // Право и политика. – 2002. – № 4 (28). – С. 62–69.

7. *Воронин Ю.А.* Предупреждение преступности в зарубежных странах // Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – №27(281). – С.86–88.

*О. Н. Ўринкулов**
*Р. Ф. Худойбердиев***

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари атрофлича кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** сунъий интеллект, нейрон тармоқлар, машинани ўқитиш, электрон ҳукумат, роботлаштириш, рақамли маълумотлар.

## ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ ИСКУССТВЕННЫХ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** В статье на основе изучения зарубежного опыта рассматриваются вопросы широкого внедрения технологий искусственного интеллекта в нашей стране.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, нейронные сети, машинное обучение, электронное правительство, робототехника, цифровые данные.

## ISSUES OF IMPLEMENTATION OF ARTIFICIAL INTELLECTUAL TECHNOLOGIES IN UZBEKISTAN

**Annotation**. The article considers the implementation of artificial intellectual technologies in our country based on the study of foreign experience in the development of artificial intellectual technologies.

**Keywords:** artificial intelligence, neural networks, machine learning, e-government, robotics, digital data.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жорий этилаётган замонавий рақамли технологиялар, шубҳасиз, юридик ва жисмоний шахсларга қатор қулайликлар ва имкониятлар эшигини очмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда сунъий интеллект соҳасига бўлган қизиқиш ҳам ортиб бормоқда. Маълумки, сунъий интеллект инсоннинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектуал сунъий тизимдир. Сунъий интеллект ҳозирги ахборот асрида ниҳоятда долзарб бўлиб, шу орқали XXI асрнинг глобал муаммоларига илм-фанда янги имкониятларни кашф этиш йўли билан ижобий ечимлар топилиши мумкин. Шунингдек, бу таълим, тиббиёт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва бошқа барча соҳаларда сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини оширади.

Сўнги йилларда сунъий интеллект иловалари ёки эксперт тизимларидан ҳар бир соҳада самарали фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш устида эса изланишлар олиб борилмоқда.[1] Сунъий интеллектни ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг ўрни йилдан-йилга тобора юксалиб бормоқда. 2019 йил якуни бўйича

***Ўринкулов Одилжон Назиралиевич,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборот технологиялари ва алоқа бўлими ўқитувчи-методисти.*

****Худойбердиев Раҳматилло Фозиллиддинович,** Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети стажёр-тадқиқотчиси.*

Хитой Халқ Республикаси ўзининг олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан дунё мамлакатлари ичида дастлабки 10 таликда етакчиликни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Корея, АҚШ, Япония ва Европа ва бошқа давлатлар эгаллаган. Умуман, дунёда сунъий интеллектга бўлган талаб ва унинг қўлланилиш соҳаси ҳам ортмоқда. Бунда энг долзарб масалалардан бири – мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш ва уларни самарали қўллаш ҳисобланади.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 5 октябрь 6079-сонли фармони қабул қилинди. Фармон мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган. Бундан ташқари рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида иш жойларини босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқ.), роботлаштириш, «Интернет буюмлар», «сунъий интеллект» каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган[2].

Мазкур қарорнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 17 февраль 4996-сон қарори қабул қилинди. Қарор «Рақамли Ўзбекистон – 2030» Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган[3].

Ҳозирги кунда юртимизда электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги асосий устувор йўналишларни назарда тутувчи 2021–2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ:

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгиловчи сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

аҳоли манфаатлари йўлида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, маълумотларни қайта ишлашда давлат органларининг самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш;

фойдали технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи сунъий интеллект соҳасида инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш;

сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш;

сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибадорлигини шакллантириш, шу жумладан товарларнинг (иш ва хизматларнинг) ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг сунъий интеллект соҳасидаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, зарур таълим муҳитини ривожлантириш;

қўшма халқаро тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикамизнинг нуфузли рейтинглар ва индексларда позициясини яхшилаш мақсадида сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Устувор тармоқлар ва соҳаларда, шу жумладан Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларини жалб қилган ҳолда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021–2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари рўйхати ҳам тасдиқланган. Улар қуйидагилар:

**қишлоқ хўжалиги соҳасида** ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан комбайнлар ишини мониторинг қилиш жараёнида сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**банк соҳасида** тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**молия соҳасида** бюджет харажатлари, пенсия, ижтимоий ва суғурта тўловлари, шунингдек, нафақа тўловларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**солиқ соҳасида** юридик шахсларнинг солиқ тушумларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидаги тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**транспорт соҳасида** локомотивларни бошқаришда уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни огоҳлантириш жараёнида, жамоат транспорти ҳаракатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, шунингдек, автомобиль ҳаракатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**энергетика соҳасида** энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолини прогноз қилишда, технологик ускуналар ишини оптималлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**соғлиқни сақлаш соҳасида** инсон ўпкасининг компьютер томографияси таҳлили асосида пневмонияни аниқлаш ҳамда маммография таҳлили асосида кўкрак бези саратонига илк босқичда ташхис қўйиш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**фармацевтика соҳасида** бозорнинг дори воситалари ва тиббий буюмларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

**электрон ҳукумат соҳасида** электрон давлат ва молия хизматлари кўрсатишда фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш[3].

*Дунёда сунъий интеллект.* «Сунъий интеллект» атамаси дунёда 1956 йилда пайдо бўлган, аммо сунъий интеллект технологияси бугунги кунда маълумотлар ҳажмини кўпайтириш, алгоритмларни такомиллаштириш, ҳисоблаш кучи ва маълумотларни сақлашни оптималлаштириш жараёнида ҳақиқий машҳурликка эришди. 1950 йилларда бошланган биринчи сунъий интеллект тадқиқотлари муаммоларни ҳал қилиш ва рамзий ҳисоблаш тизимларини ривожлантиришга қаратилган эди. 1960 йилларда ушбу йўналиш АҚШ Мудофаа вазирлигининг қизиқишини уйғотди ва АҚШ ҳарбийлари одамларнинг ақлий фаолиятини симуляция қилиш учун компьютерларни ўқитишни бошлаб юборди. Масалан, Мудофаанинг илғор тадқиқот лойиҳалари агентлиги (DARPA) 1970 йилларда виртуал кўча хариталарини яратиш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга оширган бўлса, DARPA 2003 йилда Siri, Alexa ва Cortana пайдо бўлишидан анча олдин ақлли шахсий ёрдамчиларни яратишга муваффақ бўлди.

**Сунъий интеллектнинг ривожланиш тарихи**

**1950–1970 йиллар**

Нейрон тармоқлар асосида яратилган машиналар катта шов-шувга айланди.




**1980–2010 йиллар**

Машинани ўқитиш технологиялари оммалашди.

**Ҳозирги вақт**

Чуқур ўрганишга асосланиб яратилган технологиялар ривожланмоқда.

Мутахассисларнинг тахминига кўра 2022 йилга келиб, сунъий интеллектнинг қўшимча қиймати қарийб 4 триллион долларни ташкил қилиши мумкин. 2030 йилга келиб, Хитой ва Шимолий Америкада энг катта иқтисодий ўсиш кутилмоқда, бу эса сунъий интеллектнинг глобал иқтисодий таъсирининг 70 фоизини ташкил этади.

Келажакда сунъий интеллект иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит боғлиқ муаммони ҳал қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сайёрамиз исишда давом этар экан, иқлим ўзгариши оқибатлари тобора ёмонлашиши мумкин. Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш орқали сунъий интеллект моделлари, масалан, балиқлар ва ёввойи табиат популяциясининг пасайишини секинлаштириш учун муҳим бўлган экотизимни бошқариш ва яшаш жойларини тиклашни яхшилашга ёрдам беради[4].

Бугунги кунда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича АҚШ, Хитой ва Буюк Британия каби давлатлар етакчи ҳисобланади ва бу давлатларда асосан кибер операциялар, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш ҳамда суд тизимларида кенг қўлланилмоқда.

*Хитойнинг сунъий интеллект саноатини ривожлантириш тажрибаси.* Хитойлик олимларнинг фикрича, келгуси ўн йилликда сунъий интеллект технологиялари Хитой миллий иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчисига айланади ва Хитой учун дунё бозорларини эгаллашда ўзига хос афзалликларни яратиб беради.

Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича Хитой ҳозирги вақтда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди ва ўн йил ичида бу соҳада дунёда сўзсиз етакчига айланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Хитой Халқ Республикаси(ХХР) 2030 йилгача сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш бўйича стратегик давлат дастурини қабул қилган бўлиб, уни амалга оширишда ҳукумат томонидан кенг кўламли молиялаштириш ишларини бошлаб юборган.

2006 йилда ХХР Давлат кенгашининг 2020 йилгача бўлган даврда «Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг давлат ўрта ва узоқ муддатли режаси»га асосан биринчи даражали технологиялар орасида ақлли сенсорлар, ақлли роботлар ва кенгайтирилган реаллик технологиялари яратилди. 2016 йилда «Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Интернет + ташаббусини фаол равишда амалга ошириш бўйича кўрсатмалари» нашр этилди. Ушбу ҳужжатда сунъий интеллектга, бошқа технологиялар билан бирга (катта маълумотлар, блокчейн, машиналарни ўрганиш) ақлли саноатни ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни тезлаштиришга қаратилган ҳукумат стратегиясининг устувор йўналиши сифатида қаралади.

Ниҳоят, 2017 йил июнь ойида ХХР Давлат кенгаши Пекиннинг сунъий интеллектни ривожлантиришга жамоатчилик ёндашувини концепциялаш учун муҳим ҳужжат – «Кейинги авлод» сунъий интеллектни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди. Хитойнинг «Кейинги авлод» сунъий интеллектни ривожлантириш дастури мамлакат олдида учта стратегик мақсадни белгилайди. *Биринчидан*, 2020 йилга келиб, Хитойнинг сунъий интеллекти йирик ривожланган мамлакатларнинг ўхшаш соҳалари билан тенглашиши керак. Шу билан бирга, сунъий интеллектнинг ўзига сарфланадиган харажатлар 22,5 миллиард долларни ташкил этиши, тегишли соҳаларни ривожлантириш учун эса бу маблағ 150 миллиард доллардан ошиши керак. *Иккинчи* мақсад – 2025 йилга келиб сунъий интеллектнинг баъзи бир аниқ йўналишларида етакчи мавқега эришиш ва фундаментал саноат 60 миллиард долларни, шу билан боғлиқ 745 миллиард долларни тўплаши керак. Ва ниҳоят, *учинчи* мақсад, 2030 йилга келиб, Хитой сунъий интеллект соҳасидаги инновацияларнинг асосий глобал марказига айланиши керак. Шу вақтгача фундаментал соҳага киритиладиган инвестициялар 150 миллиард долларни, тегишли тармоқларга 1,5 триллион долларни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

2017 йил декабрь ойида ХХР Саноат ва ахборотлаштириш вазирлиги томонидан чиқарилган дастур 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда биринчи навбатда, ақлли маҳсулотлар: Интернетга уланган автомобиллар, ақлли роботлар ва учувчисиз учиш аппаратлар, юз ва овозни аниқлаш тизимлари, тиббий тасвирларни машинада таҳлил қилиш ва бошқаларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш зарурлиги айтилган. Иккинчидан, асосий фундаментал технологиялар, биринчи навбатда микросхемалар ва нейрон тармоқларни, шунингдек очиқ манбали платформаларни ривожлантиришда катта ютуқларга эришиш керак. Ва ниҳоят, сунъий интеллект асосий технологияларининг ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жорий этилишидир.

ХХР Фан ва Технологиялар вазирлиги катта миқдордаги давлат инвестициялари учун устувор бўлган 13 та технологик лойиҳалар рўйхатини эълон қилди. Ушбу лойиҳаларни 2021 йилга қадар бажарилиши керак бўлиб. улардан энг кўзга кўринган нарса – бу сунъий интеллект учун ғоят кенг қўлланиладиган микросхемалардан бири бўлган Америкaнинг Nvidia Tesla M40 GPU дан 20 баробар кучлироқ ва энергия тежамкор бўлган сунъий интеллект чипини яратишдир.

ХХР Давлат кенгаши сунъий интеллектни ривожлантиришнинг тўртта асосий омилларини ажратиб кўрсатди: аппарат, маълумотлар, алгоритмларни ишлаб чиқиш ва яратиш, шунингдек, сунъий интеллект ва унга тегишли тармоқларнинг тижорат экотизими яратишдир. Хитойда сунъий интеллект ва унга тегишли соҳаларнинг тижорат экотизими ҳам қулайдир, чунки Хитойда сунъий интеллектда учта технологик гигантлар ҳукмронлик қилади: Baidu, Alibaba ва Tensent (ҳукумат билан чамбарчас боғлиқ бўлган

хусусий фойда келтирувчи компаниялар). Фаолият кўлами туфайли улар деярли дарҳол турли хил маҳсулотлар ва хизматлардаги янги ишланмаларни амалга ошириши мумкин.

Сунъий интеллект бўйича 15 та глобал етакчилар рўйхатида АҚШ, Европа Иттифоқидан сўнг учинчи ўринни Хитой эгаллаб турибди. Бугунги кунда Хитой сунъий интеллект соҳасида анча илдам қадамлар ташламоқда. Ҳозирги вақтда Хитойда роботлар билан болалар боғчаданоқ танишишни бошлайди.

Шундай қилиб АҚШ, Европа, Японияда сунъий интеллект соҳаси асосан хусусий ташаббус туфайли, йирик акционерлик жамиятлари ва ёш стартаплар кучи билан ривожланади Хитойда эса бу асосан давлат иши бўлиб, асосан бюджетдан молиялаштириладиган давлат корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалга оширилади[5].

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра 2023 йилга қадар сунъий интеллектда ишлайдиган овозли ёрдамчилар 8 миллиардга етади. 2025 йилга келиб эса глобал сунъий интеллект бозори деярли 60 миллиард долларни ташкил қилиши кутилмоқда. Сунъий интеллект туфайли глобал ялпи ички маҳсулот 2030 йилга келиб 15,7 триллион долларга ўсади. Сунъий интеллект бизнес самарадорлигини 40% га ошириши мумкин.

Сўнгги йигирма йил ичида сунъий интеллект стартаплар сони 14 баравар ўсди. Сунъий интеллект стартапларга сармоялар 2000 йилдан буён 6 баравар ошди. Биз фойдаланадиган қурилмаларнинг аллақачон 77 %да сунъий интеллектнинг у ёки бу шакли мавжуд. 2019–2025 йилларда бутун дунё бўйлаб сунъий интеллект дастурий таъминот бозорининг ўсиши кутилмоқда[6].

Кўпгина саноат тармоқлари фаолиятини оптималлаштириш имкониятига эга бўлишига қарамай, сунъий интеллект баъзи соҳаларда инсон меҳнати ўрнини босишдан қўрқади. Дунё бўйлаб автомобилсозлик ва уни йиғиш ҳамда телеком саноатида сунъий интеллект технологияларининг қўлланилиши туфайли келгуси уч йил ичида энг катта ишчилар сони қисқартирилиши кутилмоқда. Шу билан бирга, инфратузилма, профессионал хизматлар ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар шу вақт ичида сунъий интеллект технологияларини ўзлаштириш билан ишчилар сонини кўпайтириши тахмин қилинмоқда. Баъзи саноат тармоқларида сунъий интеллектни жорий этиш жараёнларни жуда тезлаштиради ва инсон хатосини минималлаштиради, бу эса инсон меҳнатини алмаштиришга олиб келади. Бошқаларда эса сунъий интеллект янги гибрид ролларни яратади, бу ерда одамлар машиналарга имкон беради ва сунъий интеллект инсон қобилиятини оширади.

Юқорида келтирилган маълумотлар сунъий интеллектнинг кўлами нақадар катта эканлигини англатиш билан бирга, республикамизда бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

сунъий интеллектни ривожлантиришнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга имкон қадар тез жорий қилиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратиш;

сунъий интеллект технологияларини жорий этиш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш;

сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадли давлат дастури, стратегияларини амалга ошириш;

машина ёрдамида ўқитиш ва сунъий интеллект алгоритмларини ривожлантириш учун зарур бўлган рақамли маълумотлар очиқлиги ва сифатини ошириш;

сунъий интеллектни машина ёрдамида ўқитиш учун катта ҳажмда давлат тилидаги рақамли маълумотларни шакллантириш, шунингдек, давлат тилидаги нутқни таҳлил ва синтез қилишни қўлловчи дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун замонавий юқори технологик инфратузилма ва аппарат комплексларини яратиш;

сунъий интеллект соҳасида малакали мутахассисларни, жумладан хорижий ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда олий таълим муассасаларида соҳага оид алоҳида йўналишларни очиш ҳамда иқтисодиётнинг устувор тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарув тизимлари учун мақсадли ўқитиш орқали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва қўллаш, рақамли маълумотларни қайта ишлашнинг умумий тамойиллари ва меъёрлари, шунингдек, ягона стандартлари ва қоидалари масалаларини тартибга солишнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект соҳасидаги хавф-хатарларни назорат қилиш ва олдини олиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқилган дастурларнинг хавфсиз ишлаши, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш, шунингдек, фойдаланиладиган маълумотларнинг конфиденциал(махфий) лигини таъминлаш.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш учун биринчи навбатда, илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича зарур инфраструктурани яратиш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш, хусусий компанияларнинг сунъий интеллект соҳасидаги фаолиятини рағбатлантириш тақозо этилади. Ваҳоланки, Хитойнинг давлатга қарашли бўлмаган хусусий компаниялари ҳам аллақачон ўз компанияларини ривожлантириш учун сунъий интеллект технологиялари устида тадқиқотларни бошлаб юборган. Республикамизда эса эндигина давлат томонидан ушбу соҳага эътибор қаратилмоқда. Яна бир энг асосий вазифалардан бири – ушбу соҳада етакчи илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш бўлиб, бу масала бўйича 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетларида грант асосида «Сунъий интеллект» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини амалий қўллаш бўйича 15 та олий таълим муассасасида ўқув курслари ва фанларини жорий қилиш кўзда тутилган[3]. XXI асрда технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётганлиги сабабли, бу ишларни пайсалга суриб бўлмайди. Чунки ҳозирги кунда давлатларнинг ривожланиш кўрсаткичлари уларнинг замонавий технологиялардан қанчалик фойдаланаётганлигига боғлиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Мўминов Б.Б., Насимов Р.Ҳ ва бошқ.* Нейрон тармоғида ЭКГ сигналларини таснифлашда тасвир форматининг тасири: ТАТУ хабарлари. – Т., 2019. – 3-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 5 октябрь 6079-сон фармони // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 17 февраль 4996-сон қарори. // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 07/21/4996/0127-сон)
4. URL: https://ru.unesco.org/artificial-intelligence/ethics
5. URL:https://www.dw.com/ru/кто-мировой-лидер-в-области-искусственного-интеллекта/a-47315863
6. URL: https://financesonline.com/artificial-intelligence-statistics/

*М. М. Алимов**

# ТИНГЛОВЧИ ВА КУРСАНТЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**Аннотация**. Мақолада Ўзбекистон ёшларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш учун уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, уларни ҳарбий ватанпарварлик ҳамда ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялашда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳақида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** ватанпарварлик, Ватанга садоқат, халқ фаровонлиги, тарбия, ҳарбий ватанпарварлик, ёшлар, концепция, ижодий, интеллектуал.

## ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ СЛУШАТЕЛЕЙ И КУРСАНТОВ В ДУХЕ ВОЕННОГО ПАТРИОТИЗМА

**Аннотация**. В статье рассматриваются существующие проблемы и пути их решения в реализации творческого и интеллектуального потенциала молодежи Узбекистана. Освещаются условия и возможности, созданные для всестороннего развития молодежи, по воспитанию ее в духе патриотизма и любви к Родине.

**Ключевые слова:** патриотизм, верность Отечеству, благосостояние народа, воспитание, военный патриотизм, молодежь, концепция, творческий, интеллектуальный.

## ISSUES OF TRAINING OF LISTENERS AND CADETS IN THE SPIRIT OF MILITARY PATRIOTISM

**Annotation**: The article daels with the existing problems and ways to solve them in implementation of creative and intellectual potential of the youth of Uzbekistan in a healthy and harmonious way, as well as the conditions and opportunities created for their upbringing in the spirit of patriotism and all-round development.

**Keywords**: patriotism, loyalty to the Fatherland, welfare of the people, education, military patriotism, youth, concept, creative, intellectual.

*«Ватанпарвар инсонгина Ватан равнақи, халқ фаровонлиги юрт тинчлигига хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бағишлайди, ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан,уйғунлаштириб яшашга даъват этади».*

Шавкат Мирзиёев

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ёшларнинг таълимга бўлган қизиқиши, интилиши ва тарбиянинг муҳим ўрни, миллий анъана ва қадриятларимизга бўлган ҳурмат туфайли ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар бажарилди.

Айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ватанпарварлик – бу Ватан, халқ, оила, қавму қариндош олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш, ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш, буюк

***Алимов Мавлон Мархаматходжаевич,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси.*

аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш, аждодлар, урф-одат, расм-русум ва удумларини, меросини ўрганиб, унинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш, давлатимиз келажаги истиқлолнинг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажакни барпо этишга астойдил кўмаклашиш, жонажон Ватаннинг эртанги куни, истиқболи, тараққиёти, миллат обрўсига ҳисса қўшиш, фойда келтириш, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шуҳрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар, халқпарвар бўлиш ва шунга ўхшаш юзлаб фазилатлар каби хусусиятларни англатади.

Ватанпарварлик — кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча бўлиб, барча халқлар, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозири билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Ҳадисларда «Ватанни севиш – иймондандир, деб бежизга айтилмаган. Табиийки, киндик қони тўкилган жой инсон учун ҳамма нарсадан ҳам қимматли даргоҳдир. Расули Акрам с.а.в. Мадинаи мунаввара ҳижрат қилиб кетаётганларида туғилиб ўсган ватани Маккаи мукаррамага юзланиб туриб: «Агар қавмим мени чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлур эдим», деганлари сийрати набавия китобларида баён этилган.

Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсоният табиатида мавжуд бўлган нозик ҳис-туйғудир.

Ватанпарварлик тарбияси Ўзбекистон олдида турган зарур вазифалардан биридир. Чунки собиқ шўро тузуми даврида бу ҳақда ўйлаш ҳам, амалда бажариш ҳам мумкин эмас эди. Ўз келажагини яратаётган Ўзбекистон ўз ватанпарварларини, ўз ҳимоячиларини тарбиялаб етиштириши, ўз ҳудудларининг дахлсизлигини таъминлаши лозим. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда турли воситалардан фойдаланиш лозим. Бунда айниқса, халқимизнинг тарихи, босиб ўтган йўли, ундаги тарихий воқеалар намуна бўла олади.

Тингловчи ва курсантларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси – мамлакатда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойил ва устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир шароитда давлат ва нодавлат ташкилотлар, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олиб, ўзаро ҳамкорликда миллий ва халқаро-ҳуқуқий нормаларга асосланиб олиб борилади. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар шароитида Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

Қуйидагилар тингловчи ва курсантларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тингловчи ва курсантларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

қадим тарихимиз ва маданиятимизнинг буюк намояндалари, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан

фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

тингловчи ва курсантларда ён-атрофда ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга тингловчи ва курсантларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бугуннинг талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали тингловчи ва курсантлар онгига сингдириб бориш.

Тингловчи ва курсантларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими узлуксиз жараён бўлиб, у бир-бирига боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.

Тингловчи ва курсантларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қуролли Кучларнинг умумҳарбий низомлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Тингловчи ва курсантларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари мунтазам равишда тизимли ва илмий асосда ташкил этилади. Тингловчи ва курсантларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимида қуйидагилар иштирок этади:

— таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари;

— оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, шунингдек бошқа ташкилотлар.

Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий принциплари ҳисобланади:

илмийлик; тарихийлик; аниқлик ва тезкорлик; мунтазамлилик; фаоллик; таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги; тарбия жараёнининг изчиллиги; ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш.

Шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жаҳон тарихида асрларга бориб тақалади. Қадимги дунёда ҳам ўз манфаатларини қуролли ҳимоя қилиш тажрибаси ва анъаналарини ёш авлодга ўргатиш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилган. Қадимги дунё цивилизацияларининг ривожланиш хусусиятлари, дин, урф-одат ва анъаналардаги фарқлар, турли этник, иқтисодий ва ижтимоий-маданий омиллар табиий равишда ёш авлодни ҳарбий хизматга тайёрлашга турли ёндашувларни келтириб чиқарган.

Шу билан бирга, қадимги цивилизациялар даврида, фарқларга қарамасдан, ҳарбий таълим қатъий ижтимоий қоидаларга, масъулиятларга эга бўлган ва ҳатто мавжуд мафкура ва дин томонидан белгиланган меъёрлар ва талабларга асосланган. Минг йиллар давомида ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизими шаклланиб, сайқаллашди, изчил камол топди.

Ўрта асрларда диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи кучайиши ватанпарварлик ғоясида ҳам ўзгаришларга олиб келган. Шарқ мамлакатларида, хусусан, ислом дини кенг

тарқалган давлатларда унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни жуда катта эди. Ислом дини ватанпарварликни ақида даражасига кўтарди. «Ватанни севмоқ иймондандир», деган эдилар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.). Ватан озодлиги ва келажаги учун курашган мусулмонлар боқий дунёда жаннатга тушиши ваъда қилинган.

Халқаро ҳамжамият ўртасида обрў-эътибори кундан-кун ошиб, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қураётган Ўзбекистон учун ҳам ватанпарварлик ғоясини ишлаб чиқиш ва тингловчи ва курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади. Унинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Конституцияда шахс–жамият–давлат муносабатлари қонуний тартибга солинган. Масалан, унинг 7-моддасида халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги белгиланган, яъни давлат ҳокимиятининг манбаи халқ эканлиги, у халқ томонидан тузилиши ва халқнинг манфаатларига хизмат қилиши кўрсатилган. Давлатнинг фуқаролар манфаатларига хизмат қилиши ёшларда ҳокимият бошқарувини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга рағбат ҳамда масъулиятни юзага келтиради.

Давлатимизнинг юксалиши учун фидойилик кўрсатиш, қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отган кишиларга хос Ватанни ардоқлаган инсон ўз тақдирини Ватан тақдири билан уйғун кўради. Жамият ва давлат ёшларнинг баркамол ва етук инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ёшлар ташкил этади[1].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар билан ишлашда ўзига ҳос жиҳатларни ҳисобга олишни тавсия этади: «Агар биз бу масалани жой-жойига қўймасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Нега деганда, фарзандларимиз эртага бизга ё ташвиш олиб келади, ё манфаат олиб келади. Лекин биз болаларимизни ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, эртага бизга елкадош, кўмакдош бўлиши учун қилаётган ишларимиз ҳали етарли эмас» дея таъкидлаган[2].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, «бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин»[3].

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида, армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкинлиги, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдликка йўл қўйилиши тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида таъкидлаб ўтиб, аҳолини, аввало, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида бир қатор топшириқларни белгилаб берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарорига мувофиқ ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси тасдиқланди. Ушбу концепциядан келиб чиқиб, бир қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Ушбу дастурга асосланган ҳолда бир қатор вазифаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

– умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар, ИИВ Академияси курсант ва тингловчилари, ИИВ қошидаги лицейлар ва Темурбеклар мактаби ўқувчилари иштирокида ҳарбий спорт ўйинларини ташкил этиш;

– ўқувчи-ёшларни ҳар йили жойлардаги ҳарбий қисмлар, ички ишлар органлари бўлинмалари, ИИВ тизимидаги ўқув муассасалари, олий ҳарбий таълим муассасалари ва Темурбеклар мактабларига экскурсияларни мунтазам ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш;

– бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ИИО ходимлари ва Қуролли Кучлар фахрийлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга киритган ИИО ходимлари ҳамда уруш қатнашчилари, бошқа жанговар ҳаракатлар қатнашчилари иштирокида маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан режали равишда учрашувлар ва давра суҳбатларини уюштириш;

ИИВ Академияси раҳбар кадрлар тайёрлаш факультетида, касбий тайёргарлик факультетида, лицейларида, малака ошириш марказларида ўтказиладиган жанговар тайёргарлик машғулотларига соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларнинг ҳарбий салоҳияти ва жанг қилиш санъати ҳақида мавзулар киритиш;

– ўсиб келаётган ёш авлодда мардлик, жасурлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган бадиий, ҳужжатли, хроникали фильмлар, мультимедиялар, роликлар, шунингдек турли электрон ўйинлар ишлаб чиқилишини ички дастур ва режаларга киритиш;

– ватанимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотирасини абадийлаштириш, айни вақтда ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини муносиб адо этаётган Ватан посбонларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

– ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбийлик касби нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар эришаётган ютуқлар ва уларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар уюштириш.

Тарбияга доир икки ўгит:

Қобилият эгасини тарбия қилмаслик – зулм ва ноқобилни тарбия қилиш ҳайфдир.

Аввалгисини тарбияламасдан, уни нобуд қилма, бунисига тарбиянгни зое қилма[5].

Тингловчи ва курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт. Айнан шунинг учун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳалари каби ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар ҳозирги кунда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»да аниқ белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат олиб борадилар. Уларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда таълим жараёнининг ўрни беқиёс, чунки унда улар касбга оид миллий ва дунё тафаккурининг энг илғор намуналаридан баҳраманд бўладилар.

ИИВ Академиясида сўнгги 3–4 йил давомида ўқув жараёнини янги сифат даражасига олиб чиқиш, мажмуавий машғулотларни ташкиллаштириш ва сифатли ўтказиш мақсадида республикамиз ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳарбий соҳаларда ривожланган чет давлатларнинг турдош ҳарбий таълим муассасалари билан икки томонлама манфаатли ўзаро ҳамкорлик бўйича бир қанча шартномалар ва меморандумлар имзоланди. Хусусан, амалга оширилаётган ишлар доирасида Академияда маълум мутахассисликлар бўйича

таълим олаётган тингловчи ва курсантларнинг ўқув жараёнига, яъни маъруза ва бошқа аудитор машғулотларга Россия Федерациясининг полиция Академияси ва бошқа таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ONLINE тарзда жалб этиб келинмоқда. Шу билан бирга, Туркия, Хитой, Белоруссия ва бошқа давлатларнинг олий ҳарбий таълим муассасалари педагог ходимлари ҳам ИИВ Академиясидаги ўқув жараёнига жалб этилмоқда. Мажмуавий машғулотларнинг сифатини ошириш мақсадида амалга ошираётган ишларимизнинг энг катта ютуғи сифатида ИИО ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиёт ходимлари билан ҳамкорликда маълум бир махсус операция доирасида ўтказилаётган қўмондонлик-штаб ва махсус тактик ўқув машғулотлардаги тергов-тезкор ҳамда жанговар тартиб гуруҳларининг амалий тактик ҳаракатларига курсант ва тингловчиларимиз шахсан жалб этилмоқда. Бунда ҳар бир таълим олувчи курсант ёки тингловчи ўзининг мутахассислиги бўйича гуруҳларга жалб этилиши билан бирга, режа асосида белгиланган вазифаларни масъул шахс сифатида амалий бажаради ва ўз ҳатти-ҳаракатларининг самараси ва сифатига боғлиқ равишда объектив баҳоланади.

Мамлакатимизда жаҳонда юз бераётган зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, ноанъанавий таҳдид ва хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишнинг ишончли тизими яратилди. Бу тизим таҳликали вазиятларнинг олдини олиш, қўшни давлатлар билан тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратишга, барқарорликни сақлаш, меҳр-оқибат муҳитини асрашга имкон бермоқда. Бироқ масаланинг энг нозик жиҳати шундаки, ҳозирги шароитда мавжуд хавф-хатарларнинг мазмун-моҳиятини олдиндан билиш, аниқлаш мушкул. Шу ўринда буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг фикрларига эътибор қаратамиз: «Душман кўзингга кўринмагани учун ундан бепарво бўлма, чунки шамол ҳам кўзга кўринмасдан келади-ю, шамни ўчиради»[4].

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек:

«Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл – заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак».

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Мирзиёев Ш. М.* Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 25 дек.

2. *Мирзиёев Ш. М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б.91.

3. *Мирзиёев Ш. М*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б.486.

4. *Алишер Навоий.* Маҳбуб-ул-Қулуб. – Т., 2020. – Б.77.

***Б. Б. Бурханов****

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТ (ТИНГЛОВЧИ)ЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАДИИЙ АСАРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсант (тингловчи) лари орасида китобхонлик маданиятини ошириш йўли билан уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу-тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, она-Ватан ва халқига муҳаббат, садоқат туйғуларини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларга оид таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** бадиий адабиёт, китоб мутолааси**,** бадиий асарларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўқиш, маънавий етуклик, бадиий асарлар муҳокамаси, китоб ярмаркалари, шахсий кутубхона, курсант.

## ЗНАЧЕНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В РАЗВИТИИ НЕЗАВИСИМОГО И ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У КУРСАНТОВ (СЛУШАТЕЛЕЙ) АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация.** В данной статье представлены предложения и рекомендации по эффективной организации чтения художественной литературы, приводятся мнения о мерах, направленных на повышение духовного и интеллектуального потенциала, сознательности и мировоззрения курсантов (слушателей) Академии МВД Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** художественная литература, чтение книг, групповое чтение произведения искусства, духовная зрелость, обсуждение произведений искусства, книжные ярмарки, личная библиотека, курсант.

## THE IMPORTANCE OF FICTION IN THE DEVELOPMENT OF CRITICAL AND CREATIVE THINKING IN CADETS (LISTENERS) OF THE ACADEMY OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Annotation.** This article presents proposals and recommendations on the formation and effective organization of reading books, comments on measures aimed at improving the efficiency of activities in this area, opinions on measures to increase the spiritual and intellectual potential, consciousness and worldview of the cadets (listeners) of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** fiction, reading comprehension, reading fictions dividing different groups, spiritual maturity, fictional books comprehension, book fair, personal library, cadet.

Юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Зеро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг порлоқ келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

***Бурханов Баҳодир Бахтиёрходжаевич,** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўқув жараёнини мониторинг қилиш маркази катта ўқитувчи-методисти.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, давлатимиз раҳбари, аввало, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар миқдорини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади[1].

Таълим масканларида, айниқса олий таълим муассасаларида ёшларни ижодий фикрлашга чорлайдиган турли хил мазмундаги педагогик методлар мавжуд. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида бадиий китобхонликни ташкил этиш ва уларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни уйғотиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 2017 йил 5 июль ПФ-5106-сон фармони ҳамда «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги 2017 йил 13 сентябрь ПҚ-3271-сон қарори ижроси юзасидан жойларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги ВМ-781-сон қарори билан тасдиқланган «2020 – 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш» Миллий дастурида китобхонлик соҳасидаги миллий ва илғор хорижий тажриба таҳлили асосида Ўзбекистонда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни янги босқичга кўтариш, китоб маҳсулотини яратиш, чоп этиш, етказиб бериш, китобхонликни оммалаштириш, илмий-методик таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, китобхонлик инфратузилмасини бошқариш билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Шу билан бирга, дастурнинг асосий мақсади – китобхонлик маданиятини ривожлантириш, ижодкорлар, ноширлар ва китоб тарқатувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини изчил ва самарали ташкил этиш орқали фаол китобхонлар сафини кенгайтириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишдан иборат.

Соҳибқирон Амир Темур «Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрок, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир» [2], дея уқтирган бўлса, буюк мутафаккир Алишер Навоий «Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи», дея таъкидлаган [3].

Маънавий жасорат соҳиби деб ардоқланган атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафутдинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф бериб, китобнинг қудрати хусусида шундай дейди: «...етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюк одамлар қайд қилган» [4] .

Китобнинг биринчи мўъжиза эканига бутун вужуди билан ишонган адабиётшунос олим фикрининг теран томирлари қандай сарчашмалардан сув ичганини навбатдаги мулоҳазаларимиз тасдиқлайди. Жумладан, ёзувчи ва файласуф Джонатан Свифт «Китоблар ақл фарзандларидир» [5], деса, педагог ва ёзувчи Яков Коменский «Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир» [6], дейди. Кўриниб турибдики, маънавий камолотга етакловчи беминнат устоз ва битмас-туганмас маънавият махзани саналган китоб ҳақидаги фикрларни бир жойга жамласа, уларнинг ўзи бир улкан китоб бўлиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ҳам китоб мутолаа қилиш, китобхонлик маданиятини яхшилаш мақсадида Вазирлик ва Академия раҳбарияти томонидан бир қатор буйруқ ва фармойишлар қабул қилинган. Жумладан, доимий ва ўзгарувчан шахсий таркиб ўртасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини тарғиб қилиш, уларнинг мутолаа ва китобхонлик маданияти, маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу-тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадида «Ахборот-ресурс маркази бадиий адабиётлар кутубхонаси қошида «Китобхонлик тўгараги»ни ташкил этиш тўғрисида»ги 2018 йил 30 июнь, «Ахборот-ресурс маркази бадиий адабиётлар кутубхонаси қошидаги «Китобхонлик тўгараги»нинг низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 31 июль ҳамда «Доимий ва ўзгарувчан таркиб ўртасида «Энг илғор китобхон ходим» ва «Энг илғор китобхон курсант» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги 2018 йил 22 август буйруқлари ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларни мисол келтириш мумкин.

ИИВ Академиясида китобхонлик муҳитини шакллантириш учун ўтказилаётган тадбирлар тизимли равишда ташкил этилса, кўпроқ самарадорликка эришиш мумкин. Ҳозирги кунда курсант(тингловчи)лар Академия Ахборот-ресурс марказида бўлган турли жанрдаги бадиий асарларни мутолаа қилмоқдалар. Фикримизча, улар кўпроқ маънавий етукликка чорлайдиган ва касбий фаолиятини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган, детектив жанрида ёзилган бадиий асарларни мутолаа қилсалар, мутахассисликка доир фанларни янада ўзлаштиришларига ижобий таъсир этиши шубҳасиз.

В.А. Касамара ва А.А. Сорокина фикрига кўра: «Сиёсатшуносликнинг асосий мавзуларини ўрганишда бадиий адабиётдан кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият берамиз. Маърузаларда ўқитувчи муайян мавзуни сиёсатшунослар, социологлар ва иқтисодчиларнинг ишларидан фойдаланиб, турли назарий ёндашувлар нуқтаи назаридан баён қилади. Семинарларда бу мавзуларни ўқувчиларнинг ўрганилган назарий материалга «кўникиши», уни образли ва ҳиссий даражада ўзлаштиришига ёрдам берувчи бадиий асарлар асосида кўриб чиқишга катта эътибор қаратамиз» [7].

Билдирилган фикрни маъқуллаган ҳолда қўшимча қиладиган бўлсак, ўқитувчи фанга оид мавзуларни ўтказишдан аввал курсант(тингловчи)ларга мавзуга оид ёки мазмунан унга яқин бўлган энг яхши бадиий асарларни тавсия этса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки мазкур методда курсант(тингловчи)лар томонидан ўқув машғулоти мавзусига оид айрим билимларни образли ва ҳиссий даражада ўзлаштирилишига ҳамда машғулотда мавзунинг мазмунини илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан янада осон тушунишга ёрдам беради.

Д.С. Сафарованинг назарида: «...таълимнинг етакчи вазифаларидан бири ўқувчиларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни шакллантириш, ундаги воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этишга ўргатишдир. Бунинг учун аввалambор, ҳар бир ўқитувчи у қайси фандан дарс беришидан қатъи назар, ўқувчини китоб ўқишга қизиқтириш йўллари, шарт-шароитларини билиши зарур» [8].

Фикримизча, курсант(тингловчи)ларда бадиий китоб ўқишга бўлган қизиқишни ошириш усулларидан бири, маълум бир бадиий асарни гуруҳ-гуруҳ бўлиб мутолаа этишни ташкил этишдир. Ҳар бир курсант(тингловчи) алоҳида тартибда турли хил бадиий асар ўқиб, китоб мазмунини ўзича муҳокама қилганидан кўра, муайян бадиий асарни гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бир вақтда ўқилса ва ўзаро муҳокама этилса, унинг мазмунини тушуниш ва ҳаётий фаолиятга татбиқ этиш осон кечади.

Бундай амалиётни жаҳоннинг кўплаб нуфузли таълим масканларида кузатиш мумкин. Масалан, АҚШнинг Каролина штатида жойлашган Black mountain college таълим маскани талабалари гуруҳларга бўлинган ҳолда учта асарни мутолаа этиш учун танлаб, маълум вақтдан сўнг ўқилган китоблар муҳокамасини ўтказиш мақсадида

учрашадилар ва ҳар бир гуруҳ аъзоси асар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Учрашув сўнггида навбатдаги ўқиладиган асарларни белгилаб оладилар [9].

Юқорида қайд этилганлар билан бирга, бир бадиий асарни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўқишнинг, яна қуйидаги ижобий томонларини кузатиш мумкин:

– курсант(тингловчи)ларнинг бадиий асарларни ўқишга бўлган қизиқишлари янада ортади;

– курсант(тингловчи)лар орасида китобхонлик бўйича соғлом фикр алмашиш муҳити вужудга келади;

– ҳар бир ўқилган бадиий асар курсант (тингловчи)лар орасида сўзсиз қизғин муҳокамага сабаб бўлади;

– ҳар бир курсант (тингловчи)да ўз дунёқараши ва савиясидан келиб чиқиб, асардаги воқеа-ҳодисаларга, ундаги қаҳрамонларга нисбатан ўзининг шахсий муносабатини билдириш қобилияти шаклланиши билан бирга унинг мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмалари мунтазам ривожланиб боради;

– курсант (тингловчи)ларда тафаккур қилиш, ҳодисанинг моҳиятини англаш, фуқаролар билан эркин мулоқотда бўлиш ва бошқа қатор ижобий кўникма ва малакалар ривожланиб боради;

– ёзма нутқ белгиларини талаффузда ифодалаш ҳамда матнни ифодали ўқий олиш малакаси ўсиб боради.

Курсант (тингловчи)ларнинг бадиий китобларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб мутолаа этишини ташкил этишдан аввал энг яхши ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари ҳисобланган камида юздан ортиқ бадиий асарлар рўйхатини тузиб чиқиш ва уларга ўқишни тавсия этиш лозим. Курсант (тингловчи)лар ИИВ Академиясида таълим олиш давомида тавсия этилган бадиий асарлардан ўртача ўзлари танлаган қирққа яқин бадиий асарларни мутолаа эта олишлари мумкин.

Бадиий асарлар рўйхати ИИВ Академияси Ахборот-ресурс марказида курсант (тингловчи)лари томонидан энг кўп ўқилган бадиий китоблар таҳлили натижаларини ўрганиш орқали, кўпчилик профессор-ўқитувчиларнинг билдирган фикр ва тавсияларидан келиб чиқиб, шунингдек, энг яхши ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари ҳисобланган бадиий асарларни ўрганган ҳолда ва курсантлар орасида ўтказилган сўровлар натижасида шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Танланган бадиий асарлар мутолааси уч ўқув йилига, яъни 36 ойга тақсимланади. Шунда, ҳар чоракда учта бадиий асарни мутолаа этиш мумкин бўлади. Ҳар чорак якунида ўқилган бадиий асарлар бўйича, бадиий фильмлар суратга олинган бўлса, уларни курсант (тингловчи)ларга намойиш этиб борилиши нур устига аъло нур бўлади.

Ўқилган асар асосида суратга олинган бадиий фильмлар намойишининг ижобий томони шундаки, асарни ўқиб чиққан курсант (тингловчи)ларнинг тасаввури турлича бўлса, фильмда асар қаҳрамонлари, воқеа-ҳодисаларни томоша қилганларидан сўнг уларнинг асар бўйича тасаввурлари равшанлашади. Малакали актёрларнинг, масалан, терговчи, прокурор, судья ролидаги образларида ўзларини кўришга, уларнинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан олиб борган суриштирув, тергов, кузатув жараёнлари уларда касбий психологиянинг шаклланиши ва ривожланишида ижобий рол ўйнайди.

Калифорния Давлат университетининг профессори С.Л. Биверс талабаларнинг танқидий таҳлил кўникмаларини ривожлантириш учун сиёсий фанни ўқитишда кўргазмали воситалар: ҳужжатли фильмлар ва бадиий фильмлар, янгиликлар, видеолар ва бошқаларни биргаликда кўриш ва муҳокама қилиш лозимлигини, шу билан бирга, таҳлилда у ёки бу ахборот қандай тақдим этилиши, мавзу қай тарзда очиб берилиши, бу материал оммавий аудиторияда қандай баҳоланишига, муаллиф сиёсий ҳаётнинг у ёки бу ҳодисасини қандай изоҳлашига эътибор қаратади [10].

Ушбу билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда курсант (тингловчи)лар томонидан ўқилган асарлар ва улар асосида ишланган бадиий фильмларни кўриб бўлинганидан сўнг адабиётшунослар, соҳа мутахассислари ва тажрибали профессор-ўқитувчилар иштирокида муҳокамалар ўтказилса, касбий фаолиятга боғлаб, тизимли равишда таҳлил этиб борилса, уларнинг келажакда касбий психологик кўникмаларга эга бўлган, профессионал ички ишлар ходими сифатида фаолият олиб боришларига ва энг асосийси, касбий фаолиятининг принципиаллик позицияси мустаҳкамланишига эришиш мумкин.

Ўз мутахассислигига оид бадиий китобларни кўпроқ ўқиган курсант (тингловчи) ларда фуқаролар билан муомалага киришганда босиқлик, қонун талабларига асосан жавоб қайтариш, ўз фикр-мулоҳазаларини аниқ ифода эта олиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларга психологик ёрдам кўрсата олиш кўникмалари ривожланади. Масалан, таниқли ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат», Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам», Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» каби асарлари, жаҳон адабиёти намояндалари бўлган Фёдор Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», Александр Дюманинг «Иф қалъасининг маҳбуси», Теодор Драйзернинг «Америка фожиаси», Артур Конан Дойлнинг «Шерлок Холмс саргузаштлари», Марко Незенинг «Спрут», Марио Пьюзонинг «Чўқинтирган ота», шунингдек, Агата Кристининг энг сара асарларидан «Пуаро тергов қилади», «Айблов гувоҳи», «Ўғирланган миллион доллар» каби детективлари шулар жумласидан.

Ушбу асарларда жиноят нафақат далиллар асосида, балки жиноятга қўл урган шахсларнинг руҳий ҳолатлари ўзгариши, моҳир изқуварларнинг индуктив, дедуктив ҳис-туйғулари, ўткир зеҳни орқали очилади.

Агар ҳар чорак якунида ўқилган учта бадиий асар бўйича синовлар ташкил этилса ва энг яхши натижа кўрсатган курсант (тингловчи)лар муносиб тақдирланса, бадиий асарларни ўқишга бўлган қизиқиш яна ҳам ошишига эришиш мумкин.

Kun.uz'нинг «Хориждаги ўзбеклар» рукнида Японияда таҳсил олиб қайтган 37 ёшли Зокир Раҳимов ўз таассуротларини қуйидаги фикрлари орқали билдиради: «... Мен Япония, Жанубий Корея давлатлари қай тарзда ривожланди, тараққий этишда катализатор вазифасини ўтаган омиллар нималардан иборат, деган саволларнинг жавобларига қизиқдим. Ҳар бир ривожланиш ва иқтисодий ўсиш – таълим тизими, илмий изланишлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрдим. Тўғри, таълим, илмий изланишларга эътибор долзарб эканини биламиз, дейишингиз мумкин. Бироқ Японияни ажратиб турадиган жиҳат бу – мактабда билим бераётган ўқитувчи ва оилада таълим-тарбия бераётган ота-она гапларининг бир хиллигида. Бу ерда болалар ўзлари қизиққан йўналишдаги университетга ўқишга кириш учун фанлардан ёзма ва тестлар топширишади. Университетда бюджет ўринлар йўқ. Япон талабаларининг ўқиш пулларини айрим ҳолларда уларнинг ота-оналари тўлашса, баъзида уларнинг ўзлари ресторан ва дўконларда ишлаб топишади. Японияда талабалар учун университет томонидан барча шароитлар ҳозирланган. Кутубхоналарда бўш ўрин топиш қийин. Шунинг учун жойларни олдиндан банд қилиш тизими жорий этилган. Интернет орқали китоб ва мақолаларни топиб ўқиш оммалашган» [11].

Бугунги кунда ИИВ Академияси Ахборот-ресурс марказида билимини ошириш учун ўз устида ишлаётган курсант(тингловчи)ларни кўриш мумкин. Айрим вақтларда Ахборот-ресурс марказида бўш жойлар қолмайди. Агар Академияда китоб ўқиш муҳитини янада жадаллаштирилса, Ахборот-ресурс марказига бориб, бадиий асар ўқиш учун зарурат қолмайди. У ерда асосан махсус адабиётлардан, Интернет тармоғидан эркин фойдаланишлари мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таклиф этилаётган тадбирлар комплексини амалга ошириш орқали курсант(тингловчи)лар ҳар куни мустақил таълим вақтида ёки

бўш вақтларида камида бир соат бадиий асар мутолааси билан машғул бўлишлари, улар орасида ҳар бир ўқилган асар бўйича ўзаро фикрлашиш муҳитини вужудга келтириш, шунингдек, замонавий педагогик технологиялар ҳисобланган «Дебатлар», «Жамоа бўлиб мунозара юритиш», «Мунозара», «Баҳс» [12] ва шу каби бошқа интерактив таълим методларини барча ўқув йиллари давомида узлуксиз ва мустақил тарзда қўлланилишига эришиш мумкин. Ушбу методларнинг асосий моҳияти шундаки, Академия курсант (тингловчи)лари ўз фикрини ҳимоя қилиш, эркин фикрлаш ва керак бўлса, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ўргатади. Бунинг натижасида уларнинг ўқув режасида белгиланган фанларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етиш, ўқув жараёнида эгаллаган билимларни таҳлил этиш ва таҳлиллар натижасида мустақил қарорлар қабул қила олишларига имкон яратади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Президент Ш. Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича 2020 йил 30 октябрдаги видеоселектор йиғилиши. – URL: https://president.uz/uz/lists/view/3924

2. Инсон ҳаётида жуда муҳим бир дўст бор... – URL: http://old.uza.uz/oz/culture/inson-ayetida-zhuda-mu-im-bir-d-st-bor--03-06-2020

3. Китоб, китобхонлик, кутубхона – маънавиятнинг уч илдизи. – URL: https://postda.uz/uzc/news/spirituality/kutubxona

4. «Ҳар ҳафтада бир китоб мутолаа қиламиз» танлови навоийликларнинг китобхонлик байрамига айланмоқда. – URL: https://uza.uz/oz/society/-ar-aftada-bir-kitob-mutolaa-ilamiz-tanlovi-navoiyliklarning-15-11-2019

5. Китобхонлик – ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш омили. – URL: http://iqtidor.uz/uzc/main/article/207

6. *Сафоев Ж.* Китоб – биринчи мўъжиза // Жаҳон адабиёти. – 2017.– 4-сон.

7. *Касамара В. А., Сорокина А. А.* Художественная литература в преподавании политологии // Вопросы образования. – 2009. – №3. – URL: https://cyberleninka.ru/article/n/hudozhestvennaya-literatura-v-prepodavanii-politologii.

8. *Сафарова Д. С.* Китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчи-ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш // Современное образование (Узбекистан). – 2017. – №6. – URL: https://cyberleninka.ru/article/n/kitobhonlik-madaniyatini-shakllantirish-or-ali-uvchi-yoshlarni-turli-yot-oyalar-tasiridan-imoya-ilish.

9. The Makings of an Art Theory Reading Group (+ 3 Books to Start Your Own) https://www.blackmountaincollege.org/reading-group/

10. *Beavers S.L.* The west wing as a pedagogical tool // Political Science and Politics. – 2002. – №7.

11. «Япон университетлари кутубхонасида бўш жой топиш қийин» — Токиода ўқиб қайтган тадқиқотчи таассуротлари. – URL: https://kun.uz/39204345

12. *Мухамедов Ў.Х.* Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар: Ўқув-услубий тавсиялар / Ў.Х.Мухамедов, М.Ҳ.Усмонбоева, С.С. Рустамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 45 б.

## «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»да нашр этиш учун тақдим этиладиган мақолалар қўлёзмаларига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

Қўлёзмалар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ахборотнома йўналишига мос келиши, яъни ҳуқуқшунослик фани, жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммоларига бағишланиши;

илмий таҳлил ва баҳс-мунозаралар бўлиши;

матбуотда ёки электрон нашрларда эълон қилинмаган бўлиши;

материал назарий ва методологик жиҳатдан пухта, келтирилган статистик маълумотлар, ижтимоий сўров натижалари ишончли ва тўғри, хулоса, таклиф ва тавсиялар асосли бўлиши;

матн мантиқан изчил, фикрлар аниқ, лўнда баён этилиши;

мақолада очиқ матбуотда эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар бўлмаслиги (тегишли далолатнома билан тасдиқланиши) лозим.

Мақола ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сарлавҳа, аннотация ва таянч сўзлар билан бошланади.

Сарлавҳа мақоланинг моҳиятини аниқ ва қисқа тарзда акс эттириши керак.

Аннотацияда мақоланинг мақсади, мазмун-моҳияти қисқача баён этилади.

Таянч сўзлар мақоланинг мазмуни ва мақсадини энг қисқа тарзда очиб берадиган, Интернет қидирув тизимида мақолани осон топиш учун мўлжалланган ва матнда ўртача 5–10 марта такрорланадиган асосий сўзлар бўлиб, одатда 7-10 та келтирилади.

Мақола матни Microsoft Office Word матн муҳарририда «Times New Roman» 14 шрифтида, сатрлар оралиғи – 1,5 оралиқда; аннотация, таянч сўзлар, фойдаланилган адабиётлар ва ҳаволалар эса 12 шрифтда 1 интервалда терилган бўлиши; саҳифа ўлчами – А4 (210мм х 297 мм). Матн грамматика қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда баён этилиши шарт.

Мақола ҳажми 10 бетдан (20 000 белгидан) ошмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар охирги 5-6 йил ичида чиққан бўлиши тавсия этилади.

Ҳаволалар матнда квадрат қавс ичида адабиётлар рўйхатига мувофиқ келтирилади: агар бутун адабиётга ҳавола қилинса – [1], [2] ... тарзида, тегишли саҳифасига ҳавола қилинса – [1, Б.3–4], [10, Б.39–40]... шаклида берилади. Қонун ҳужжатларига ҳавола берилмайди, матн ичида номи, санаси ва рақами кўрсатилади.

Библиографик маълумотлар O`zDSt 1215:2009 стандарти бўйича шакллантирилиб, мақола охирида фойдаланиш кетма-кетлиги тартибида берилиши керак.

Мақоладаги чизмалар (сурат, диаграмма, жадвал ва бошқа графиклар) кўпи билан 3-4 та бўлиб, бевосита мақола матнида баён мантиғига мувофиқ жойлаштирилиши ҳамда алоҳида файлда ҳам тақдим этилиши лозим. Расмларнинг электрон варианти *.jpg форматда бўлиб, жадваллар кетма-кет рақамланиши зарур.

Электрон файл номи мақола муаллифининг фамилиясига мос келиши зарур. Масалан, Алиев.docx ва ҳ.к.

Мақолага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

мақола муҳокама қилинган кафедра, бўлим (агар муаллифнинг иш жойида мавжуд бўлмаса, ИИВ Академиясининг тегишли кафедраси) мажлис баённидан кўчирма (кафедра бошлиғи ва котиб томонидан имзоланиб, тасдиқланган, йўналиши ёки мутахассислик коди ва номи кўрсатилган бўлиши лозим) ёки муаллиф ишлайдиган муассаса раҳбарининг мақолани нашрга тавсия этиши ҳақидаги йўлланма хати;

матнда очиқ матбуотда эълон қилиш ман этилган маълумотлар йўқлигини тасдиқловчи (муассасанинг гербли муҳри босилган) эксперт хулосаси;

тегишли соҳа бўйича илмий малакага (имкон қадар фан доктори даражасига) эга икки нафар мутахассиснинг белгиланган тартибда тасдиқланган тақризлари (тақризчиларнинг иш жойи, лавозими (агар мавжуд бўлса), Ф.И.Ш., илмий даража ва унвони, имзоси ва имзолаган санаси кўрсатилиши шарт);

муаллиф(лар) тўғрисида қисқача маълумот – ўзбек, рус ва инглиз тилларида исми шарифи (паспорт бўйича тўлиқ), иш жойи (ташкилотнинг номи ва юридик манзили), эгаллаб турган лавозими, илмий даража ва унвонлари, алоқа учун маълумотлар (телефон рақамлари, электрон почтаси ёки телеграм манзили).

Таҳририят мақолаларни таҳрир қилиш ва қисқартириш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги ҳолатларда мақола нашрга қабул қилинмайди:

мақола юқорида келтирилган талабларга мос келмаса;

бировнинг илмий фикр, хулоса ва қарашлари ўзлаштирилган бўлса (плагиат);

Таҳрир ҳайъати ва экспертлар томонидан нашрга тавсия этилмаса.

Мақолалар фақат электрон шаклда тақдим этилади. Мақола қўлёзмаси (Word шаклда) ҳамда илова ҳужжатлари (фақат PDF шаклда) қуйидаги электрон манзил бўйича юборилиши керак: axbakad@inbox.uz. Тел. +998-71-265-23-56.